

*Адиб ға  
жасамият*



Лукмон Бўрихон

# БЕГОНАЛАР

## юрмас бу ерда

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

*Адиб ба  
жамият*

ЛУҚМОН БУРИХОН

# БЕГОНАЛАР ЮРМАС БУ ЕРДА

*Роман*



ТОШКЕНТ  
«MASHHUR-PRESS»

32951

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI  
ToshDO'TAU  
AXBOROT-RESURS MARKAZI

УУК: 821.512.133-32

КБК: 84(5У)6

Б 99

Б 99      **Бўрихон, Луқмон**

**Бегоналар юрмас бу ерда** [Матн]. Роман / Луқмон Бўрихон.  
– Тошкент: «MASHHUR-PRESS» нашриёти, 2019. – 288 б.

ISBN 978-9943-5568-8-1

Нашр учун масъул:

**Орзиқул ЭРГАШЕВ**

Таникли ёзувчи Луқмон Бўрихон қаламига мансуб мазкур романда истиқлоннинг дастлабки даври, ғалла мустақиллиги учун қизғин кураш олиб борилган йиллар тасвиirlанади. Хароб, заиф ҳолатга келиб қолган корхона қаддини тиклаш, тадбиркорликни, ишбилармонликни йўлга кўйиш ниятидаги бош қаҳрамон жиддий тусиқларга учрайди. Аммо у ўзининг сабр-тоқати, ақл-заковати билан барча қийинчиликларни енгиг үтишга ҳаракат қиласи. Асар драматик, кескин воқеаларга бой. Китобхонни ўзига оҳанрабодай тортиб туради. Асар қаҳрамонлари қисмати ўкувчини бефарқ қолдирмайди. Мазкур роман ҳам Луқмон Бўрихоннинг бошқа асарлари каби катта қизиқиши, завқ-шавқ билан ўқилишига ишонамиз.

УУК: 821.512.133-32

КБК: 84(5У)6

ISBN 978-9943-5568-8-1

© Луқмон Бўрихон, 2019  
© «MASHHUR-PRESS», 2019

**«Тадбиркорнинг йўлига тўсиқ булиш –  
давлатга хиёнат!»**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**БИРИНЧИ ҚИСМ**



1

Шом шафағи осмон этагига қондек сараб кетган талош пайтида у кетди. Машинасининг йиғидан қизарған күздек чироқлари күрінмай қолгунича изидан қараб қолдим. Шаҳриёр ака атиги үн беш дақиқа аввал тұстадан идорага кириб келган чөг күнглимда қалқан қувонч үрнини беадоқ маҳзунлик әгаллади. Үн беш дақиқа илгари дийдорлашув рүй бердими ё хайрлашув, билолмай қолдим.

Иш вақты тұгаган, уйға кетишігә ҳозирлик құрадым. Йұлакда ола-тасир, шошқан қадам товушлари әшиналди. Кечки пайт ким келди экан, деб үйлаб турған чөгим әшик шитоб билан очилиб Шаҳриёр Эшбекович шамолдай кириб келди.

– Фозил, қалайсан? – деди қүришиш учун құл узатиб.

Мен ҳайратту қувонч оғушида саросималаниб қолдим. Бир сүз демай нүқул илжаяман.

– Равшан шу ердами? – сұради у бошлиқ хонасига ишора қилиб.

– Ық, – зұрға тилга кирдим мен, – мажиссига кетганди, ҳали қайтмади.

– Тушунарлы. Кабинет очиқми?

– Ҳа.

– Кирсак бұладими?

– Ия, бемалол, – дедим хижолатланиб, – у ердан ҳали сизнинг ҳидингиз кетгани йўқ, ака.

– Рұхингиз ҳамиша барҳаёт, дейсан-да, а, – жилмайди собық бошлиғимиз.

Рост, корхона раҳбарлиги лавозимидан озод этилганидан бери иккі-уч ҳафта үтган бўлса ҳам, ҳануз Шахриёр Эшбековични шу ерда, ёнгинамизда ҳис этамиз. Кулгулари, тагдор ҳазил-хузуллари, гап-сўзлари ҳали-ҳали қулоқларимиз остида жаранглаб туради.

– Ичкаридаги картинаси олиб кетишм керак, шунга келгандим, – деди у бошлиқ хонасига ишора қилиб.

– Хўп, ҳозир олиб чиқаман.

– Йўқ, – Шахриёр aka қулидаги чарм жилди, қалин ёзув дафтарини столим устига қўйди, – девордан ўзим ечиб олишим керак, биласан-ку, иримим бор.

Ҳа, бир пайтлар шу суратни хонаси деворига ўзи осган, қочинглар, ҳаммасини ўзим эплайман, деб бизнинг ёрдамимизни рад этган, аслида, Жананинг совғасига бошқалар қўли тегишини истамаган эди.

– Хўп, aka, ихтиёрингиз, – деб қўйдим.

Шахриёр Эшбекович ичкарига кириб қатор стуллардан бирини деворга яқин сурди, сўнг унинг устига чиқиб девордаги “Тоғдай-тоғдай тўлқинлар оша мағур сузиб бораётган кема”ни ечиб олди. Бу орада мен столим устидаги қалин ёзув дафтарининг муқовасидаги бир-бирига чирмашган икки қўл тасвирини томоша қилиб турдим.

– Бўлти, – деди Шахриёр aka столни яна апил-тапил жойига қўяркан, – сазанг ўлмасин, картинаси машинага олиб чиқа қол.

– Хўп. Ака, лекин анови Жананинг руҳи чирқирамайдими? – дедим у кишининг ўзига хос ҳазил қилишга уриниб.

Шахриёр aka уст-бошини қоқа-қоқа ортимдан келаркан:

– Бир мартаға кечиради, – деб қулди.

Апрелнинг илиқ бир оқшоми эди. Чор-атроф аста-секин тун чодрасига ўрана бошлаган. Кунботардан муздеккина эпкин эсив турарди.

Қоровул тавозе билан дарвозани очди.

– Пиримқул, чарчамаяпсанми? – деб қүйди унга Шаҳриёр ака.

– Ака, – қоровулнинг товуши чиндан ҳам ҳорғин ва маъюс чиқди, – сиз кетгандан бери ўн ёшга қаригандай бўп қолдим.

Шаҳриёр Эшбекович унинг елкасига қоқиб қўйди.

– Ўн ёшга қариган бўлсанг, анча ақлинг тўлиб қопти, бу ҳам катта давлат.

Кулишдик. Қоровул собиқ раҳбаримизни бағрига маҳкам босди.

– Яхши боринг. Соғ-омон бўлинг. Бизни эсдан чиқарманг.

– Хўп. Ваъда бераман. Яхши бораман. Соғ-омон бўламан. Асло унумтмайман. Сизлардай оқ кўнгил, мард одамлар билан ишлаганимдан хурсандман.

Шаҳриёр Эшбекович қўлимдан картинани олди. Ўзи машина багажига авайлаб жойлади. Сўнг елкамдан енгилгина қучиб хайрлашиди.

– Равшанга тайинлаб қўйибман. Сени хафа қилмайди. Газини босиб ишлайвер.

– Хўп, ака. Яхши етиб олинг.

Машина оҳиста жилди. Негадир кўнглим бузилиб кетди. Кўзларим ёшланди. Ортга ўгирилсам, Пиримқул ҳам қароқларини енгига артяпти.

– Ака, ажойиб раҳбар эди. Ҳаммамизга меҳрибон эди, – деди у ҳирқираган товушда.

Мен яна хонамга қайтиб кирдим. Кирдиму столим устида қолиб кетган ёзув дафтарига кўзим тушди.

“Об-бо, эсларидан чиқибди-ку”, – ўйладим афсусланиб, – балки, яна изга қайтар”.

Лекин бу гапимга ўзим ҳам ишонмадим. Чунки Шаҳриёр Эшбековичнинг одатини яхши биламан: у киши ортга қайтишини ёмон кўради, ўзи айтгандай, ирим қулади.

Оғиргина ёзув дафтарини оҳиста қўлга олиб ичини очдим. Чарм жилд орасига тўрт қатланган эски бир газета парчаси солиб қўйилган экан. Ҳойнаҳой, бу нашрда қачонлардир Шаҳриёр ака ҳақида мақола чиққан. Ана, у киши отасининг, донгдор раис Эшбек Холёровнинг бюст-ҳайкалчасига суюниб тушган сурати ҳам шундан дарак бериб турибди. Биламан, бу ёдгорлик Бештерак қишлоғидаги Эшбек Холёров номи билан аталадиган мактаб ҳовлисига ўрнатилган. Адашмасам, бу сарғай-ган, ҳилвираган газетани кимдир қўполлик билан йиртиб оёқ остига ташлаганга ўхшайди. Шаҳриёр ака уни топиб, ёзув дафтари жилди орасига солиб қўйган бўлса керак.

Мен ўша бефаросат "газетхон"нинг тажовузидан омон қолган сатрларга кўз ташладим.

\* \* \*

"...оддийгина, камтаргина оиласда ўсиб-улғайди. У ўрта мактабни тугатган пайтлар акаси Тошкент қишлоқ хўжалиги институтида таҳсил оларди. Минг бир орзулар осмонида учиб қўниб юрган Шаҳриёр ҳам нуфузли бир олий ўкув юртини кўзлаб турарди. Аммо отаси, иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, қатор орден ва нишонлар соҳиби, узоқ йиллар йирик бир жамоа хўжалигига раислик қилган, халқ тили билан айтганда, бошқа амалдорларга ўхшаб мол-дунё кетидан қувмаган, ҳалоллиги туфайли косаси оқармаган, лекин ҳамиша боши баланд, кўкси тоғ Эшбек ака Холёров ўспирининг шаштини қайтарди. Ўғлим, деди ўша кезлар анчагина қариб қолган, касалманд ота, мен ҳам ўқишингни истайман, лекин шароитни кўриб турибсан, қўлимиз юқа, тўғриси икки талабани боқишига қурбим етмайди, шунинг учун ўқиш масаласида сал-пал шошилмай турсанг, бирор ерда ишлаб, рўзғорга ёрдам берсанг, бизни хўп хурсанд қиласдинг-да. Ўшанда Шаҳриёрнинг

томоғига аччиқ бир хүрлик тиқилди. Хұнграб йиғлаб юбормаслик учун падари бузруквори олдидан узоклашаркан, хўп, отажон, сиз истагандай бўлади, деди аранг. Йўқ, ўшанда, Шахриёр орзулари осмонидан қулагани, ўқишга боролмай қолгани учун эмас, бир пайлар боши баланд, қадди тик, нигоҳлари ўтқир отасининг, дамига ош пишадиган, бирор осонликча олдини кесиб ўтолмайдиган, қаттиққўл, ҳақиқатгўй раиснинг шундай ғариб аҳволга тушиб қолганидан ўксинди, кўнгли бузилди. Аммо начора, осмон йироқ, ер қаттиқ. Тақдир ҳукмига бўйсунмоқдан бошқа илож йўқ. Шахриёр ўша кезлари эндиғина куриб битказилган Шайхалидон маҳсулотлари комбинатига оддий ишчи сифатида амал-тақал ўрнашди. Имкон қадар рўзғорнинг иқтисодига ёрдамлашиб юрди. Шу орада акаси Комилжон ҳам институтни битириб қайтди. Кўшни тумандаги ҳужаликларнинг бирида агроном сифатида иш бошлади. Пайтдан фойдаланиб Шахриёр отасининг рухсати билан Тошкент технология техникумига сиртдан ўқишга кирди. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда назарий билимларини ошира бошлади. Комбинат директори Абдулла aka Раҳмонқулов Шахриёрдаги ўзига хос иқтидорни, салоҳиятни, айниқса, ҳалолликни тез илғади. Унга ишонч билдириб бирин-кетин масъулиятли вазифаларни топшира бошлади. Аввалига бош ҳисобчиға ёрдамчилик қилиб юрган бештераклик йигитчани, кейинчалик, катта уста, бўлим бошлиғи лавозимларига кўтарди. Устознинг йўл-йўриқларидан, амалий кўмагидан руҳланган Шахриёр олий маълумот олиш учун Москва озиқ-овқат саноати институтига сиртдан ўқишга кирди. Худди шу орада, баҳор барқурниб турган кунларнинг бирида Холёровлар оиласи оғир мусибатга йўлиқди. Шахриёрнинг акаси Комилжон автоҳалокат туфайли йигирма етти ёшида ҳаётдан қўз юмди. Бу машъум жудолик Эшбек аканинг, унинг рафиқасининг эгик

қаддини баттар эгіб қўйди, ич-ичини емирди. Шахриёр ҳам хийла эсанкираб қолди. Чунки унинг зиммасидаги рўзғор ташвиши янада оғирлашган эди. Аммо бу кўргулик ҳали ҳолва экан. Орадан уч-тўрт йил ўтиб Эшбек ака ҳам бандаликни бажо келтирди. Ўлимидан сал аввал отаси Шахриёрни ёнига чорлаб бошини силади, ўғлим, сендан миннатдорман, мингдан-минг розиман, гапимни ҳеч икки қилмай, ҳамма айтганларимга қўндинг, йўл-йўриғимдан чиқмадинг, Худонинг ўзи сени зиёда қилсин, деди майнин табассум билан. Отасининг видолашув монанд гапларидан, дуоларидан Шахриёрнинг баданлари жимиirlаб кетди. Сергак тортди. Отажон, сизнинг измингиздан юриб асло кам бўлмадим, нега бундай гапларни айтаяпсиз, деди безовталаниб. Эшбек ака бирдан жавоб бермади. Анча пайт ўйчан тургач, яна ўғли томон ўша табассум билан юзланди. Болам, ишда, турмушда хийла пишидинг, оку қорани танидинг, яхши-ёмонни ажратса оласан, бундан-буён сенинг ишларингга аралашмайман, ихтиёринг ўзингда, имкониятингга, кучингга қараб ўз йўлингни, касби-корингни ўзинг танлаб кетавергин, илоё, бошинг тошдан бўлсин, ризқ-насибанг баланд бўлсин, деди овозлари титраб. Сўнг қўшиб қўйди: “Давлатнинг арзимас чака-си ҳам сўровли, ҳеч қачон давлатнинг пулига тегмагин. Давлат мулкини, ҳалқ ризқ-рўзини кўз қорачиғидай асраш керак. Ўғлим, доимо эзгуликка хизмат қилгин, кам бўлмайсан!”

Бу сўзлар видосўзлари эканлигини, отаси унга катта йўлга оқ фотиҳа берганини Шахриёр сал кейинроқ англади. Эшбек Холёров, машхур раис, ҳақиқатгўй инсон етмиш беш ёшида ҳаётдан кўз юмди. Ўша маҳзун кунда Шахриёр тобутга қўшиб ҳаётнинг оғир зарбаларини, бешафқат синовларини ҳам елкага олди. Олти нафар укаси унинг қарамоғида қолган эди. Уларни еб-ичириш, кийинтириш, ўқитиш, уйли-жойли қилиш

бундан буён Шахриёрнинг зиммасида эди. Бундан буён Шахриёр тош-метинга айланиши, аввалгилардан ҳам күпроқ ишлаши, ишлаши ва яна ишлаши керак эди! Ва...шундай ҳам бўлди..."

2

Чала мақолани бир нафасда ўқиб чиқдим. Ширинликка тўймаган боладай тамшаниб қолдим. Газета парчасини яна жойига қатлаб қўйиб, ёзув дафтарни варақлашга тушдим. Тағин қўлимга саҳифадан ажralиб турган икки жуфт варақ илашди. Варақ майда, чироили ҳуснihat билан ёзилган битикка тўла экан. Беихтиёр унга кўз югуртира бошладим.

\* \* \*

Илм билан шуғулланишда, касбу кор ўрганишда кимдир кимнингдир этагидан тутади. Ўша одамни ўзига устоз деб билади. Орқасидан соядай эргашиб юриб хизматини қиласди. Оқибатда, ўша устоздан бирор нима ўрганади, ё ўрганмайди, шунчаки, югурдақка айланиб қолаверади. Баъзиларга югурдақлик ҳам малол келмайди. Чунки унинг асл мақсади устоз саналмишнинг мавқеидан фойдаланиб бирор унвонга, бирор амалга эришиш бўлади, бу йўлда ҳеч нарсадан қайтмайди. Бироқ ҳаётда шундай одамлар ҳам учрайдики, уларга бирор шогирдлик даъвосини қилмайди, лекин орзу-ҳавас билан зимдан эргашади, ушанга ухшашни, ундан ўрнак олишни хоҳлайди, ўша одамни ўзига ғойибона устоз санайди. Мен учун Шахриёр Холёров худди шундай мақомда туради. Бемалол оғиз тўлдириб "шу мақомда туради" дейишимишнинг сабаби оддий: Шахриёр Эшбековичнинг обўсидан фойдаланиб қолиш нияти менда асло йўқ. Чунки исталган пайтда, ҳар қандай шароитда суюнч бўла оладиган тоғларим бор. Агар хоҳиш билдирганимда аллақачон нуфузли бирор ташкилот раҳбар-

лигини эгаллардим. Лекин мен ҳаётда бошқа нарсани хоҳлайман.

Бир қарасанг, қаттиққұл, талабчан раҳбар, бир қарасанг, тиниб-тинчимас тадбиркор, билимдон мутахассис, бир қарасанг, латифагүй қувноқ ҳамсуҳбат, бир қарасанг, аёллар оламига мангу ошиқ мажнун қиёфасидағи Шахриёр Холёров билан деярли тенгдошмиз. Лекин шу пайтгача у эришган ютуқларга мен эриша олганим йўқ. Аслида, боя юқорида таъкидлаганимдек, Шахриёрдан юз карра, минг карра кўп имкониятга, шарт-шароитга эга эдим.

Бир пайтлар РайПО раиси бўлган отамнинг зари, амалдор қариндошларининг зўри мени ҳамиша қўллаб-куватлаб турарди. Шахриёр Шайхали дон маҳсулотлари комбинатида илк бор ўн етти яшар шогирд бола сифатида пайдо бўлди. Мен эса Тошкент Халқ хўжалик институтини қип-қизил диплом билан битиргач, биратўла ҳисобчилик вазифаси билан иш бошладим. Аммо доимо дилим хира эди. Чунки олий ўқув юртига киришим ҳам, имтиёзли диплом олишим ҳам, ишга ўрнашишим ҳам бирорлар ёрдами, турткиси билан амалга ошди. Очиғи, зару зўрнинг куч-қудратига, бекиёс ёрдамига ишонган ва унга аллақачон кўнишиб кетган бўлсан-да, лекин доим ичимда қандайдир исён чўғланиб туради. Мен мустақил бўлишни, ютуқларга ўз кучим билан эришишни истайман. Шунинг учун ҳам Шахриёр Холёровга ҳавас билан қарайман. Ахир, Шахриёр – ўзини ўзи яратган одам! Талабалик ту-проғини тузукроқ ялагани ҳам йўқ. Бор-йўғи, сиртдан олий таҳсил олган, холос. Аммо иш жараёнида билим, тажриба орттириди. Комбинатнинг энг етук, энг зарур мутахассисларидан бирига айланди. Жамоат ишларини ҳам қойиллатади. Ҳар хил байрам тадбирларини, халқ сайилларини ташкил этишда унинг олдига тушадигани йўқ. Халқнинг ҳам, бошлиқларнинг ҳам, оддий

ишчи-ходимларнинг ҳам кўнглини баб-баравар топа олади. Умуман, бетиним югур-югурларга қандай вақт топиши, қандай улгуриши бизни ажаблантирарди. Раҳбарият ҳам унга қаттиқ сұяниб қолган эди. Мана, у киши Еркүргон дон тайёрлов идорасига раҳбар бўлиб кетди-ю, комбинат ҳувуллаб қолгандай бўлди. Қаён қарама, Холёровнинг ўрни билинади. Шахриёрнинг тўсатдан бошқа ишга ўтиб кетиши менга бироз ғалати туюлди. Аслида ҳаммасига сабабчи тоғам, шекилли, деб ўйлаб қоламан. Тоғам узоқ йиллар хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар сафида хизмат қилиб яқиндагина нафақага чиқкан. Лекин ҳануз сўзи ўткир, кўзи ўткир, бел-билаги бақувват одам. Пойтахтда ҳам амалдор, дасти дароз дўстлари, шогирдлари кўп. Мустақиллик эндиғина атак-чечак қилаётган йиллари ёқ тоғам вилоят марказидаги кўп жойларни хусусийлаштириб олган. Чўл туманларининг бирида йирик қорамолчилик фермаси ҳам бор, деб эшитаман. Лекин ўзим бориб кўрганим йўқ. Хуллас, бир сўз билан таърифлаганда, тоғам вилоятимиз миқёсида катта таъсир кучига эга, аралашган ишини битирмай қўймайдиган, узоқни кўра биладиган, мавқеи баланд шахс. Бироқ негадир одамлар у кишини исм-шарифидан ҳам кўра лақаби билан, Шарпа деб аташни маъқул куришади. “Кеча Шарпани кўрдим”, “Ҳаммасини Шарпа ҳал қиласди”, “Шарпа даврада бор экан”, “Шарпа тўйга келибди” қабилидаги гап-сўзларни кўп эшитаман. Бу, ҳойнаҳой, тоғамга бўлган бекиёс хурматдан, тўғрироғи, қўркувдан бўлса, керак. Очиги, мен ҳам тоғамдан негадир чўчийман. Ҳеч очилиб-сочилиб гаплашиб ўтирганимизни, сирлашганимизни эслай олмайман. Ўша куни ҳам тўсатдан идорамизга кириб келаркан, мен билан наридан-бери сўрашиб директорнинг кабинетига кириб кетди.

Кун пешиндан оққан бир пайт эди. Ташқарида қор учқунлаб турарди. Ҳаво совук.

“Эй, жиян, – деб имлади тоғам бир маҳал хонамиз эшигидан кўз ташлаб, – бу ёқقا чиқ, анови Холёровнинг кабинети қай бири, чёрт, эшигига ёзиб ҳам қўймабди”.

Бошлаб бордим. Шахриёр Эшбекович назаримда тоғамни хушламагандай қарши олди. Тоғам эса:

“Шахриёржон, омонмисиз, бизларни йўқлаб бормайсиз ҳам, мана, ўзимиз келавердик”, – дея такаллуф билан кўришди.

Мен чиқиб кетишимни ҳам, шу ерда қолаверишимни ҳам билмай саросималаниб турардим.

“Келинг, ўтириңг”, – деб таклиф этди Холёров.

Чеккароқдаги стулга омонатгина чўкдим.

Тоғам бироз ширақайф экан, шекилли, бетиним ўзи ва комбинат билан боғлиқ қандайдир воқеани мароқ билан гапирав, Шахриёр, шунчаки, мулозамат юзасидан ним табассум билан тинглаган бўларди.

“Утган йилги Наврӯз байрамини жуда зўр ташкил этгандингиз, – деди тоғам мавзудан-мавзуга сакраб. – Катта ҳам роса мақтади. Сизни бирор лавозимга кутариб юборадими деб ўйлагандик. Индашмадими?”

Шахриёр Эшбекович бош чайқаб қўйди.

“Йўқ, индашмади”.

“Бу яхшимас, сизга бирор идорани топшириш керак, мустақил раҳбар бўлишга лойиқсиз, қачонгача ўринбосар бўп юрасиз”.

“Э-э-э, – беларво қўл силтади Холёров, – сабр қилиб турайлик-чи, кет омон бўлса, курси топилади”.

Тоғам шарақлатиб кулди.

“Қойилман, гапни ҳам қотирасиз-да. Лекин, масалан, мен сизнинг бирор ташкилотни эгаллашингиз тарафдориман”.

“Раҳмат, ака, доим бировлар учун жон куйдириб юрасиз”.

“Биламан, сиз жуда камтар-камсуқум одамсиз, – деди тоғам Шахриёрга синовчан кўз ташлаб, – амал-па-

малнинг ортидан қувмайсиз. Лекин мен бунга чидаёл-майман. Муносиб одамларни муносиб жойда кўргим келади”.

“Раҳмат, ака”, – деб кўйди Шахриёр зимдан қўл соатига кўз ташлаб.

Сезиб турибман: директор ўринбосари қайгадир шошаяпти, ёки қаршисидаги одамдан тезроқ қутулишни истаяпти. Аммо тоғам негадир Шахриёрга ёпишиб олди.

“Сизнинг масалангизда, – деди у қулайроқ ўрнашиб, – баъзи бир дўстлар билан гаплашиб кўрсан, қарши эмасмисиз?”

Холёров кулди.

“Овора бўлманг, ака, менга шу жой ҳам бўлаверади”.

“Камтаринлик яхши, Шахриёржон, лекин бугун мамлакатга малакали кадрлар керак бўлиб турган бир пайтда сиз ўзингизни четга тортишингиз яхши эмас”.

Суҳбатнинг тобора сиёсий тус олаётганидан чучидими ё тұsatдан пайдо бўлган ҳожатбарор жиддий гапираётганига ишонмадими, ҳарнечук, директор ўринбосари жилмайган кўйи қўлини кўксига кўйди.

“Ака, ихтиёриңгиз”.

“Ана, бу бошқа гап, – деди тоғам тұлқынланиб, – уриниб кўрамиз, булса, хўп-хўп, бўлмаса ҳам хафа буп қолмаймиз, тұғрими?”

“Тұғри”, – Шахриёр Эшбекович яна қўл соатига кўз ташлади.

Ниҳоят, тоғам ўрнидан турди. Уни қузатиб қўйган бўлдим. Тоғам машинасига ўтиаркан, сен ҳам бу ерда кўп қолиб кетмайсан, тараддуд кўриб юравер деб қўйди. Бу гапни кунглим учун айтдими ё чиндан ҳам бирор режаси борми, англай олмадим. Тоғам кетди. Мен эса талатўп үйлар гирдобида қолдим.

Не-не одамлар бирор муаммосини ҳал қилдириб олиш учун ҳафталаб, ойлаб орқасидан эргашиб юра-



диган кишининг Шахриёрга тұсатдан таклиф билан чиқиши мени ажаблантириб күйди. Афтидан, Холёров тоғамнинг айтганларини жиддий қабул қилмади, шунчаки, мастиликка йўйди, холос. Лекин мен у кишининг феъл-авторини яхши биламан: бу масалада беҳуда гап очмади. Тоғамнинг қандайдир режаси борга үхшайди. Мени ҳайратлантирган, тұғрироғи, ҳавасимни ва андак ғашимни келтирған яна бир ҳолат шуки, Шахриёр Эш-

бекович не-не казо-казолар соясига салом бериб юрадиган одамнинг хонасида тўсатдан пайдо бўлишидан шошиб, ҳовлиқиб қолмади. Ҳатто, тезроқ кета қолса эди, дегандай тез-тез соатига куз ташлаб қўйди. Қанчалар ўзига ишонган, эмин-эркин одам-а?!

Шундай хаёллар исканжасида турган пайтим директоримиз идора эшигидан отилиб чиқди.

“У киши кетдиларми?” – деб суради алланечук ҳадик билан.

Мен бош иргадим.

“Ҳа”.

“Об-бо-о, кузаталмай қопмиз-ку, – жонсарак бош чайқади бошлиғимиз, – жиянда икки оғиз гапиб бор деганига, сизларга халақит бермайин деб кабинетдан чиқмагандим. Об-бо, чатоқ бўлди-да”.

Директоримиз ўйчан бир тарзда яна идорага кириб кетди.

Мана, ўша учрашув, ўша суҳбатдан сунг, орадан күп ўтмай, Шаҳриёр Эшбекович Холёров бошқа ишга утиши муносабати билан Шайхали дон маҳсулотлари комбинати директори ўринбосарлигидан озод этилди. Жамоамиз ҳам бу воқеани кутмаган эди. Ишчи-ходимлар афсусланиб қолишли. Мен у киши ҳақида ўйлаганимда, ёруғ бир хотиралар хаёлимда жонланади.

\* \* \*

Комбинатда иш бошлаганимга, адашмасам, эндингина олти ой тўлган кезлар эди.

– Мана бу журнални тез ҳовлига олиб тушгин, – деб қолди бир куни бош ҳисобчи семиз “Қайдлар китоби”-ни менга қўлтиқлатиб, – Республика дон инспекцияси бошлиғи Суръат Жабборович келганлар, директор иккиси пастда кутиб турибди, қандайдир рақамларга қараб олишлари керак экан, зипилла, тез етказгин.

Мен бошлиғимнинг айтганини қилдим. Чиндан ҳам директор басавлат, жиддий қиёфали киши билан ўтӯчириш мосламаси ёнида сұхбатлашиб турган экан.

– Мана, мана-а, Суръат Жабборович, ҳозир күрамиз, – деди директор құлимдан “Қайдлар китоби”ни олиб варақлашга тушаркан, – вақтида тұлов қилғанмиз, лекин натижә ийүк.

Суръат Жабборович ишора қилинган рақамларни дикқат билан күздан кечиргач, маъқуллаган күйи бош ирғаб қўйди.

Шу пайт ораста, оппоқ кўйлак, қоп-қора kostyom-шим кийган Шахриёр мамнун қиёфада идора йўлагидан чиқиб элеватор цехи томонга бурилди.

– Ким бу, Раж Капурми? – сўради Суръат Жабборович уни қизиқсиниб кузатаркан.

– Холёров, элеватор цехи бошлиғи, комбинат касаба уюшмаси раҳбари ҳам.

Пойтахтлик амалдор ажабланган бир қиёфада директорга юзланди.

– Элеватор цехи бошлиғи, дейсизми? Энг ифлос, энг чанг-тўзонли цехда одамларингиз байрамона кийимда ишлашадими?

– Йўғ-е, нега, – деб чайналди директор маъқулроқ жавоб тополмай, – маҳсус тикилган либосларимиз бор. Менимча, Холёров эрталаб марказга борган, ҳали кийимларини алмаштиришга улгурмаган бўлса керак.

– Ия, бу гапингиз ҳаммасидан ошиб тушди-ю, Хасанович, ахир, кун пешиндан оғди, у эрталаб мажлисга бориб-келиб, ҳали кийим алмаштиргмаган бўлса, қачон ишлайди? Ишлайдими ўзи ё...кино актёрига ухшаб юраверадими?

Директор аччиғланиб менга имо қилди.

– Ановини бу ёққа чақириб келгин.

Шахриёрга цех эшиги ёнида етиб олдим.

– Холёров, чақиришяпти, – дедим раҳабарлар томон ишора қилиб.

– Сизни Ален Делон деб үйласам, цех бошлиғи экансиз-ку.

Пойтахтлик амалдор илдамгина келиб саломлашган Шаҳриёрни шундай истекъзо билан қарши олди.

– Нега махсус кийимда эмассиз? – жаҳл билан сўради директор.

Шаҳриёр хижолатомуз изоҳ берди.

– Эрталаб касаба ўюшмалари иши буйича марказда мажлис бўлди, шунга боргандим.

– Мажлисга борилса, – деб кулди Суръат Жабборович, – кейин корхонада ишламаса ҳам бўлаверадими?

Шаҳриёр ажабланган қўйи елка учирди.

– Нега? Мана, ишдаман-ку. Соат ўндан бери цехдаман. Ҳозиргина отделкадрга бир хужжатни топшириб чиқдим, холос.

– Шу кийим билан элеваторда ишлаб юрибман деб бизни ишонтироқчи бўвоссизми? – ажабланган қиёфада сўради Суръат Жабборович.

– Ҳа, нима қилибди, – деди Шаҳриёр қандайдир хотиржам, – бизнинг цехда шу кийимда ҳам ишласа бўлаверади.

Директор жаҳл билан қўл силтади.

– Эй, Холёров, бу нима деганинг. Олифтагарчилик қилмагин.

– Шошилманг, Ҳасанович, шошилманг, – пойтахтлик раҳбар директорнинг гапини бўлди, – мен бу кино актёрининг цехини би-ир кўриб қўймоқчиман. У, ҳойнаҳой, элеваторда эмас, маданият саройида ишласа керак. Қани, ука, мени айтган жойингга бошлаб бор-чи.

– Бемалол, – деб қўйди Шаҳриёр .

Суръат Жабборович ортидан эргашаётган директорни ишора билан тўхтатди.

– Ҳасанович, сиз овора бўлманг, биз тезда қайтамиз, сиз унгача ҳалиги масалани ўйлаб туринг.

Азбаройи қизиқишимга қарамай мен ҳам директор ёнида қолишга мажбур бўлдим.

Кун тобора забтига оларди. Биноларнинг сарғиши тузи иссиқдан баттар сарғайиб бораётгандек туюларди.

– Бориб, буфетдан сув-пув олиб чиққин – деди директор кафти билан енгил елпиниб, – Холёровнинг артистлиги ҳали бизга қимматга тушмаса эди.

Мен буфет томон йўрғаладим. Бўлиб ўтган воқеадан ичимда қандайдир қувонч ғимирларди. Негадир, раҳбарлар шу баҳона Шахриёрнинг таъзирини бериб, бироз попугини пасайтиб қўйишларини хоҳлардим. Ҳолбуки, Шахриёр мени ўзига яқин олиб, баъзи бир ҳисоб-китоб юмушларимга кўмаклашиб турарди. Негадир ўша кун, ўша дамда шундай ғайир бир туйғу кўнглимда ўрмалаб қолди. Сиру-синоати ўзимга ҳам ноаён эди.

Тез қайтаман деган пойтахтлик амалдор роппа-роса қирқ дақиқа йўқ бўлиб кетди. Комбинат директори мен келтирган бир шиша “минералка”ни “қулт-қулт” ичаркан, ростакамига хавотирланиб қолди.

– Холёровнинг бирор ишқали топилди-ёв, бу одам қилни қирқ ёрадиган мутахассислардан, ҳеч нарсани назардан қочирмайди.

Бир пайт Суръат Жабборович элеватор эшигидан чиқиб келди. Ранг-рўйидан на мамнунлик, на норизолик билинади. У узоқдан директорни кўриши биланоқ гўё афсуслангандай бош чайқаб қичқирди:

– Ҳасанович, ишлар чатоқ! Расво бўлдик! Қандай кадрларни йифиб олгансиз ўзи?!

Комбинат директорнинг авзойи бузилди. Қулидаги чала бўшаган шишани менга тутқазди-да, минг бир хавотир ичидаги пойтахтлик амалдорга пешвоз юрди.

– Нима гап, тинчликми, Суръат ака?

– Тинчлик эмас-да, – пойтахтлик раҳбар бош чайқади, – ҳамма ёқ остин-устун бўлиб кетди!

Директор элеватор цехи томон безовта кўз ташлади.

– Бирор нохушлик бўлса, айтинг, тўғрилаймиз, Холёровдан қандай гуноҳ утибди, керак бўлса, жазолаймиз.

– Гуноҳи шуки, бу йигит ростдан ҳам ишлар экан. Уни эмас, бизни жазолаш керак аслида.

Комбинат директори пойтахтлик раҳбарга саволомуз тикилди.

– Ростдан ҳам ишлар экан, дейсизми?

– Ҳа, Ҳасанович, ҳа, – деди Суръат Жабборович тўлқинланиб, – сал кам ўттиз йилдан бери шу соҳадаман, неча бир мелкомбинатларни, элеваторларни кўрдим, лекин умримда бундай тоза, озода, ёф тушса, ялагудай цехни учратмаганман. Одатдаги шовқин-сурон йўқ. Кўп жойларда элеватор норялари илма-тешик ҳолда, чанг-тўзон пуркаб ётади, бу ерда эса ҳаммаси таъмирланган, аспирация тизими йўлга қўйилган, подшипниклар ёғланган, хуллас, Холёров деганингиз чиндан ҳам ишларкан.

Комбинат директори яйраб кулди.

– Унинг ўзи санъатни яхши кўради, цехни ҳам санъаткорона таъмирлаган-да.

– Хуллас, ўзимга ўзим ташвиш орттиридим, Ҳасанович.

– Қандай қилиб, нима учун?

– Ахир бу цехни бутун Республикага намуна қилиб кўрсатишмиз керак. Холёров тажрибасини бошқа ерларда ҳам жорий этиш лозим. Хуллас...

– Хуллас, – деб гапни илиб кетди комбинат директори мамнун қиёфада, – хуллас, ҳаммамиз чинакамига ишлашимиз керак.

Ҳар иккиси қаҳ-қаҳ отиб қулиб юбориши. Ҳануз “Қайдлар китоби”ни, бүш шишани құлтиқлаб турар-канман, мен ҳам уларга құшилдим.

\*\*\*

Шахриёр аэропорт биносидан чиқди-ю, ҳам совук-дан, ҳам тажжубдан тарашадек қотиб қолди.

– Наҳотки, бу Одесса?! – деб ғудранди у, – Қора денгиз бүйидаги ҳамиша күркәм, ҳамиша қувноқ үша шаҳар шуми? Ё адашиб, Сибирь томонларга келиб қолдикми? Тушми бу ё рүё?

Йўқ, адашмаганмиз. Бу туш ҳам, рүё ҳам эмас. Минг тўққиз юз тўқсон биринчи йилнинг сўнгги ойида Одесса қаҳратон қаҳрига йўлиқкан экан. Бу маълуму машхур шаҳарнинг табиати ҳамиша мўтадил, ҳамиша хушҳаволи булиши ҳақида эшигланларим бор. Шахриёр-ку, жуда яхши билади. Аммо айни пайтда куриб турганларимизга ишониш қийин: йўл-йўлаклар, баланду паст уйлар томи оппоқ қор билан қопланган, чор-атроф тарашадек музлаган. Қалин-қалин либосла-рига бурканган одамлар алланечук караҳт ва ҳорғин одимлашади. Одессага хос қувноқ куй-қүшиқлар эши-тилмайди, хушхандон давралар кўринмайди. Худди шаҳарга ёвуз дев оралагандай, аллақандай жимлик, па-ришонлик кўнгилларни ғашлантиради. Аслида-ку, менинг кўнглим сафарга отланган чоғимиздан бери хира, руҳим безовта. Русча ибора билан айтганда: “Как-то, не в своей тарелке.” Ҳойнаҳой, бунинг ҳаммаси уйимдан узоққа кетиб кўрмаганимдан бўлса керак. Шахриёрдан бир қадам ҳам жилмайман. Илож топсам, құлтиқлаб олсам дейман. Негадир қандайдир шуҳбали нусхалар бизни зимдан кузатаётгандек туюлади. Назаримда, ҳозироқ келиб биқинимизга пичоқ тирайдиганга үхшайди. Чор-атрофни хавотир-ҳадик билан кўз ташлайман. Авваллари мен учун ҳеч кўрилмаган, учрамаган манза-

раларга қараб завқланиш, ҳайратланиш қайда?! Хона-  
ки товуқдай бўйнимни ичимга тортаман.

Мана, Одессанинг ҳеч кутилмаган нохуш қиёфасига  
йўлбошчимнинг ҳайрону лол термулиб туриши, охири,  
тоқатимни тоқ қилди.

– Эй, Шахриёр, Шахриёр Эшбекович! – енгидан  
тортқиладим унинг.

– Нима? – истар-истамас мен томон угурилди йўл-  
бошчим.

– Чўнтакка эҳтиёт бўлиш керак, чўнтакка, бу жўли-  
клар, фирибгарлар шахри, биласизми?

Шахриёр чуқур уф тортди.

– Зап шерикка йўлиқдим-да, ўзиям! Самолётга чиқ-  
қанимиздан бери шу гапни беш-олти марта такрорла-  
дингиз-е. Нима, Сулаймон пайғамбар хазинасини орқа-  
лаб юрибмизми?! Ахир чўнтакда шамол ўйнайди-ку,  
шўрлик киссавур нимани ҳам оларди? Идора берган йўл  
кира қай бир киссанинг, қай бир ковагида йўқ бўлиб  
кетган. Уни, ҳатто, ўзимиз ҳам излаб топа олмаймиз.

– Ахир бор-йўғимиздан ажralиб қолсак, бу бегона  
шаҳарда қандай кун кўрамиз, – дедим хавотирга тушиб.

– Кўрқманг, бу бегона шаҳар эмас, – деди Шахриёр  
йўлқопини яна орқаларкан, – Одессада одам очдан ўл-  
майди.

Мана, тўрт кундан бери йўлдамиз. Ҳаммаси тўрт  
кун аввал комбинат директорининг тўсатдан қаршим-  
дан чиқиб қолишидан бошланди.

“Холёров қаерда?” – суради у серташвиш бир қиё-  
фада.

“Эрталаб базага юбордингиз-ку, эҳтиёт қисмлар ке-  
либди, Шахриёр, боргин, ўзинг қабул қилиб олмасанг,  
бошқалар ўша ердаёқ сотиб юборади, дедингиз-ку”.

Директор жаҳл билан манглайига шапатилади.

“Бу ишга бошқа одам қуриб қолганмиди?! Холёров-  
нинг ўзи менинг эҳтиёт қисмим-ку. Машинамни ол-  
гин-да, уни тезроқ топиб келгин, чоп!”

Тавозеъ билан директор ҳузуридан чиқдим: ахир, бошлиқнинг машинасига ўтираман-а!

Қишиң қиличини қайраб келаётган кунлар эди. Минг тўққиз юз тўқсон биринчи йил қариган, ҳориган бир тарзда тақвим варақларини тарк этишга ҳозирланиб турарди. Ҳаво совуқ. Қай куни қиласиққина ёғиб ўтган қор қуйқалари девор тубларида, пана-пастқам жойларда қатрон бўлиб музлаб ётарди. Комбинат ҳам байрам тараддуудида ғимирлаб қолган. Уч-тўрт хизматчи бино пештоқига янги йил билан кутловчи одатдаги сўзлар битилган улкан алвон тус матони илишга ҷоғланарди.

Мен қимматбаҳо телпагимни бостириб кийганим-ча шоша-пиша ташқарига чиқдим. Куз қирим билан директор машинасини изладим. “Волга” омборхона биқинида турар, ҳайдовчи эринибгина унинг лой сачраган қанотларини бир парча латта билан артарди.

Шу пайт корхона дарвозаси ланг очилиб, ичкарига “Зил” юқ машинаси бўкирганича кириб тұхтади. Кабинадан бир жилд ҳужжатларни қўлтиқлаган кўйи Шахриёр тушди. Мен худди танимаётгандай унга бир зум анграй-иб қолдим. Чунки базага бориб, мол олиб қайтиш камида бир кун сарсонгарчиликни талаб этарди. Тұғрироғи, аксарият масъул ходимлар шундай ишлар баҳонасида, ўзларини ғоят банд курсатиб кун бўйи ялло қилиб юрарди. Холёров эса, мана, пешинга ҳам қолмай қайтиби.

“Эй, йўл бўлсин, – деди у менга кўзи тушгандаёқ, – қаёққа отландингиз?”

“Сизни излаб-да.”

“Янги латифа бор, эшитасизми?”

“Янгисини директордан эшитадиганга ўхшаймиз, – дедим сирли оҳангда пичирлаб, – жуда безовта, сизни сўради, тезроқ киринг, кутиб ўтирибди.”

Шахриёр худди менинг ваҳимали шивиримни эшитмагандай, сал нарида ҳовлиқиб келаётган омбор мудирига қўл силкитди.

“Толик, авайлаб тушириб олинглар! Бундай эҳтиёт қисмлар ҳозир қаҳат, бирортаси ҳам латланмасин.”

Одатда, раҳбариятдан бирортаси чақириргани қулоғимга етса, негадир безовталаниб қоламан, нима гаплигини аниқламагунимча тинчимайман. Шаҳриёр эса...мана, ҳамишагидек хотиржам, қабулхонага шошилаётгани ҳам йўқ. Ҳойнаҳой, ўзига ишончи баланд одамлар шундай бўлса керак.

Бошлиқ серташвиш, тажанг қиёфада қарши олди.

“Келинглар, ўтиинглар”, – деди у ўзига яқинроқ стулларга ишора қилиб.

Директор мени чиқариб юборса керак деб ўйлагандим. Кутилмаган таклифдан қувониб бошлиқ ишора қилган жойга тезгина кет қўйдим.

Шаҳриёр Абдулла Пўлатовичга юзланди.

“Тинчликми, устоз, бироз безовта кўринасиз?”

“Э-э, нимасини сўрайсан, – бошлиқ нохуш қўл силтади, – кимга қарама, ўлигини бизнинг устимизга ташлайди.”

Раҳбарнинг сўзларидан қандайдир кўнгилсизлик юз берганга ўхшарди.

“Ука, бизни қутқар, сенинг ёрдамингга жуда-жуда муҳтоҷмиз”, – деди Абдулла Пўлатович шогирдига паришон кўз ташлаб.

Шаҳриёр икки ёнга қанотдай қулоч ёзди.

“Кўлимдан келса, бажону дил, нима гап ўзи?”

“Украинага, Одесса шаҳрига бориб келишинг кепрак.”

“Бош устига, устоз!” – беихтиёр ҳайқириб юборди Шаҳриёр. Унинг кўзлари порларди. Ҳойнаҳой, чарчоқлари тарқаб кетгандай бўлди. Доимо шунаقا: Украина ҳақида сўз кетса, Шаҳриёрга жон киради. Икки йиллик ҳарбий хизмат даврида бу гўзал ўлкани у буткул севиб қолган! Мехнат таътиллари пайти ҳам ўша

ёқларни кўзлаб туради. Қарангки, янги йил олдидан бундай ажойиб таклиф! Афтидан, айни пайтда устозининг қоқ манглайидан ўпид олгиси келиб кетди.

Аммо Абдулла Пўлатович хомуш бир тарзда ўти-парди.

“Сен у ёққа ўта муҳим, оғир топширикқа кўра борсан, ўйнаб келгани эмас.”

Шаҳриёр қизиқди.

“Қанақа топшириқ экан?”

Собиқ Шўролар Иттифоқи давлатига ғалла, одатда, Бразилия, Венгрия, Канада каби мамлакатлардан келтирилар, сўнг маълум меъёр, режа асосида ҳар бир республикага тақсимлаб жўнатиларди. Бу жараён йиллар давомида шаклланган бўлиб ҳар бир тегишли корхона, ҳар бир идора ўз вазифасини аниқ-тиниқ бажаар, чет эллардан жўнатилган дон ўз истеъмолчиларига тайинланган вақт-соатда етиб борар, бу одатий ҳолга айланганидан ҳеч ким ортиқча эътибор ҳам бермас эди. Афсус, минг тўққиз юз тўқсон биринчи йилнинг кузига келиб, Иттифоқ парчаланиб, ҳар бир Республика алоҳида-алоҳида давлатларга айланди-ю, ғалла тақсимлаш тизимиға птур етди. Йил бошида, собиқ Иттифоқнинг жони чиқиши арафасида ҳар галги режа бўйича Венгриядан жўнатилган дон денгиз йўли орқали Одесса портига етиб келган, аммо ўз улушларини олиб кетиш ҳар бир Республиkanинг ўзига қолган эди. Жумладан, Ўзбекистонга тегишли бир юз ўн олти минг тонна ғалла ҳам Қора денгиз қирғоқларида деярли беқора қолиб кетган экан.

“Мустақил, ёш давлатимизга тегишли ўша ғаллани келтириш бизнинг корхонага юклатилган, – деди Абдулла Пўлатович ўйчан бир тарзда, – нима қиласаримни билмай бошим қотиб қолди. Ўйлаб-ўйлаб, охири, сени Одессага жўнатишга қарор қилдим. Шаҳриёр, сендан бошқа ҳеч ким айни пайтда бу ишни уddyалай олмайди.

Ҳатто, менинг ҳам құлимдан келмайди. Биласан, аввалғи марказлашган бошқарув тизими издан чиққан, ҳеч ким ҳеч кимга қулоқ солмайди. Агар Одессадаги мутасаддилар ноинсофлик йүлини тутса, ұша ғаллани бизларга бермай ҳам қўйишлари мумкин. Тушунаяпсанми, бу нимани билдиради?”

Шаҳриёр мужмал елка қисди. Устоз атрофига бир аланглаб олиб шивирлаган товушда деди:

“Бу....янги йилда республикамизда дон тақчиллиги бошланади дегани. Биласан, ўзбек халқи нонсиз да-стурхонни тасаввур ҳам қила олмайди. Тушундингми? Бугун омборхоналар бўм-бўш! Ҳукуматимиз Одесса портидаги ұша ғаллани бетоқат кутаяпти. Уни тұла-тұқис, талафотсиз Ўзбекистонга олиб келиш керак. Бу үта оғир вазифа. Менимча, буни сен уddyлай олишиңг мумкин.”

“Ишонч учун, раҳмат, Абдулла Пўлатович, құлимдан келганича ҳаракат қиласман, – деди Шаҳриёр, – мен сафарга тайёрман.”

“Баракалла, мардона йигитсан-да, ҳозироқ тарад-дудга киришгин.”

“Хўп, устоз.”

“Айтганча, кимни ҳамроҳ қиласан?”

“Билмадим, – деб елка қисди Шаҳриёр, – сиз кимни лозим кўрсангиз, мен розиман.”

Абдулла Пўлатович бир зум ўйланиб турди-да:

“Бўпти, – деб менга ишора қилди, – мана, сенга ҳамроҳ.”

“Хўп, устоз.”

Юрагим “шувв” этди. Лекин ҳужайнларнинг таклифини рад этишга журъят эта олмадим. Қолаверса, Шаҳриёр билан сафарга чиқишига қизиқдим.

Қиши эрта бошланган эди. Ноябрь охирларида ёғиб берган қор совуғи ҳали-жануз пайпасланиб юрарди. Ер музлаган. Изғирин юз-кўзни аёвсиз чимчилайди. Аммо

Шахриёрнинг димоғи чоғ. Биринчидан, юрагига ёруғ ҳислар солган үлка томон отлангани, иккинчидан, давлат аҳамиятига молик, бутун бошли халқнинг ризқ-насибаси билан боғлиқ ўта муҳим вазифа унга ишониб топширилгани, ҳойнаҳой, қўнглига ифтихор, қувонч солар, кучига куч, ғайратига ғайрат қўшар эди.

Бироқ Тошкент аэропортидаёқ илк тўсиққа учрадик. Одессага чипта йўқ! Ҳаммаси уюшган жиноий гуруҳ кўлида экан. Давлат нархи аттиги тўқсон рубль бўлган чиптани истаганлар минг рублдан харид қилишлари мумкин эмиш. Аэропорт бўйлаб изғиб юрган олибсотарлар, чайқовчилар бу ҳақда бемалол, ҳеч бир тортинмай гапиришарди. Бизнинг сафар харажатларимизга эса бор-йўғи икки минг рубль ажратилган, холос.

Олғир чайқовчилардан бирини чеккага тортиб зорландим.

“Ўў, ука, биз Одессага ўйнагали бораётганимиз йўқ. Ҳукумат топшириғи билан кетаяпмиз. Фалла опкелишимиз керак. Агар шу ишни қўлмасақ, яқин кунларда халқимиз қийналиб қолиши мумкин.”

“Жа-а, қизиқ экансиз-у, ока, – деб кулди ўша чайқовчи, – бунинг менга нима аҳамияти бор, у ҳолда, боринг, ҳукуматингизга айтинг, сизларга билет қилиб берсинг.”

Шахриёрнинг аэропорт бўйлаб зир югуришлари ҳам наф бермади. Ҳатто, аэропорт бошлиғига учрашди, вазиятни тушунтирди. Лекин бошлиқ ҳам елка қисишидан нари ўтмади.

“Ҳамма билетлар сотиб бўлинган. Яқин қирқ кун ичида Одессага билет топилмайди. Иложи бўлса, жоним билан ёрдам берардим,” – деб кўйди.

Ниҳоят, бир қарорга келинди. Аввал Лъвовга, ундан Одессага учиш мўлжалланди. Режамиз пухтагина эканми, ё Худонинг ўзи ишларимизни ўнгладими, ҳарқалай, биз жанублик икки ватанпарвар ўша куниёқ Лъвов самолётига ўтиридик. У ердан Одессага парвоз қилдик.

Мана, ўша кўзланган манзил! Қалин қор қўйнида музлаб, гезарип ётибди! Изғирин аъзои бадани аёвсиз чимчилайди. Ҳатто, қош-киприклар ҳам музлаб қолган.

– Шаҳриёр, чўнтақка эҳтиёт бўлайлик, чўнтақка, – дея яна бир карра эслатдим таксида порт шаҳарчасига кириб келарканмиз, – бу ернинг одамлари тек эмас, кўз очиб-юмгунча шилиб кетишади.

Порт шаҳарчаси анчайин бефайз, бесаришта кўринарди. Денгизга хос аллақандай ҳидлар анқийди. Олисолислардан улкан кемалар, баланд кутарма кранлар, қават-қават контейнерлар ғира-шира кўзга ташланади.

Етти меҳмонхонага бош суқиб курдик. Жой йўқ. Порт бошқармаси идорасига бордик. Аммо у ерга киритишмади. Мен бошқа томонларни “разведка” қилиш учун ташқарига чиқдим. Кўрганларим умидларимни бутқул пучга чиқарди. Бояги жойга келсам, Шаҳриёр паришон турган экан.

– Бирорта ходим гапга қулоқ солмайди, – деди у надомат билан бош чайқаб.

– Ўлдик, биз уддалай олмаймиз, – дедим мен ўриндиқлардан бирига ноумид ўзимни ташлаб, – ишлар чатоқ.

– Тинчликми, нега бундай деяпсиз? – сўради Шаҳриёр хавотирланиб.

– Биздан ташқари туркманларнинг, арманларнинг, озарбайжонларнинг вакиллари ҳам келишган экан. Ҳаммалари қоп-қоп совға-саломлар кўтариб олишган. Хўш, бизда нима бор?

Шаҳриёр индамай йўл тўрvasига кўз ташлаб кўйди. Чиндан ҳам унда, беш-олти ҳовуч туршак, майиз ва икки шиша янгийўл конягини ҳисобга олмагандা, арзигулик ҳеч нарса йўқ эди.

– Қўрқманг, ҳал қиласиз, – деди у, – юринг, аввал анови буфетдан бир финжон-бир финжон иссиқ қаҳва ичайлик, совуқуриб кетди одамни. Кейин бир гап бўлар.

Тұладан келган, қошлари қалин, сочлари саватдек гуржи аёл буфет бекаси экан. У безовта бир қиёфада қаҳва ҳұплаётган биз икки ўзбекка ахён-ахён қизиқсинаң күз ташлаб құярди. Шаҳриёр унинг нигоҳларини пайқади.

– Сиз үтириб туриңг, мен ҳозир келаман, – деди у, – анови аёл билан гаплашиб күрай-чи, нима дер экан.

Шаҳриёр пештахта ортидаги бекага табассум билан яқынлашди.

– Жуда лаззатли қаҳва тайёрлар экансиз, лекин бунинг сирини биламан.

– Сири нимада экан? – қизиқсинді бека.

– Менимча, – деб жилмайди Шаҳриёр, – фақат гуржи аёлларигина эплайди буни.

– Менинг миллатимни қандай билдингиз? – сұради бека ҳам қулимсираб.

Шаҳриёр ажабланған бир қиёфада құзларини пирпиratди.

– Ия, сизларни миллион хил аёллар орасидан ҳам бир қараңда ажрата оламан. Чунки, сизлар дунёдаги энг гүзәл, энг тоза қалб, энг оқила аёллар сирасига кирасизлар.

Бека баралла қулиб юборди.

– Бұptи, ишонтирдинг, – деди яйраб, - хұш, үзларингни бу ёққа қандай ташвишлар бошлади?

Шаҳриёр дардимизни айтди.

– Қандай қилиб порт бошлиғига учрашишни билмай турибмиз, – деди гап охирида.

– Бунинг иложи йүқ, – кескин бosh чайқади бека, – Одесса мәрининг қабулиға кирса бұлади, аммо порт бошлиғига учрашиш үлімдан қийин. Ана, арманлар, озорбайжонлар бир ойдан бери шу ерда, ҳалигача учраша олишгани йүқ.

– Мен гуржи аёллари дунёдаги энг оқила аёллар эканлигини айтдим-ку, – деди Шаҳриёр хушомадга зұр

бериб, – сиздан ҳам фойдали фикр чиқишига ишонаман.

Бека кулиб юборди. Сўнг кўрсаткич бармоғини ҳавода силкитиб, ёлғондакам пўписа қилган бўлди.

– Ух,ты, узбек... мени эритдинг... яқинроқ кел, гап бор...

Шахриёр пештахтани айланиб ўтиб, бекага яқинлашди. Бека атрофга тезгина аланглаб олгач, шивирлади.

– Бўпти, сизларга бироз ёрдам бераман. Виталий Филиппович билан муносабатим яхши. Ҳозир, – аёл қўл соатига кўз ташлаб олди, – йигирма дақиқадан кейин орқа эшикдан у киши хос хонага киради, бир финжон қаҳвамдан ичади. Деярли ҳар куни шундай қиласиди. Омадларинг чопиб, бугун ҳам кирса, мен секи-ин сизларни таништириб қўяман, дўстларим дейман, аммо ишларингга аралаша олмайман, қолганини ўзларинг гаплашасизлар, хўп?

– Хўп, – деди Шахриёр қувончдан кўзлари чараклаб, – бу яхшиликни асло унутмаймиз, раҳмат сизга.

Чиндан ҳам бека ярим соатлардан сўнг Шахриёрни имлаб чақирди.

– У шу ерда, – деди шивирлаб, – юринглар ортимдан.

Мен ҳангу манг эдим. Порт бошлиғи қачон, қандай буфетнинг хосхонасига кирди. Ҳаммаёқ кафтдагидек кўриниб турибди-ку? Қандай пайқамадик? Аммо буни ўйлаб, бош қотириб ўтиришга вақт йўқ эди. Бека бизни ҳар хил яшиклар, елим идишлар қалашиб ётган, аллақандай пишириқлар ҳиди анқиб турган торгина йулакча буйлаб хос хонага олиб кирди. У ерда озғин, новча, сап-сариқ соchlари силлиқ таралган киши қаҳва ҳўплаган кўйи газета вараклаб ўтиради.

– Виталий Филиппович, узр, – деди бека тавозе билан, – Ўзбекистондан қадрдонларим келишган экан. Сизда икки оғизгина гаплари бор эмиш... Илтимос, уларни қабул қилсангиз.

- Марҳамат,- деб қўйди порт бошлиғи истар-истамас.

- Здоровеньки булы, Виталий Филиппович, як ваші здоровья? - деди Шахриёр, адашмасам, соғ украин ти-лида, - bemavrid bezovta қилганимиз учун кечирим сўрайман. Илтимосимизни рад этмаганингиздан беҳад миннатдорман.

Порт бошлиғи ялт этиб унга қаради. Юз-кузига табассум югурди. Қўлидаги газетани бир чеккага қўйди-да:

- Будь ласка сидайте, хлопцы, - деди ёнидаги стулга ишора қилиб.

Шахриёр хотиржам бир қиёфада ўша жойга ўтирди.

- Дякую.

Мен йулбошчимнинг кутилмаган яна бир хислати очилганидан лолу ҳайрон эдим. Русчага яқинлигидан, қолаверса, имо-ишоралардан уларнинг украинча сухбатини фира-шира англардим.

- Хуш келибсиз, бизнинг Одессага, - деди Виталий Филиппович кулимсираб, - қандай ташвишлар билан юрибсизлар?

Шахриёр мурод-мақсадини қисқагина тушунтириди-да, портфелидан зарур ҳужжатларни чиқариб стол четига қўйди.

- Республикада дон масаласи оғир аҳволга келиб қолди. Бутун халқимиз сизнинг ёрдамингизга, қўллаб-куватлашингизга муҳтож, Виталий Филиппович.

- Тушунаман, - деди порт бошлиғи ҳужжатларни бирма-бир кўздан кечираркан, - имкон қадар ёрдам берамиз. Лекин бу масалани бирдан ҳал қилиш қийин. Ҳозир темирйуллар ҳам қор билан қопланиб, музлаб қолган. Бироз эригандан кейингина вагон қўя оламиз.

- Албатта, албатта, тушунаман.

- Хуш, сизлар қачон келдиларингиз? Қаерга қўндинларингиз?

– Биз эрталаб келгандик...ҳозирча жой тополмадик...меҳмонхоналар банд экан.

– Ташвишланманг, мен ҳайдовчимга тайинлайман, сизларни жойлаштиради. Кечга яқин ўзим ҳам ўша ерга бораман, бафуржа суҳбатлашамиз.

– Дуже гарна, Виталий Филиппович, раҳмат, – деди Шахриёр ҳаяжонланиб.

Порт бошлиғи йўлбошчимга қизиқсиниб кўз ташлади.

– Украин тилини қаерда ўргангансиз?

– Ҳарбий хизматни Львовда ўтаганман, ўша кезлар маҳаллий аҳоли билан гаплашиб ўрганиб олганман.

– Тушунарли, – деди порт бошлиғи русчага ўтиб, – биласизми, дўстим, худди шу масалада келган вакиллар кўп, совға-саломлар билан қўнглимни олишга ҷоғланиб юришибди. Лекин мени уларнинг нарсалари заррача қизиқтирмайди. Янада очиғроқ айтсам, сиз менга бебаҳо совға бердингиз, мен билан ўз она тилимда гаплашаяпсиз.

– Раҳмат, қўлимдан келганича, – деб қўйди Шахриёр эътирофдан ял-ял яшнаб.

– Тўғриси, ҳозир украинларнинг ўzlари ҳам ўз она тилида гаплашмай қўйишган. Сиз мени жуда хурсанд қилдингиз, мен ҳам сизни қувонтиришга ҳаракат қиламан.

Қачон, қандай хосхонадан чиққанимиз, буфет бекасига яна қай тарзда миннатдорчилик билдирганимиз эсимда йўқ. Худди маст одамлардай бетиним илжаяр, ўзимизни қушдай енгил ҳис этар эдик.

Порт бошлигининг ҳайдовчиси бизни қандайдир автобазанинг ётохонасига жойлаштирди. Кечга яқин чиндан ҳам Виталий Филиппович ташриф буюрди. Камтарона дастурхон атрофида анча пайт суҳбатлашиб ўтиридик.

– Хуллас, ҳамма хужожатлар тайёр, – деди Виталий Филиппович кетар чоғи, – биринчи имконият топилиши билан Ўзбекистон учун вагонлар қўйилади. Сизлар хотиржам юртга қайтаверинг. Оқ йўл!

Биз қуюқ хайрлашдик.

Эрталаб икковлон яна аэропортда пайдо бўлдик. Афсуски, бу ерда ҳам аҳвол худди Тошкентдаги каби экан. Чипта йўқ. Фақатгина қўлдан минг рубль эвазига сотиб олиш мумкин, холос.

Бир пайт ёнимизга узун бўйли, хушсурат ўзбек йигити келди.

– Ассалому алайкум, юртдошлар! – деди қуюқ мулозамат билан, – йўл бўлсин, акажонлар?

– Тошкентга кетишимиз керак эди, – дедим мен, – чёрт, билет йўқ. Қаёққа қарама, чайқовчилар, атиги тўқсон рубл турадиган билетни минг рублга пуллаш дардида бари.

Хушсурат юртдош ҳамдардларча бош чайқади.

– Э-э, Одесса аввалдан фиригарлар, ўғрилар шахри, бу ердаги одамлардан ёруғлик чиқиши қийин. Сизлар дам олишдан қайтаяпсизларми?

– Йў-ў, қаёқда, – дедим тўлқинланиб, сўнг сафар сабабларини тўлиб-тошиб гапириб бердим.

Хушсурат юртдош яна тавозе билан бош эгди.

– Жуда савоб иш юзасидан юрган экансизлар. Акажонлар, сизларга ёрдам бермасам, уят бўлади. Мен кўпдан бери шу ерда яшайман, ишлайман. Хотиним аэропортда хизмат қиласди.

– Йўғ-е?! – дедим қувониб, – сизни бизга Худо етказди, шекилли.

Хушсурат юртдош яна мулозамат билан қўлини кўксига қўйди.

– Худо етказгани рост бўлсин...акажонлар, сизларга икки юз рублдан билет топиб бераман.

Шахриёр ҳам ҳожатбарор юртдошга маҳлиё-маҳлиё тикилиб турарди.

– Барака топинг, ука, шундай қилинг, – деди юртдошнинг елкасидан қучиб.

– Ярим соат ичида билет қўлларингизда бўлади.

Шахриёр чўнтақ ковлади. Мен қувончдан нақ ирғишлиб ўйнагудек бўлиб турардим.

– Омон бўлсин, яхши йигит экан, – дедим тўрт юз рублни кўлида ғижимлаган кўйи аэропорт оралаб кетган юртдошнинг ортидан қараб қоларканман.

– Ҳа, ҳар томонлама омадимиз чопди-ёв, – деб кўз қисиб елкамни қучиб қўйди Шахриёр.

Аммо сермулозамат, сертавозе юртдош шу кетганича қайтиб келмади. Орадан бир соатлар вақт ўтгач, биз икки ватанпарвар ташвишланиб қолдик.

– Боплаб кетди, шекилли, а, – дедим аранг ғудраниб.

Шахриёр жавоб бермади. Фикри-зикри аэропорт радио узелидан янграётган эълонда эди.

“Тошкентга учувчилар! Тұртингчи касса ёнига үтинг, кечки рейсга чипталар сотилмоқда!”

– Юртдошни қўй! Тұртингчи кассага югурдик! – деди у шодон ирғишлиб.

Биз атиги тўқсон рублдан чипта сотиб олиб, кечки пайт самолётга чиқарканмиз, Шахриёр биқинимга туртди.

– Чўнтақка эҳтиёт бўлинг, чўнтақка, тагин яна бирор безори одессалик шилиб кетмасин.

Мен кулиб юбордим.

Шахриёр негадир маъюс тортиб қолди.

\* \* \*

Дов-даражтлар хазон ташлаб турган кунларнинг бирида Тошкентдан тўсатдан тафтишчилар тўпи бостириб келди. Гуруҳ раҳбари Республика Прокуратураси вакили Эркин Эсонович Эминов ёв қаъласини қур-

шовга олаётган саркарда каби Шайхали дон маҳсулотлари комбинати ҳовлисида важоҳат билан чарх урар, ўкириб-бўкириб топшириқлар берарди.

– Дарвозага қулф осинг! Омборлар, гаражлар тамғалансин! Кирди-чиқди, олди-сотди ишлари вақтингча тўхтатилсан!

Табиийки, комбинат директорининг қон босими ошди, дағ-дағ титрашга тушди. Бирор баҳона билан амал-тақал қочиб қолиш илинжида бўлди.

– Эй, – пиҷирлади у мени бир чеккага тортиб, – дарҳол Холёровни топиб келгин! Менинг мазам бўлмаяпти.

Шахриёр меҳнат таътилида эди. Устига устак, ўша кунлари амакиси қазо қилган, ҳойнаҳой, у азадор хона-донда хизматда бўлса керак.

Мен етиб борган пайт таъзияга келиб-кетувчилар бироз сийраклашган экан. Қариндошлар қатори эгнига чопон, бошига дўппи кийиб хомуш турган Шахриёрга вазиятни қандай тушунтиришни билмай каловландим. Айни пайтда унинг кунглига қил ҳам сиғмаслиги шундоққина юз-кўзидан сезилиб туради. Лекин индамай ҳам кетолмайман. Унга бир-икки маънодор кўз ташлаб қўйдим. Жонсарак қарашларим наф берди, шекилли, Шахриёр чеккароққа ўтди.

– Кечирасиз, – дедим унинг ёнига бориб, – ишхона бироз нотинч.

Шахриёр истамайгина сўради.

– Нима гап?

Вазиятни узук-юлуқ тушунтирган бўлдим.

– Сиз аралашмасангиз, бўлмас экан, – деб қўйдим гап охирида.

– Эртага ўтаман, бугун иложи йўқ, – деди Шахриёр куруққина қилиб, сунг яна қариндошлари қаторига бориб қушилди.

Негадир таъби тирриқ бўлиб қайтди. Ҳойнаҳой, Холёровнинг ҳаммани зир титратган тафтишчилар

тұғрисидаги гап-сүзларни қандайдыр лоқайды, хотиржам тинглаганидан, ҳамма қатори құрқувга, ваҳимага тушмаганидан құнглим хира тортды.

“Нега мен ундаи эмасман?! Масалан, тафтишчиларни күрганда күзғалған титроғим ҳали-бери босилгани йүк. Аслида, корхонада бирор қинғирлик аниқланған тақдирда ҳам калтакнинг зүри менга тегмайды-ку?! Нега Холёров каби хотиржам эмасман? Қизиқ, Шахриёрда қандай хислат бор? Кимиға ишонади үзи у? На зари, на зүри борлигини эшиптаманман. Лекин минг күйли бойлардай мағрур юради. Аслида мен шундай боши баланд, күкси тоғ бўлишим керак эмасми? Амалдор қариндошлар менда-ку, чўнтағимда етарлича ма-блағим ҳам бор, қўлимда қип-қизил диплом...”

Шундай хаёллар исканжасида, гоҳ Шахриёрни, гоҳ ўзимни тафтиш қилиб яна комбинат дарвозаси олдига етиб келганимни билмай ҳам қолдим.

Эртаси куни чошгоҳ маҳали Холёров келди: эгнида ўша чопон, бошида ўша дўппи, соч-соқоли ўсиқ.

– Сиз кимсиз?!

Уни илк күргандаёқ гурӯҳ раҳбари Эминов шутарзда жеркиниб суради.

– Мен Холёров, директор ўринбосариман.

– Ўринбосар?! – Эминовнинг баттар фифони фалакка чиқди. – Қанақа ўринбосар, чўпонлик бўйичами? Бу қандай кўриниш, ишхонага ҳам шундай аҳволда келадими одам?

Шахриёр маъюс бош эгди.

– Узр, тўппа-тўғри азадор жойдан келяпман, амаким қазо қилганди.

– Ҳа, шунақами, – деди Эминов хомуш бош чайқаб, – кечирасиз, билмагандик, жойлари жаннатда бўлсин. Амолекин, ока, бизланики хизматчилик, барибир иш юзасидан гаплашишга тўғри келади.

– Бемалол, мен тайёрман.

Эминов ёнидаги ходим узатган бир даста қоғозни стол устига тарсиллатиб ташларкан, тантанавор эълон қилди.

– Корхонангиздан тўрт юз тонна дон камомад чиқди! Мана, текширув натижалари. Бизнинг зийрак мутахассислар ҳаммасини аниқлади.

– Йўғ-е, мумкин эмас, – Шаҳриёр ўша қоғозларни қулига олиб кўз югуртира бошлади, – қандайdir англашмилмовчилик борга ўхшайди.

Эминов уни истеҳзоли кузатиб турар, энди ҳолинг қалай, деган маъно нигоҳларида кезиниб юрарди.

– Республикаning энг етук мутахассислари жалб этилган бу тафтишга, камчилик излаб овора бўлманг.

Шаҳриёр унинг луқмасига эътибор бермай яна бир неча дақиқа тафтиш хulosаларини кўздан кечирди. Мен ҳам вазиятни ҳадик-хавотир билан кузатиб турардим.

– Илтимос, – деди у бир пайт менга юзланиб, – беш-олти дона оқ варак, қалам берворинг.

Эминов Шаҳриёрга таажжубланиб қаради. Бошқа гурӯҳ аъзолари ҳам қизиқсиниб столга яқинроқ келдилар.

– Бир оз англашмилмовчилик юз берибди, – деди Шаҳриёр узатган варакларни ёзув-чизувга шайлар экан, – шунинг учун бу ерда катта камомад чиқяпти.

– Ҳушш-ш, қандай англашмилмовчилик экан, – деди Эминов нописанд.

Шаҳриёр ҳаш-паш дегунча қоғозларни турли тенгламаю формулаларга, чизмаларга тўлдириб ташлади. Мен унинг катта олимларга хос фавқулодда жиддий, ҳаёлчан қиёфада қалам юритишига лол қараб турардим.

– Мана, – деди Холёров, ниҳоят, тафтиш гурӯҳ раҳбарига юзланиб, – мутахассисларингиз ғалла солинган ёмкостлар конус шаклида эканлигини эътибордан қочиришган, бус-бутун, квадрат-куб ҳолатида ҳисоблаш-

ган. Агар қурилманинг конус шаклида эканлигини назарда тутсак, ҳар бир ёмкостда мутахассислар назарда тутгандан камроқ ғалла борлиги аниқланади.

Эминов чопон кийган директор ўринбосари узатган қоғозларни ишонқирамай кўлига олди. Ўз мутахассисларини кўз ишораси билан ёнига чорлади. Ҳаммалари Шаҳриёрнинг ҳисоб-китоб ёзув-чизувлари устига энгашдилар.

Дераза ортидан бир парча тиниқ осмон, комбинат қурилмалари чала-ярим кўзга ташланарди. Баланд элеватор биноси атрофида ҳўрак илинжида чарх уриб учайдиган кушлар галаси бетиним чуғурлашади.

Тафтишчилар Шаҳриёрнинг ёзув-чизувларини анча пайт муҳокама қилишди. Ҳисоб-китоб пирларидан бўлса керак, тепакал, семиз мутахассис бир чеккага ўтириб ўзича яна қоғоз қоралашга тушди.

– Хўш, нима гап, – деди уни бетоқат кузатиб турган Эминов.

Мутахассис афт-ангорини тириштирган кўйи мужмал елка қисди.

– Умуман олганда, бу дўстимизнинг фикрларида жон борга ўхшайди.

– Йўқ! – гуруҳ раҳбари стол устига зарб билан кафтурди, “қарс”этган товушдан ҳамма чўчиб тушди. – Йўқ! Бундай булиши мумкин эмас! Биз бу ерга ўғри-муттаҳамларни фош этишга келганмиз! Уларнинг аллақандай ҳисоб-китобини маъқуллагани эмас!

Мен гуруҳ раҳбарининг не сабабдан бу қадар ўқириб-бўкираётганини сезиб турардим. Ахир, улар бостириб келишган пайтданоқ комбинатни остин-устун қилиб ташлашди, камчилик топилиши мумкин бўлган деярли барча жойларни тафтиш қилиб чиқишли, аммо арзигулик хато топиша олмади, фақат бугун эрталаб, туни билан ҳисоб-китоб қилиб чиққан мутахассис, катта камомад борлигини айтди, эшитганларидан

Эминовнинг оғзи қулогига етди, мана, энди муттаҳамларни тутдик деди, бироқ Холёров келди-ю, уларнинг ҳайити узоққа чўзилмади, мўмайгина “нон-насиба”дан қуруқ қоладиганга ўхшаб қолишиди.

– Йўқ! Бундай бўлиши мумкин эмас! – дерди Эминов дарғазаб, – қани, ўша ғаллани ҳовлига тўкинглар, челаклаб ўлчаймиз.

Шахриёрнинг жасоратидан руҳланиб мен ҳам эътиroz билдирган бўлдим.

– Кечирасиз, бошлиқ, бу жуда кўп вақтни, катта ишчи кучини талаб қиласди.

– Бунинг менга фарқи йўқ! Эминов важоҳат билан менга яқин келди, бармоғи билан кўкрагимга нуқиди, – барибир жиноятларингни топаман ва биринчи бўлиб сани қаматаман, тушундингми, сани!

– Қаматсангиз, қамата қолинг, у ёқда уч маҳал текин овқат берар экан, бу кунимдан ўша яхши, – дедим фавқулодда ҳозиржавоблик билан, бундай фикр хаёлимга қандай келганидан ўзим ҳам ҳайронман.

Шахриёр менга кўз қисиб, бош бармоғини кўрсатиб қўйди.

– Ҳали ҳаммасига жавоб берасанлар! – Эминов гуруҳини бошлаб ташқарига йўналар экан, шу тарзда димоғида ғурданди, – ҳаммангни қамоқда чиритаман.

Куёш қоқ тепада чараклаб туради. Ҳаво илиқ. Енгил эпкин қайлардандир намиққан тупроқ, хас-хашак ҳидини димоқларга олиб келади.

Тафтишчилар талабига қўра ғаллани чеълаклаб ўлчаш ҳам уларга наф бермади. Шахриёрнинг ҳисоб-кигублари чин экан! Камомад ҳақидаги иддаолар дон гардидай ҳавога соврилди. Эминов ўзини қўярга жой топа олмасди. Гуруҳни қандай қилиб бўлса ҳам жиддий хато-камчиликлар топишга ундарди. Барибир уларнинг терлаб-пишишлари ҳеч қандай натижага бермади. Комбинат “топ-тоза” эди.

– Бўлиши мумкин эмас! – ҳануз ғудранарди Эминов, – қаттандирикчилик қивотсила ўзи? Биз пойтахтдан келиб, шунча овора бўлиб, энди қуруқ қайтамизми?

Гуруҳ раҳбарининг болаларча хархашаси, ҳатто, очиқ-ошкора таъма қилиши бир кулгимизни қистар, бир ғашимизни келтирап эди.

– Биттагина чопон кийган ходим ҳамма режала-римни чиппакка чиқарди-я?! – деб ёзғирарди Эминов аҳён-аҳён, – лекин осонликча жон берадиган аҳмоқ йўқ, қайта ва қайта текшириравераман.

Шахриёр гүё хижолатомуз қулини кўксига қўйди.

– Эркин Эсонович, чопонни ечишга мажбур қилманг мени.

– Нима?! – Эминов унга анграйиб қаради. – Демак, чопонни ечсангиз бошқа ҳунарлар ҳам қўрсатар экан-сиз-да.

– Ҳа, масалан, баъзи бир қонуний жиҳатларни эслатиб қўйишга мажбур бўламан.

– Масалан?

– Масалан, сизнинг шахсий инжиқлигингиз туфайлигина корхона иши тўхтаб турибди. Бу мумкин эмас. Уст-бошимизни сал енгиллаштириб, керакли ташкилотларга хабар қилсак, оқибати, яхшиликка олиб келмайди.

Эминов ирғиб ўрнидан турди. Уриб йиқитгудай шашт билан Шахриёрга яқинлашди, аммо унинг хотиржам, жиддий нигоҳларига нигоҳи тушди-ю, худди қоқилиб кетган одамдай туйкус бушашиб қолди.

– Аммолекин сизга қойилман, – деди илжайиб, – ҳали чопонни ечмай туриб шунча каромат қўрсатдингиз-а! Билимингизга, жасоратингизга тасанно! Лекин, ҳаётнинг бир аччиқ ҳақиқатини айтиб қўйсам, хафа бўлмайсизми?

– Бемалол, – деди Шахриёр чопони ёқаларини эҳтиром билан силаб қўяркан.

– Бундай қобилият билан сиз ё зүр бўлиб кетасиз, ё...йўқ бўлиб кетасиз...давр талаби шу, унутманг...

## 3

*Икки жуфт варакдаги битик шу ерда адо бўлган эди. Мен уни ким ёзганлигини дарров сездим. Лекин бу битик қандай қилиб Шаҳриёр Эшбековичнинг дафтари орасига кириб қолганига ҳеч ақлим етмади.*

*Бир пайт қабулхона телефони жиринглаб қолди.*

*“Холёров”, – ийлт этиб ўтди хаёлимдан. Адашмаган эканман.*

– Фозил, менинг ёзув дафтарим қоп кетибди-ку, – деди у, афтидан, ҳануз машинада кетаётган бўлса керак товуши қандайдир шовур билан келарди.

– Ҳа, мен олдим.

– Фозил, қизиқ бир ҳолат-да, – деб кулди Шаҳриёр ака, – худди мажлисдан қайтгандай дафтаримни ҳам олиб тушиппан боя.

– Ўрганиб қолгансиз-да, – деб мен ҳам қулгуга жўр бўлдим.

– Дафтар сенда турсин, борганимда ўзингдан оламан.

– Ака, ичидагини ўқисам, майлими?

– Хуп, – деди Шаҳриёр Эшбекович бироз ўйланиб тургач, – лекин бирорларга гапириб юрмагин.

– Хуп.

Алланечук енгил тортиб гўшакни жойига қўйдим. Шундагина қорним роса очиқканини сездим. Лекин уйга кетгим йўқ эди. Ташқарига чиқдим. Аллақачон қоронғу тушган. Осмон тоқида сон-саноқсиз юлдузлар жимирилаб турадид. Пиримқул қоровулхонада эндиғина овқатланишга тараффуд кўра бошлаган экан.

– Менга ҳам егулик топиладими? – деб сўрадим ундан.

Пиримқул ажабланиб қаради.

– Уйга кетмадингизми?

– Шаҳриёр ака компьютерда бажариладиган бир иш тайинлаб кетди, шу билан бандман.

Пиримқул уйидан олиб келган илитма овқатига таклиф этди. Апил-тапил уч-түрт қошиқ оғзимга солдим. Нон кавшадим.

– Намунча шошилмасангиз? – деди қоровул ажабланыб.

– Э-э, күп иш. Эрталабгача ўтирмаи дейман-да.

Бир чеккадаги чөвгумдан елим идишга обжүш түлдириб олдим.

– Ҳали яна чиқаман, яна нон берасиз, – деб қўйдим идорага кириб кетарканман.

– Бемалол, жўра.

Иш столимга қулайгина жойлашиб яна дафтарни қўлга олдим.

## ИККИНЧИ ҚИСМ



## Биринчи саҳифа

Ажаб, бу аввалдан бор эдими ё кейин пайдо бўлдими?

Корхонанинг иссиғу совуқдан, ёғин-сочиндан илвирабгина қолган девори биқинидаги қип-қизил, қингир-қийшиқ ёзувга таажжубланганча тикилдим.

“Бегоналар юрмас бу ерда!”

Беихтиёр теварак-атрофга кўз ташладим.

Корхона ҳовлиси жимжит. Сал наридаги тарози қурилмаси ёнида уч-тўрт ишчи ғимирлаб юрибди, холос.

“Қизиқ, бу сўзлар менга тегишлими, ё бошқаларгами?” – ўйладим ўша ёзувлардан кўз узолмай.

Куни кечак шу корхонага, Еркўргон дон тайёрлов идорасига бошлиқ этиб тайинландим. Ҳаммаси ҳеч кутилмаганда юз берди. Мени тұсатдан вилоят ҳокимлигига чорлаб қолдилар.

“Холёров, хуш келибсиз, – мамнун бир қиёфада қаршилади вилоят ҳокимлигининг қишлоқ ҳўжалик бўлими бошлиғи, – чақиртирмасак, ўзингиздан билиб биздан ҳеч хабарлашмайсиз-а..”

Туйқус чорловдан кўнглимга минг бир ҳадик-хавотир оралаб, минг бир хаёл исканжасида этиб келгандим. Хушхондон лутфдан ичим андак ёришди. Енгил тортдим.

“Ўзингиз ишга кўмиб ташлагансиз, Нурали Ширинович, – дедим табассумга табассум билан жавоб қайтарарканман, – бош кўтаришга вақт йўқ.”

“Ишонаман, дүстим, ишонаман. Сизни ишдан ташқари ҳолатда тасаввур қилиш қийин.”

Нурали Ширинович сарғыштоб, барваста киши эди. Силлиқ таралган соchlари, орастай кийимлари ўзига ярапшиб турарди. Ўз соҳаси бўйича етук мутахассис, жонкуяр раҳбарлардан. У иш столи устидаги хужжатнамо қофозлар тахламини бир чеккага суриб менга саволчан кўз ташлади.

“Холёров, мелкомбинатда неча йилдан бериш ишлаяпсиз?”

Туйкус мени хаёл олиб қочди. Эсимда, вилоят марказининг шундоққина биқинида, Шайхали қўрғони атрофида қўй-қўзи боқиб юрардим. Ўшанда Шайхали дон маҳсулотлари комбинати қурилиши бошланган эди. Эртаю кеч баҳайбат машиналар гувуллаб-увуллаб кум-шағал, темир-терсак, ёғоч-тахта ташийди. Ҳамма-ёқ чанг-тўзон, шовқин-сурон ичида эди. Цемент қориб, пойдевор қуяётган қурувчилардан бири ўзларига анграйиб турган болани, яъни мени имлаб ёнига чақириди.

“Исминг нима?”

“Шахриёр.”

“Сувингдан озгина бергин.”

Бўйнимга осиб олган сув идишни ўша баланд бўйли, озғин, бакувват ишчига узатдим. У кулимсираган қўйи идишни қўлига олди-да, бир қултум ичган бўлиб, уни яна менга қайтарди. Сўнг ёнидаги чеълакдаги суюқ цемент қоришмасидан озгина олиб қўлимга, юзимга суртди. Мен чўчиб тисарилдим.

“Кўрқма, – кулди ўша қурувчи, – баданингга қоришмадан тегсин. Насиб этса, ўсиб-улғайиб, шу заводда ишлайсан, уни бошқарасан”.

Қизик, ўшанда юз-қўлимга теккан қоришма юқидан ғашим келмади. Аксинча, унинг ғалати ҳиди ёқиб қолди. Қуёшда қуриб, ўзи уқалиб тушгунича қоришмани ювиб ташламадим.

“Нега ўйланиб қолдингиз, эй, – деди бошлиқ ажабланиб, – эй дейман, гапимни эшиптингизми?”

Илкис хүшёр тортдим.

“Узр, Нурали Ширинович, сал хаёл кетди.”

“Қачондан бери мелкомбинатдасиз, деб сұрадим.”

“Эсимни таниғандан бери ўша ердаман. Зувалам шу корхона пойдеворига ташланған бетон билан қорылған, Нурали ака. Мактабни битирған йилимдаёқ мелкомбинатга оддий хизматчи, шогирд сифатида қабул қилинғанман. Шунга ҳам йигирма беш йилдан ошди-ёв. Мана, ҳозир комбинат деректори үринбосариман.”

“Холёров, қишлоқ хужалик соҳасидаги бугунги давлат сиёсатни ўзингиз яхши биласиз. Фалла мустақиллиги учун қаттиқ кураш бошлаб юбордик. Президент, ҳукумат олдимизга оғир, масъулиятли талаблар қўйган.”

Мен бўлим бошлиғи айтиётган масалаларни нафақат билардим, балки етмиш икки томирим билан ҳис этардим. Республика ўз истиқлонини қўлга киритгач, чиндан ҳам машаққатли бир давр бошланди. Эски Иттифоқ замонидаги деярли барча таъминот тизимлари барбод бўлган, янгилари ҳали барпо этилмаган эди. Айниқса, аҳолига озиқ-овқат, ғалла-дон етказиб бериш борасида аҳвол ачинарли, хавотирли эди. Президент, ҳукумат бу масалада шошилинч чора-тадбирлар ишлаб чиқишига киришди. Ўз ғалламизни ўзимиз етиштирамиз, мустақиллик, аввало, нон қарамлигидан кутулишдан бошланади, қабилидаги шиорлар, даъватлар ўртага ташланди.

“Хуллас, – деди Нурали Ширинович вазиятни ба-тафсил баён этгач, – бугун сизга, сизга ўхшаш салоҳиатли, соҳани яхши биладиган, энг мұхими, ҳалол кадрларга эҳтиёж катта.”

Эътироф-мақтовлардан ўнғайсизланиб кўлимни кўксимга қўйдим.

“Шу пайтгача имконимиз даражасида ишлаб келдик, бундан буён ҳам халқ учун, мустақиллигимиз учун астойдил хизмат қиласкерамиз, Нурали ака.”

“Яшанг, Холёров! Хуллас, раҳбарият сизга ўта муҳим бир вазифани юклашни лозим топди.”

“Құлимдан келса, бош устига, – дедим андак сергакланиб, негадир бир пайтлар Одессага бориб келганим хаёлимдан ўтди, – қандай топшириқ экан?”

“Сиз Еркүрғон дон тайёрлов корхонасига бош бұла-сиз.”

Юрагим “шувв”этди. Күз олдимдан қүй-құзилар құрасини эслатувчи, деворлари илвираб қолган, қулоғи-гача қарзға ботған корхона лип-лип ўтди. Беихтиёр әътиroz билдиришга өфілдік. Аммо Нурали Ширинович күнглімдагини сезгандай құл ишораси билан гапиришга йүл қўймади

“Биламан, уша “Заготзерно” хароб аҳволга келиб қолган, катта камомад буйнида, лекин бунга томоша-бин булиб ўтиришга ҳам ҳаққимиз йүқ. Муаммоларни зудлик билан бартараф этиш керак. Шунинг учун ҳам раҳбарият сизга ишонч билдирияпти. Янада очиғроқ айтсак, сиздан бошқа бу оғир вазифани уддалашига кузимиз етмаяпти. Ҳатто, ака ҳам сиз тараф. Каттага сизни тавсия қилибди.”

“Қайси..ака?”

“Ўзимизнинг Шарпа.”

Беихтиёр иш хонамдаги учрашув күз олдимда жонланди.

“Ўшанда чин гапирған экан-да, – уйладим ажабла-ниб, – қизиқ, нега менга ёпишиб олди у?! Шарпанинг түсатдан ҳомийга айланиши... ишқилиб, хайрли бүл-син-да. Негадир ёқтирумайман шу одамни. Лекин менга ёмонлик қылған жойи йүқ. Күрган жойида кучоқ очиб күришади, муомалалари илик”.

“Мен бироз ўйлаб курсам, вақт берсаларингиз,” – дедим бўшашган бир кайфиятда.

“Йўқ! – Нурали Ширинович илкис қад ростлади, – вазият танг. Срочно, ишни қабул қиласиз. Раҳбарият аллақачон шу қарорга келган. Ахир юрт корига шундай оғир пайтда ярамасангиз, қачон ярайсиз?! Хуллас, душанба куни ўзим олиб бориб сизни янги жамоага танишитириб келаман. Тараддуд кўринг.”

Хуллас, маҳаллий шевада айтганда, шуйтиб, камина, Шахриёр Эшбекович Холёров худди эртаклардаги каби бир юмалаб Ерқурғон дон тайёрлов идораси бошлиғига айланди. Кеча йиғин, меҳмонларни кузатиш билан бўлиб, корхонани айланиб кўришга вақт топилмади. Бугун эрталабданоқ шу мақсадда ҳовлига чиқдим. Ногоҳ кўзим девордаги мана бу ёзувга тушди.

“Бу, ҳойнаҳой, “посторонным вход запрещаются”, деган русча таъкиднинг ўзбекча қилингани бўлса керак,” – дея хаёлимдан утди. Лекин бу холосамдан унчалик кўнглим тўлмади. Чунки уша ўйлаганим каби мазмунда бўлса, буни ҳовли ичига эмас, ташқарисига ёзиш керак эди. Демак, бу ерда қандайдир, бошқача маъно бор. Шу пайт қоровулхонада кимдир мени диққат билан кузатаётганини сезиб қолдим. Ялт этиб уша ёқقا юзландим. Адашмабман. Уттиз ёшлар чамасидаги, озғин-ориқ қоровул йигит гавдасини дарҳол панага тортди.

– Эй, сен! – чақирдим уни, – бу ёқقا кел!

Аскарча “бушлат”ига бурканиб олган қоровул йўрғалаган кўйи етиб келди.

– Лаббай, ака.

– Исминг нима?

– Фозил.

Девор томон ишора қилдим.

– Буни ким ёзган?

– Мен, – деди Фозил қандайдир мамнун оҳангда.

- Нима бу? Нима демоқчисан? Бегона ким?

Фозил эски телпагини энсаси томон суриб кирчил сочини қашлади. Унинг күзлари алланечук қувноқ пор-лаб турарди.

- Тұғрисини айтсам, уришмайсизми?

- Хүп, гапир-чи, - дедим қизиқсиниб.

- Бу ердаги ҳамма ишчилар, ходимлар аввалги бо-шлиқнинг қариндошлари. Бу ерда бегонага ўрин йўқ. Шу маънода ёзгандим.

- Қачон ёзгандинг?

- Икки йилча бўп қолди.

- Аввалги раҳбар бу ишингга ҳеч нима демадими?

- Йўқ, қайтам, унга маъқул тушди.

- Сен ўзинг ҳам у кишига қариндошмисан?

- Йўқ, сал-пал адашиб мени ишга олган.

- Бегона экансан-да.

- Ҳа, бегонаман, шунинг учун қоровулхонадан чиқ-майман.

Беихтиёр кулиб юбордим. Қоровулнинг қувноқ-ликка мойил юз-кўзи, содда-самимий сўзлари менга ёқиб қолган эди.

- Хоҳласангиз, ювиб ташлайман, - деди Фозил.

- Шошилмай тур-чи, - дедим ёзувни яна бир кар-па кўздан кечирав эканман, - аввал бу ерда яна кимлар бегона эканлигини аниқлаб олайлик. Ҳозирча иккита бўлдик.

Фозил ҳам яйраб кулди.

### Иккинчи сахифа

Минг тўққиз юз тўқсон саккизинчи йилнинг эрта баҳори одатдагидан хийла совуқ келди. Гоҳ изғирин, гоҳ аёз эту суюкларни қақшатади, юз-кўзларни аёвсиз чим-чилайди. Аммо мен ўзим эндингина раҳбар бўлган жа-моанинг совуқ муносабатидан, музлаган нигоҳларидан кўпроқ азият чекардим. Ҳолбуки, муроса йўлини тутдим.

билин янги раҳбарни ўз измларига солиб олишни мўлжаллашган! Аммо чучварани хом санашади.

Мен кабинетимга кирдим. Иш столим бир чеккасида турган чойнакни даст кўтариб яхна чойдан қулткулт ютдим, гўё ич-ичимда аланга олган оловга сув сепгандай бўлдим. Ҳозиргина қатъият кўрсатиб маъқул йўл танлаганимга ишончим комил бўлса-да, шу баробарида, кўнглімнинг бир четида қандайдир ғашлик, шуҳба бўй кўрсатиб турганини ҳам пайқадим.

Улар ростдан ҳам ишдан бўшаб кетишича? Айни танг пайти уруғлик ғаллани ким тушириб олади? Фалон ердан одам топиб келаман деган билан масала даровгина ҳал бўлмайди. Ҳаммасига вақт керак. Лекин уруғликни бугун-эртанинг ўзидаёқ вагонлардан тушириб олинмаса, сифатига путур етиши мумкин. Бунга асло йўл қўйиб бўлмайди. Нима қилмоқ керак?

Шундай чигал хаёлларга чалкашиб секин деразадан кўз ташладим. Ҳалиги исёнкор туда ғала-ғовур билан корхона ҳовлисига киришга уринар, қаршилик кўрсатаётган қоровулни алланималар дея авради.


“Йу-ўқ, бу улушталаблар тайёр иш ўринларини тарқ этадиган даражада тентак эмас”, – ўйладим ичим бироз ёришиб.

Иш столимга ўтириб боя мажлисда тайинланган топшириқлар бўйича режа тузишга киришдим. Шу пайт негадир боягина юз берган учрашув ёдимга тушди.

Ҳокимлик биносидан чиққан пайтим йўлнинг нариги тарафидан эгнига қимматбаҳо чарм камзул, бошига бежирим телпак кийган барваста киши илжайган кўйи мен томон қўл силкитди.

“Шахриёр?! Ўзингизми?”

Юриш-туришидан, овозидан дарров танидим: Ношимхон Жалилов! Кўпдан бери танишмиз. Шайхалидаги комбинатда ишлаб юрган кезларим хизмат юзасидан тез-тез учрашиб турардик. Далли-ғулли, ишби-



- Қайтам, яхши бўлди-ку, Шаҳриёр ака, иккию нўл.  
Сизнинг фойдангизга.

Ўзимни кулгудан аранг тутдим.

- Шундай деб ўйлайсанми?

- Ҳа, лекин бопладингиз, ҳаммаси тавбасига таяниб, ишга от кўйиб кетди. Овқатга талашгандай талашиб ишлашяпти.

Шу қоровул бола негадир кундан-кунга менга ёқиб борарди.

Қандайдир самимий, дилкаш, худди китоб кўрган одамдай фикрлаб, сермазмун гапиради.

- Сен ўзи бу корхонада нима қилиб юрибсан? – дедим Фозилга саволчан кўз ташлаб, – туппа-тузук ўқимишлига ўхшайсан?

- Ўзимни ўзим ўқитганман-да, ака, бир пайтлар китоб, журнал деганларини кўрсак, бир вараклаб чиқмай тинчмаганимиз. Лекин шу ердан узоққа кетолмадик, тирикчилик, рўзгор дегандай.

Хаёлимда лоп этиб ўз ўтмишим жонланди. Мактабни аъло баҳоларга тугатиб, не бир орзулар қанотида олис шаҳарларни кўзлаб учиб-кўниб юрган бештраклик болакай кўз ўнгимдан лип-лип ўтди. Аммо Фозил айтгандай, ҳаёт, тирикчилик уни улкан комбинат эшигига рўбару қилди. Тирикчиликнинг тахир таъмини тотди. Не баҳтки, у пайтлар имкониятлар бор экан, кейинчалик, сиртдан бўлса ҳам, олий таҳсил олди, шаҳар кўрди. Лекин Фозил нима қилиши мумкин? Унга қандай ёрдам кўрсатса бўлади? Ахир, ҳозир аввалгидай сиртқи таҳсил йўқ. Кундузги бўлимда ўқишга Фозилда имконият йўқ.

- Шуйтиб судралиб юриппиз-да, ака.

Хаёллар чархида адашиб-улоқиб қоровулнинг сўнгги сўзларини аранг илғаб қолдим.

- Ука, – дедим унга хайриҳоҳ тарзда, – одамлар молмулк ҳақида, бой-бадавлат бўлиш ҳақида жуда кўп гапи-

ришади. Лекин бу масала унчалик осон эмас. Балки моддий жиҳатдан бир дунё нарса йиғиш мумкиндир, лекин маънавий бой бўлиш жуда қийин, бунинг учун кўп китоб ўқиши, тафаккур юритиш керак. Менимча, сен шу масала да анча илғор кўринасан. Балли! Нимага қизиқасан ўзи?

– Сизга ўхшаб адабиётга, санъатга қизиқаман.

– Менга ўхшаб?! – яна ҳайрон қотдим, – Сен нимага қизиқишимни қайдан била қолдинг? Бу ерда иш бошлаганимга ҳали бир ой ҳам тўлмади-ку. Шу орада мени кўрган бўлсанг, уч-тўрт марта кўргандирсан.

– Ака, одамлар толиқса ё сигаретга, ё нос шиша га ёпишади. Сиз хонангизда овозини пастигина қилиб мумтоз куй-қўшиқ эшитасиз ёки бирор шеърий китобни вараклаб турасиз.

Оддий бир қоровулнинг фаҳм-фаросати завқ-шав-қимни кўзғади.

\* \* \*

Фозил рост айтган экан. Ўша куни ишчилар ҳар қачонгидан ҳам ўзгача бир ташналик, иштиёқ билан тер тўкишди.

Бир кунлик меъёр икки вагон бўлишига қарамай, ўша жанжалдан сўнг тўрт вагон уруғлик ғаллани кечгача тушириб, омборларга жойлаб бўлишди. Ишдан ҳайдалиш хавотирими ё муқаррар ўзгаришлардан умидворликми уларнинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшгандек эди.

Эртаси куни тушликдан сўнг мажлис ўтказдим. Йиғинда корхонанинг энг оддий ходимидан тортиб мувониларимгача жам бўлди. Кичикроқ зал ачимсиқ тер, тамаки, аллақандай атир-упа исига тўлиб-тошди.

– Яқин орада ким тўйга борди?

Дабдурустдан шундай савол билан залга юзландим.

– Масалан, ўтган шанба-якшанбада ҳеч ким тўй-тантанада қатнашмадими?

— Мен... мен борганман, — күркә-писа овоз берди лаборатория ходими Шодмон Кенжаев, — тоғам үғил уйлантирган эди.

Мажлис ахли ҳамдардларча үшанга юзланды. Афтидан, ҳамма бу одам түйда бирор ишкал чиқарған, иши органга ошган, шунинг учун бошлиқ атай сұраб-суриштиряпти, деган хаёлга борди.

— Шунчаки, бориб еб-ичиб қайтдингизми ё түёна-мүёна ҳам узатдингизми? — сүрадым ундан.

Кенжаев норизо пүнғиллади.

— Нега шунчаки еб-ичиб қайтарканман. Албатта, түёна бераман-да.

— Нима бердингиз?

Хойнаҳой, пайтдан фойдаланиб, одамларга мақтаниб қўйгиси келди шекилли:

— Бир семиз қўчқор, — деди Кенжаев тантанавор.

— Сал пастроқ тушинг, Шодмонбой, кутарам қўзи берган бўлсангиз ҳам катта гап, — деб луқма ташлади эшик ёнидаги ишчи.

Кимdir унга эътиroz билдириди. Тағин бирор Кенжавни қўллаб-куватлади. Залда ғала-ғовур кучайди.

Мен бармоқларим билан стол чертиб йигин аҳлини тинчлантирган бўлдим.

— Жим-м... Тартиб сақланг, — бир оздан сўнг, ғала-ғовур тингач, яна сузимдан давом этдим, — гап қанча, қандай түёнада эмас, умуман, түёна узатиш ҳақида. Адашмасам, үтирганлар ичидан түйга түёнасиз борса ҳам бўлаверади деган гапни кувватловчилар йўқ.

— Йўқ-ў, — гувуллаб юборди зал, — нималар деяпсиз, хўжайин...

— Биз ундей паст кетадиганлардан эмас, — деди кимдир баралла.

Бирор ўрнидан андак қўзғалиб овоз берди:

— Калламиз кал бўлсаям, тарофимиз тилладан.

– Түёнасиз ош томоқни йиртади, – дея чинқирди яна аллаким.

Мен кулгидан аранг тийилиб жамоани бир амаллаб тинчитдим.

– Сизларни тушундим, – дедим яна ғала-ғовур бо- силгач, – ор-номусли одамларсиз. Түёнасиз түйга бо- ришни уят санайсизлар, шундайми?

– Шундай.

– Бу яхши хислат. Умуман, халқимизда бир-биридан яхши одатлар, анъаналар азал-азалдан шаклланган. Түйга түёна билан боради, азада азадорни құллаб-кувватлаб ёнида туради. Ҳашарда ҳаммадан күп ҳисса құшишга интилади. Шундайми?

– Ҳа, рост гапирдингиз! – деди үртадаги оқсоқолна- мо одам.

– Негадир мен шу хислатларни корхонада күрмаяп- ман, – дедим үринбосарларим томон маңнодор құз ташлаб, – Президентимиз, ҳукуматимиз ғалла муста- қиллиги учун аллақачон кураш бошлаб юборди, аммо биз шу соҳанинг хизматчилари бұлсак ҳам негадир ҳа- ли-ҳануз чеккада турибмиз. Ғалла мұл-құлчилиги учун эмас, бор-йүқ донни ҳам чиритиш пайдамиз. Иложи топилса, шу уруғлик ғаллани ҳам бўлишиб олиб уйга ташисада деймиз. Бу борада ҳеч қачон уялмаймиз, ви- ждонимиз қийналмайди.

Зал сув қўйгандай жимиб қолди. Ҳалигина номус, ғурур ҳақида гапирган баъзи бировлар тузоққа тушган товушқондай бесаранжом ғимирлаб қўйди.

– Дастанхондан тановул қилиш учун аввал унга ҳисса қўшиш керак, – давом этдим мен гапим таъсир қилаётганидан тўлқинланиб, – келинглар, шу иборани шиор қилиб олайлик, аввал яратайлик, аввал хирмонни мұл-құл қилайлик, кейин ундан оз-моз тотинсак, айб саналмайди, еганимиз ҳалол бўлади.

– Ҳақ гап! – яна овоз берди ўша оқсоқолнамо киши.

Тағин у ер-бу ерда маъқулловчи луқмалар эшитилди.

– Мен сизлардан имконсиз нарсани талаб қилмайман, – деб яна сўзимда давом этдим, – ҳамма зиммасидаги вазифасини сидқидилдан, ҳалол бажарса, бас, қолганини менга қўйиб беринглар. Ҳеч бирингизни хафа қилиб қўймайман. Мен бу ерга ўз хоҳишим, ўз ихтиёrim билан келганим йўқ. Шуни ҳаммангиз яхшилаб эшитиб олинг. Мени ҳукуматимиз, раҳбарият шу лавозимга тайинлади. Демак, энг аввало, уларнинг ишончини оқлашими керак. Бу корхонамизнинг иқтисодий аҳволини яхшилашдан, унинг иззат-обрўсими оширишдан бошланади.

Мажлис аҳли ўртасида зерикишга ўхшаш аломатлар пайдо бўлди: кимдир эснади, бирор ёнидаги шеригига шивирлади, аллаким соатига кўз ташлади. Афтидан, улар сиёсийроқ сўзларни ўзларига асло алоқаси йўқ деб ҳисоблашарди.

– Бундан буён эскича яшаб бўлмайди, – овозимни андак кўтардим мен, – боқимандаликка, хашаки тушунчаларга барҳам берамиз. Фермердан ортиб қоладиган ярим қоп ғаллага ёки ҳомийлардан ажратиладиган қандайдир садақа маблағга кўз тикиб ўтириш вақти ўтди.

Ҳалигина эснаб ўтирган, юзлари серажин, ёноқ суяклари бўртиқ ишчи қўрқа-писа қўл кўтариб, ўрнидан турди.

– Унда..., хўжайин, қандай қилиб кун кўрамиз? – деди у гўё хавотирланиб.

Имо билан уни яна жойига ўтиргиздим.

– Сизни очликдан ўлдирмасликка ваъда бераман, кўрқманг. Лекин, албатта, унгача мени тошбўрон қилиб ўлдириб қўймасаларинг бўлди.

Залда гурр кулги кўтарилди.

- Бундан буён фақат тадбиркорлик, ишбилармон-лик йўлидан борамиз,- дедим қулгиларга эътибор бермай, - бирорларга қараб ўтирмаймиз, яхшигина даромад олиш учун бизда тўла имкониятлар бор. Фақат бир-бirimizни алдамай, орқадан пичоқ санчмай, қингир йўлларга кирмай ишласак, қолгани осон. Лекин огоҳлантириб қўйяй, ғалла мустақиллиги сиёсати ҳазил-хузул гап эмас. Ҳозир ҳукумат бу борада қаттиқ назорат ўрнатган. Ўғрилик, товламачилик, алдам-қалдам ҳар қачонгидан ҳам кескинроқ жазога тортилади. Давлатнинг бир ишончли вакили сифатида бу чора-тадбирларни корхона миёсида амалга татбиқ этишга сизларга вайда бераман. Рўзиқулов!

Шундай дея олд қаторда қўлидаги дафтарига алланеларнидир қайд этиб ўтирган новча, озғин йигитга, кадрлар бўлими бошлиғига кўз ташладим.

- Лаббай, ака, - деди Рўзиқулов ўрнидан ирғиб турриб.

- Бундан буён ишчиларнинг, ходимларнинг тартиб-интизомига, хулқ-ахлоқига алоҳида эътибор қаратасиз. Ноҳуш ҳоллар учун ўша ходимдан аввал сиз жавоб берасиз. Масалан, кеча юз берганга ўхшаш саботаж уюштирувчиларга тегишли чора-тадбирлар кўрамиз, тушунарлими?

- Тушундим, хўжайин.

- Илёсов! - ҳисоб-китоб бўлими бошлиғига юзландим. - Бухгалтерияда тартиб ўрнатинг, ҳар қандай олди-сотди, кирим-чиқим ишларининг тегишли қоғозлари бўлсин. Мен бу масала бўйича ҳар икки соатда сиз билан гаплашаман.

- Хўп, - Илёсов манглайига сизиб чиққан терни арта-арта жойига қайтиб ўтирди.

- Хўш, кимда яна қандай саволлар, англашилмовчиликлар бор? - сўрадим залдагиларга бир-бир кўз ташлаб.

Шу пайт эшик очилиб, сийрак соchlарига қуюқ оқ оралаган, яғриндор, қоп-қора бир ишчи эгилган-букилган күйи кирди-да, худди шу алфозда орқа қатордаги бўш ўриндиқقا ўтиришга чоғланди.

- Сиз кимсиз? Нега кечикиб юрибсиз? - сўрадим унга юзланиб.

- Мен Даминов Азимман, омборхонадан, мажлисни ҳозиргина эшитдим.

- Нега? Бунга айтилмаганми? - олд қаторда ўтирган ўша кечикувчининг бевосита раҳбари саналмиш ходимга юзландим.

У ирғиб ўрнидан турди.

- Узр, Даминов вагонларга қоровул эди. Нега келди, ҳайронман, - бўлим бо Азим ака, нега постни ташлаб келдингиз? Илгари мажлислардан қочиб юардингиз-ку?

- Тўйлар, тўёналар ҳақида мажлис бўляпти деб эшитдим. Шунга... қатнашгим келиб кетди.

Залда гурр кулги кутарилди.

- Ким айтди сизга бу гапни? - деб сўради бўлим бошлиғи аччиқланиб.

- Фозил, анави қоровул бола.

Залда яна кулгу, ғала-ғовур кучайди.

- Бу масалада бирор фикрингиз бор эдими? - сўрадим қизиқсиниб.

- Ҳа, таклифим бор.

- Қандай таклиф?

- Таклиф... Таклифнома бор ҳаммангизга, кейинги якшанба ўғил уйлантираётган эдим.

Залда янги кулгу кутарилди. Азим ака бирор хатога йўл қўйдимми, дегандай атрофига жавдираб қаради. Уни Фозил қитмирларча қизиқтириб мажлисга киргизиб юборгани шундоққина кўриниб турарди.

- Даминов, улгурмадингиз, - дедим кулиб, - биз бир сидра тўёналарни тарқатиб бўлдик. Агар тўйни

бир йилга кечиктирсангиз, корхонадан каттагина түёна оласиз. Ҳозирча, унинг ҳисоб рақами бўм-бўш, чўнтағи қуп-куруқ.

Буткул довдираб қолган Азим ака чинакамига ўйга ботди.

– Билмадим, – деди у ниҳоят атрофига жавдираб, – қудалардан сўраб кўрай, қўнишармикан.

Унинг сўнгги сўzlари ғоят шикаста, ғоят орзуманд эди. Мажлис аҳли яна гурр қулиб юборди.

## 4

*Томоқларим қурқшаб қолибди. Саҳифадан бош кўтариб идишдаги сувдан ичдим.*

Ҳа, ҳамма-ҳаммаси менинг ҳам ёдимда. Муҳит булғанган, вазият танг эди.

Шундай кунларнинг бирида собиқ раҳбар Шариф Сувонович дарвозадан кириб келди. Саломимга алик ҳам олмай тўппа-тўғри омборхона атрофидаги ишчилар томон юрди. Мен уни зимдан кузатаман. Неларни ўйлаётганини ўзимча тасаввур қиласман.

Ана, у бармоқларини букиб-букиб, қайта-қайта ҳисоблади: корхонада роппа-роса қирқ кун бўлмабди. Аввал меҳнат таътили деди, сўнг касаллигини баҳана қилди, ишқилиб, Еркўрғон дон тайёрлов идорасига қирқ кун қадам босмади. Аслида у ўпка-гинасини, норозилигини шу тарзда намойиш қилмоқчи эди. Ўзи салкам қирқ йил бошқарган бу муассасада қадр-қиммати нечоғлик эканлигини шу йўсин синаб кўрмоқчи эди. Унинг хомчўтича, корхонада ҳаёт буткул издан чиқиши, ишлар ўлда-жўлда қолиб кетиши, жамоа тўс-тўполон кўтариши, бизга эски раҳбарни топиб беринглар, Шариф Сувоновични ўз лавозимига қайтаринглар деб юқори ташкилотларга қатъий шарт қўйиши керак эди. Аммо ҳамма-ҳаммаси хомхаёл бўлиб чиқди. Асосан ўз қариндошларидан иборат жамоа ҳам пусиб-пусиб қолди. Корхона ҳамишаги-

дек жойида турибди. Иш, тирикчилик давом этмоқда.

Ана, Шариф Сувонович эзгин кайфиятини, ич-ичидан қиринди ўтаётганини билдиримай құлларини белида чалиштирган күйи корхона ҳовлисини айлана бошлади.

Баҳор қуёши қоқ манглайида худди уни мазах қила-ётгандек чараплаб-ярақлаб турарди. Чор-атрофдан уйғониш фаслига хос хүшбүйлар таралар, ариқ лабларида, йүл-йүлак чеккаларида унган ям-яшил ўт-ўланлар, қоқи-гуллар енгил эткиндап майин чайқалар эди.

“Умрим шу корхонада ўтди. Оддий, содда ишчи сиғатида анови дарвозадан ярим аср аввал кириб келгансман, – маҳзун ўйламоқда Шариф Сувонович, менимча, – қадам-бақадам раҳбарлик даражасигача эришдим. Шу идорани ўттиз бир йил бошқардим, лекин бугун эскирган буюмдай бир чеккага улоқтириб ташлаши”.

Собиқ бошлиқ ўзини шундай хұрланған, ҳақоратланған ҳис этарди. Ҳис этган сайин алам-изтиробдан чакка томирлари ўйноқлады, құллари мушт булып түгилади, аммо бу муштлар кимга атальганини ўзи ҳам аниқ-тиниқ билмайды. Гоят катта адолатсизликка учрадим, деб ўйлайди. Қариганини, замон билан ҳамқадам, ҳамнағас бұла олмаётганини, лавозимни бошқа бирөвга бүшатиб бериш пайти аллақачон етганини тан олишини, тақдир ҳукміга бөш эгишни сира-сира истамайды. Мансабдан ажралиб қолиши сабабларини бутқул бошқа ёқдан излаб, қаерда, қандай хатога йүл қүйганилиги ҳақида ўйлаб ўртанаади, албатта, хато деганда, қай бир раҳбарнинг дилини оғритьганини назарда тутади, лекин бу борада ҳеч бир камчилик топа олмай қийналади. Чунки Шариф Сувонович ўттиз бир йиллик фаолияти давомида каттаю кичик амалдорлар күнглини олишда бемисл маҳоратга эришган, ҳар қандай бошлиқнинг шундоққина күз қарашиданоқ хоҳиши-истакларини илғаб, уларни дархол бажо этадиган даражасага етган эди. Ағсуски, унинг шундай ноёб хислатлари, хизматлари инобатга олинмади.

Хамма раҳбарлар тұсатдан тұнини тескари кийиб олди.  
Үрніга нотаниш бир нұсханы көлтириб құйдилар.

“Қизиқ, Холёровнинг орқасида ким турибди экан?! – деб үйлаяпты Шариф Сувонович, менимча, алам-армони ичини тобора күйдиріб, – ҳойнахой, пойтактда құлловчилари бұлса керак. Қадам ташлашлари қандайдир бошқача, үзиге ишончи баланд”.

Ха, адашмадим, шекилли, собық бошлиқ үзидан ла-возимини тортиб олган одам ҳақида үйлаган чоғи хаёлига, әңг аввало, айнан шундай фикрлар келади. Қаерда, қандай суянчиғи, тиргаги борлигини тусмоллайди. Йүк, бунинг үзи салохиятли, соғаны яхши биладиган кадрга үхшайды, ҳойнахой, шунинг учун ҳукумат унга шу вазифаны лойиқ күрган, деган үй сира миясига келмайди. Холбуки, Холёровнинг табдиркорлыги, етук мутахассис эканлиги, ана, илк одимлариданоқ сезилиб турибди. Ана, Шариф Сувонович қорасини ҳам күрсатмаган қирқ күн ицида қирқ үйлilik вайронага ажабтовур файз, тароват олиб кирибди.

Ана, Шариф Сувонович паришон бир қиёфада, худди отрикли саволларига жавоб топмоқчидек, теваракка аланглади. Шу пайт шошқин-тошқын бир бир тарзда сал наридан үтиб кетаётган Рұзиқуловни, кадрлар бүлими бошлиғини күриб қолди.

– Үв, үв жиян! – деб чақирди у, – күрмисан ё құзингни шира босиб қолдими?

Рұзиқулов таниш товуш келган тараф илкис юзланди, собық бошлиқни күриб, хижсолатомуз бир оҳангда салом берди.

– Узр, Шариф ақа, күрмай қолибман, – деди пилдираганича келиб қуришаркан, – каллада минг хаёл.

– Ҳа, янги хұжайин жонларингни қадига қамаяптыми дейман? Тәзи қувган қуёндай чопасанлар.

– Э-э, сиз сұраманғ, биз айтмайлик, – Рұзиқулов атрофига сирли күз ташлаб олди, – сизнинг даврингиз-

да худди жаннатда юргандай яшаган эканмиз. Манави одам-подам эмас экан. Күз очиргани құймайды.

– Айтганини үмбaloқ ошиб бажаравермай, сал-пал тайсалланглар, үшанда үзининг күзини очирмай, бу ердан үйқ қиламиз. Аввал тайинлаган әдим-ку.

– Ҳа, әсімда. Болаларга ҳам тушунтирганман.

Шариф Сувонович унинг сўзларига гўё эътибор бермай нари кетди. Рўзиқулов ҳам узоқлашди.

Шу пайт тарозихона ҳужрасидан икки ходим чиқиб собиқ раҳбар ёнига чопқиллаб келишиди.

– Ассалому алайкү-ў-м, – баб-баравар салом беришди улар.

Шариф Сувонович ҳар иккиси нигоҳларидаги қандайдир ташвиш, ачиниш аломатларини пайқаб баттар жаҳли чиқди.

– Ҳа, намунча ўликни кўргандай тиришиб қолдиларинг?

– Йўғ-e, ундаи эмас, – деди новчабўй ходим, – сизни жуда соғиндик, кўриб кўнглимиз бузилиб кетди.

Шариф Сувонович заҳарханда илжайди.

– Баттар бўлинглар! Менинг давримда сал-пал тириклилек қилар эдиларинг, энди сўнариб юраверинглар.

– Илож қанча, бува.

– Илож қанча?! – ўшқирди собиқ раҳбар, – отпускага кетар пайтим қулоқларингга нимани қўйгандим? Нега бирор баҳона топиб қаршилик кўрсатмадиларинг?

Ходимлар индамай ерга қарашди. Чунки ҳар иккиси ҳам ишдан бўйин товлаш қандай оқибатга олиб келишини ўша куни кўрган ва бундай номаъкулчиликка бошқа бош қўшмасликка ич-ичларидан қасам ичган эди.

Ана, Шариф Сувонович ҳафсаласи пир бўлган кўйи улардан ҳам узоқлашди.

Баҳор офтоби тобора қиздирив борарди. Осмон алланечук яқин келиб қолгандек туюлади. Дов-дараҳт шохларida қушлар бетиним чуғурлайди. Омборхона то-

мондан қийқириқлар, кулгулар элас-элас қулоққа чалинади.

Собиқ бошлиқ тажсанг бир кайфиятда идора томон юраркан, ҳовли деворини маъюс кўздан кечирди. Ногоҳ қип-қизил, қинғир-қийшиқ ўша ёзув эътиборини тортиди: “Бегоналар юрмас бу ерда!”

Шариф Сувоновичнинг юз-кўзига қувонч, мамнуният шарпалари қалқди. Ўзига жуда таниш, жуда қадрдан ҳар кўрган пайти бу ҳудуднинг чинакам эгаси эканлигини, куч-қудратини эсига соладиган, ғурурини жўштирадиган бу битикнинг ҳануз омон тургани унга илоҳий бир ишорадай туюлди. Ўз эгалик ҳақ-хуқуқларини қайтариб олишга умид уйғотди.

“Ҳали ҳам кеч эмас, бўшашибай курашишим керак”, – деб ўйлади у, менимча, бошлиқ кабинетига дадил қадамлар билан яқинлашар экан.

### Учинчи сахифа

Мен уни кўрдим. Дарвозадан киргандаёқ кўзим тушган эди. Одатдаги кибру ҳаво билан корхона ҳовлисига кирди. Тарозихонани, хирмонларни бир-бир кўздан кечирган бўлди. Афтидан, лавозимидан бўшатилганига ҳали-ҳануз ишонмаётганга ўхшайди. Ишчилар, ходимлар билан норизо бир кайфиятда гаплашди. Сўнг девордаги ўша қинғир-қийшиқ ёзувга анча пайт тикилиб қолди: “Бегоналар юрмас бу ерда!” Ўша битикка тикилиб тураркан, анчайин тетиклашгандек, кайфияти кўтарилигандек туюлди. Худди шу ҳолатда идора томон дадил юринди.

Шариф Сувонович менга негадир пойтахтлик бир амалдор танишимни эслатади. Ўша таниш халқ таълими вазирлигининг мастьул ходими. Ниманинг эвазига эканлигини билмадим-у, лекин худди “бозор наҳанг”лари каби бой-бадавлат. Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида қимматли маслаҳатлар бериб бир

рисола ёзибди. Ўша асари менга ҳам етиб келган. Ўқиб чиқиб ажабланиб қолдим: муаллиф ватан туйғуси шаклланиши учун ўшларни болалик өфлариданоқ мустақил ишлашга, ўқишига ўргатиш керак деб таъкидлабди. Аммо унинг ўғлини танийман. Гұдаклигиданоқ әнага құлида улғайди, сұңг маҳсус муаллим ёллаб ўқитиши. Лекин арзанда ўғил барибир тузукроқ билим олмади. Олий ўқув юртига кириш пайти ҳам етиб келди. Құли узун ота қандайдир билимден талабани ёллади. У ўша әркаторнинг ўрнига тест синовларидан ўтиб берди. Ўғил нуфузли бир университет талабаси бўлди. Адашмасам, ҳозир сўнгги босқичда ўқияпти. Ўйланиб қоламан: мабодо, юрт бошига бирор кор-ҳол тушса, ватанпарварлик ҳақида рисола битган ўша амалдорнинг ўша арзандаси мамлакатни муносиб ҳимоя қила олармиカン?! Ё отаси бу масалада ҳам яна бирор мардикорни ёллаб қўя қолармиカン?!

- Ассалуу-үм...

Бўсағада пайдо бўлган Шариф Сувоновичнинг истар-истамас, пиҳиллаган бир товушда берган саломидан хаёлларим тўзғиди.

- Салом, - дедим ўрнимдан қўзғолиб, - келинг, ака.

Собиқ раис бетакаллуфлик билан қаршимга ўтириди. Ўзича енгил фотиҳа қилган бўлди.

- Қалай, яхшимисизлар? - деди ҳансираган кўйи.

Мен ҳам ўз навбатида у кишидан ҳол-аҳвол сўраган бўлдим. Мехнат таътилини қандай ўтказгани билан гўёки қизиқдим.

- Корхонани расво қилибсиз-ку, Холёров, - деди у тўсатдан ҳужумга ташланиб.

Шу пайт нигоҳларимиз бир лаҳза тўқнашди. Назаримда, девордаги ўша битикнинг қип-қизил ранги унинг кўзларida акс этиб турарди.

- Бу нима деганингиз?

- Заготзернони еб адo қилибсиз, талон-торож қилибсиз, деганим.

– Ишга келганимга эндиғина бир ой бұлди-ку, Шариф ақа.

– Шу бир ой ичида күп үғирилкка улгурибсиз.

Собиқ бошлиқ юзинг-күзинг демай, сира тап тортмай шундай баёнот берарди. Афт-ангоридан, ҳар сүзидан беадоқ нафрат, алам-изтироб силқиб турарди.

– Шариф Сувонович, – мен ҳам бир оз оқанғни үзгартирдим, – сиз үттіз үйл ичида корхонага етказған зиён-заҳматни бир ой ичида ҳам ҳисоблаб улгурмадим. Мана, – мен бир тахлам қоғозни у томонға суріб қўйдим, – ҳали ҳам ёзиб-чизиб үтирибман. Сиз айтған үша талон-торожға ҳали вакт тополмадим. Тұғрироғи, сиз сұнгги чақасигача үмаріб кетған кассадан нимани ҳам үғирилаш мумкин?

Собиқ бошлиқ димогида бир пишқириб қўйди.

– Мени ёш бола ҳисобламанг. Бир қарашдаёқ хирмондаги донни үлчай оламан. Анчагинасини сотиб жиғилдонға ургансиз, тан олаверинг.

Мен сурбет, аламзада бу одам билан ортиқча тортишиб үтиришни үзимга эп күрмадим. Қолаверса, ҳар бир эътиrozим, ҳар бир қаршилигим бамисли оловга ёғ сепгандай гап эди. Ҳар бир раддия Шариф Сувоновичга ожизлик, үзни оқлашга уриниш бўлиб туюлиши ва собиқ бошлиқ янада илҳом билан таҳдид-тазийққа үтиши аниқ эди.

– Бир-икки мошин ғишт, цемент опкелтирдик, – дедим гап үзанини бошқа ёққа буриб, – кўрдингизми, озмоз ремонт ишларини амалга ошириш керак.

– Менга ремонт-пемонтнинг заррача қизиғи йўқ, – деб пўнғиллади Шариф Сувонович.

– Шариф ақа, соҳада катта тажрибага эга, билимдөн кишисиз. Келинг, үпка-гиналарга барҳам берайлик. Үринbosар сифатида ёнимда туринг, сиз бизга кераксиз.

– Менга ҳам сарқит қолдирмоқчимисиз? – деб тиржайди собиқ раҳбар.

Мен тишинги босиб яна муросага чорладим.

– Ака, нодонларнинг гапини қўйинг. Ёнимда туринг, икковлашиб корхонани гуллатамиз. Мен янги ускуналар, технологиялар топиб келаман, сиз идорани аввалгидек бошқариб тураверасиз. Узоги билан беш йилда меҳнатимиз роҳатини кўрамиз.

– Икки қўчкорнинг боши бир қозонда қайнамайди деган гапни эшитмаганмисиз? – деди собиқ раҳбар тұсатдан гапимни бўлиб.

– Йўқ!

Бу гал овозим анчайин дағал ва сертаҳдид жаранглади.

Жаҳлим чиқаётганидан собиқ раҳбар хурсанд эди. Унинг очиқ жанжалга баҳона излаётгани шундоққина сезилиб турарди.

– Нега бақирасиз? Нега дўқ урасиз? – аёллардек шанғиллади Шариф Сувонович, – ошириб қўйган жойингиз борми?

Собиқ раисга жанжал учун баҳона топиб берганимдан кўнглим ғашланди.

– Узр, ака, узр, – дедим базур илжайиб, – сизни мутлақ хафа қилиш ниятим йўқ. Сиз билан қўлни қўлга бериб ишлаш орзусидаман.

– Мен эса умуман сизни бу кабинетда куришни истамайман! Тушундингизми?

– Курсини яна қайтиб олмоқчимисиз?

– Балки, – тиржайди Шариф Сувонович, сунг қай бир китобдами, журналдами ўқиган иборасини тилга олди, – ҳақиқий шерларгина ўз ҳудудини, ўз мулкини муносиб ҳимоя қиласи, тушундингизми?

– Тушундим, ҳайвонлар орасида эканлигимни эндиғина тушундим.

Шариф Сувонович ёшига, лошига ярашмаган бир чаққонлик билан ўрнидан ирғиб турди. Ҷақиб олишга хезланган илондай бошини тўлғади.

– Күрамиз ҳали ким ҳайвон, ким одам эканлигини.  
У қаҳр билан хонамни тарк этди.

## 5

Дафтардан илкис бош күттардим. Негадир Шариф Сувоновичнинг оғир ҳансираши шундоққина ёнимда эшитилгандаи бўлди. Қўрқа-писа атрофимга алангладим. Хона жимжит. Очиқ деразадан кираётган шамол дарпардан үйнайди. Столим устидаги қоғозларни шитирлатади. Хаёлимда яна Шариф Сувоновичнинг семиз, салқи юзлари, қабоқлари орасига чуқур ботган тарғил кўзлари жонланди. Ўша куни у идорадан дарғазаб чиқиб кетаркан, мен собиқ раҳбарни дарвоза ёнида сўнгги бор қоровул сифатида кузатиб қолдим. Орадан уч-тўрт кун ўтгач, Шаҳриёр Эшбекович мени ўзига ёрдамчи қилиб ишга олди. Кабинетга, қоғоз-қаламга, келди-кетдига бундан буён ўзинг масъулсан, деди у киши. Раҳбарнинг ишонч билдиришидан, озгина хислатимни ҳам қадрлаётганидан бошим қўкка етгудек хурсанд бўлсам-да, аммо Шаҳриёр аканинг юз-кўзидағи ғусса, ташвиш, саросима менинг ҳам кўнглимни ғаш қиласарди. Биламан, у киши Шариф Сувонович ва унинг қариндош-уруфи, тарафкашлари билан тил топиша олмади. Ўшанда катта нохушликлар, жиiddий муаммолар шундоққина бўсағада таҳдид солиб турарди. Мен Шаҳриёр Эшбековичга чинакам ёрдамчи, суюнчиқ, сирдош бўлишни бутун борлиғим билан истардим. У кишини бало-қазолардан, хавф-хатарлардан қўриқлашни, садоқатимни, ҳурмат-эҳтиромимни намойиш этишни болаларча хоҳлардим. Аммо янги раҳбар кўнгил түғёнларимдан бехабар, дарду ҳасратини тўкиб, мен билан сирлашмас, шунчаки вазифага тегишли топшириқлар беришдан, гоҳо, ишга алоқаси йўқ мавзуларда ҳазил-хузул қилишдан нари ўтмас эди.

"Ёрдамчининг уст-боши сал-пал тузукроқ бўлиши керак", – деди у бир куни чўнтағимга бир даста пул тиқишириб.

Мен ожизгина қаршилик кўрсатган бўлдим.

"Олавергин, ҳали ойлигиндан ушлаб қоламан", деди раҳбар, афтидан, мени тинчлантириш учун.

Якшанба куни ўша маблағни чўнтақка солиб вилоят марказига бордим. У ерда бўлам, яъни холамнинг ўғли кийим-кечак савдоси билан шуғулланади. Фозил, тайёр костюм-шим олгандан кура, чеварларга тикитирсанг, сенга арzonга тушади, деб маслаҳат берди у. Бу маслаҳат менга ҳам маъқул тушди. Чунки ҳар гал костюм-шим олсам, унинг гоҳ қондек шалвираб туришидан, гоҳ торлигидан хуноб бўлиб юраман. Ҳарчанд кийиб-танлаб кўрсам ҳам негадир бу борада ҳеч омадим чопмаган.

"Бир таниш чевар бор, – деди бўлам кераклича газмол ҳарид қилганимдан сўнг, – ўшанга олиб борамиз. Жуда-жуда қўли гул, лекин у ҳар кимга ҳам тикувчилик қиласкермайди. Мен бир масалада унга ёрдам берганман. Шундан бери аҳилмиз, илтимосимни ерда қолдирмайди".

Ўша кунлар шаҳар осмонида қора булувлар судрабиб юрар, намхуш ҳаво муқаррар ёғиндан дарак берарди. Дов-дараҳтлар кўпдан кутилган кўкламни кутлаётгандек, шамол шитобида ўнгу сўлга чайқалиб турарди.

Ногоҳ қўз олдимда чақмоқ чаққандай бўлди. Ҳа, бўлам бошлаб борган жойда тикувчига қўзим тушди-ю, ногоҳ ичу ташиб ёришиб кетгандай туюлди. Оппоқ чехра, қийик қош, қийик кўзлар, нозик елкалар узра ёйилган толим-толим соchlар қаршисида тахтадек қотдим. Адашмасам, шундоққина рўпарамда олис европалик бир соҳибжамол турарди.

"Жана, бу менинг дўстим, қариндошим Фозил", – деб тикувчига таништириди бўлам.

Аёл енгилгина бош ирғаб қўйди.

*Жана! Бу исм қўплар қатори менга ҳам жуда-жуда таниш эди. Бу исм бутун вилоятда бузуқиликнинг яширин ишқий муносабатларнинг атамасига айланниб кетган эди, десам ҳам бўлади. Худди шундай беҳаё саргузаштларни ёмон кўрганим, жирканганим учунми, боягина эс-хушимни ўғирлаб турган гўзаллик, латофат кўз олдимдан ийғолди, ўрнига ҳар хил газламаларнинг буёқларнинг ҳидига қоришган оч арвоҳсифат хотин қолди, холос.*

*Қачон, қай тарзда буюртмани топшириб, тиқувчи ҳузуридан чиққанимизни тузукроқ эслай олмайман. Худди бир ифлос нарсани чанглаб олгандай таъбим тирриқ, дилим хуфтон эди.*

– Бу ўша Жанами? – деб сўрадим бўламдан.

– Ҳа, худди ўша!

– Бузуқининг олдига бошлаб келдингизми мени?

– Э, Фозил, – деди бўлам бош чайқаб, қўл силтаб, – одамларнинг оғзидан чиққан ҳар хил гап-сўзларга ишониб юрибсизми? Қани, ким уни ўшандай бузуқчилик устида ушлабди, ким уни ҳеч курса яланғоч ҳолда қўриди, ким?

– Миш-мишлар бекорга чиқмагандир.

– Узумга бўйи етмаган тулки “пүф, сассиқ” деган экан. Одамлар ҳам Жананинг висолига етолмай шундай иғво гапларни чиқаришган. Бу аёлни мен жуда яхши биламан.

Биз шу тарзда баҳслашган кўйи холамларнинг уйига ҳам етиб келдик. Булам мени қўярда-қўймай, ўзининг хос ҳужрасига бошлаб кирди. Яқиндагина сотиб олган видеомагнитофонини кўрсатиб мақтанимоқчи бўлди, албатта. Аммо менинг эс-хушим ҳали ҳануз Жанада эди. Бўламнинг сўзларига бир ишониб, бир ишонмай турардим.

– Бу узи асли қаерлик? – деб сўрадим яна мавзуга қайтиб, – Россия томонлардан келиб қолганми? Ранг-рўйи ўзимизнинг аёлларга кўп ҳам ўхшамайди.

Бұлам шарақлаб кулди.

– Жуда соддасиз-а, Фозил, – деди хушхандон бош чайқаб, – у асли саҳрои қиз, исми ҳам Жана эмас, Жанғил, кейинроқ тарашлаб олган.

– Қийсангиз-чи, алдаяпсиз, – дедим ажабланиб.

Бұлам теварагига бир сирли аланглаб олди-да, қатор китоблар териб қўйилган кичкина жавонини титкилашга тушди.

– Мана, – деди у, ниҳоят, эски бир газетани топиб менга узатаркан, – сўнгги саҳифада Жананинг қўнгил изҳорлари босилган. Ўқиб кўргин.

Чиндан ҳам хийлагина сарғайиб қолган тўрт варақли газетанинг сўнгги саҳифасида “Ҳаёт сўқмоқлари” деган руҳи остида бир неча йигит-қизларнинг ўз қисматлари ҳақида битилган мактублари чоп этилган экан. Улар орасида бўлам Жанага тегишли деб уқтирган битик ҳам анчагина жойни эгаллаб ётарди.

– Ўқиб чиқинг, – деб сирли пицирлади бўлам, – лекин ҳеч кимга овоза қилмайсиз, гап-сўз қўпаймасин-да.

Мен саҳифадаги сатрларга кўз ташладим.

\* \* \*

Салом таҳририят! Ўйлаб-ўйлаб сизларга хат йўллашни лозим деб топдим. Аммо битганларим орқали ўз тақдиримдан нолиш, аччиқ пушаймонлик изҳор этиш, бошқаларга насиҳат қилиш фикридан йироқман. Асл мақсадимни мактубим сўнгидаги қистириб ўтаман. Мен бепоён қир-адирлар қўйнидаги бепоён дашт қишлоқларининг бирида туғилиб ўсганман. Ота-онам, бутун аҳли овул асосан чорвачилик билан шуғулланарди. Мен ҳам болалигимда қўй-қўзи боққанман, тезак терганман. Лекин эртаю кеч қўлимдан китоб тушмаган. Қанчалик кўп ўқисам, шунчалик мутолаага ташналиқ ҳис этардим. Мен эртагу афсоналар оламида яшардим. Гоҳ гўзал маликага, гоҳ не бир паҳлавонларнинг боши-

ни қотирган донишманд қизга айланиб қолгим келарди. Түрткінчи ё бешинчи синфда үқиб юрган кезларим мендә яна бир қобиляят ниш күрсатиб қолди. Мен тузыккина расм чиза бошладим. Устига устак, тузуккина хониш ҳам қилардим. Гоҳ хиргойига зұр бериб қадрдан дала-даштни, гоҳ қүй-құзиларни үхшатиб-үхшатиб чизганимда ота-онамнинг қувончдан боши құкка етарди. Айниқса, отам, отажоним үзини құярга жой тополмасди. Чунки унинг үзига яраша орзу-армонлари бор эди. Отам бирор олий үқув юртида таҳсил олмаган бұлса-да, лекин үқемишли, фикрчан инсон эди. Ҳарбий хизматни үтаб қайтгач, тирикчилик түрваси бүйінларига осилиб, қир-адирлар құйнуга қамалиб қолғанлар. Отам үз ҳаётини худди шундай таърифлар эди. У киши биздан – фарзандларидан умид қиласынан. Менинг орзу-ниятларимни сизлар амалга ошириңглар, дер эди. Шуннинг учун ҳам отажоним менга, менинг сабоқларимга, ижодий машқларимга алоҳида эътибор қаратарди. Үрта мактабни тугатаётган йилларим аълочи бити-рувчи, туппа-тузук рассом сифатида анчагина довруқ қозондым. Мақтанчоқликка йўйсаларингиз ҳам айтамки, чирой, ақл фаросат бобида ҳам тенгсиз эдим. Мусаввирик санъатига мойиллигим туфайлими ёки үқиган сон-саноқсиз китобларим таъсириданми, мен үша овулимдаёқ оврупача кийиниш, оврупача ясан-тусан қилишни бошлаганман. Албатта, ҳамма жойда бұлганидек, қишлоғимиз аҳли ҳам оғзига кучи етмай, ҳар хил маломатлар ёғдира бошлади. Аммо отажоним уларнинг ҳеч бирига парво қилмади. Мени құғирчоқдек ясантириб эски “Москвич” машинасида олиб юради.

Хуллас, илк уринишкаёқ Тошкент театр ва рассомчилик институти талабасига айландым. Очиги, бир хуснимга минг хусн қүшилди. Орзуларим бир-бир амалга ошаётганидан баҳтиёр эдим. Чизган суратларим гоҳ у, гоҳ бу журналларни безаб чиқарди. Довруғ қозона

бошладим. Қишлоғим тараф йўл олсам, нафақат туманимиз, балки вилоятимиз раҳбарлари ҳам мен билан учрашишга ҳаракат қилишарди.

Аммо шундай учрашувларнинг бири нохуш якун топди. Жобир исмли вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи менга чиппа ёпишиб олди. Семиз, тепакал, биткўз бу амалдор онамнинг суратини чизиб берасиз деб мени тоғ этагидаги қишлоғига олиб кетди. Хуллас, йўлда овлоқ бир уйга тушдик.

“Дўстимнинг хонадони, бир пиёла чой ичиб кетинглар деб қўймаяпти”, деди Жобир.

Кўндим. Чиндан ҳам, ичкарида тўкин дастурхон муҳайё экан. Эрталаб ўша амалдорнинг қучоғида уйғондим. Мастилиги тарқаб, эҳтирослари сўниб, қандай жиноят содир этганини туйкус англаш етди шекилли, Жобир ёш боладай ялтоқланиб ялинишга тушди. Бир дунё ваъдаларни бера бошлади. Ё тавба, мен фавқулодда хотиржам эдим! Худди ҳеч нарса юз бермагандай тутдим ўзимни. Жобир жиққа терга тушган кўйи мени жонсарак кузатарди. Мен айни пайтда ҳар қандай кўз ёши, йифи-сиғи, ваҳима бефойда эканлигини англаш турадим. Туйғулар билан эмас, ақл билан иш тутишга ҳаракат қиласардим. Ҳозироқ шаҳарга қайтамиз, Тошкентга кетишим керак, дедим худди буларнинг Жобирга ҳеч бир алоқаси йўқдек. Аммо ўша амалдор ҳар бир сукутимдан, хотиржамлигимдан, сирлинамо сўзларимдан таҳликага тушарди. Ҳойнаҳой, у бундай ифлос ишларни илгари ҳам қилган. Фожия содир бўлган пайт қизларнинг айюҳаннос солиб йиғлашига, хархашалирига одатланган. Лекин менинг хатти-ҳаракатим уни бутқул ақлдан оздирарди.

“Тошкентда зарур ишларингиз борми?” - ўсмоқчи-лаб сўраган бўлди у.

“Ҳа, бош прокуратурага кириб чиқишим керак, мени кутиб туришибди”, - дедим. Учрашишим зарур

булган амалдорнинг номини, шунчаки, тилга олган бўлдим. Гоят катта курси эгаси саналмиш одамнинг исм-шарифи қулоғига кирав-кирмас Жобир ўзини оёқларим остига ташлади. Ялинди, ёлворди, кечиримлар суради. Хуллас, қаршимда залворли бир кути пайдо бўлди. “Тошкентдан уй сотиб оласиз”, - деди Жобир тиржайиб.

Албатта, мен товон пули билангина чекланмоқчи эмасдим. Ичимда қасос ўти тобора аллангаланиб борарди. Пойтахтга қайтдим. Ўша Жобирнинг тұнғич ўғли Нодир хукуқшунослик бўйича таҳсил олаётганидан хабарим бор эди. Тұғрироғи, юртдош сифатида ахён-ахён учрашиб турардик. Нодир баланд бўйли, келишган, хушмуомала йигит эди. Менга ошиқона-ошиқона куз ташлашларини сезиб юрардим. Пинҳона режам бўйича ҳаракат қила бошладим. Орадан икки- уч ойча вақт ўтгач, кеч куз оқшомларининг бирида юртдош талабалар, одатдагидек, “үтирдик”. Хийлагина ширакайф Нодир менга тирғала бошлади. Худди шу фурсатни кутиб тургандим. Нодирнинг ишқ оловига баттар ёғ қуидим. Базмдан сўнг Жобирнинг арзандаси мени ўз ҳужрасига олиб кетди. Аммо оёқда зўрға турарди. Ҳужрага етгач, баъзи бир баҳоналар билан ўзимча дастурхон тузатдим. Алдаб-авраб Нодирга яна ичирдим. У мудрай бошлади. Диванига ётқизиб қуидим. Донг қотиб ухлаб қолди. Ўзим ҳам ёнига чўзилдим. Аммо кўзимга уйқу келмади. Қасоснинг лаззатли шаробидан маст эдим. Тонг пайти Нодир уйғонди. Мен ҳам гүё чўчиб, уялиб кўз очган бўлдим. Ўзимни гўёки изтироб билан ҳар ёнга урдим, йиғладим. Нодир аввалига бир оз саросималанди, сўнг кулиб мени қучоғига тортди.

“Кўрқма, бундан буён сен меникисан, эру хотинмиз”, - деди.

Мен гўёки алам-изтироб исканжасида хонадан чиқиб кетдим. Орадан бир ҳафтача ўтиб Нодирнинг

ёнига келдим. Тўйни тезлаштиришимиз керак, деб баъзи нарсаларга ишора қилдим.

Нодир масалани ҳал этиш учун қишлоғига кетди. Мен уни бироз хавотир, бироз қувонч билан кузатиб қолдим.

Ўша йили қиш эрта келди. Куз ҳали этагини йифиб олмай туриб, ёмғир аралаш қор ёғди. Қизғиши-сарғиши хазонлар қовжираган юрақдек шилта-шалаббога қоришиб кетди.

Орадан бир ҳафтача ўтиб, Нодир қайтди. Тушкун, эзгин бир аҳволда эди. Жобир ўғлиниң мурод-мақсадини эшитгач, ош еб ўтирган ерида қон босими ошиб, қизариб-кўкариб ерга қулабди. Нафаси бўғилиб ҳушидан кетибди. Касалхонага ётқиздик, инсульт экан, бир қули, бир оёғи ишламай қолди деб ҳикоясини хомуш якунлади Нодир. Мен ич-ичимдан қайнаб келаётган қасос қувончини аранг яшириб унга ҳамдардлик кўрсатган бўлдим, отаси тузалиб кетгунча кутишга ваъда бердим. Орадан яна икки ҳафта ўтгач, Жобир үлди. Қайғу-ғам ичида дағн маросимига кетган Нодир аввалгидан баттар сўлғин, эзгин аҳволда қайтди. Мен унинг нигоҳларидан режаси ўзгарганини пайқадим.

“Сенга уйланолмайман, отам бошқа бирорни васият қилибди,” - деди Нодир минг бир изтироб ичида.

Аслида мен унга тегмоқчи эмасдим. Мен уч олиб бўлган, мақсадимга етган эдим.

Орадан йиллар ўтди. Таҳсилдан сунг вилоят театрига безакчи рассом сифатида ишга келдим. Бу ерда таниқли, ёш бир актёр билан севишиб турмуш қурдик. Ўғил кўрдик. Бироқ эримнинг умри калта экан. Машқ пайти саҳнада бошига темир қурилма тушиб кетиб, у нобуд бўлди. Ўғлим бу йил уч ёшга тўлди. Ота-онам уни қишлоқقا олиб кетди. Мен театрда ортиқ ишлашни истамадим. Ахир у ерда ҳамма нарса эримни эслатиб туради. Кичик бир “Ателье мод” очдим. Уч-тўрт чеварни ишга олдим.

Очиғи, ўзим у ерда кам бўламан. Асосий вақтимни тасвирий санъатга бағишлияпман. Ҳаёт давом этяпти.

Хурматли таҳририят, ўз қисматимни баён этишдан мақсадим шуки, ҳаёт биз ўйлаганчалик шафқатсиз эмас. У бир эшикни ёпса, сизнинг иродангиз, матонатингиз олдида бошқа бир туйнукни очиб қуяди. Турмушда қийналган, муаммолар гирдобида қолган опа-сингилларим худди шу ҳақиқатни асло ёддан чиқармасликларини истайман...

## 6

*Мен Жананинг дил изҳорларини бир нафасда ўқиб чиқдим, лекин кунглимда унга нисбатан на ачиниш, на меҳр-муҳаббат пайдо бўлди.*

– Нега қовоғинг осилиб кетди? – суради бўлам.

– Бунинг асл бузуқи. Доим каттаконларнинг майшат даврасида юради. Кўрганлар бор.

Бўлам қизғин бош чайқади.

– Йуқ, адашдинг, Жана бузуқлигидан юрмайди, амалдорларни ўлгудай ёмон куриб қолган. Уларни алдаб шилиш, лақиллатиб кетиш пайида давраларга киради. Ишонмасанг ҳар қандай амалдордан сўрагин, Жананинг висолига етолмаган, фақат харажатга тушган.

Бўламнинг жон куйдирib оқлашлари ҳам менга таъсир қилмади. Жанага нисбатан кунглимда ғазаб, нафрат пайдо бўлди. Аммо қанчалик нафратланмай у тиккан костюм- shimни мамнуният билан эгнимга илдим. Либос менга роса яраши. Костюм- shimни илк кийиб борган куним, ҳатто, Шаҳриёр Эшбекович ҳам учтўрт дақиқа таажжуб билан қараб қолди.

– Буюрсин, зур! – деди бош бармоғини ҳавога нуқиб.

Бир куни собиқ бошлиқ қабулхонада дуч келди:

– Ие, сен ҳам одамсиғат бўлиб қолибсанми? – дея тиржайди.

Ўша кезлар у буткул фисқу фасодга берилган эди. Сурбетларча иғво, фитна қўзғаб юради.

## Тұртингчи саҳиға

Мулойим мұомаламни, таклифларимни ожизлик деб билдими ё үша куни девордаги ёзуудан күч олди-ми, Шариф Сувонович үзи таъкидлагандай, бир юмалаб шерга айланған бўлди, очиқ душманликка ўтди. Менниг устимдан каттаю кичик назорат органларига "еб кўиди", "талаб кетди" қабилидаги ҳеч бир далил-исботга асосланмаган шикоят хатлари ёғдиришга киришди. Ерқўргон дон тайёрлов идораси бўсағасидан тўп-тўп текширувчилар аримай қолди. Бир гурухини эшикдан кузатиб қўйсак, яна бир гурухи туйнукдан бош суқади. Тафтишчи, назоратчи қавмининг дағал, нописанд муносабати оғир ботади. Начора, лекин улардан хафа бўлишга ҳаққим йўқ. Шикоятчи уйдирма, ифво хати йўллаганини текширувчилар қаердан ҳам билишсин, хизмат вазифаларини ўташяпти, холос. Мен үзимни шундай деб овутаман, ўз-үзимга шундай деб таскин бераман, тишни тишга босаман, асабларимни жиловлайман. Чунки текширувчилар орасида нохолислари, шикоят хати баҳона тишлиб-тишлиб олишни истаётганлари кераклича топилади. Аммо мен корхона жамоасидан қаттиқ хафа эдим. Бундай жоҳил, хиёнатга мойил, худбин кимсаларни илгари ҳеч учратмаганман. Тавба, бoshини силасанг, қулингни тишилашга уринади, үзингга тенг кўриб яхши мұомала қылсанг, сени қўрқок, ожизга чиқаради, дўқ урсанг, ҳақоратласанг, икки букилиб ялтоқланади. Қип-қизил қуллик, мутелик кўникмаси! Ахир, бу тоиф қачон мустақилликни онгига, юрагига олиб киради? Қачон ўз шаънини, қадр-қимматини баланд тутади? Худди шу сўровларга жавоб тополмай, улардан хафа булиб кетаман, уларнинг бугунидан, эртасидан хавотирга тушаман. Чунки мен ҳам уларга бегона әмасман, шу элнинг боласиман. Лекин, минг афуски, улар кўнгил кечинмаларимдан бехабар. Жамоа

мени валинеъматидан айирган, раҳбарлик курсисини тортиб олган зўравон сифатида билади. Ўзларича со-биқ бошлиққа садоқат кўрсатган бўлишади. Шунинг учун ҳам тафтишчи-текширувчи келган ҳар бир кун уларга байрам. Юз-кўзларига мамнуният, қувонч ҳислари қалқиб чиқади. Ҳар хил баҳоналар билан идора томонга галма-гал келиб-кетишади. Қўлимга киshan солиб ичкаридан олиб чиқишиларини интиқ кутишади. Аммо ҳар гал илиқ-қуюқ хайрлашиб қайтган назоратчиларни кўриб ҳафсалалари пир бўлади.

Мана, бугун ҳам уларнинг қиличи синиб, қалқони тешилди. Собиқ бошлиқ ва унинг ҳамтовоқлари катта умид билан кутиб олган, Республика прокуратурасидан шикоят хати бўйича келган гурух ҳам дардларига дармон бўлмади.

Очиғи, ўша қаҳрли, бешафқат идорадан вакиллар йўлга чиққанини эшишиб мен ҳам хийла чўчидим. Чунки тажрибамдан биламанки, одатда, уларнинг текшир-текширлари, натижа қандай бўлишидан қатъи назар, раҳбарни ишдан бўшатиш билан якун топади. Ёки мен қўли узун, тили узун таниш-билишларни ўртага қўйиб, тафтишчиларнинг ғазабини сўндирадиган, кўнглини юмшатадиган даражадаги ихчам, лўнда совға-салом узатиб жон сақлаб қолишим мумкин. Йўқ, унисига ҳам, бунисига ҳам кўнмайман! Шикоятчилар олдида ҳам, назоратчилар олдида ҳам муттаҳамлик жойим йўқ,adolatsiz йўл тутилса, охиригача курашман. Йўқ, бу ҳаёт-мамот олишувим мансаб учун эмас, корхона учун бўлади. Уни аллақандай ўғрилар, қузғулар қулига топшириб қўймаслигим керак. Ерқўрғон дон тайёрлов идораси кутқариб қолиниши зарур!

Мен шашт билан ўрнимдан турдим. Бутун вужудимга аллақаердан куч-қувват сингиб киргандай бўлди. Деразадан ташқарига куз ташладим. Баҳорнинг ҳали уч-тўрт кунлик ҳаққи бўлишига қарамай, жазира-

ма ёз аллақачон бостириб кирган эди. Корхона ҳовлиси офтобнинг оқ-сарғиши нурларига қоришиб ётарди. Та-розихона ёнида, девор саҳнида чўзилиб ётган қора ит тилларини осилтирган кўйи ҳансирайди. Дов-дараҳтлар ҳам жазирама остида паришон эгилиб қолган. Очик майдондаги хирмон ёнида куймаланиб юрган ишчилар ғира-шира кўзга ташланади.

Шу пайт эшик қия очилиб Фозил кўринди.

– Меҳмонлар келишди.

Улар тўрт киши эди. Тўрт тоза-ораста уст-бош, оп-поқ, силлик афт-ангур бошқалар орасида яққол ажрапиб турарди.

Беихтиёр ичимга ғулғула оралади. Меҳмонларга пешвоз юрарканман, қоп-қора костюмини билагига ташлаган кўйи иссиқдан лоҳасланиб турган амалдорни таниб андак саросимада қолдим. Бу – ўша, беш йилча аввал комбинатимизда наъра тортган Эминов! Мен гўё танимаган одам сифатида салом бериб кўришишга ҷоғландим.

– Ия, – Эминов қўлимни қаттиқ қисиб силтади, – бу ўша чопон кийган аллома-ку?! Ўзингизми?

Мен бош ирғаб қўйдим.

Элдан бурун дарвоза олдида ҳозиру нозир бўлган Шариф Сувонович сергак тортди. Ер остидан худди сузишга ҷоғланган хўқиздай норизо кўз ташлади. Умуман олганда, текширувчининг текширилувчи билан илиқ кўришиши уччалик таомилга тўғри келмайди. Бу ҳол шикоятчида нотўғри таассурот уйғотиши мумкин. Масаланинг шу жиҳатлари мени бироз ташвишлантиради. Лекин бундай расмий-норасмий таомиллардан биздан ҳам кўра яхшироқ хабардор Эминовнинг парвойи палак эди. У ичкарига кирап экан, ҳатто қўлини елкамга ташлаб ҳам олди.

– Оббо аллома-ей, – деди у тўлқинланиб, – бу ерга қачон ўтдингиз?

– Түрт ойча бүп қолди.

– Түрт ой?! Шу қисқа мұддатда шунча жиноят қи-  
лишга улгурдингизми?

– Билмадим, ўзингиз қараб күрарсиз.

Әминов ёнидаги қуюқ соchlари саватдай, юз сүякла-  
ри бўртиб чиққан, билаклари жундор шеригига юзлан-  
ди.

– Сизлар бухгалтерия билан шуғуланишни бо-  
шлайверинглар. Лекин айтиб қўяй, хужжатлардан би-  
рор муаммо топишларингга кўзим етмайди. Холёров  
дўстимиз бу масалада пишиқ-пухта ишлайди.

Мен зимдан имо қилдим. Бош ҳисобчимиз тафтиш-  
чилирини ўз хонасига бошлаб кетди. Шариф Сувонович  
уларга эргашишини ё биз билан қолишини билмай ка-  
ловланиб турарди.

– Сиз бу ёқقا, – Эминов уни ёнига чорлади, – уларга  
халақит бермайлик.

Эркин Эсонович аввалгидан анча тўлишибди, соchlа-  
ри ҳам сийрак тортган, хийлагина оқ оралаган қўринади.  
Комбинат тафтишига келган ўша чоғларидағи каби та-  
жковуз, таҳдид сезилмайди. Хатти-ҳаракатлари, гап-сўз-  
лари қандайдир заҳархандага, бепарволикка, нописанд-  
ликка қоришган. Ҳарҳолда, менга шундай туюлди.

– Ёшулли, – собық раҳбарга юзланди у хонамдаги  
стуллардан бирига ўзини бетакаллуф ташларкан, – ши-  
коят ёзишдан қандай мақсадни кўзлагансиз?

– Шу... “Заготзерно”да тартибсизлик, талон-торож  
авжида, – деб ғудранди Шариф Сувонович.

– Сиз “Заготзерно”нинг манфаатини кўзлаяпсизми  
ё ўзингизнинг?

– Албатта, “Заготзерно”нинг. Шу ерда суягим қотди,  
шу идорани ўттиз бир йил бошқардим.

– Ўттиз бир йил?! – пойтахтлик амалдор ҳайратлан-  
гандай бош чайқади, – ҳеч ками қолмаган экан-ку?! Роза  
даври-даврон сурисиз, ока, энди мазза қили-и-иб, оёқ-

ни узати-и-иб, ёшларнинг дуойи жонини қили-иб уйда ўтирмайсизми? Шикоят ёзиб юриш уят эмасми?

– Мен... мен корхона манфаати учун...

Эминов кўл силтаб унинг сўзини бўлди.

– Гапингизга қараганда, “Заготзерно”га меҳр-муҳаббатингиз чексизга ўхшайди. Айтинг-чи, ўзингиз бош бўлган ўттиз бир йил ичидан шу идора, шу жамоа учун нима иш қилдингиз, ҳамма ғурурланиб, қувониб эслайдиган қандай хизматни амалга оширгингиз?

– Шу... ишладик, ҳукумат топшириқларини бажардик.

– Ҳукумат топшириқларини бажармай ҳам кўринг-чи, бу бурчингиз, вазифангиз. Сиз шу корхонани яхши кўрганингиздан, севганингиздан ўз ихтиёргингиз билан қандай ишни амалга оширгансиз? Ана шундан гапиринг.

Шариф Сувонович эмраниб, ҳансираф ерга қаради. Манглайига сизиб чиққан терни артиб олган бўлди.

– Ана, бу масалада дамингиз чиқмай қолади, – деб ҳужумда давом этди Эминов, – мен кела-келгунча йўлда эътибор билан қарадим. Нафақат вилоятдаги, балки Республикадаги энг нуфузи баланд, йирик “Заготзерно”лардан бири шу эканлигига ҳатто ишонгим келмади. Худди селда қолган чўпон отарига ўхшайди. Деворлар нураган, хароб. Ахир, “Заготзерно”лар давлат аҳамиятига молик, кўриқланадиган, кўз қорачигидай асраладиган беш обьектнинг биттаси! Бу ерда халқнинг ризқ-рўзи, ҳаёт-мамоти сақланади. Сиз эса уни қандай аҳволга келтиргансиз, яна корхона манфаатидан лофт-коф урасиз.

– Кўлдан келганича ҳаракат қилганмиз, – деб тўнғиллаб қўйди Шариф Сувонович.

– Хароба деворнинг у ер-бу ерда қабр туйнугига ўхшаш тешиклар кўрдим. Улар нима учун?

– Шу... вагонлардан ғалла киргизишга...

– Ичкарига киргизишгами? Балки ташқарига ташиб чиқаришгадир?

Шариф Сувонович жавоб бермай яна семиз юзларига оқиб тушаётган терни дастрұмолига артишга киришди.

– Холёров, – пойтахтлик амалдор дабдуруустдан менга юзлан, – юз грамм ароқ қуйинг.

Мен бироз ажабланиб, бироз әнсам қотиб елка қисдим.

– Узр... бу ерда йүк...

Эминов аллақандай ишонч билан сейф томон ишора қилди. Назаримда, бу имо беҳуда эмас. Күнглим неларнидир сезғандай бўлди. Дарҳол сейфни ланг очдим. Ичидағи қофозларни ўён-бу ён сурдим.

– Бу ерда фақат хужжатлар сақланади.

Пойтахтлик амалдор жуда тез, лекин ғоят диққат билан сейф ичига кўз югуртириди.

– Оббо-о, – деди гўё норизо бош чайқаб, – келтириб кўйсангиз, ҳаққингиз кетадими? Хотя бы... икки-уч шишиага етадиган пул ташлаб қўйинг. Олдингизга нозик меҳмонлар кўп келади.

Мен пойтахтлик амалдорнинг илмоқли сўzlари маъносини тусмоллагандек бўлдим. Демак, жиноят хатида сейфдаги яширин пуллар, майшатбозлик ҳақида ҳам нелардир ёзилган. Тафтишчи ўзига хос айёrona текширув ўтказди.

– Узр, сейфда на ичимлик, на пул сақланади. Бу фақат хужжатлар учун.

Эминов заҳарханда кулги билан собиқ раҳбарга юзланди.

– Ёшулли, янгиларни яхши тарбиялаб туришингиз керак.

Шариф Сувонович безовта эди. На менга, на тафтишчига тик қарай олмай ўрнидан қўзғалди.

– Мен ҳозир ташкил қиласман.

У лошини аранг судраган күйи хонадан чиқди. Очиғи, мен пойтахтлик амалдорнинг дўстлигини ҳам, душманлигини ҳам ажрата олмай турардим. Мени ҳимоя қиласяптими ё бу ерда бирор найранг борми? Зимдан уни кузатаман. Стул суюнчиғига бемалол ястаниб, оёқларини чалишириб қандайдир бепарво ўтиради. Назаримда, у қорни тўқ пайти ўлжаси билан ўйнаётган мушукка ўхшарди.

Шариф Сувонович нари-бериси ярим соат ичидагина ҳозир бўлди. Ёнида таъминот омбори мудири Арзиев. Кўпдан бери сезиб юраман, у собиқ раҳбарнинг сирдоши, суюнчиғи, фитна-фасодларга ҳамиша қўлдош, ҳамиша йўлдош.

– Мана, биз келдик, – деб пихиллади Шариф Сувонович.

Арзиев қўлидаги оғир халтани стол устига қўйиб, чаққонгина дастурхон тузатишга киришди.

– Эртага бу ош-овқатни ҳам менинг бўйнимга қўйиб ёзиб юбормайсиларми? – дедим норизо кўз ташлаб.

Эминов қўл силтади. Сен аралашма, дегандай ишора қилди. Кейин:

– Ёшулли, жа-а тез қайтдингиз, тайёр турганмиди?  
– дея заҳарханда кулди.

– Эркин Эсонович, сизда ҳоҳиш бўлса, бошқа бирор ерга борардик, – дедим мен ҳануз жиддий қиёфада, – бу ерда нокулай.

– Сабрим чидамади, сухбатни кўрдингиз. Бундай сухбатдан сўнг дарров дезинфекция қип ташламасак бўлмайди.

Шариф Сувонович пойтахтлик меҳмоннинг тагдор гапини эшитмади ё эшитса ҳам ўзини англамаганга солди. У шоша-пиша пиёлаларга ароқ қуишишга киришиб кетди.

Назаримда, Эминов чиндан ҳам “chanқаган”дай кўринди. У бетоқатлик билан дастурхонга, шишаларга кўз ташлаб кўярди.

– Хуллас, биринчи қадаң сүзини ўзим айтаман, – деди пойтахтлик амалдор ароқ қуйилган пиёлалардан бирини бетакаллуфлик билан қўлга оларкан, – ёшулли, Шариф акажон, шу корхонани чиндан ҳам севсангиз, унинг эртаси учун қайғурсангиз, илтимос, Холёровни тинч қўйинг. Бу дўстимиз билан аввал ҳам тўқнаш келганимиз. Ўшанда яхши таниб олганман. Тўғрироғи, ўшанда менда чуқур, ёрқин таассурот қолдирган. Шунинг учун ҳам бир кўргандаёқ Холёровни эсладим. Билимли, тажрибали, тадбиркор, мард раҳбар. Ишдан қочмайди, дўст учун туриб беради, лекин душманга шафқат қилмайди. Холёров мана шу маълуму машҳур “Заготзерно”-ни ривожлантиришига, гуллатишига ишонаман. Сиз унга ёрдамчи бўлинг, қўллаб-кувватланг, ахир бу дунёда талашадиган нарсанинг ўзи йўқ-ку, тўғрими?

Шариф Сувонович хўмрайган кўйи бош иргаб қўйди.

Мен ҳануз жиддият, масофа сақлаб бу сўзларнинг гўё менга алоқаси йўқдек ҳолатда ўтирадим.

– Холёров, – менга юзланди пойтахтлик тафтишиби, – сиз ҳам бирор нима қўшимча қилинг.

Истамайгина олдимдаги ичкилик қуйилган пиёланинг қўлга олдим. Ўрнимдан турдим.

– Нима ҳам дер эдим, ҳаммаси ёқимли сўзлар, – дедим бироз қовоғимни очиб, – айтганларингизга қўшиламиш. Дезинфекциянгиз самарали ва бардавом бўлсин!

Эминов яйраб кулди.

– Чёрт, ҳали ҳам ўша-ӯша, ўткир сўзсиз, қойилман.

*Мен сатрлардан кўз уздим. Деразадан тобора куюқлашаётган зулмат мўралаб турарди. Сигарет қутимни қўлга олиб оҳиста ўрнимдан қўзғалдим. Ҳозиргина ўқиганларим кўз ўнгимда худди кинотасвирдай лип-лип ўтиб турарди.*

Ҳа, ўша кунги тафтиш антиқа бўлган эди. Эминов деганлари ўзига ишонган, унча-мунча эҳтиёткорли-кларни назар-писанд қилмайдиган одам экан. Текширув усуллари ҳам ўзига хос. Жонни оғримтмай ичдагини суғуриб оладиганлар хилига ўхшайди. Бир ўқ билан ўн қуёни урадиган мерган экан. У кейинчалик арзгўйларнинг маломатига қолишидан қўрқмай, атай ичкилик ҳақида гап қўзғади. Шу баҳона, биринчидан, бошлиқ хонасидағи маҳсус сейфни кўздан кечириб чиқди, иккинчидан, Холёрпov "реакция"сини текшириб қўрди. Адашмасам, Шаҳриёр Эшбекович синовдан аъло даражада ўтди. Ўзидан, ишидан хавотирли бошлиқ бўлганида, дарҳол ялтоқланниб, тафтишини бирор ресторанга етаклаб қолиши керак эди, аммо бизнинг раҳбар ҳаммасига жиiddий ва совуққон муносабат қўрсатди. Пойтахтлик амалдор олдида яна бир карра тоза ва ҳалол, мардона одам сифатида гавдаланди. Учинчидан, ўша ичкилик баҳона Эминов шикоятчини ҳам текширувдан ўтказди, афтидан, тафтиш гуруҳи Шариф Сувонович ва унинг тўдаси текширувлар аниқ натижса беради, душман енгилади, ғалабани нишонлаймиз, деган фикрда зиёфатга тараддуд кўриб қўйгани ҳақида эшишган, собиқ раҳбар яшин тезлигида дастурхон тузаси ўша гап-сўзларнинг ростлигини тасқидлади. Бундан текширувчилар тегишли хулоса чиқаришди. Қоғоз-хужжат, ҳисоб-китоб бўйича ўтказилган тафтиш ҳам, Эминов аввал бошида таъкидлагандай ижобий якун топди. Бир сўз билан айтганда, галдаги олишув ҳам Шаҳриёр Эшбекович фойдасига ҳал бўлди : 3:0!

Илдам кетаётган одамнинг оёғи қалтис қайрилиб кетса, одатда, жароҳат дарров сезилмайди. Суяқ сошиб, томирлар бўшашигач, ўша латланган жой шу қадар зирқираб, лўқиллаб оғрийдики, оқибатда, оёқ босиш ҳам мушкул бўлиб қолади. Назаримда, ўша тафтишдан кейин Шариф Сувонович шундай аҳволга тушди. Аввалига,

шашти қайтиб, мүмингина бўлиб юрди, сўнг қандай зарба еганини ногоҳ англаб етгандай, яна тўйини тескари кийди. Йиқилган қурашга тўймас қабилида қайта жанг майдонига чиқди, яна шикоятбозликка, фитна-фасодга зўр берди. Адашмасам, энди илгаригидан кўра ишончлироқ, дадилроқ ҳаракат бошлади. Ундаги бу жўшқинлик сабаби кўп ўтмай аён бўлди.

### Бешинчи саҳифа

Янги йил кириб келди. Эски йил ортимдан мушт ўқталиб, сўкиниб, депсиниб қолди. У етказган жароҳатларим устига меҳрибон табиат гўё оппоқ, момиқ пахта босгандай, кеча тун бўйи гуп-гуп қор ёғиб чиқди. Эрталаб қарасам, чор-атроф оппоқ, ёп-ёргу! Кувончга, завқшавқча тўлдим. Мана, дераза ёнида иссиқ-иссиқ чой хўплаб хаёлларга бериламан.

Ўшанда Эминовнинг дали-ғули насиҳатлари кор қилдими ё ўзи чарчадими, ё қизғин бошланиб кетган мавсумга андармон бўлиб қолдими, ҳартугул, Шариф Сувонович анчагина шаштидан тушди. Худди бирор арпасини хом ўргандай қовоқ-тумшуқ қилиб, юрса-да, назаримда, кўлига қайта қофоз-қалам олмади. Лекин ўша кунгача ёзиг жўнатиб юборган шикоятлари изидан аҳён-аҳён келган текширувчилар аҳён-аҳён бикинимизга туртиб, гангитиб турди.

Очиғи, ўша куни Эминов мени хийла ажаблантириб кўйди. Мард, ҳалол, дангал амалдорга айланганга ўхшайди. Бир замонлар бизнинг комбинатни ағдар-тўнтар қилиб кетган таъмагир, зўравон Эминовдан асар ҳам йўқ! Менимча, у қачондир, қандайдир воқеадан қаттиқ таъсирланган ё ножўя бирор қилмиши касридан панд еган, шунинг учун ҳам адолат, ҳақиқат тарафдорига айланиб қолган. Май шишасига меҳри товланиб туриши ҳам, адашмасам, шундан дарак беради. Хуллас, нима бўлган тақдирда ҳам, барака топсин, бир марта-

га менинг пилигимни кўтариб юборди, шикоятчилар-нинг кўзини мошдай очди.

Мавсум яхши келди. Йўқ, аъло даражада келди! Хирмонларимиз, омборларимиз ғаллага, кўнглимиз қувончга тўлиб-тошди. Ўтган йили давлатга дон топшириш мажбуриятини бажармаган фермер бўлмади, ҳисоб. Ҳатто, лалми ерлар ҳам мўл-кўл ҳосил берди. Бунинг ҳаммаси йилнинг серёғин, сербарака келганидан, албатта. Газета-журналларда ёзилгандай, телерадиода бонг урилгандай, заҳматкаш деҳқонларимизнинг фидокорона меҳнатидан, омилкорлигидан деган гапларга ишона олмайман. Чунки дала-дашт меҳнаткашларининг асл аҳволи менга ҳам яхшигина аён.

Энг муҳими, энг қувончлиси Шариф Сувонович нафақага кетди. Совға-салом, шоду хуррамлик билан кузатиб қолдик. Неларни хаёл қилганини билмадим, лекин собиқ раҳбар куз охирларида ариза ёзиб берди.

Йил сўнгидаги ҳисоб-китоблар ҳам димоғимизни чоғ, вақтимизни хуш қилди. Ерқўрғон дон тайёрлов корхонасининг даромади ҳам чакки эмас! Демак, режамдаги илк ислоҳотларни бошлиш фурсати етди. Бироқ вилоят ҳокимлигига бўлиб ўтган ҳисбот мажлисида бироз танқид эшийтдик. Бизнинг соҳа бўйича яна Чаман дон тайёрлов идораси бошлиғи Нозимхон Жалилов ҳамма мақтov-олқишиларни илиб кетди. Бу омадли одам менга қандайдир сирли туюла бошлади. Мажлисдан сўнг уни тушликка таклиф қилдим. Шинамгина ошхонага кирдик.

“Ишлар қалай? – сўради Нозимхон фаолиятим билан астойдил қизиқиб, – янги лавозимга кўнишиб қолдингизми?”

“Ҳозирча чидаса бўлади, лекин раҳбарият сал-пал қийнаяпти”, – дедим беихтиёр ҳасратга кўчиб.

Жалилов ўйрвадан тез-тез ҳўплаган кўйи юзимга ажабсиниб тикилди.

“Ҳоким қийнаяптими? Нега?”

“Билмадим... негадир тил топиша олмаяпмиз”.

“Бўлиши мумкин эмас, – Чаман “Заготзерно”си бошлиғи баттар ажабланди, – унинг улушини бериб турибсизми ўзи?”

Ҳамсұхбатнинг bemalol, сурбетларча савол беришидан яна энсан қотди.

“Бу давлат корхонаси бўлса, қаердан улуш олиб бераман?”

“Адашасиз, – деди Нозимхон юзимга синовчан тикилиб, – давлат, ватан, халқ деган баланпарвоз гапларни қўйинг, улар журналистлар учун, корхонанинг асл эгаси ўша ердаги раҳбарлар, аввал ўшаларни тўйдириб, қўнглини топишингиз керак, улардан қолган нушхўрт сизники, сиздан ортса, халқники”.

“Кўйинг-е, бундай гапларни,” – дедим иштаҳам бўғилиб.

Қизиқ, Нозимхонни қанчалар ёмон кўрсам, унинг фитнамонанд гаплари қанчалар ғашим келтиrsa, шунчалар унга қизиқишим ортарди. Яқин кунлар ичида унинг корхонасига бориб иш тутумини ўз кўзим билан кўришга қарор қилдим.

“Биз томонларга ўтинг, – деди Нозимхон худди кўнглимдагини сезгандай қайтар чоғимиз, – зарур жиҳатларни ўрганасиз ёки бизга ўргатасиз”.

“Албатта, кунлар са-ал илисин”, – дедим ҳамкасб билан қизғин хайрлашиб.

Ҳа, Худо хоҳласа, яқин кунлар ичида Чамангага борман. Бу ишбилармон ҳамкасбнинг сиру синоатини ўрганиб қайтаман.

Болаларимнинг онаси, рўзғоримнинг бекаси тушлик учун дастурхон тузашга киришаркан, хаёлларим бўлинди.

– Японлар ҳар янги йилда уйдаги ҳамма мебелларни ташқарига чиқариб ташларкан, – деди у зўр бир янгиликни етказаётгандек ҳайратланиб.

Индармадим.

– Дадаси, сиз ҳам әшитгансизми шуни? – деди бека бепарволигимдан ранжиб.

– Умримда япон бўлиб кўрмаганман, қаердан биламан бунингни, – дедим ниҳоят енгил ҳомуза тортиб. Сўнг қўшиб қўйдим,-ундан кўра эски хархаша, иғво-фитналарни улоқтириб ташлаш керак.

Бека жавобимни әшитиб кулимсираган кўйи нари кетди.

## 8

Ногоҳ қўз олдимда чақин чаққандай бўлди. Ногоҳ теграмдаги тун бир хуркиб кетгандай туюлди. Ажабланганча дераза ортига алангладим. Енгил шамол эсиб турибди. Дов-дараҳтлар орасидан хира юлдузлар қўзга ташланади. Чақин-яшиндан дарак йўқ, Англадимки, темир-терсакларни пайвандлаётган, кесаётган ускунадан сачраётган учқунлар ногоҳ хаёлимда жонланган экан.

Ҳа, чиндан ҳам ўша январь Еркўрғон дон тайёрлов корхонаси қурилиш-таъмирлаш майдонига айланаб кетди. Темирйўл шохобчасини корхона ичкарисига олиб кириш, эски, пастқам ҳовли деворини бузиб, пишиқ ғиштдан баланд, мустаҳкам қилиб қайта тиклаш, ҳилвирабгини қолган омборхона томларини янгилаш каби ишларга оқ фотиҳа берилган эди.

Ҳаво совуқ, Қачонлардир ёғиб ўтган қору-бу пастқам ерлардагина кирланиб қўзга ташланади. Тунлари ачиқ изғирин изғиб юради. Қурилиш ашёлари ташиётган оғир, баҳайбат юқ уловларининг шовқин-сурони бир зум ҳам тинмайди. Шаҳриёр Эшбековичнинг ўзи эгнига коржома кийиб, эртаю кеч қурувчи мутахассислар ёнидан жилмайди. Кимнингдир режаларини маъқулласа, баъзи бир хомроқ лойиҳалар устида тортишади. Айниқса, темирйўл шохобчасини кўчириш борасида хий-

лагина тортишувлар, баҳслар бўлиб ўтди. Қурувчилар енгилроқ, осонроқ қутулишни қўзласа, Холёров ишнинг пухта ва арzon бўлиш йўлларини излайди. Туман ҳокими икки марта келиб кетди. Нелардандир норизо, қош-қовоқлари осиғлиқ, ранг-рўйидан заҳар томиб турибди. Иккинчи бор келганида Холёров билан алланима устидан қаттиқ-қуруқ баҳсга киришди. Мен чой-пой киритиш баҳонасида улар ўтирган хонага уч-тўрт бош сукдим. Ҳоким уришқоқ ҳўрзлардай ҳурпайиб, қизарив-бўзарив турарди. Шаҳриёр Эшбековичнинг ҳам асаблари таранг, ўзини зўрға босиб ўтиради.

“Ҳали қўрамиз, шу пайтгача ҳеч ким раъйимни қайтармаган”, – деб пўнғиллади ҳоким ташқарига дарғазаб отилиб чиқаркан.

Холёров то дарвозагача унинг ортидан эргашиб борди. Ора-чора ҳокимни қаҳридан тушириш ниятида алланелар деб қўярди. Аммо туман раҳбари баттар жазавага тушиб, ўзини машинаси орқа ўриндиғига ташлади. Мен ҳам, Шаҳриёр Эшбекович ҳам уни айни пайтда ҳоким сифатида сўнгги бор қўриб турганимизни ҳали билмас эдик. Орадан бир ҳафтача вақт ўтиб, у киши лавозимидан четлаштирилди.

Мен Шаҳриёр Эшбековични кундан-кунга қашф этиб борардим. У қандайдир ноёб сезги, фаросат эгаси эди. У тўрт-беш юришни аввалдан биладиган маҳоратли шахматчига ўхшарди. Айниқса, ўтган мавсумда, фермерлардан ғалла қабул қилиб олиш жараёнида Холёровнинг ҳеч кутимаган қарорлари, ёндашув ва усувлари мени ҳайратлантирилди.

Бир куни туманинг энг донгдор, энг илғор фермерларидан санаомиши Ғулом Шодиев бирваракайига уч машина ғалла келтирди. Уни Шаҳриёр Эшбековичнинг ўзи дарвоза ёнида қарши олди. Илиқ қўришиб, хонасига таклиф этди. Мен иккиси аввалдан таниш, қадрдан бўлса керак деб ўйладим. Сўнг гап-сўзларидан сезилдики,

улар эндигина кўришиб турган экан. Орадан анча пайт ўтгач, Холёров лаборатория мудирини чақиртирди.

– Гулом аканинг ғалласини қандай синфга қабул қилдингиз? – деб сўради.

– Бешинчи синфга – деб жавоб берди лаборатория мудири.

Шаҳриёр Эшбекович норизо чимрилди.

– Нега?

Лаборатория мудири бир даста қоғозлар орасидан бирини олиб раҳбарга узатди.

– Намлиги анча юқори. Ифлослиги ҳам меъёрдан зиёд.

– Бўлиши мумкин эмас, – Холёров хulosса варақасига бир кўз ташлаб, сўнг қайтариб берди, – учинчи синфга олинг.

Лаборатория мудири раҳбарнинг қисқа ва қатъий сўзларига эътиroz билдиришига ботина олмай орқага тисарилди.

– Хўп, сиз айтгандай бўлади.

Мен ҳайрон эдим. Эшикланг очиқ, Иккисининг об-ҳаво, дехқончилик ҳақидаги суҳбати баралла эшистилиб турибди. Масалан, донгдор фермер келтирган ғалласи борасида гапиргани ёки қабул масаласида бирор нима илтимос қилгани қулогимга чалинмади. Шаҳриёр Эшбекович масъул ходимни тўсатдан ўзича чақириб топшириқ берди.

Гулом Шодиевнинг ҳам кутимаган воқеадан қалин лаблари осилиб кетди.

– Шаҳриёржон, раҳмат, ҳеч кутмагандим, раҳмат – дерди у қувончдан, ҳаяжондан хамирдай ёйилиб, – дехқонни тушунар экансиз, кам бўлманг! Биз бу масала да аввалги бошлиқ билан бутун мавсум бўйи ёқа бўғишиб юрардик. Сиз... сиз бамаъни йигит экансиз.

Орадан уч-тўрт кун ўтиб яна бир ғалати воқеага гувоҳ бўлдим.

Бир йил режани бажарса, яна уч-түрт йил қулоғи-  
гача қарзга ботиб юрадиган, ҳамиша тажсанг, ҳами-  
ша жанжалкаш Бешим бақироқ қабулхонага бостириб  
кирди.

– Хұжайин шу ердами?

Мен жавоб беришга улгурмай, у бошлиқ әшигини қү-  
пол бир тарзда очди.

Ичкарида Шахриёр Эшбекович телефон орқали ким  
билиандир гаплашар әди.

– Тарозибонни тартибга оласизми, ийүқми? – деди Бе-  
шим бақироқ құлларини сермаб.

Холёров телефон гүшагини жойига қүйди.

– Нима ғап? – сүради қүполникдан ранжиб.

– Хе ийүқ-бе ийүқ, мендан иккі тонна исқитка чиқа-  
ришяпты.

Шахриёр Эшбекович индамай ўрнидан турди. Фер-  
мерни бошлаб ташқарига ийүналди. Мен ҳам одатда-  
гидек топшириқларни, құрсатмаларни ёзіб оладиган  
дафтаримни құлтиқлаб уларга әргашдім.

Күн ҳаддан ташқари иссиқ әди. Чор-атроф бамисли  
дудсиз, алангасиз оқ-сағиши олов ичида жимгина ёнарди.

Холёров машина әндигина хирмонга түккан ғалла  
уюми ёнига борди. Тарозибон, лаборатория мудири ҳам  
бошлиқни күриб үүрғалаганча етиб келишди. Шахриёр  
Эшбекович Бешим фермерга тегишили ғалла уюмидан  
бир ҳовуч олиб андак күздан кечирди-ю, яна хирмонга  
түкди.

– Қанча чиқит ёздинглар? – деб сүради тарозибондан.  
У қүрқа-писа жавоб берди.

– Иккі тонна.

– Қайта анализ қилиб факт бүйича чиққанини ёзин-  
глар, – деди Холёров ҳеч бир эътиrozга ўрин қолдирмай.

Лаборант ботинмайгина лүкма ташлади.

– У ҳолда уч тоннадан ошиб кетади-ку?!

– Демак, үша түғри.

— Эй, эй хұжайин, — чинқируди Бешим фермер, — инсо-фингиз борми? Мени хонавайрон қиласиз-ку!

Холёров унга бош-оёқ норизо құз ташлади.

— Дүстім, биз ғалла қабул қилиб оламиз. Кесак, чақыртиканак әмас, тушундингизми?

— Арз қиласман! Юқорига ёзаман!

— Агар дод-войни ҳозироқ тұхтатмасанғиз, яна бир тонна чиқит құшаман. Ноинсоф одам экансиз. Шундай түкін-сочин мавсумда супуринди олиб келишга уялмадингизми?

Бешим бақироқ яна алланелар дея типирчилади. Холёров бир құл силтаб яна идора томон юрди.

Очиғи, мен Шахриёр Эшбековични ёмон құриб кетдім. Назаримда, у зұрларнинг тегірмонаға сув қүйіб, заиғларни оёқлари остида топтайдиган аблак раҳбарлар хилиға ўхшаб туюлди. Адашмасам, бошқа ишчи-ходимлар ҳам шунга ўхшаған фикрга келишган әди. Аммо масаввурларим тез орада тумандай тарқаб кетді. Қунки Холёровнинг кечки пайт ыйғилиш ўтқазиб айтған сүзлари ногоҳ фикратимга чироқ тутғандай бўлди.

— Адабиётда, санъатда бир қоида бор, — деб гап боллади Холёров күнлик ҳисоботларни эшишиб бўлгач, — истеъдодларни қўллаб-қувватлаш керак. Истеъдод-сизлар ўз ўйларини ўзлари топиб кетишаверади деган. Менимча, бу қоида бизга ҳам тўғри келади. Ҳақиқий миришкор, заҳматкаш дәхқонларни қўллаб-қувватлашимиз, имкон қадар уларни рағбатлантиришимиз лозим. Масалан, қайси куни Ғулом Шодининг ғалласини учинчи синфга қабул қилдик. Аканинг қанчалар қувонганини кўрдингизми? У бир-икки сўм ортиқроқ ҳақ олишини ўйлаб севингани йўқ. Шунчаки, меҳнати, заҳмати қадр топганидан боши осмонга етди. Келгусида Ғулом Шоди бундан ҳам зиёда меҳнат қиласидиган, ҳосилни янада оширадиган бўлади. Биз озгина ён бериш эвазига катта ютуққа эришдик. Биринчидан, донгдор, илғор фермерлар

ишончини қозондик. Бундан буён улар фақат сифатли дон топшириш пайида бўлишади. Иккинчидан, келажак ишларимизда ўзимизга кучли ҳамкорлар топдик. Улар ҳам зарур пайт бизларга ёрдам беришади. Бешимбойга ўхшаганларнинг масаласи эса анча оғир. Алдов-найранглар билан бирор нарсага эришмоқни кўзлайди. Бу йил унинг ҳам даласида ҳосил мўл бўлганидан кўпчилик хабардор. Лекин Бешимнинг келтирган ғалласини қаранг, куппа-кундузи бизни алдамоқчи. Сифатли донни сотиш учун ўзида олиб қолиб, супуриндини давлатга топшиromoқчи. Қизғин пайти "Заготзерно" ҳам эътибор бермайди деб ўйлаган. Бешимга ўхшаганлар яхшиликни қадрлашига қўзим етмайди. Чунки улар ўзини, фақат ўзини ўйлади. Озгина манфаат эвазига бутун қариндош-урғини ҳам сотиб юборишдан қайтмайди. Улар билан эҳтиёт бўлиб муомала қилиш лозим.

Илгарилари ҳар мажлисда сўкиш, ҳақорат, буйруқ эшишиб ўрганган ишли-ходимлар Холёровнинг айтганларини қизиқсиниб тинглашди. Уларнинг юз-кўзидан раҳбарга ҳурмат-эътиборлари яна бир карра ошганлиги кўриниб туради.

"Кучсиз эр хотинини уриб-сўқади, кучсиз раҳбар ўз қўл остидагиларга зутум қиласди", деган эди бир гал у киши. Ўша айтганларининг маъносини янада чуқурроқ англагандай бўлдим.

Мавсум шундай янгича руҳда, янгича анъаналар асосида ўтди. Шахриёр Эшбекович астойдил меҳнат қилганларни сахийларча сийлади. Ишни зўр ташкил этдинг, деган баҳона остида, ҳатто менга ҳам бир маош миқдорида мукофот ёзди. Ўша мавсумда тузуккина кўрилган даромад эвазидан қурилиш-таъмирлаш ишлари ҳам бошлиб юборилди. Холёровнинг димоги чоғ, руҳи баланд эди. Аммо ўша куни туман ҳокими дарғазаб жўнаб кетгач, ҳовлида анча пайт ўйчан туриб қолди. Афтидан, ўртада жиiddий гап-сўз бўлиб ўтган кўринади.

Шахриёр Эшбековиң ҳорғин, әзғин ҳолда ҳовлида бир оз турғач, дөвөрдаги ўша битик томон юрди: “Бегона-лар юрмас бу ерда”.

Холёров қинғири-қийшиқ ёзувларга худди илк бор күраётгандек анча пайт тикилиб қолди.

– Баъзи бир раҳбарларнинг ўй-хаёлида фақат пора олиш – деди у бир пайт худди ўз-ўзига гапиргандай, – қўл остидаги ташкилот бошлиқларини айбсиз сўқади, ҳақоратлайди. Раҳбарга тааллуқли бўлмаган, бажариш имкони йўқ топшириқларни бериб, уларни сарсон қилиб, ҳақоратлаб, пулни шилиш пайида юради. Бумактабдан пора бериш ва пора олишни қўриб ўсган одамлар, кела-жакда ким бўлади, ахир?! Фозил, мен сенга айтсан, дон корхонасини бошқаришга атиги йигирма фоиз, корхона манфаатини ҳимоя қилишга эса саксон фоиз вақтимни сарфлаяпман. Қаниadolat?

Очиғи, у кишини нима деб овутишни билмас эдим.

– Шахриёр ака, бу ерлар ҳам бузиладими? – деб сўра-дим раҳбарни нохуш хаёллардан чалғитиш учун.

– Йўқ, дөвөрнинг худди шу қисми туради ҳозирча.

– Нега?

– Нега бўларди, ҳали ким бегона, ким бегона эмас, аниқлай олганимиз йўқ, – деди Холёров синиқ жилмайиб.

### Олтинчи саҳифа

Эски йил мушт ўқталганча бўсағада қолиб кетди деб ўйлагандим. Йўқ, у биратўла гурзи кўтариб ортимдан келаётган экан. Янги йилнинг илк кунлариданоқ буни ҳис этдим. Мени туман ҳокими чорлаб қолди. Бордим. Қуюқ соchlарини ортга тараган, тарғил кўзлари тийрак, такаббур раҳбар мени илиқ қарши олди. Ўзимнинг, корхонамнинг ҳол-аҳволини сўраб-сuriштирган бўлди. Мен қурилиш, таъмирлаш масаласидаги режаларимни айтдим.

– Ох, жуда яхши ўйлабсиз, Холёров! – деди ҳоким гүё тўлқинланиб, – аллақачон шундай қилиш керак эди. Сиз келгунча ҳам анави Сувоновичга минг марта айтганман. Қилт этмади-я, ярамас! Сиз зўр ислоҳот бошлабсиз, ана бу – ҳақиқий раҳбарнинг иши!

Ҳоким шу билангина чекланиб қолмади. Умуман, бир йил ичида мен амалга оширган ижобий ўзгаришларни бирин-кетин тилга олиб, мақташга тушди. Гап айланана-айланана, ниҳоят, яна мен бошлаш арафасида турган қурилиш-таъмирлаш ишларига келиб тақалди.

– Темир изларни ичкарига олишни ҳам, деворларни қайта тиклашни ҳам етук мутахассисларга топширишингиз керак, – деди туман раҳбари алоҳида, қатъий таъкидлаб.

– Албатта, ният ҳам шу.

– Хўш, ким билан ҳамкорлик қилмоқчисиз?

– Кўз остимга бостирганларим бор, – дедим бир оз ҳазил аралаш.

– Кўп узоққа кетманг, мана, туманимизда “Суръат” хусусий фирмаси бор, – деди ҳоким менга синовчан тикилиб. – Масалан, мен ишни тўла-тўқис шу фирмага топширишингизни истайман.

Юрагим “шувв” этди. Раҳбар айтган ўша “Суръат”ни биламан. Ўғрилик, товламачилик билан кун кўрадиган, бюджет пулларини ўзлаштиришда тенгсиз найрангбоз ташкилот.

– Маъқул, ўйлаб кўрамиз, – дедим сувга тушган нондай бўшашиб.

– Ўйлаб кўрманг! Шу бугуноқ улар билан шартнома тузиб, ишни топшилинг. Раҳбари, биласиз-а, бизнинг тоға бўлади.

“Аҳа! – хаёлимда чақмоқ чаққандай бўлди. – Гап бу ёқда экан-да!”

Умуман олганда, мен учун ким билан шартнома тузишнинг сира фарқи йўқ эди. Энг муҳими, кўзланган режамиз арzon ва сифатли битса, бас.

Тоға деганлари сергап, шошқалоқ бир нусха экан. Бўлар-бўлмас гапга ҳам хаҳолаб, чойданми, тамакиданми сарғайган тишларини кўрсатиб кулгани-кулган. Мен эса сира-сира куладиган аҳволда эмасдим. Ҳужжатларни унинг олдига қўйдим. Ҳокимнинг саломини етказдим.

– Бугун ҳужжатлар билан танишамиз, эртага корхонагизга ўтамиз, – деди тоға.

Айтганидек, эртаси куни у икки гумаштаси билан корхонага келди. Иш кўлами, даражаси билан танишган бўлди. Кечга яқин бу ҳожатбарорлар тутқазган қофозларни кўриб капалагим учеб кетди. Тоғанинг иштаҳаси чакки эмас. Мен кўзлагандан икки баравар ортиқ нарх кўрсатиби!

“Суръат” билан илиққина хайрлашдим. Маслаҳатлашиб, тез орада жавобини айтамиз, қабилида нималардир дедим. Аммо улар дарвозадан чиқар-чиқмас, ўз билганимча иш тутдим. Аввалдан таниш, қурилиш соҳасининг пирлари бўлган одамлар билан гаплашдим. Шартнома тузиб, ишни бошлаб юбордик. Лекин бу ҳақида туман раҳбарига ҳеч нарса демадим. Чунки улар яна босим ўтказишга улгурмай вақтдан ютишни истаётган эдим. Ҳоким қаҳру ғазаб билан корхонага келди.

– Нега айтганимни қилмадинг? – деди дабдурустдан сенсираб.

– Тоғангиз айтган пулга яна битта “Заготзерно” курса бўлади. Жуда қиммат нархладилар ишни, – дедим.

– Бунинг аҳамияти йўқ.

– Ие, нега аҳамиятсиз бўларкан? Биринчидан, корхонада унча пулнинг ўзи йўқ, иккинчидан, мен маблағни тежаш учун баъзи бир ишларни ҳашар усулида битказишини ўйлаганман.

– Тоғам қиммат айтган бўлса, сенинг манфаатингни ўйлаб гапирган, – деди ҳоким жаҳлдан бурун катаклари пир-пир учеб.

– Қанақасига? Тушунмадим?

– Ўзингни аҳмоқликка солма. Яхшигина откат оласан.

Мен ғалати, бир ноқулай аҳволда қолдим. Президентнинг, давлатнинг ишонган одами, катта бир туман ҳокими сенга ноқонуний, жиноий бир йўлни таклиф этиб турса, жуда хижолат чекар экансан.

– Узр, – дедим кўзимни опқочиб, – менга ҳеч қандай “откат” керак эмас.“Заготзерно” менга ишониб топширилган. Унинг ҳар бир тийинини кўз қорачиғидай асрар шим керак.

– Ўша кўзингниям, қорачиғингниям ўйиб олсан-чи?

– Билганингизни қилинг.

Ҳоким сассиқ бир сўкиниб ўрнидан турди.

– Кўрамиз ҳали, – деб таҳдидли ғудранди у хонамни тарк этар экан.

Очиғи, чўчидим. Ахир, у ҳоким, арбоб! Ҳеч бир қабиҳликдан қайтмаслиги мумкин!

Туман раҳбарини жаҳлдан тушириш учун уриниб кўрдим. Бироқ ҳаракатларим бесамар тугади. У ваҳшат билан машинасига ўтириди-ю, кетди.

Омадим бор экан. Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас у туман раҳбарлигидан озод этилди. Жуда кўп жиноятлари, қинғирликлар фош бўлган эмиш.

### Еттинчи саҳифа

Ёмғирдан қочиб дўлга тутилдик, шекилли. Туман ҳокимининг лавозимидан озод этилганидан эмас, унинг таҳдид-тазиикларидан қутулганимдан кўпроқ қувонгандим. Вазифани эгаллаган янги раҳбардан умидимиз катта эди. Чунки бу одам нуфузли лавозимга беҳуда тайинланмади, юқоридаги раҳбарлар туман аҳволини жуда яхши кўриб-билиб турибди, янги ҳоким зарур ислоҳотлар олиб боради, Президентимиз, хукуматимиз кўнглидан чиқади деган хаёлда эдик. Аммо

орзуларимиз саробга айланди. Жумладан, менинг ҳам ҳайитим узоққа чўзилмади.

Янги ҳоким иш бошлагач, орадан бир ойча вақт ўтиб, тўсатдан Солиев чорлаб қолди. Солиев деганимиз туман ҳокими ўринбосари, бир пайтлар уни шу лавозимга ўзимиз кўтар-кўтар қилганмиз, зарур маҳал хайрли ишларимизни қўллаб-кувватлаб туради, қабилида ўйлаганмиз. Бироз бўшанг, илимиқ йигит. Шу пайтгacha фойдаси тегмаса ҳам, зарари тегмаётганидан қувониб юрибмиз.

Солиев гўёки хушхандон кутиб олди. Корхонада бораётган қурилиш-таъмирлаш ишларини мақтаган бўлди. Аммо юз-кўзида қандайдир безовталик, хижолатпазлик қалқиб турарди.

– Хуллас, Шаҳриёр ака, – деди у минг бир истихола билан мақсадга кўчиб, – сизни аризасини ёзсин деяпти катта.

– Ишдан бўшашгами?

– Ҳа.

Томирларимда қон эмас, қаҳру ғазаб, алам оқа бошлади.

– Айбим нима экан, билсак бўладими? – дедим аранг ўзимни босиб.

Солиев қўзимга тик қарай олмай столи устидан қоғозларини нари-бери сурган бўлди.

– Корхонада муҳит ёмон, ишчи-ходимлар норози, деяпти.

– Келганига ҳали икки ой ҳам тўлгани йўқ, бу маълумотларни қайдан олибди, ҳали “Заготзерно”га бориб ҳам кўрган эмас-ку?

– Билмадим, шундай деди.

– Каттангизга етказинг, – дедим овозимни атай баландлатиб, – ё мени қабулига олиб киринг, ўзим айтаман, мен бу корхонага ўз ихтиёрим билан келган эмасман. Юқори ташкилотларнинг тавсияси, даъватига

кўра келганман. Улар “Заготзерно”ни ривожлантириш, аллақандай боқиманда идора эмас, замонавий, иқтисоди бакувват, бугуннинг талабларига жавоб берадиган корхонага айлантириш вазифасини зиммамга юклашган. Мен фақат ўшаларнинг буйруғига кўра ишни топшираман. Кеча келган ҳоким ҳа йўқ, бе йўқ, мени бўшата олмайди.

Сўзим аввалидаёк ўрнидан ирғиб туриб кетган Солиев жон-жаҳди билан қўл силтар эди.

— Ака, илтимос, бақирманг, илтимос. Бўпти, гапларингизни етказаман.

Солиевнинг хузуридан таъбим тирриқ, дилим хуфтон бўлиб чиқдим. Очиғи, аслида қисқа бир муддатда корхонада амалга оширилган ўзгаришлар учун мақтov эшитаман, янги ҳоким қўлимни сиқиб табриклайди, бундан буён ўзим сизни қўллаб-қувватлайман, ҳеч нарсадан чўчимай газни босаверинг, дейди, сийлади, рағбатлантиради, Солиев янги раҳбарнинг хузурига олиб киришдан аввал лаб-лунжимни сал-пал тўғрилаш, баъзи бир гапларни калламга қуиши ниятида чақирган, деган баландпарвоз хаёллар қанотида учиб-қўниб келган эдим. Афуски, чучварани хом санаган эканман.

Бизнинг дарду ҳасратимиздан бехабар баҳор қуёш нурларига беланиб, ям-яшил либосини кўз-кўз қилиб, эркалана-соллана теграмизда чарх уриб юрарди. Куни кеча ёғиб ўтган ёмғирдан намиққан тупроқ иси ди-моғларни қитиқлайди.

Мен беҳол машина ўриндиғига чўқдим. Қўлим беихтиёр радио мурватлари томон узалди. Ногоҳ “Нексия” салони, чор-атроф жўшқин-тошқин мусиқа садоларига кўмилиб кетди. Радиодан Моцартнинг машхур симфонияси янграрди.

Соҳир садолар, оҳанглар мавжи мени юлқиб ердан кўтарди. Юксак-юксакларда момиқ, парку булутлар аро суза бошлидим. Нақадар роҳат! Нақадар ҳаловат!

Алланечук улуғвор ҳислардан тўлқинланиб, энтикиб борарадим! Долғали денгизлар, мағрур қоялар ён-атрофимдан сузиб ўтарди. Серғалва, серташвиш дунё, чиркин хира хаёллар қайларгадир тўзиб йўқолди. Гоҳ заррин ёғдуларга, гоҳ шаффоф томчиларга қоришдим. Қонталаш ерни, сурбет, олчоқ башараларни бир зум унутдим.

Оҳ мусиқа! Оҳ санъат! Сенда қанчалар жозиба, сеҳр бор! Нозик торлардан таралувчи, дунёни, инсониятни ўз измига оловучи, юпатувчи, таскин берувчи, эзгуликка бошловчи қудратли кучсан! Сенгина мени тўғри тушунасан, фақат сенинг ҳузурингда ўзимни бегона ҳис этмайман! Сенга бир умр таъзимдаман!

Эҳ, Моцарт! Оламнинг буюк ўғлони! Бетизгин, бепоён тафаккур ва ҳис-туйғулар ҳукмдори! Ноёб истеъод, безовта қалб! Сен мангу ҳаётсан! Сен хонадонларга, юракларга ногоҳ кириб, ногоҳ забт этасан. Кирланган, жароҳатланган қалбларни тозалаб, даволаб нур ато этасан!

Шундай кечинмалар оғушида уйимиз олдида пайдо бўлганимни сезмай ҳам қолибман. Ҳамиша кеч, бевақт ишдан қайтишимга кўникиб кетган бекамиз тўсатдан келганимни кўриб хавотир билан пешваз чиқди. Мен ҳануз мастона, сархуш бир кайфиятда машина ўриндиғида ястаниб ўтирадим.

– Қаердан келаяпсиз? Ишданми? – деб сўради у афт-ангоримга шубҳа аралаш кўз ташларкан.

– Йўқ, Моцартнинг олдидан келяпман.

– Э-э, – бекамиз кафти билан лаб-даҳанини тўсган бўлди, – ўлсин ўша жўрангиз, тоза бўктириб жўнатганга ўхшайди-ку.

Мен мастона илжайдим.

Мен ҳануз Моцарт оламида мусиқа, санъат оламида, ўзим севган, ўзим ардоқлаган дунёда эдим.

## Саккизинчи саҳифа

Шариф Сувонович яна жанг майдонига қайтди. Ишончли ахборотлардан билдимки, барча фитна-фасоднинг бошида яна ўзлари турган экан. Янги туман ҳокими туйқус ҳужумга ўтиши сабабларини аниқлай олмай бошим қотиб юрган эди. Корхонадаги қурилиш-тъмирлаш ташвишлари билан андармон бўлиб, янги раҳбарни муборакбод этгали вақтида қабулига кира олмадик, совға-салом узатолмадик, бошим устидага айлананаётган қора булутларнинг асл сабаби шу, деган тўхтамга келгандим. Кейин маълум бўлдики, туманимизнинг янги раҳнамоси Шариф Сувоновичдан мўмайгина олиб улгурибди! Керакли одамлар топиб, улар орқали ҳокимга ўз орзу-тилакларини етказган бизнинг эски рақиб Ерқўргон дон тайёров корхонаси бошлиғи лавозимини ўғлига олиб беришни сўраган экан. Маъқул, сизлар аризаболикни, шикоятбозликни кучайтираверинглар, қолганини ўзим ҳал қиласман деган эмиш янги раҳбар. Очиғи, аввалига бу гапларга ишонқирамадим. Чунки, биринчидан эндигина лавозимга тайинланган инсон ишни кимдандир пора олиш, фитна қўзғаш билан бошлишини сира тасаввур эта олмадим, иккинчидан, Шариф Сувоновични беҳад иззат-икром билан нафақага кузатган эдик, ўша арзанда ўғлини эса ўзимга муовин қилиб олганман, шунча эъзоз-эътибор, ғамхўрликдан кейин ҳам яна пасткашлика қўл уришини, душманлик йўлини тутишини ҳеч ақлимга сиғдира олмадим. Афсуски, ҳаммаси ҳақиқат экан. Анча пайтдан бери уйида “инқ-синқ” қилиб касал ётган Шариф Сувонович ҳар хил баҳоналар билан яна корхона ҳудудида кўриниб қолди. Янги ҳокимнинг буйруғига кўра, икки марта тафтиш гуруҳи устимизга бостириб келди. Биринчи гал мен раҳбариятдан муқаррар мақтов-олқиш, рағбат олишни кўзлаб юрган

амалим, ўша қурилиш-таъмирлаш ишларимни текширишди. Гүё мен бу масалада жуда катта маблағ сарфлаб, унинг ярмидан кўписини ўз жигилдонимга урган эмишман. Аммо тафтиш натижалари бунинг аксини кўрсатди. Баъзи ўринларда мен ўз ёнимдан харажат қилганим аниқланди. Бироқ бу англашилмовчилик учун на ҳоким, на тафтиш гурухи кечирим сўради. Аксинча, бир дунё пўписаю таҳдидлар билан қайтиб кетишиди. Иккинчи бор омборлар текширув тифига тортилди. Бу галги тафтиш гурухи раҳбари анча инсофли одам экан. Узр, топшириққа кўра келяпмиз, устингиздан шикоят тушган, деди у хижолатланиб. Лекин ари забозлар бирма-бир санаган жиноятларнинг ҳеч қайси тасдиқланмади. Аммо менинг кўнглим хижил, таъбим тирриқ эди. Чунки яна асоссиз тарзда бошланиб кетган текширувлар бизларни ишдан чалғитарди. Энг ёмони, эндиғина жипслашаётган ишчи-ходимлар ўртасида яна саросима, яна айирмачилик бошланди, собиқ раҳбар тарафдорлари тағин фитнага, ифвога берилди.

Мана, бугун ҳам хонамга қизғиши жилдли папка қўлтиқлаган, қўнғиз мўйлов, жингил соч бир йигит бетакаллуф кириб келди.

– Вилоят Ички ишлар бошқармасиданман, Нортожи Ҳамроев, – деди у қотган қон тусли гувоҳномасини кўрсатиб. – Мухим масалада келдим. Арзиев сизда ишлайдими?

– Ҳа, маҳсулот омбори мудири.

– Ҷўллиев деган шахсга ўн тонна ғалла сотганидан хабарингиз борми?

Очиғи, қандайдир нохушликни сезиб ичимдан қиринди ўта бошлади. Лекин сир бой бермай сўровга жавоб бердим.

– Сиз дон тайёрлов корхонасидасиз. Бу ерда қонуний тарзда ўн тонна эмас, юз тонна ғалла ҳам сотилиши мумкин. Муаммо нимада? Очиқроқ гапирсангиз.

— Хуллас...

Хуллас, маълум бўлдики, Арзиев ўн тонна ғалла сотган; бироқ пулини кассага кирим қилмаган, яъни ўз чўнтағига урган. Умуман олганда, буни ўта жиддий жиноят сифатида баҳолаш қийин. Арзиев битта тушунтириш хати ёзади, пулни кассага топширади, тамом-васалом. Буни аввалроқ, яъни ҳузуримга манави қўнғиз мўйлов ходим келмасидан илгари қилиш керак эди. Агар мавжуд далиллар асосида жиноят иши қўзғашган бўлса, у ҳолда вазият чатоқ.

— Мен бир шуғулланиб кўрай-чи, — дедим терговчинг айтганларини қофозга қайд қилиб қўярканман.

— Сиз шуғулланаверинг, — деди қўнғиз мўйлов таҳдидли, нописанд оҳангда, — мен ҳам шуғулланаман, омборхоналарни кўздан кечиришим керак.

— Бемалол.

Мен Фозилни чақирдим. Унга масъул ходимни истаган жойига олиб боришни тайинладим.

Улар хонадан чиқишиди. Ўрнига алғов-далғов хаёллар бостириб кирди. Ўйланганим сайин димоғимга қандайдир фитна-фассод бадбўи уриларди.

Аллақандай Чўллиевга ноқонуний ғалла сотилгани-ю, бу ишдан туман қолиб, вилоят ички ишлар бошқармаси хабар топгани, ҳалиги терговчининг пашшадан фил ясад, ўзича корхона оралаб кетиши ғоят шубҳали туяларди. Начора, натижани кутишдан бошқа иложим йўқ.

Орадан бир соатча вақт ўтди. Ичим қизиса-да, ташқарига чиқмай, ўзимни хотиржамликка солиб ўтиравердим. Лекин ғоят тўғри йўл тутганим кейинчалик маълум бўлди.

Бир пайт хонамга Фозил безовта бир тарзда кириб келди.

— Ҳа, тинчликми? — сўрадим уни бош-оёқ кузатиб.

— Терговчи кетди.

– Кетди? Ҳовлида нималар қилди?

– Омборхоналарни кўздан кечирди, ишчилар билан гаплашди.

– Гаплашди?!

– Ҳа, лекин у ҳар икки сўз орасида Заготзернода муҳит носоғлом экан, ўғрилик, найранг авжида экан, деб кўп таъкидлади.

Менга нималардир ойдинлашгандай бўлди. Тўғрироғи, бу саҳналар мени бадном қилиш учун аввалдан атай уюштирилгани яққол сезилиб турарди.

– Нега менга яна учрашмай кетди?

– Билмадим, – елка қисди Фозил, – қўлимдаги фактлар бўйича жиноят иши очаман, бошқаларга ҳам сабоқ бўлсин деб ғудранди, турган-битгани ваҳима-ваҳшат.

– Тушунарли, боравер, айтганча, Арзиевни бу ёқقا чақиргин.

– Хўп, – деди Фозил, лекин бўсағада кетмай тураверди.

– Ҳа, яна нима гап? – сўрадим ажабсиниб.

Фозил бош чайқади.

– Шу ерда бир гап бор-ов, ака. Ишчилар, айниқса, аввалги каттанинг тарафдорлари шов-шув кўтариб юбошлиди.

Унинг самимий жон куйдираётганини сезсан-да, барibir жаҳлим чиқди.

– Бўпти, сен аралашма, ўз ишингни билиб қилиб юравер.

Кўп ўтмай Арзиев лорсиллаб, ҳансираਬ кириб келди. Унинг семиз афт-ангоро одамда қандайдир жирканч ҳиссини қўзғатади. Куюқ, ўсиқ соchlари кирчил, худди ёғлангандай ялтиллаб туради. Шариф Сувоновичнинг яқин қариндоши. Шу сабабли бўлса керак, ишга келганимдан буён менга қарши курашишда фаол. Лекин ўта гўл, нодон, жоҳил нусха.

– Қақыртирибсиз, хұжайин, – деди у салом-алиқдан сүнг.

Мен ҳангу манг қотдим. Унинг семиз қовоқлари орасида милтиллаб турған күзларидә заррача ҳам күркүв, хавотир, ташвиш йўқ. Овози ҳам алланечук тантанавор.

– Нималар қилиб юрибсиз, органи ортимиздан эргаштириб? – дедим уни диққат билан кузатарканман.

– Узр, шундай бўпқолди-да, билмапман.

– Пулни чўнтакка урдингизми?

– Ҳа. Анави... анави... Тошбой акага бермоқчи эдим.

– Тошбой акага?! Нега?

– Ўзингиз айтдингиз-ку.

Калламга тўқмоқ теккандай бўлди. Кўз олдим хира тортди.

“А-ҳа, гап бу ёқда экан-да! – шу ўй хаёлимни остин-устун қилиб ўтди.

Рост, қай бир куни Арзиеvга ўхшаш ўзига тўқ, корхонада нуфузи баланд ходимларни йиғиб, асосий масалалар муҳокама қилиб олингач, уларни ўзаро жипс, меҳр-оқибатли бўлишга, ҳар хил фитналарга йўл қўймасликка чақиргандим. Гап орасида серфарзанд, қўли қисқа ишчиларни аҳён-аҳён моддий қўллаб-қувватлаб туринглар, ўлиб қолмайсизлар, савоб бўлади, қабилида насиҳат ҳам қилгандим, масалан, Тошбой акага ўхшаш оддий одамларга ёрдам бериш зарур дегандим. Демак, ўша айтганларим ўзимга ўқ бўлиб қайтмоқда.

– Эй, мараз, – дедим жаҳлдан овозим бўғилиб, – Тошбой акага ғаллани ноқонуний сотиб, ёрдам кўрсат, деб қачон айтдим. Мен сенга эмас, ҳаммага гапирдим, меҳр-оқибатли бўлинглар, дедим.

Арзиеv жавоб бермай пишқириниб тураверди.

– Хуллас, энди қилмишингга яраша жазо оласан. Ҳалиги терговчи жиноят иши очади.

Омбор мудири қилт этмади. Афтидан, у гапларимнинг маъносини тушунмади. Тавба, худди тош-кесакка ўхшайди-я?!

- Билмадим, – ниҳоят пўнғиллаб қўйди у.
- Тез орада билиб оласан, чиқ бу ердан, – деб қўл силтадим, – эрта-индин кўзинг мoshдай очилади.

Йўқ, орадан уч кун ўтиб, Арзиевнинг кўзи мoshдай эмас, шокосадай очилди. У лошини аранг судраган кўйи хузуримга кириб келаркан, қуруқликка чиқиб қолган балиқдай оғзини каппа-каппа очиб зўрға нафас оларди.

- Ака, ўзингиз кутқаринг! Илтимос, ёрдам беринг!
- деди ҳансираb.

- Нима гап? Тинчликми?
- Устимдан иш очилиби. Терговчи чақирди. Қамаласан деди.
- Жиноятчи албатта жазосини олади-да, – деб қўйдим гўёки бепарво ҳомуза тортиб.

Арзиевнинг кўзлари қалин қабоқларини йиртиб юборгудай даражада катта-катта очилди.

- Ака, ўзингиз кўлланг, илтимос.
- Ҳаракат қилсан, сени қамоқдан кутқариб қолишим мумкин, лекин бошқасига жавоб беролмайман.
- Розиман, ака, розиман! Қамоқдан кутқарсангиз бўлди.
- Лекин шартим бор-да.
- Айтинг, ака, айтинг.
- Аслида нима бўлган эди? Менга ҳақиқатни айтасан, – дедим юзимга жиддий, қаҳрли тус бериб.
- Ака, – Арзиев ҳануз ҳансираган кўйи атрофига аланглаб олди, – тўғриси, менинг айбим йўқ. Анавилар мажбурлашди. Шундай қилсанг, сенга ҳеч нарса бўлмайди, калтакнинг каттаси Холёрипнинг бошида синади, уни бўшатиб ўрнига сени катта қиласиз, дейишиди. Энг муҳими, ўғриликка ўхашаш иш содир бўлгани, шовшув кўтарилгани экан. Мен айтганларини қилдим, ака.

Мен тусмоллаган ҳақиқат ўз тасдиfinи топди. Лекин бундан енгил тортиб қолганим йўқ. Баттар кўнглим ғашланди. Ахир қачонгача олишиб, тортишиб, жанжаллашиб юраман? Қачон ишлайман, қачон? Қачон режаларимни, лойиҳаларимни амалга ошираман. Умуман, Арзиевга ўхшаш сотқинлар, сурбетлар билан бирор иш қилиб бўладими? Аслида мен кўзлаган режаларда уларнинг ҳам манфаати бор-ку? Бу ҳақиқатни қачон тушуниб етишади? Қачон атрофимда бирлашишади? Ёрдамлашмаса ҳам, ҳечқурса, халақит беришмаса экан. Биламан, терговчи истаган тақдирда ҳам Арзиевни панжарага тиқа олмайди. Зарур маъмурий жазо кўллашни менга топширади. Агар Арзиевни аясам, унга очиқ-ойдин шерикка айланиб қоламан. Кечирмасам... бунинг туришини қаранг, ҳозироқ ҳўнграб йиғлашга шай, одамнинг раҳми келади.

Йўқ! Йўқ! Кўнгилчанликка ортиқ йўл кўйишим мумкин эмас. Кўй ўз оёғидан осилиб турибди. Жоҳиллик, нодонлик уни жарга итарди.

Изтироблар оғушида анча пайт хаёл суриб қолдим, шекилли, Арзиев ғимирлаб, томоқ қириб кўйди.

- Ака, илтимос, - деди илтижоли термулиб.
- Бўпти, қамалмайсан, лекин жазоланасан.

Сўзларим маъносини тўла англаб етмади, шекилли, Арзиев мамнун бош ирғади.

- Раҳмат, ака, раҳмат!

Уни биргина “қамалмайсан” деган сўз қувватлантиргани шундоққина кўриниб турарди. Мен уни ишдан бўшатмоқчи эканлигимни юмшоқ тарзда англатиш учун халқона иборани тилга олдим.

- Ўзинг пиширган ошни ўзинг айланиб-ўгрилиб ичасан.

Арзиев халқ ҳикматини ўзича тушунди, шекилли, оғзини ўн биринчи калишдай очиб тиржайди, қўлларини ёнига қанотдай ёйди.

— Ака, бир ош бўлса, биздан-да. Нега бир ўзим еяр эканман, сизни, аnavи терговчини чақираман.

Мен ўзимни тутолмадим. Қаршимдаги гўлликдан, соддаликдан қаҳ-қаҳ отиб қулиб юбордим. Бу кулгимда завқ, изтироб, ғазаб, ҳамма-ҳаммаси қоришиб кетган эди.

### Тўққизинчи саҳифа

Бугун идорада ўтиргим йўқ. Кўнгил сафар истади. Чаманга, Нозимхон Жалилов бошқараётган дон тайёрлов идорасига боргим келди. Чунки кеча вилоят ҳокими ҳам мажлисда шу одамни роса мақтади. Ишни зўр ташкил қилган эмиш. Уни ҳамма дончиларга намуна қилиб кўрсатди. Нозимхон шишиниб, терисига сифмай олд қаторларнинг бирида керилиб ўтиrdи. Очиги, унга ҳавасим келди. Жалиловнинг иш тутумини, тажрибасини ўрганиш истаги кўнглимдан кетмай қолди.

“Бориб, ўз кўзим билан кўрай-чи, – ўйладим машинамга ўтирап эканман, – ибратли жиҳатларини ўрганиб қайтаман. Аканинг маслаҳатлари ҳозир менга сув-ҳаводай зарур”.

Баҳор қалдирғочларга кўшилиб чор-атрофда чарх уриб юради. Қир-адирларнинг яғир елкаси кўкариб қолган. Дов-дараҳтларнинг барра барглари кўзларни қувонтиради. Кўнгилларга қандайдир завқ-шавқ солади.

Бир ош пишигича вақт йўл босганимдан сўнг кўзланган манзилга етиб келдим. Пишиқ ғишт билан ўралган “Заготзерно” нинг маҳобатли дарвозаси ёнида машинадан тушдим. Ичимга сал-пал ҳаяжон оралади. Чунки корхонанинг ташқи манзарасиёқ унинг нуфузидан, мақташга арзигулик эканлигидан дарак бериб турарди. Қаровулга ўзимни танитгач, у эҳтиром билан ичкарига йўл кўрсатди.

— Хўжайн ҳозиргина омборхонага кириб кетди,-деди қоровул ўнг тарафга ишора қилиб.

Ҳаммаёқ тоза-озода, саранжом-саришта. Йўлаклар бўйлаб гул кўчатлари экилган. Теваракка қараган сайнин ҳавасим, завқим ортиб бораарди. Шундай хуш бир кайфиятда қоровул кўрсатган омборхона ёнига етиб бордим. Ичкаридан қаттиқ-куруқ, сўкиниш овозлари эшитилди.

“Об-бо-о, жанжал устидан чиқиб қолдим-ов”, – ўйладим омборхона эшигидан мўралаб.

Кирдай ғалла уюми ёнида худди тўйга отлангандек ҳаворанг костюм-шим кийган, соchlари ораста Нозимхон қўлларини пахса қилиб ўшқиради.

– Бунча пулни санга қаёқдан топиб бераман?! Турган-битганларинг ташвиш, харажат. Ўн қун ишга чиқмадинг. Индамадим. Бугун кела солиб пул сўрашга уялмайсан-а.

Бошлиқ олдида тавозеъ билан турган, эгнидаги коржомаси шалвираган, озғин, ушоқдай ишчи нимадир деб ғудранди. Унинг ғудранишидан Нозимхон баттар тутокди.

– Дўхтурлар айтаверади! Фалон пул берсанг даволаймиз дейди. Мақсадлари фақат шилиш. Ҳар кимга ҳам анграйиб кулоқ солавермаслик керак. Хуллас, қаттиғроқ ишлаб би-ир терласанг отдай бўлиб кетасан. Ётиб даволанишни хаёлингдан чиқар. Яна хархашадан давом этсанг, ишдан ҳайдайман.

Шу пайт Нозимхон мени кўриб қолди.

– Ия, Шахриёр?! – деб илжайди пешвоз юраркан, – қандай шамол учирди?

– Шон-шуҳратингиз шамоли.

Биз қучоқлашиб кўришарканмиз, қаттиққўл, тала-бchan бошлиқнинг елкаси оша ҳалиги ишчига беихтиёр кўз ташладим. Иккимизни хомуш кузатиб турган кишининг қароқларида ғилт-ғилт ёш айланарди.

– Озгина амру маъруф қилаётгандим, – деди Нозимхон етаклашиб идора томон юрарканмиз.

– Ишчингиз ростдан ҳам касалга ўхшайди-ку.

– Э-э, буларнинг бари касал, – дея фифони фалакка чиқди Жалиловнинг, – баҳоналари доимо оғизларида тайёр. Жуда эркалатиб юборганга ўхшайман. Мени кўришса, ўзларини касалликка солишади, раҳмимни келтириб бир-икки сўм ундириш ҳаммасининг нияти.

– Сизнинг саховатингиздан умидвор бўлишади-да. Нозимхон мен томон кескин бурилди.

– Холёров, янги раҳбарсиз, эсимда борида сизга биринчи маслаҳатимни бериб қўйяй, ҳеч қачон ишчи-ҳодимларнинг кўнглига қараманг. Улардан дўст чиқмайди. Фақат эзигаш шартининг. Шундагина сизни ҳурмат қиласди, қадрингизга етади, кўрганда қалтираб туради. Корхонани ривожлантиришнинг асоси шу!

– Албатта, инобатга оламан, – дедим кулиб. Аслида тажрибали раҳбарнинг қайноқ маслаҳатидан ичу ташим музлаб кетган эди. Ҳатто, мақталган бу корхонани айланиб кўриш, зарур тажрибалар орттириш иштиёқи ҳам сўниб бўлди. Шунинг учун Нозимхон:

– Ҳозир сизга янги қурган айвонни кўрсатаман, – деганида беихтиёр қўл силтадим:

– Ҳожати йўқ, кейинги сафар, ҳозир бироз шошиб турибман, Оқсаройда зарил учрашувим бор эди, -дедим.

Жалилов хизмат кабинетига бошлаб кирди. У ердаги ҳашамдан бошим айланиб кетди. Қимматбаҳо, хорижда ишлаб чиқарилган мебеллардан, деворлардаги зарҳал безаклардан кўз узолмай қолдим.

– Шу хонани жиҳозлашга кетган пулнинг ўзига яшигина уй тикласа бўлади, – деб мақтанди Чаман дон тайёрлов идораси бошлиғи ҳангуга манг қолганимни пайқаб, – лекин, начора, нуфузли раҳбарга яраша сал дурустроқ кабинет ҳам бўлиши керак-да, тўғрими?

– Ҳа, тўғри, сиз яшашни биласиз,-деб қўйдим кўнгил учун.



Шу пайт эшик қия очилиб кимдир күриниш берди. Адашмасам, бошлиқнинг югурдакларидан бўлса керак.

– Ҳозир, бир дақиқа, – деди Жалилов баҳайбат, айланма курсисидан илдамгина туриб эшик томон юраркан, – қизиқарли гапи борга ўхшайди.

Хонада аллаңданай сепилган, суртилган хүшбүйликлар ҳиди анқиб турарди. Күнглим бехузур бўла бошлиди. Деразани очиб юборгим келди. Аммо улгурмадим.

– Холёров,вой десангиз ҳам дод солсангиз ҳам бугун сизни олиб қоламан, – деди ногоҳ яна ичкарига қайтган Нозимхон сирли илжайган кўйи, – какраз менга сизга ўхшаган шерик керак.

– Нима гап? Тинчликми?

Нозимхон ҳануз сирли илжайган куни шивирлади.

– Пойтахтдан иккитаси келган. Бамисли паризод! Мени ёлғизлатиб қўймассиз.

– Йў-ў, – кескин қўл силатим мен, – айтдим-ку, зарил ишларим бор...

– Кўрқманг, чиқими менинг бўйнимда, сиз фақат сафдош бўлсангиз, бас.

Мен ирғиб ўрнимдан турдим.

– Узр, бошқа сафар, ҳозир Оқсаройга етиб бормасам бўлмайди, шунчаки, сиз билан ҳорманглашгали киргандим.

Нозимхон қарорим қатъий эканлигин тушунди. Дарвозагача кузатиб қўяркан:

– Холёров, бунақа ишларга ҳам кўниверинг, – деб ҳазил-чин аралаш шивирлади, – чўнталингиз қаппайиб, тўлиб-тошиб кетган пайтлар барибир қўнглингиз тусаб қолади.

– Раҳмат, буни ҳам инобатга оламан,-дедим зўрма-зўраки илжайиб.

Катта йўлга чиқар-чиқмасим машинани ўқдай учирдим. Негадир бу ерлардан тезроқ узоқлашгим келарди.

Кўм-кўк, кенг дала-дашт бўйлаб кетган йўлга тушганимдан кейингина оз-моз енгил тортдим. Машина радиосини бураб қўйдим. Шўх бир мусиқа тараала бошлиди. Унинг оҳангларига мос бош тебратган кўйи хаёлларга чўмдим.

Еркүрғонга етган пайтим күёш қизара-бўзара ботишига ҳозирлик кўрарди.

– Чаманга яхши бориб келдингизми, Шаҳриёр ака, – иргиб ўрнидан турган Фозил мени шундай сўзлар билан қарши олди, – таассуротлар қалай бўлди?

Мен хонамга ҳорғин киарканман беихтиёр кўнглимдаги тилимга кўчиди.

– Таассуротлар дейсанми? Зўр! Машхур ҳамкасбимиздан қандай ишламасликни ўрганиб қайтдим. Бирор ерга ёзиб қўйгин буни.

### Ўнинчи саҳифа

Шарпа келди. Еркүрғон дон тайёрлов корхонаси раҳбари сифатида иш бошлаганимдан бери иккинчи бор келиши. Йўқ, адашдим. Учинчи бор экан. Илк марта шу вазифага тайинланган қуним ҳам раҳбариятга қўшилиб ташриф буюрган, табриклаш учун қўлимни қаттиқ қисиб, анча вақт қўйиб юбормай узундан-узоқ тилак билдирган эди. Сўнг ўтган мавсум тўсатдан пайдо бўлди. Машиналар пайдар-пай келтириб тўкаётган, хирмонларда тоғдай уюлиб турган ғаллани қалин шиша парчасидай йилтиллаётган кўзлари билан кузатиб мамнун-мағрур илжайган эди. Тағин бирор илтимос қилмасин-да, деб чўчиб турардим мен. Йўқ, аксинча, қайтар чоғи у, бирор хизмат йўқми бизларга, деб сўради.

Ғалати одам. На афт-ангорида, на юриш-туришида, на гап-сўзларида бирор бир кусур бор. Қиличдай кескир, айни пайтда ипакдай майин одам. Муомаланинг жонини киритади. Керак пайти маслаҳат беради, насиҳат қиласиди, керак пайти ҳазил-хузулни, дўқ-пўписани қотиради.

Аммо шунга қарамай, у менга сира ёқмайди. Сабабини ўзим ҳам билмайман. Менга бирор ёмон муомала-муносабат кўрсатган жойи йўқ. Қачон учратса, дўстона, хайриҳоҳларча муомала қиласиди.

Мана, бугун ҳам дарвозадан кирав-кирмас, құчоқ очиб келди, қызғин ҳол-ақвол сүради. Четдан күрган одам булар эски қадрдонлар экан деб үйлаши аниқ. Бироқ негадир у менга қиша болалар қордан ясаб, устига сув қуйиб музлатган қорбобони эслатади: ялтироқ ва совуқ. Шарпанинг меҳрибончиликларидан ҳеч ҳарорат ҳис этмайман. Очифи, бу галги ташриф ўтган-қайтган воқеаларни ўйлаб, хаёлан таҳлил қилиб, ўз ёғимга ўзим қоврилиб ўтирган пайтимга түғри келди. Кўнглимга қил ҳам сифмасди. Аслида-ку, қувнаб, яйраб юрсам арзийди. Ахир йил бошидан бери неча бор тафтишлардан, фитналардан омон чиқдим. Гаразгўйлар ўзлари қазган чоҳга ўзлари бирин-кетин куляяпти. Масалан, мана, Арзиевни ўша найранги баҳона ишдан бўшатиб юбордим. Илоннинг бир боши янчилгандай гап. Илёсовнинг ҳам жавобини бердим. Чунки ҳисоб-китоб бошида ишончли, билимдон, ҳалол одам турмаса, ҳамма меҳнатларимиз бир тийин! Ўрнига вилоятдаги бир аудиторлик фирмасида ишлаб юрган, илгаритдан синашта Равшан Панжиевни олиб келдим.

Айтганча, Арзиев билан боғлиқ машмашалардан сўнг ҳалиги терговчи, Нортожи Ҳамроев яна корхонада пайдо бўлди. Мени кўрса ҳам кўрмасликка олиб ишли-хиодимлар орасида бир ойча ўралашиб юрди. Уларга қўшилиб овқатланди, қарта-нарда ўйнади, гоҳ очиқ хирмон ёнида, гоҳ омборхоналарда ивириди.

– Ака, хабарингиз борми-йўқми, бир ойдан бери корхонангизда юрибман, – деди у ниҳоят бир куни хонамга кириб.

– Бир-икки кўзим тушгандай бўлди, – дедим гўёки бепарво қофоз титкилаб, – лекин танимадим, бирор қароқчи ўзига шерик излаб юрганга ўхшайди деб ўйладим.

– Шахриёр Эшбекович, ёмон чақасиз-а одамни, кўнглига келади деб ҳам ўйламайсиз. Лекин мен яхши нијатда юрибман.

– Қандай ният экан бу, билсак бўладими?

– Ишчи-ходимларингизни ўргандим. Уларнинг ишга, сизга муносабатини кузатдим. Очиғи, юқори раҳбарият-нинг менга юклаган топшириғи шундай эди.

– Хўш, қандай хулосага келдингиз?

– Шаҳриёр Эшбекович, сиз ҳалол, камтар, жамоани, корхонани ўйлайдиган раҳбар экансиз. Устингиздан орган идораларига тушаётган шикоятлар ғирт туҳмат, иғбо.

– Ёмон бўлолмасам нима қилай?

Терговчи кулди.

– Ака, гапни ҳам қийиб қўясиз-да. Асли бу ерларда адашиб юрибсиз, артистми, адабми бўлишингиз керак эди.

– Ҳа, адашганман. Бу ернинг ўз артистлари, ўз ёзувчилари борлигини билмаганман. Фалланинг чанг-гардига беланиб қолиб кетдим.

– Қолиб кетмайсиз, ака, – деди терговчи қандайдир завқ билан, – сиз зўр раҳбарсиз, ҳали ўсасиз! Мен бошлиқларимга ҳисобот тайёrlаб қўйдим. Ҳаммаси сизнинг фойдангизга, ака.

– Жуда эътиборли йигит экансиз, раҳмат, – дедим астайдил кувониб, – биздан қандай хизматлар?

– Кинода айтади-ку, бир қадаҳ вино, битта табассум.

– Мен билан вино ичганингизни кўришса, сизни ҳам қўшиб ёзиб юборишади-ку? – дедим ташқарига ишора қилиб, – сизнинг терингиз юпқа, тезгина мазангиз қочади.

– Э-э, чумчукдан қўрқсан тариқ экмайди.

– Бўпти, ўзингиздан кўринг. Кечки пайт “Катта тол”да учрашамиз.

– Лекин сизга қойил қолдим. Жиноят иши қўзғайман деб ўша куни келганимда қилт этмадингиз-а, жойингиздан бир қарич ҳам жилмадингиз-а.

– Авзойингизни кўриб жойимдан қимиirlай олмай қолдим-да.

Терговчи қаҳ-қаҳ отиб кулди.

- Қўйсангиз-чи, сиз қонун-қоидани ҳам, ўз қадр-қимматингизни ҳам жуда яхши биладиган одам экансиз.

- Сиз нима кутган эдингиз?

- Типирчилаб қолишингизни, идорагача ортимдан эргашиб боришингизни, ялиниб, парвона бўлишингизни.

- Хўп, ноумид бўлманг, кечга парвона бўламан.

Терговчи кулиб, ял-ял яшнаб чиқиб кетди.

Умуман олганда, бу ҳам мен учун катта ютуқ эди. Извогарлар устидан қозонган галдаги ғалабам эди. Икки наҳангини ишдан бўшатдим, қолганлари, мана, бурчакка қисилди. Аввалига бу ютуқлардан қувондим, енгил тортдим, сўнг негадир туйкус кўнглим ғаш тортиб қолди. Ич-ичимдан бир исёнкор Шахриёр овоз берди. Майда одамлар билан олишавериб ўзинг ҳам майдалашиб кетдинг деди. Бир нодонни ишдан бўшатганингга қувониб юрибсан, бир терговчини қойил қилганингдан мамнунсан деб кулди.

Эй дўст, улуғ мақсадларинг қани? Иқтисоди бақувват корхона яратаман, шу йўл билан юртга, мустақиллик ғояларига хизмат қиласман деб ўзингча дилга туккан ниятларинг қани?! Бу ботқоқдан илкис суғурилиб кетасанми? Ё қандайдир Сувонович, қандайдир амалдорлар билан олишиб, ҳақлигинги исботлаганингдан қувониб юраверасанми? Қаддингни тик тут, эй дўст.

Худди шундай эзғин хаёллар, ички хитоблар исканжасида эзилиб ўтирган чоғим Шарпа келди. Бу ҳақда Фозил хабар берди. Дарвоза ёнида турибди деди. Илкис ўрнимдан турдим. Негадир ўзимни дўстни эмас, душманни кутиб олишга чоғлангандек ҳис этардим.

Шарпа менга қучоқ очиб пешвоз юрди. Мен ҳам табассум қилган бўлдим. Ичкарига таклиф этдим.

- Йўқ, – кескин рад этди Шарпа, – корхонани айланайлик, жуда катта ўзгаришлар қилибсиз деб эшийтдим.

У ҳовли бўйлаб юраркан, қайта тикланган, мустаҳкам, баланд деворни, ичкарига олинган темирийўл шоҳобчасини, бутланган, бўялган томларни мамнун масрур ҳолда кўздан кечирди. У қандайдир ўз мулкини назоратдан ўтказаётган капиталистга ўхшарди.

- Зўр, Шахриёрбек, зўр! - деб қўярди аҳён-аҳён Шарпа.

Ортидан эргашиб юрарканман, негадир ҳокимдан, аризабозлардан шикоят қилгим келиб кетди. Ёрдам беринг, улардан қутқаринг, дейишни хоҳладим.

- Навбатдаги режалар қандай? - деб сўради бир пайт Шарпа.

Мен кўнглимдаги ниятларни истар-истамас қисқача баён этдим.

- Зўр, Шахриёрбек, зўр! - деди тўлқинланиб у, - хўш, биздан қандай ёрдам, қандай хизмат?

Шиша парчасидай совуқ йилтиллаб турган кўзларга кўзим тушди-ю, ҳалигина кўнглимдан кечган истак қаёққадир қочиб йўқолди.

- Саломат бўлинг, бизга шунинг ўзи кифоя, - дедим куруққина.

Шарпа ишонмаганга ўхшади. Юз-кўзимга саволчан, синовчан тикилди.

- Наҳотки, ҳеч бир ёрдам керакмасми?

- Йўқ, ҳозирча йўқ.

- Қачон зарурат бўлса, тортинмай айтинг.

Шарпа хайрлашиш учун қўл чўзди. Мен ҳам.

У дадил, мағрур бир қиёфада кетди.

Қизик, мен Шарпа ортидан қараб қоларканман, қандайдир чинаккам ғалаба нашъасини ҳис қилдим. Гўё ёрдам сўрамай, мен уни енгандек эдим. Кўнглим тоғдай ўсади.

## Ўн биринчи саҳифа

Қизғин мавсум яна бошланиб кетди. Ўтган йилгидек бўлмаса-да, бу йил ҳам дала-даштда ҳосил яхши. Мавсум пайти, тайин гапки, корхонамизда кечаю кундуз иш қайнайди. Изма-из келаётган юқ машиналари устидаги ғаллани қабул қилиб олиш жараёни, ғала-ғовур, чанг-тўзон бир зум ҳам тинмайди. Бошқаларни билмадим-у, лекин бу шовқин-сурон менга завқ-шавқ бағишилади. Машиналар гувиллаши, пишқириғи, ишчиларнинг ҳайқириқлари янада кўпроқ, янада кучлироқ бўлишини истайман. Ахир бу хирмонга мўл-кўл дон тўклилаётганидан дарак! Ахир бу халқнинг ризқ-рўзи, фаровонлиги яратилаётганидан мужда! Ахир бу Президентимиз, ҳукуматимиз хоҳлаётган ғалла мустақиллиги сари дадил қадам!

Худди шундай ҳис-туйғулар оғушида дала-даштда изғидим. Олис худудлардаги хирмонжойлардан хабарлашдим. У ерларда ҳам иш қизғин. Эрталаб янада корхонага қайтиб келдим. Роса чарчаганман.

Кун иссиқ. Эрталабданоқ чор-атроф тандирдай қизиб кетган. Қилт этган шабада йўқ. Еру кўк сарғиш оқиш тусда товланади.

Идорамизда маҳсус дам олиш хонаси мавжуд. Мавсум пайти туну кун корхонада бўладиган масъул ходимлар галма-гал кириб бир-икки соат мизғиб олишади. Мен ювиниб-чайиниб ўша ҳужра томон юрдим.

– Бироз ухламасам, бошим айланиб кетаяпти, – дедим ўринбосарга, яъни Сувоновичнинг ўғлига.

У негадир менга бир ғалати кўз ташлаб кўйди.

– Бемалол.

Ҳужрага кирдим. Салқингина экан. Ечиниб, сим қаравотга чўзилдим. Қаттиқ чарчаганимданми, кўз илиниши қийин бўлди. У ён-бу ён тўлғондим, бирдан ўнгача санадим. Шу алфозда қанча ётганимни билмайман,

бир пайт эшик илкис очилди. Очилди-ю... құнғиртоб, қуюқ соchlари елкасида ёйилган, калта-юпқа қўйлаги ёқасидан оппоқ, бўлиқ сийналари чала-яrim тошиб чиққан, нозик қад серишва-серноз аёл ичкарига бостириб кирди.

Мен иргиб ўрнимдан турдим. Йўқ, аввал бир лаҳза тошдек қотдим. Далада қўп юрдим, иссиқ таъсир қилган, шекилли, кўзимга ҳар нарсалар кўриняпти, деган хаёлга бордим, бироқ димоғимга гўзал аёлларга хос хуш бўйлар урилгач, беихтиёр ўрнимдан иргиб турдим.

– Тўхта! Кимсан?! – дедим қўлимни олдга чўзиб, – яқин келма!

Аёл хона ўртасида тўхтади. Гўё мени туйкус кўриб қолгандай “вуйй” деди, сийналарини ўзича бекитган бўлди.

– Ташқарига чиқ! Эшик ортида кутиб тур! – дедим кўнглим қандайдир нохушликни сезиб.

Аёл бўйсунди. Мен апил-тапил кийиниб ортидан чиқдим.

– Узр, – деб қўйди у тўзғин соchlарини бир силкиб ташлаб. Аммо кўкиш-зангори кўзлари ҳали-ҳануз нозга, ишвага лиммо-лим эди.

– Кимсан? Нима ишинг бор? – дедим унга юzlаниб.

– Ҳалиги... Вагон кўймоқчи эдим...

– Вагон кўймоқчи бўлсанг, ётоқда пишириб қўйибдими сенга? Ана, бўлим бошлиғига бор, муаммо туғилса, кейин менга учрашасан.

Аёл бел-биқинларини нозли тебратиб, хирмон томон кетди. Мен ҳужрага қайтиб кирдим. Кирдиму юрагим анчадан бери гурс-гурс уриб ётганини ҳис этдим.

“Ким бу аёл? Бу ерда қайдан пайдо бўлди?! Мақсади нима?”

Шу қабилидаги саволлар хаёлимда чарх уриб турарди.

Бўшашганча тўшакнинг бир четига ўтирдим. Сим каравот аянчли ғижирлаб қўйди. Дам олишга кирар

чоғим ўринбосарнинг сирли, безовта қараб қўйганини эсладим. Англадимки, яна бир ифлосона фитна уюштирилган. Рақиблар тўшак воқеаси билан мени бадном қилмоқчи бўлишган! Яратганинг ўзи мени шармандаликдан сақлаб қолди!

Худога қайта-қайта шукроналар айтдим. Бироқ... қизик, жуда қизик, илгари фитна-найрангларга йўлиқкан кезларим таъбим тириқ, дилим хуфтон бўлиб қоларди. Бу гал эса ичу ташим алланечук ёп-ёруғ! Аёл хушбўйлари ҳали-ҳануз димогимни қитиқлаб турибди! Ноз-ишвага тўла кўк-зангори кўзлари ҳали-ҳануз қароғларимда лим-лим жонланади!

Ким бу аёл?! Гўзал бир жононами ёки фаришта? Агар шу атрофнинг қизу жувонларидан бўлса, мен танишим керак эди. Ҳойнаҳой, қўқдан тушган фаришталиги рост! Очиги, бундай ҳусну жамолни, мавжланган денгиздек кўкиш-зангори кўзларни ҳеч учратмаганман! Мутлақ нотаниш хилқат! Шу баробарида таниш, жуда таниш чехра!

Қизик, қайда кўрган эканман уни? Тушимдами? Балки маълуму машҳур саҳна юлдузидир у? Ҳарҳолда, воҳа қизига ўхшамайди. Балки, йиллар, ойлар давомида хаёлимда, орзиймда жонланган сиймодир? Ҳар не бўлган тақдирда ҳам мен фитнага учдим. Режалари пучга чиққанидан рақибларим, балки, жиғибийрондир. Лекин мен чиндан ҳам гўзаллик тузоғига тушдим. Бу тузоқдан қандай, қачон чиқаман, Ҳудо билади.

Мен мамнун-масрур тўшакка чўзилдим. Ўша нозу ишва ногоҳ устимга қулагандай бўлди. Масту мустағриқ эдим.

“Эй шўрлик рақибларим, – хаёлан хитоб қилдим мен, – фитна- фасодларга ҳатто фаришталарни ҳам аралаштиридиларинг-а-а!”

Ёруғ ҳислар оғушида кўзларимни юмдим.

Күз олдимда саҳифалар чаплашиб кетди. Күз олдимда ўша аёл қиёфаси жонланди: құнғиртоб қуюқ соchlар, күкиш зангори күзлар. Ҳатто хуш бүйлари димоғимга урилгандай бўлди. Таниш, жуда таниш чехра, жуда таниш ифорлар!

“Бу Жана-ку! – хаёлан ўз-ўзимга хитоб қилдим, – бу ўша тиқувчи-ку?! Аниқ ўша аёл!”

Мен ирғиб ўрнимдан турдим. Қандайдир ҳаяжон, ҳадик томирларимда кўпира бошлади. Бетоқат ташқари чиқдим. Майнин, муздек баҳор эпкени юзларимни гўзал аёл қўлларидек силаб ўтди. Кўк тўла юлдузлар! Алла-нечук нозу ишва билан кўз қисаётгандек, ёнларига чорлаётгандек туюлади. Наҳотки Шаҳриёр Эшбекович Жанани танимаса, деб ўйлардим. Ахир у бутун вилоятда маълуму машҳур қуртузианка-ку. Каттаю кичик амалдорларнинг арзандаси, қўғирчоғи!

Либос тиктириш ниятида борганимизда бўлам унинг тарафини олди. Жана амалдорларни қўғирчоқдай ўйнатади, лақиллатиб тулини шилади, лекин ҳеч бирини тўшагига яқинлаштиrmайди деди. Бу аёл амалдорларни ёмон қўради, шунинг учун уларни талаиди, керак бўлса, бадном қилади деди. Йўқ, ишонмайман. У щунчаки енгилтак бир аёл. Чиройидан, қадди қоматидан унумли фойдаланади, холос. Қизиқ, Жана корхонага келган экан, мен қандай бехабар қолдим? Ҳа, эсладим, ўша қунлари синфдошлар билан тоқقا чиққан эдик. Бошлиқдан уч қунга руҳсат сўраган эдим. Шаҳриёр aka аранг кўнди. Бўпти, бу сафар розиман, лекин мавсум пайти бошқа бундай санғиб юрганингни кўрмайин деди.

Ўшанда биз синфдошлар Чаман томонларга кетдик. Йўлда қатор уйлар ичида якқол ажралиб турган, қип-қизил томлари қуёш нурларида жилоланаётган серҳашам, данғиллама ҳовли учради.

“Нозимхон ака яқинда қурган уй шу! – деди дўстларимиздан бири, – биз ҳам ишладик, ғиштини терганимиз!”

Кимдир қизиқсинаиб сўради.

“Ким у Нозимхон ака?”

“Чаман “Заготзерно”си бошлиғи, – деб қўйдим мен ҳам шундай бадавлат одамни танишимни билдириб қўйиши учун, – бизнинг идорага ҳам тез-тез келиб туради”.

Ҳа, рост айтган эдим. Корхоналаримиз ўртасида сал-пал ҳамкорлик йўлга қўйилган эди. Шу боисдан ҳам Нозимхон Жалилов аҳён-аҳён бутун Еркўргонни қимматбаҳо атирининг ўткир исига бўктириб идорамизда пайдо бўлиб қоларди. Иш тутуми, феъли менга ёқмайди, лекин начора, зарурат юзасидан кўришиб туришга мажбурман, деб қўярди бизнинг бошлиқ.

“Галлани чангигача сотиб тул қилса керак-а,” – деди синфдошлардан бири ўша ҳовлидан кўз узолмай.

“Жуда айёр, шипирма одам у, – дея изоҳ берган бўлди ғишт терар дўстимиз,-керак бўлса, тоғдай-тоғдай хирмонларни сотиб юборади, лекни исини чиқармайди, менимча, каттаконлар билан тили бир”.

Шундай олди-қочди гурунг билан сўлим тоғ бағрига етганимизни ҳам сезмай қолдик. Очиги, мен мириқиб дам ҳам ололмадим. Эс-хушим идорада бўлди. Чунки мавсум қизгин борарди.

Шахриёр Эшбековичнинг ўзи ҳам кечаю қундуз тиним билмасди. Дала-даштда кўпроқ кўкарапди. Фермерлар билан ҳорманглашиб келгани кетарди-ю, аслида уларнинг қандай ҳосил етиширганини, корхонага қандай ғалла топшириш пайдада эканлигини жойида кўриб-билиб, баҳолаб қайтарди. Дон топшираётган пайт уларга ўша қўрган-билганиларига қараб муомала қилинарди. Кўпгина фермерлар одатдагидек найранглар билан ғалла келтиаркан, Шахриёр Эшбековичнинг ўз маҳсулотлари салмоғи ва сифатидан тузуккина хабардор эканлигидан ҳангу манг қолишарди.

Бир куни “Сўни ота” фермер хўжалиги эгаси, яъни Қаюм гурри идорага бостириб келди. Баланд бўйли, полвон келбат, қошу мўйловлари тақасимон бу дала миришкори ғалла, пахта етишишида ўртамиёна, режаларни гоҳ уддалаб, гоҳ барбод қилиб юрса-да, димогидан қурт ёғарди. У тумандада жанжалкашлиги, аризабозлиги билан қўпроқ ном қозонганди. Лекин хийлагина бадавлат. Асосан, чорвачиликдан, қовун-тарвуз етишишидан даромад қиласар, ғаллаю пахтага панжса орасидан қарап эди.

– Камта қаерда? – деди у одатдаги дағал товушида.

Мен қия очиқ эшикка шора қилдим. Чиндан ҳам Шаҳриёр ака ўз хонасида қандайдир ҳисоб-китоблар билан банд эди.

– Ассалў-ўм, Холёрин! – деди Қаюм гурри унинг ёнига нописанд тарзда кириб бораркан, – узр, безовта қилдик.

Ҳаво ҳаддан ташқари иссиқ эди. Совутгич анжом ҳам кучаниб, зўрга ишларди. Бошлиқ менга ҳам оз-моз шабада етсин дея эшигини сал-пал очиб қўйган эди. Шунинг учун ҳам ичкаридаги гап-сўзлар bemalol әшишиларди.

– Ҳоким бува қўнғироқ қилдими? – деди Қаюм гурри одатдагидек ҳол-аҳвол сўраб бўлгач, – шунга келдим.

Шаҳриёр Эшбекович бош ирғади.

– Ҳа, қўнғироқ қилди. Сўниепга ёрдам беринг, бу йил ҳосили яхши бўлмабди деди.

– Ҳа, ер ҳам алдади, тузук ҳосил бермади.

– Қўйсангиз-чи, Қаюм ака, тажрибали, миришкор дехқонсиз. Ер алдамайди-ку, ўзингиз бепарволик қилгансиз, қовун-тарвузга андармон бўлгансиз.

– Шундай бўй қолди-да.

– Шундай бўй қолган бўлса, энди бу ёғига ҳам чидайсиз, мен ҳокимнинг илтимосини рад қилдим, сизнинг режангизни тўлдириб беролмаймиз, ақагинам.

– Ие, Холёрин, бу қандай гап? – Қаюм гурри тажсанглаша бошлади, – қўрқманг, муомаласини ҳар доимгидай қилаверамиз, маблағ бор.

– Йўқ, кўрқаман, сизни деб панжара ортида ўтиришни истамайман. Иккинчидан, бу номаъкул иши ҳар доим ким билан қилган бўлсангиз, ўшанинг ёнига боринг, мени аралаштирманг.

– Шаҳриёрбой, ука, са-ал пастроқ тушинг, сўзимизни ерга ташламанг, оғзингизга сиққанича сўранг.

– Пулингиз шунчалар кўп бўлса, ана, Бухородан сотиб опкелинг. У ёқларда ғалла роса мўл экан.

Қаюм гурри маънодор томоқ қирди. Сўнг таҳдидали бир тарзда ўрнидан турди.

– Шу гапингиз гапми?

– Ҳа, шу гап.

– Бўйти, кўрамиз ҳали.

Димоғдор фермер ғудраниб, пишқириб идорадан чиқиб кетди. Мен фурсатдан фойдаланиб, бир даста ҳужжатларни имзо учун бошлиққа олиб кирдим.

– Сўниеп чиқиб кетдими? Ё бошқа бироннинг олдига ҳам кирдими? – деб сўради Шаҳриёр Эшбекович.

– Йўқ, дарвозадан чиқиб кетди.

– Ҳа, яхши. Фозилбек, бой кишининг аввало қўзи тўқ бўлиши керак. Кўп амалдорлар қўзи оч, мансабга моддий бойлик орттириш учунгина келган, агар ҳокимликка ўхшаши мансабларга моддий бойлиги етарли, қўзи тўқ тадбиркорлар қўйилса, айни муддао. Сўниевга ўхшаганлар нафси ўпқон раҳбарнинг ваъдасига учиб бундай сарсон бўлиб юрмасди. Эҳ, насиб этса, кўрармиз, балки шундай замонлар ҳам келар.

– Жуда ярамас одам-да, Қаюм гурри, – дедим бошлиққа ёқиш учун.

– Нега? – Шаҳриёр aka илкис бош кўтариб менга қаради. – Нега бундай деяпсан?

Шошилиб қолдим. Бошлиқ сўзимни қўллаб-қувватлайди деб ўйлагандим, аммо...

– Жанжалкаш, аризабоз одам, – дедим аранг ғудраниб.

– Эй, аризабозларнинг ҳаммаси ҳам шилта, ҳасадгүй, иғвогар эмас. Ҳақни, адолатни талаб қиласиганлари ҳам кўп. Масалан, Қаюм ака шундай одам. Сенинг Шариф акангга ўхшаганлардан Худо сақласин. Сўниен оққўнгил, мард инсон, ҳали кўрасан.

Ҳа, кейин кўрдим. Кўрдим ва Шаҳриёр Эшбековичнинг одам таний билишига яна бир карра қойил қолдим.

Аммо ўша қунлари бошлиқ алланечук хаёлчан, фавқулодда жиiddий бўлиб қолган эди. Мен, аввалига шикоятбозликлардан, ноўрин текширувлардан безиб кетган, чарчаган, қолаверса, мавсум ҳам оғир пайт, унча-мунччанинг тинкасини қуритади, шуниг учун ҳам Шаҳриёр Эшбекович андак паришон, ҳорғин ҳолатга тушган деб ўйлардим. Аммо... сўнгра бу сабаблар етарили эмасдек туюлди. Шаҳриёр ака хонасида соатлаб ҳар хил оғир қўшиқларни тинглаб фаромуш ўтиради. Корхона бўйлаб алланечук ошиқона тарзда ўйчан кезинарди. Назаримда у кимнидир излаётганга ўхшарди. Бир куни столи устини саришталаб қўйиш учун кирдим-у, бир қофозга хаёлчан тарзда, қинғир-қийшиқ ёзилган сатрларга қўзим тушди: “Кимсан, қаердасан? Бўпти, кел, мени бадном қилақолгин”.

### Ўн иккинчи саҳифа

Хазонлар сочилган йўлак бўйлаб борарканман, ноғоҳ қулогимга соҳир бир сас ғира-шира эшитилди.

– Шаҳриёр ака!

Мен тошдай қотдим. Эшиитганларим рўё бўлиб чиқишидан чўчиб, ҳатто товуш тарафга қарашга ҳам ботинолмадим.

– Шаҳриёр ака!

Бу оҳанрабо овоздан гўё ўт чақнаб ичу ташимни ёритиб юборгандай бўлди. Алам-изтироблардан чатнаб юрган юрагимга урилиб, бутун борлиқда акс-садо берди гўё.

Ҳа, ҳа, ўша кунлари дарду ҳасратга тўлиб-тошган эдим. Ўкинч, умидсизлик мени домига тортиб борарди. Чунки ноҳақлик, зулм мени кундан кунга сикувга оларди.

Пахта йиғим-терими яқинлашиб қолган кунларнинг бирида туман ҳокимлиги биносида одатдагидек мажлис ўтказилди. Зерикарли, раҳбарнинг оғзидан фақат ҳақорат, дўқ-пўписа ёғилиб турган йиғин икки соатча давом этди. Мажлисдан чиқиб кетар пайтимиз туман ҳокими ёрдамчиси қўлимга бир жуфт варақ тутқазди. Ҳоким қарори экан! Унда Ерқўрғон дон тай-ёрлов идораси томонидан берилган сифатсиз уруғни экиши оқибатида "Сўпи ота" фермер хўжалиги яхши ҳосил етиштира ололмай, йиллик режани бажармагани баён этилган ва мавжуд муаммонинг айбдори сифатида менга хайфсан эълон қилинган эди. Қарорни ўқиб, бир кулгим, бир йиғлагим келди. Чунки бу ҳужжат туман ҳокимининг энг аввало саводсизлигини, қонун-қоидалардан бехабарлигини, сўнgra қишлоқ хўжалик ишларини яхши тушунмаслигини кўрсатарди. Ахир, биз барча кўрик-текширувлардан ўтган, Республика "Ўздавуруғназорат" инспекцияси сертификати бўйича уруғлик тарқатганмиз. Фермернинг ёмон ҳосил олиши бизга боғлиқ эмас-ку?! Қолаверса, менинг бевосита вазифам бўлмаса-да, ҳокимлик томонидан бириктирилган "куратор" сифатида беғараз ёрдам қўлини чўзиб, корхона ҳисобидан "К-700" тракторини ёллаб уч-тўрт фермерга тегишли уч юз гектардан ортиқ ер майдонини шудгорлатиб берганман. Бу ҳайфсан шунча хизматларим эвазига, шекилли?

Мен аввалига қўл силтаб қўймоқчи бўлдим. Лекин идорада ўтириб, ҳаммасини таҳлил қилиб қўрарканман ич-ичимда исён уйғонди.

Ахир, бу ноҳақлик, бу таҳқирлашларнинг чеки борми, йўқми?! Назорат органлари қаёққа қарайпти?! Қачонгача ўтирсам ўпқ, турсам сўпоқ бўлавераман?!

Туман ҳокими қачонгача мүмай пора эвазига бир түп иғвогарларни қўллаб-қувватлаб, менга ўхшаш тадбиркорларни оёқлари остида эзғилайверади?! Аслида мен каби холис ният билан иш бошлаган кишиларга ёрдам бериш, ҳимоя қилиш унинг вазифаси эмасми?!

Шундай эзғин ўй-хаёллар тўзонига қоришиб эрталаб туман прокуратурасига бордим. Очиги, қанча адолатсиз талабларга, тафтишларга учраган бўлсам-да, шу пайтгача хукуқ-тартибот идораларига мурожаат этишини ўзимга эп кўрмай юрган эдим.

Мана, ниҳоят, ҳаёт, муҳит мажбур қилди. Ихчам, шинам идора бўсағасида турибман.

Туман прокурори билан мажлис-ийғинларда орачора кўришганмиз. Ориқ, хипча, рангпаргина бу йигит сиртдан менда яхши таассурот қолдирган. Зиёли одам экан деб ўйлаганман.

Чинор Абдиевич мени илиқ қарши олди. Очик чехра, хуш муомала билан кўришиб, сўрашди. Жуда тўлиб турган эканман, шекилли, худди отасига арз қилаётган боладай бирдан шикоятга ўтдим. Туман ҳокими бир кўпдан бери кун бермаётганини айтиб стол устига ўша қарор нусхасини қўйдим.

– Қаранг, куракда турмайдиган айблар билан менга хайфсан эълон қилибди. Бу очик-оидин ҳақорат-ку!

Чинор Абдиевич кўзойнагини қаншарига қўндириб мен узатган қофозларга анча пайт тикилиб ўтирди.

– Ёмон, жуда ёмон, – деди ниҳоят бош чайқаб.

Мен бу илимиқ, тилчилар тили билан айтганда, шахси номаълум гапнинг маъно-мазмунини англаб ололмадим: нима ёмон? Қарорми ё унда тилга олинган айловларми? Мен ёмонми ё бу ҳужжатга имзо чеккан раҳбарми?

– Бу ноқонуний қарорни бекор қилиб беришингизни сўрайман, – дедим мақсадимни яна бир карра ойдинлаштириб.

Прокурор кулди.

– Холёриф, ҳокимдан ҳам қўрқмайсиз-а? Қойилман, – деб қўйди.

– Бирор айбим, муттаҳамчилигим бўлса, жимги на юрардим. Нега ундан қўрқишим керак? Ахир мени ҳимоя қиласидиган давлатимиз, Президентимиз, қонунларимиз бор-ку! Масалан, сиз адолат ўрнатишингизга ишонаман.

Чинор Абдиевич қўзойнак остидан муғомбirona қўз ташлаб илжайди.

• – Холёриф, қўйинг бундай қип-қизил гапларни. Худди аълочи ўқувчига ўхшайсиз-а. Келинг, очиқча, эркакча гаплашамиз.

– Хўп, bemalol.

– Масалан, Пахтасаноатга, Заготзернога бошлиқ бўлиш осон эмас. Булар, масалан, туманинг энг сердаромад ташкилотлари ҳисобланади. Истайсизми, йўқми, раҳбарлар сиздан умидвор. Ахир уларнинг ҳам ўз навбатида узатадиган жойлари бор, тириклиги...

Мен ҳанг манг эдим. Прокурорнинг давлат манфаати, қонун-қоидалари ҳимоячисининг оғзидан очиқойдин чиқаётган гаплардан ҳайрону лол қотдим! Кўзларимга, кулоқларимга ишонмасдим!

– Хуллас, раҳбарият билан келишиб ишлаш керак. Тушунарлимис?

Мен аранг бош иргадим.

– Демак, мана бу ғирром амалдор билан келишиб кун кўрайми?

– Ихтиёргиз, – яна сирли кулди Чинор Абдиевич курсисига яйраб ястанганича, – ҳокимни ёқтирасангиз, мана, биз билан келишинг. Ахир ҳимоя истаб келдингиз-ку, тўгрими? Мана, биз орқандизда доим туриб берамиз.

– Адашмасам, бу ҳимоянинг ҳам белгиланган нархи борга ўхшайди.

– Ҳа-а, энди-и... ўзингиздан қолар гап йўқ, келишамиз.  
– Хўп, қанча?

Чинор Абдиевич столи бир чеккасида ётган шапалоқ-деккина калькуляторни олиб, худди бадавлат хўжалик-нинг уста ҳисобчисидай, худди бирор тугмачани бехос босиб юбориб, умумжамоа манфаатига зиён етказишдан чўчиётгандай ўйчан, сермулоҳаза қиёфада алланеларни ҳисоблади. Сўнг зангортус экранчага қатор рақамларни ёзиб, калкульяторни шапалоқдек юзимга тутди.

Экранда жилваланиб турган сонларни кўриб бадаларим жимиirlаб кетди.

– Бу... бу ўзимизнинг сўмдами? – сўрадим томоқлаrim қуруқшаб.

Чинор Абдиевич ғижинганнамо афт буриштириди.

– Ўзингизни соддаликка солманг, Холёриф. Бу америкача ҳисоб-китоб. Шугинани опкеласиз, уч йиллик ҳимояга гарантия!

Ўзимни тутолмай қолдим. Йўқ, ичимдаги ўша исёнкор Шахриёр илкис туртиб юборди. Мен иргиб ўрнимдан турдим. Чинор Абдиевич бақадай бақрайиб, хатти-ҳаракатимни кузатиб турарди.

– Нималар деяпсиз? Корхонани бузиб, ғиштларини қўпориб сотсан ҳам, сиз айтган сумма бўлмайди-ку?! Нима бу?

Мен ғазаб-нафрат тўла қўзларимни қўзойнак қўнган қаншарга қадаганча гапирав эканман, ёнимдаги оғир курсига беихтиёр чанг солиб, ердан узиб кўтардим.

– А, сизга шу керакми? Ҳаммасини сотайнинми, а? – дедим бехос қичқириб. Қичқирдим-у, ердан икки-уч қарич узилган зил-замбил курсини полга қаттиқ урдим. Гумбурлаган товушдан идора деразалари ҳам зириллаб кетди.

– Холёриф... Шахриёр ака, – деди прокурор дир-дир титраётган қўлларини олдга чўзиб, – ўзингизни боcинг, ҳазиллашдим...

У худди ноҳақ қалтак еган аълочи ўқувчидай тиришиб-буришиб тиззаларини бир-бирига жуфтлаштириб ўтиради.

Мен қачон, қай тарзда прокуратурадан чиқиб кетганимни эслай олмайман. Қарасам, машинада ўтирибман. Қарасам, катта йўл бўйлаб елиб боряпман. Беихтиёр радио мурватларини бурадим. Менга халоскор мусиқа керак! Менга юлатувчи, таскин берувчи сехрли садолар, оромижон оҳанглар керак! Бироқ, минг афсуски, радио бироз хириллаб тургач, аллақандай сурбет нотиқ мамлакатда амалга оширилаётган қонун устуворлиги ҳақида тўлиб-тошиб гапира бошлади. Дарҳол радио унини ўчирдим.

Машина шитоб елиб борарди. Йўл ёқаларидағи дараҳт шохлари ўнгу сўлимда худди кескир қиличдек силкинади. Қаршимдаги қуёш нурлари кўзимга найзадек санчилади. Мен бамисли кўру кардай борардим.

Орадан бир ҳафтача ўтиб мактабдош дўстим Пўлат ёнимга келди. У ҳам туман прокуратурасида ишлайди. Оддий бир терговчи. Иккимизнинг дўстлигимизни ўзимизча бошқаларга билдирамай юрамиз. Нега шундайлигини ўзимиз ҳам тузук-қуруқ билмаймиз.

Ўша кунги машмашалардан у ҳам хабар топибди.

– Бекор қиссан прокурор билан ўчакишиб, – деди Пўлат хомуш, норизо кайфиятда, – раз ўзидан таклиф чиқдими, нур устига аъло нур-ку, келишгин, ён бергин.

– Улар мени ўғриликка, қароқчиликка ундаяпти. Фермерларни алда, ғалласининг килосидан ур, орттирганингни кейин сот, пулинин бизга келтириб бер, деяпти.

– Мажбурсан, тинчгина ишлашни хоҳласанг, айтганларини қиласан, замона зўрники, билиб қўйгин.

– Йўқ, – кескин бош чайқадим мен, – йўқ, ундей ғиром ўйин қила олмайман. Таланганд, хароб қилинган ташкилотни яна хароб қилиш кўзимдан келмайди.

– Жудаям фаришта бўп кетяпсан-да, – истеҳзоли кулди дўстим.

- Гап унда әмас, Пўлат. Алдов-найрангларсиз ҳам бу корхонани құтариш, иқтисодини бақувват қилиш мүмкин. Менинг бир дунё тадбиркорлик режаларим бор. Хұжайнилар құллаб-қувватламаса ҳам майли, лекин, ҳеч қурса, халақит бермай туришсин. Мен мана шу корхонани беш йил ичидә гуллатаман, бой-бадавлат қиласман. Ана үшанда биздан давлат ҳам, халқ ҳам рози бўлади, бўпти, үшанда анави текинтомоқларни ҳам бокаман. Ҳозирча менга ишлашга имкон беришсин.

Пўлат қылт этмади.

- Прокурор анави рақибингни, Шариф Сувоновични яқинига йўлатмай юрганди, - деди бироздан сўнг, - қайси куни ўзи чақиртириб олибди, "Заготзерно"ни қандай ўзбошимчаларга ташлаб кетгансиз, бундай товламачи, ўғриларга бефарқ бўлманг, қарши курасинг, мана, мен сизни құллаб-қувватлайман дебди. Энди улар сени тинч қўймайди.

- Учлар Иттифоқи, - деб қўйдим, кўз олдимда ҳоким, Шариф Сувонович, прокурор жонланиб, - бизнинг рақибга Худо берди энди.

- Ана, кўрдингми, ҳали ҳам кеч әмас, Чинор Абдие-вич билан тил топишгин, орқаси зўр одам.

- Пўлат, қара, катта амалдорлар корхоналарнинг қонини ичиб ётибди, раҳбарлардан мажбуrlаб пора олиб мол дунё йиғади. Чет эллардан кўчмас мулк со-тиб олади, ўша ёқда данғиллама уйлар қуриб яшашни хоҳлашади, лекин у нарсалар ўзига насиб этмаслигини, буюрмаслигини билмайди. Қанча мулклар чет элларда қолиб кетади. Ўзлари қамалиб кетади. Агар уларни маънавий дунёси бой бўлса, ватанпарвар бўлса, бойлигини шу ватандә бизнесга йўналтиргани маъқул эмасми? Йўқ, улар ундай қилолмайди. Чунки қўрқишиди, ахир ўша бойлик қинғир йўллар, поралар олиш эвазига орттирилган-да.

-Э-э, доно гапларни қўйсанг-чи.

Мен чукур хўрсиндим. Ҳатто дўстим ҳам мени тушунмаган эди. Ҳатто у ҳам кўнглимни, қалбимни, фикримни англамаган эди.

Мен қуршовда қолган эдим. Қаён бош уришни билмайман. Охири, вилоят миллий хавфсизлик хизмати бошқармасига мурожаат этишга аҳд қилдим.

Теваракда қуз нафаси кезиниб турарди. Аммо офтобнинг ҳали шашти баланд. Тунлари совуқдан эт жунжиксада, кундузлари беихтиёр соя-салқин жой излаб қоласан.

Мен ўша маҳобатли идора биносига рўбарў бўлдим. Аммо ичкарига киришга нимадир монелик қиласарди. Оёғим тортмади. Нуғузли бир ташкилот раҳбарининг сўзларига ким ҳам ишонарди? Барибир шубҳа билан қарашади. Балки ўзлари ҳам ўшаларга ҳамтовоқдир. Балки уларнинг ҳам шапалоқдек калкульяторлари бордир.

Шундай мулоҳазалар шаштимни синдириди. Бўшашибгина ортга қайтдим. Вилоят ҳокимлигига ҳам бир талай қоғозбозлик ишларим бор эди. Аммо у ёқса ҳам боргим келмади. Узун хиёбон йўлаги бўйлаб саросар кезинишни кўнгил тусади.

Баланд-паст дов-дараҳт япроқлари қизғиш-сарғиш, яшил тусда товланади. Гўё қай бир нўноқ расом бўёқлари хиёбон узра тўкилиб кетгандек туюлади. Чор-атроф алланечук сокин ва маҳзун.

Ҳазонлар сочилган йўлакдан кўз узмай борарканман ногоҳ қулоғимга тиник, нафис товуш урилди.

– Шахриёр aka!

Етмиш икки томирим билан ҳис қилдим: бу – ўша! Бу аниқ ҳужрага бостириб кирган, неча-неча кунлардан бери хаёлимни, тинчимни ўғирлаган ўша фаришта!

Соҳир сас келган томонга секин ўғирилдим. Адашмаган эканман! Бир кўришдаёқ танидим. Нариги йўлак муюлишида ўша кўнғирсоч, хипчабел аёл жилмайганча кўл силтаб турарди. Эгнида енг-этаклари бурама, гулдор кўйлак!

– Мени чақырғыпсизми? – дедим ўзимни танимаган-га солиб.

Аёл юргилаб ёнимга келди.

– Ассалому алайкум. Мени танияпсизми?

Ортиқ талмовсирашга тоқатим етмади.

– Тушимдами, хушимдами, күргандайман, – дедим кулиб.

– Мен ўшаман, – аёл туйқус хомуш тусга кириб бош эгди, – сиздан узр сўрамоқчиман.

– Нима учун?

– Ўша куни хонангизга бостириб кирганим учун.

– Иссикда гангиб келган бўлсангиз керак-да.

Аёл уялганнамо бош чайқади.

– Йўқ... очифи... мени бирорлар ёллашган эди. Катта пул ваъда қилишди.

– Хўш, нима учун?

– Мен... олдингизда кўйлагимни йиртиб ташлаб, дод солиб ташқарига чиқишим керак эди. Номусимга тегди деб тухмат қилишим керак эди...

– Лекин ундей қилмадингиз.

– Ҳа, – аёл андак бош кўтариб юзимга тикилди, – нега ундей қилмаганимни биласизми?

– Биламан, – дедим шўхлигим тутиб.

– Билсангиз, айтинг.

– Кўйлагингизни кўзингиз қиймаган.

Аёл бир зум юзимга ҳайрону лол тикилди. Сўнг ногоҳ қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди.

Бу қаҳқаҳа мени парча-парча қилиб ташлади. Парча-парча тарзда кун ифорларига қоришиб кетдим.

## 10

*Жананинг қаҳқаҳаси, назаримда, саҳифанинг ҳар сатрига сингиб кетган эди. Ҳатто шундоққина қулоқларим остида жаранглаётгандек туюлди. Кувондим. Негадир Шаҳриёр Эшбекович бу аёлни яна учра-*

тиб қолганини билиб севиндим. Юрагига, онг-шуурига бир нур кириб борганига, у кишини яшашга, қурашга ундағанига ишондим. Ҳолбуки, ўша қунлари Шахриёр ака оғир ақволга тушиб қолган эди. Туман ҳокимининг зуғумлари етмагандай, туман прокурори ҳам ўчакишиб, хуруж бошлади. Гоҳ Холёровнинг ўзини терговгами, сўроққами чақиришар, гоҳ тўп-тўп тафтиш гуруҳи жўннатишарди.

Бир куни Шахриёр ака туман прокуратурасида анча пайт қолиб кетди. Мен ҳавотир билан уйимга кетмай кутиб ўтиредим. Чунки, одатда, бирор йиғиндан қайтгач, тезда бажарилиши шарт бўлган топшириклар берарди. Қолаверса, у киши кетган пайт бир воқеа рўй бердик, бундан раҳбарни хабардор қилсамми-қилмасамми деб ўйлаб турардим.

Бир соатча аввал қошлари қалин, кўз косалари чуқур ботган, елкадор бир йигит кириб келди.

– Э, қалайсиз, Фозил? – деб мен билан минг йиллик қадрдонлардек сўрашди.

Мен у одамни сира таний олмадим. Лекин ноилож хуш муомалага яраша жавоб бериб турдим. Ажабо, бу нотаниш меҳмон менинг ҳаётимни ўзимдан ҳам яхшироқ билар экан. Аввал қоровул бўлганимни, кейин бошлиққа ёрдамчи сифатида ишга ўтганимни гап орасида тилга олганида анграйиб қолдим.

– Ака, очиғи сизни таний олмаяпман, – дедим ниҳоят тан олиб.

У кулди. Кўкрак чўнтағидаги қизғиши тус гувоҳномасини чала-ярим кўрсатиб:

– Миллий хавғисзлик хизматиданман. Исмим Одилжон. Сиз билан дўст тутингани келдим, – деди.

Негадир бутун баданим жимиirlаб кетди.

– Хўп, хўп, – деб қўйдим аранг.

Одилжон ўша хушмуомалалик билан корхона ҳақида, иш жараёни борасида, ишчи-ходимлар тўғрисида

ҳижжалаб сўраб-суриштира бошлади. Айниқса, бошлиқ ўринбосари Жамшид Сувонов ҳақида саволлари кўп бўлди. Мен ўзим билганимча, баъзиларини яшириб, баъзиларини ошириб жавоб бериб турдим.

— Холёров яхши одамми? — дабдурустдан сўради Одилжон.

— Жуда яхши одам, — дедим бош бармоғимни ҳавога нуқиб, — жонқуяр, ҳалол раҳбар.

— Лекин ҳоким билан прокурор ишлагани қўймаяпти-я? Анави собиқ бошлиқни қайраб, Холёровнинг устидан шикоятлар ёздириб, атай текширувлар уюштиришяпти-я? Адашмасам, Холёров ҳозир яна прокуратурага кетди, шундайми?

— Ҳа, — дедим Одилжоннинг бу қадар маълумотга эга эканлигидан ҳайратланиб.

Кутимаган меҳмон чармжилд папкасидан бир дона оқ варақ чиқарди.

— Ҳуллас, иккимиз Шаҳриёр Эшбековични ҳимоя қиласмиз. Бундан буён бир жону-танмиз, ҳамкормиз.

— Шаҳриёр аканинг ҳимояси учун мен ҳар нарсага тайёрман, — деб қўйдим мақсадимни яна бир карра ойдинлаштириш учун.

Одилжон мулойим жилмайди.

— Дўстим, сизу биз Ватанини, мустақилликни ҳимоя қиласмиз. Керак бўлса, бу йўлда Шаҳриёр акангизни ҳам аяб ўтирмаимиз. Ё фикримга қўшилмайсизми?

Кутимаган меҳмоннинг сўнгги сўзлари жездай жаранглади. У юзимга ўта жиiddий, синовчан нигоҳ ташлади. Ҳозиргина ипакдек эшилиб турган одамни йўқотиб қўйганимдан буткул довдираб қолдим.

— Қўшиламан, — дедим аранг ғудраниб, — лекин Шаҳриёр Эшбекович Президентимиз, ҳукуматимиз тадбиркорликни ривожлантириш, ҳалқ фаровонлигини юксалтириш юзасидан ҳар куни тайинлаётган гапларни амалга ошириш учун югуриб-елиб юрибди. Юртбоши-

миз ишонч билдириб мансаб берган одамлар эса унга халақит беришяпты. Президентта хиёнат қилишяпты, пораҳұрлыкни гуллатишяпты.

Одилжон құл силтади.

— Тұхтатинг оташин нүтқени. Ким хиёнаткор, ким содиқ, ҳали аниқлаймиз. Сиз бошлиғингизни асло құздан қочирманг. Ким билан гаплашади, кимлар билан олди-берди қиласы, қандай ножжұя, ноқонуний ишларға құл уради, ҳамма-ҳаммаси ҳақида маълумот етказиб турсанғиз барчамиз учун яхши бўлади. Тұғрими?

— Ҳа, — деб бош иргадим.

Одилжон чармжилди папкасидан чиқарған ўша қоғозга алланелар қоралади-да, менга узатди.

— Мана менинг координатларим. Тез-тез құнғироқ қилиб туринг. Зарурат туғилса, идорага боринг, күп узоқ әмас, биласиз-ку.

— Ҳа, биламан.

Одилжон қуюқ ҳайрлашганича идорадан чиқиб кетди. Мен негадир ўзимни тузокқа тушган төвушқондай ҳис әтардим. Құнглым ғаш бўлиб қолди. Ҳамма-ҳаммаси-ни бошлиққа айтиб беришга қарор қилдим.

Нихоят, Шаҳриёр Эшбекович қайтди. Ранг-рүйида ҳорғинлик аломатлари сезилса-да, құзлари алланечук порлаб турарди.

— Фозил, — деди у киши хонасига киаркан, — хоҳласанг, ёзіб қўйгин, хоҳласанг, эслаб қолгин, янги нарса тўқидим.

Ҳа, Шаҳриёр aka теша тегмаган иборалар, ичак узар ҳангомалар тўқишига жуда уста эди. Мен, одатда, уларни қалин бир дафтарга ёзіб юраман. Дафтар ҳам тўлай-тўлай деб қолди.

— Айтинг, aka, эшитайлик, — дедим бутун вужудим қулоққа айланаб.

— Прокуратурадан қайтган бошлиқ, дунёдаги энг нодон, энг тушунмаган халқ прокурорлар экан, деди. Нега,

деб сұради ўринбосари. Бошлиқ жавоб берібди: қачон чақиришса, тушунтириш хати ёзғин, дейишади.

Мен яйраб-ёйилиб күлдім. Ҳатто ҳалигина ич-ичимни тирнаб турған ғашлик ҳам тұзіб кетгандай бўлди. Шаҳриёр Эшбековичнинг бироз димоғи чоғлигини кўриб, ҳалиги воқеани айтиб беришга ботина олмадим. У кишининг кайфиятини бузгим келмади. Аммо ўша кутимаган меҳмон ҳақида кейинчалик ҳам гапиришга журъатим етмади.

### Ўн учинчи саҳифа

Янги йил кириб келди. Бундан на қувонишни, на хафа бўлишни биламан. Қувонай десам, эски йил олдидаги қарзларим эсимга тушиб кетади. Ахир неча-неча режа-лойиҳаларим орзулигича қолиб кетди. Асоссиз уйдирма-айловлар, текширув-тафтишлар, сон-саноқсиз тушунтириш хатлари вақтимни ўғрилади, қўл-о-ёғимга тушов урди. Мана, худди шу тушовлар билан янги йилга пешвоз чиқишига тўғри келди. Хафа бўлай, десам, бунга ҳам ҳаққим йўқдай. Ахир корхонада жиддий қурилиш-таъмирлаш амалга оширилди, мавсумда тузуккина хирмон уйдик, даромадимиз ҳам чакки эмас. Худога шукур!

Ўтган йиллар давомида текширув, фитна-иғво, чақибувларга шу қадар кўнишиб, чиникиб кетдимки, эшикдан бирор кун бирор назорат органи ходими ғўдайиб кириб келмаса, носқовоғини йўқотиб қўйган чолдай гангигиб, йўл қарайдиган бўлиб қолдим. Бехуда бой берилган вақтни, эговланган асабларни ҳисобга олмасак, келиб-кетишилардан бошқа талафот кўрган жойимиз йўқ. Кейинги пайтларда шу даражага етдикки, текширув-тафтиш гуруҳи ишлаши учун алоҳида хона ажратиб, зарур ҳужжатларни тап-тайёр қилиб қўядиган бўлдик.

Бир гал, одатдагидек, туман ҳокими қутқуси билан Шариф Сувонович томонидан юқорига йўлланган

шикоят бўйича пойтахтдан бир гуруҳ текширувчи келди. Биз уларни тўппа-тўғри ўша хужрага олиб кирдик. Гуруҳ бошлиғи, семиз, тепакал амалдор стол устидаги қат-қат жилларни кўриб ҳайрон сўради:

– Бу нима?

– Хужжатлар, текширувга тайёрлаб қўйдик, – дедим мезбонларга хос тавозе кўрсатиб.

– Ие, бизга қандай хужжатлар керак бўлишини қаттан биласиз? Ҳали шикоят мазмуни билан таништирганимиз ҳам йўқ-ку?

– Истасангиз, – дедим кулгум қистаб, – ўша ариза мазмунини айтиб ҳам берамиз. Бизга ёд бўлиб кетган.

– Шу пайтгача бирорта ҳам шикоят тасдиқланмаганми?

– Бирорта ҳам, ана турли идоралар ўтказган эллик бешта текширув хulosаларини ҳам тайёрлаб қўйдик. Лозим топсангиз, танишиб чиқарсиз.

Гуруҳ раҳбари таажжублангандан таажжубланиб бир менга, бир қоғозларга тикилиб қолди.

Орадан уч-тўрт кун ўтди.

– Бошқа ишларингизни билмадим-у, аммо лекин қоғозларингиз топ-тоза, – деди текширувларни якунлаган ўша амалдор, – хужжатларга қаттиқ экансиз.

– Хоҳласангиз, бошқа ишларимни ҳам кўринг, – дедим эътирофдан қувониб.

– Албатта, бажонудил.

Семиз, тепакал бўлганлиги учунми, гуруҳ раҳбари аввал бошида менга ёқмаган эди. Адашибман. Жуда са-мимий, хайриҳоҳ одам экан. У билан корхона айланар эканмиз, одатдаги тафтишчиларга ўхшаб, қош-қобоқ уйиб, тирноқ тагидан кир қидирмади. Бору йўқни дўстона, ўйчан кўздан кечирди. Ҳамма ёқ тоза-озода. Омборлар донга лиммо-лим, лаборатория, тарозихона, барча-барчаси талаб доирасида, ишчи-ходимлар маҳсус коржомада ўз вазифалари билан банд.

– Яхши, корхонангиз менга ёқди, – деди пойтахтлик амалдор сўнгги бор теваракка кўз ташлаб, – айни пайтда зиммамдаги топширикқа зид бўлса-да, айтаман, зўр ишляяпсиз, дўстим, зўр, кўз тегмасин. Лекин... лекин барибир нимадир етишмаяпти.

Гуруҳ раҳбарининг кўнглидагини назаримда пай-қагандай бўлиб дедим:

– Масалан, битта замонавий тегирмон, омухта ем цехи ўта зарур.

– Яшанг! – пойтахтлик амалдорнинг кўзлари пор-лаб кетди, – мен ҳам шулар ҳақида ўйлаб турибман. Хўш, нега уларни ташкил этмай юрибсиз?

– Келди-кетди кўп, кирди-чиқди кўп, – дедим машҳур “Парвона” спектакли қаҳрамонига тақлидан.

Пойтахтлик амалдор яйраб кулди. Сўнг:

– Сизга ҳамдардман, лекин вазиятни ўзгартиришдан ожизман, – деди қўлимни самимий қисаркан, – шу баробарида ҳамма кўзлаган режаларингиз амалга ошишига ишонаман. Чунки ўз фикри, ўз зикри бор мустақил раҳбар экансиз. Олға, дўстим.

Бутун вужудимга лаззатбахш, хузурбахш бир ҳарорат ёйилди. Нақадар содда ва самимий эътироф: “ўз фикри, ўз зикри бор мустақил раҳбар”.

Очиғи, ҳеч бир тафтиш гуруҳи билан бу қадар дилдан суҳбат қилиб, қайноқ хайрлашмаганмиз. Кўпинча, текширувчиларнинг димоғ-фироғини кўриб энсам қотади, атай уларнинг ғашига тегишига ҳаракат қиласман. Масалан, ўтган ҳафта шундай воқеа юз берди.

Ўша ҳамиша тап-тайёр хонамизда галдаги шикоят хати юзасидан бир тўп текширувчи иш бошлади. Улар эндинина ҳужжатлар жамланмасини қўлга олган пайт хонага ариза муаллифи Шариф Сувонович ҳарсиллаб-лорсиллаб кириб келди.

– Эй, – деди у гуруҳ раҳбарига нописанд юзланиб, – яхшилаб, пухта текширинглар. Бу одам, – мен томон

ишора қилди у, – ҳар доим сувдан қуруқ чиқиб кетяпти. Бу гал томоғидан ғиппа бўғинглар, давлатнинг берган ойлигини ҳалоллаб олинглар.

– Хўп, амаки, хўп, – деб қўйди гуруҳ раҳбари тўладан келган, маллатоб, ёш йигит.

Қитмирилигим тутди, шу баробарида қонун-қоидани ҳам тузуккина билишимни кўрсатиб қўйгим келиб кетди.

– Текширувни тўхтатинглар, – дедим гўёки қош-қовоқ уйиб, – ҳозироқ бу ердан чиқиб кетинглар.

– Ие, нега? – ҳангуманг сўради гуруҳбоши.

Шариф Сувоновичга ишора қилдим.

– Бу киши сизларга босим ўтказди. Балки аввалдан келишиб олгандирсизлар. Холис текширув ўтишига шубҳам бор.

– Ака, нималар деяпсиз? Қанақа босим, қанақа шубҳа?

– Айни пайтда манзара шундан далолат бериб турибди, – дедим пинак ҳам бузмай, сўнг ўзимизнинг бош ҳисобчига ишора қилдим, – дарҳол буларнинг олдидан хужжатларни йиғиб олинг!

Панжиев худди шуни кутиб тургандай, гуруҳ эндиғина варақлай бошлаган жилдларни тезгина йиғиб токчага қўйди.

– Ака, – зорланди ўша маллатоб йигит, – ҳар нарсани баҳона қилманг, илтимос.

– Шикоятчи билан тил бириктириб ҳаракат қиляпсизлар. Мен ҳозир бошлиқларингга далолатнома ёзаман, сабабларини кўрсатиб, бошқа гуруҳ юборишини сўрайман.

Ҳар уч текширувчи гангиб қолди. Чунки мен чиндан ҳам айтганимни қилсам, уларнинг ҳолига маймунлар йиғлайди. Текширув қоидаларини бузган ходимлар сифатида уларга жазо тайинланади.

– Эй, – улардан бири Шариф Сувоновичга дарғазаб юзланди, – кимсиз, бу ерга қаердан келиб қолдингиз?

Вазиятни расво қилганини сезган собиқ раҳбар пүнғиллади:

– Мен шу “Заготзерно”ни ўттиз йил бошқарган одамман. Ҳозир нафақадаман. Нима, киришга ҳаққим йўқми?

Гуруҳ раҳбари аризачини туртиб юборгудек ва жоҳатда ўрнидан ирғиб турди.

– Нафақада бўлсангиз, уйингизда қисибгина ўтири майсизми? Бизнинг олдимизда пишириб қўйибдими?

Шариф Сувонович ғудранганича чиқиб кетди. Гуруҳ раҳбари энди менга ялина бошлади.

– Шаҳриёр ака, илтимос, ишни охирига етказиб қўяйлик.

Мен ўзимча қайсаrlик қилиб туравердим

– Иложи йўқ ука, иложи йўқ. Бу ерда қонун, қоида бузилияпти. Шаҳар бедарвоза эмас.

Ҳар уч текширувчи баб-баравар, жўр овозда ёлвотришга тушди.

– Илтимос Шаҳриёр ака-а, бизни аянг.

– Ака, тезгина хulosса ёзиб кетамиз, – деди гуруҳ раҳбари, – очиғи, шу чолнинг аризалари жонга тегди. Эсласангиз, бу корхонага менинг учинчи марта келишим. Аввал ҳам икки гуруҳ таркибида келганман. Эсладингизми?

Очиғи, эслай олмадим. Ахир, кун ора текширувчи келгандан кейин ёдда қолиши қийин-да.

Лекин уларнинг илтимос-илтижоларидан роса маза қилдим. Ҳордиқ чиқди.

– Бўпти, – ниҳоят розилик берган бўлдим, – кўп чўзманглар лекин.

Текширувчилар миннатдорчилик билдира-билдира ишга киришишди.

Хуллас, шундай машмашалар, можаролар силсила сида кунлар кетидан кунлар ўтиб бормоқда. Ҳаш-паш дегунча, мана, қиш ҳам ортда қолди. Аразлаган аёлдай қош-қабоқ уйиб баҳор ҳам кириб келди.

Столим устидаги тақвимга күз ташлайман. Индин хотин-қизлар байрами! Ана, саккизинчи март эшилган, эгилган сиртмоқдай эркакларни кутиб турибди! Йүғ-э, ҳазиллашдим. Бу рақам баҳт ва висол тимсоли. Күш узук тасвирига күпроқ үхшайды. Ҳархолда, менга шундай туюлади. Ҳархолда, тасвиirlардан, ранглардан маъно ажратишни тузуккина ўзлаштирганман. Бу илмни менга фаришта ўргатди. Ҳа, ҳа, бу – ўша. Адашмадингиз! Вилоят марказида хиёбонда тасодифан учрашиб қолгандан бери биз дўстлашиб кетдик.

– Исмим – Жана, – деди у нозик қўлларини узатиб ўшанда

– Жана?! – беихтиёр оғзимдан чиқиб кетди менинг. Аёл айборона жилмайди.

– Аслида бошқачароқ, кейинчалик курсдошларим Жана деб ўзларича ўзгартириб олишган, шу-шу, исмим оғизларда Жана бўпқолган.

Унинг сўзлари деярли қулоғимга кирмади.

“Жана шу экан-да?!” - шу ўй хаёлимда куз хазонидай чарх уриб айланарди. Бу аёл ҳақида илгари кўп эшитганман. Айниқса, амалдорлар ўзаро шивир-шивир, ҳиринг-ҳиринг қилишганига кўп гувоҳ бўлганман. Лекин негадир миш-мишларда, беҳаё таъриф-тавсифларда тилга олинган аёлга сира үхшамайди.

Ўй-хаёлларимни, афтидан, Жана пайқади.

– Мен тўғримда эшитгансиз-а? – деди ногоҳ рангўйига маъюслик иниб.

– Ҳа, эшитганман, – тан олдим мен.

– Бир енгилоёқ деб ўйляяпсиз-а?

Мен кулимсираб унинг оёқларига кўз ташлаган бўлдим.

– Енгилми, оғирми, буни билиш учун аввал уларни кўтариб кўриш керак.

Жана шарақлаб қулиб юборди. Унинг кулгулари шу қадар беғубор, шу қадар жарангдор эдики, боягина ха-

ёлимда кечган миш-мишлардан яралган тасаввурлардан уялиб кетдим.

“Йўқ, ҳамма эшитганларим ёлғон, бу аёлда қандайдир сир бор”, - деб ўйладим уни зымдан кузатиб.

– Жуда гапга уста экансиз, – деди Жана биз хиёбон бўйлаб юрарканмиз, – дидли, истеъдодли одамларгина шундай бўлади.

– Бўпти, кўндим. Сиз айтгандай одам бўлишга сўз бераман.

– Жуда серзавқ экансиз, – деб қўйди Жана нозли бош чайқаб.

– Нега ўшанда мени бадном қилгингиз келиб қолди? – деб сўрадим чекка бир ошхонада тушликка ўтиарканмиз, – Шунчаки пул учунми ё... бошқа сабаби ҳам борми?

Жана чуқур тин олди. Кўзларини ошхонанинг кирчил ойналари синиқ деразаси томон маъюс тикди.

– Сабабини билиш учун оз-моз қисматимдан хабардор бўлишингиз керак.

– Агар сизга малол келмаса, мен бажонудил эшитардим.

Жана, тўғрироғи, Жангил ўзининг илмга, санъатга бўлган қизиқишини, бу йўлда чеккан машаққатларини, бир манфур амалдорнинг ҳийласига учиб бадном бўлганини ва ундан қандай қасос олганини узуқ-юлуқ айтиб берди.

– Хуллас, ўшандан бери амалдор зотига менда нафрат уйғонган, – деб ҳикоясини якунлади аёл, – қачон, қаерда уларга дуч келсам, шилишга, шарманда қилишга интиламан.

– Мен ахир амалдор эмасман-ку? Бир “Заготзерно”-га бошлиқман, холос.

– Сизни ўта хотинбоз, кўп қизларни булғаган деб таърифлашди. Шунга бажонудил кўндим. Бу айбим учун сиздан узр сўрайман. Кечира олсангиз, кечиринг.

Ўша куни илиқ, самимий хайрлашдик. Аммо шаҳардан чиқмай туриб уни яна соғина бошлаганимни хис этдим. Аллақандай завқли, тотли бир безовталик ичимга кириб олди. Худди шу безовталик Жананинг ҳам кўнглида бўлса керак, орадан уч кун ўтиб қўнфироқ қилди. Учрашишга келишдик. Бу сафар у мени ўз устахонасига таклиф этди. Кўп қаватли уйлардан бирининг ертўласида жойлашган мусаввир ижод хужраси мени буткул ҳайратга кўмиб ташлади. Ҳар хил ранг-бўёқлар ҳиди анқиб турган хона турли картиналарга, портретларга тўла эди. Бамисли машҳур Эрмитажнинг кичик бир бўлимига кириб қолгандек ҳис қилдим ўзимни.

– Дунёга донғи кетган буюк мусаввирлар мўйқала-мига мансуб асарлар, – деди Жана девордаги суратларга ишора қилиб, – тўғрироғи, уларнинг кўчирма нусхалари.

Мен ихлос-эҳтиром билан ҳар бир картинани бирма-бир томоша қила бошладим. Ҳаммаси гўзал, жозибали! Ҳаммаси юракда, кўнгилда қандайдир ҳислар қўзгайди. Аммо ўша гўзаллик, жозиба нелардан иборат, не сабабдан қалбда нозик, инжа туйғулар уйғонаяпти, билмас эдим.

– Тўғриси, буларнинг маъносини кўп ҳам тушунмайман, – дедим очиғини тан олиб.

Жана узун бир чўпни олди-да, картиналардан бирiga теккизди.

– Масалан, бу машҳур голланд рассоми Ван Гог асари, чуқур фалсафага, рамзларга йўғрилган...

Жана картина ҳақида сўз бошларкан, назаримда, у мени буткул унутди. Бир зумда ўша буюк санъаткор яшаган даврга кўчиб ўтди. Жана ҳар бир белги, ҳар бир ранг ифодалаган маъно-мазмунни шу қадар теран, ти-ниқ тушунтиар эдики, унинг билимига, дид-фаросатига қойил қолдим.

– Умуман, бирор санъат асарини англаш учун киши юрагида бироз дард, бироз оғриқ бўлиши керак, – деб

күйди Жана ўз шарҳини яқунларкан, унинг кўзлари ҳали-ҳануз илҳомдан кўк-зангори денгиздек мавжланиб турарди.

Ўша куни Жана совға қилган картиналар альбомини қўлтиқлаб уйга қайтдим. Йўқ, тўппа-тўғри осмонга, юлдузлар оламига учдим. Юрагим тотли, лаззатли ҳислардан ўртанаарди. Дунё кўк-зангори рангларда товланиб кўзимга янада жозибали кўринаарди.

Ўша картина-альбом кўлимдан тушмай қолди. Жана таълим бергандай ҳар бир суратга эътибор қаратдим. Бу мен учун ғоят мароқли, ҳузурбахш машғулотга айланди. Ҳатто кўча-кўйдаги оддийгина реклама суратларидан ҳам мазмун, гўзаллик ахтарадиган бўлиб қолдим.

Мана, ҳозир ҳам тақвим саҳифасида қизариб-бўзарib турган “8” рақамидан-да турли маъно топишга уриниб ўтирибман. Ногоҳ телефон жиринглади. Жана экан. Анча пайт гаплашиб ўтирдик. Байрам баҳона бир йўқлаб ҳам қўймайсиз, деди ўпкалаб. Нозли чорловлардан юрагим ўртаниб кетди. Ўзим ҳам Жанани, йўқ-йўқ, унинг устахонасини қаттиқ соғинганимни ҳис этдим.

“Ҳозироқ бораман, Жанани байрам билан табриклаб келаман”, – деган ўй хаёлимдан ўтди.

Ирғиб турдим-у, елкамга чарм камзулимни илдим. Шу пайт хонага бош ҳисобчим Панжиев кириб келди.

– Йўл бўлсин, aka? – деди у бироз ажабланиб.

– Шаҳарга тушиб-чиқишим керак, бир-икки соатда қайтаман.

– Тинчликми? Жуда шошиляпсиз.

– Очман, ука, жуда очман.

Равшан кулди.

– Мен какраз сизни бир зиёфатга олиб кетишга киргандим.

– Йў-ў, қўл силтадим шошиб, – менга бошқа озуқа керак, зиёфатинг ўзингга сийлов.

Панжиев алланеларни пайқади, шекилли, айёrona сўради:

- Ўша озуқадан бизга ҳам тегадими?
- Йў-ў, – дедим дарвоза томонга йўрғалар эканман,
- бу фақат бир кишилик.

Осмонга қарадим: ҳаво тунд. Аммо менинг ичу ташим чароғон эди.

### Ўн тўртинчи сақифа

Ойлар олатасир бир-бирини қувиб ўтди. Жазиллаб жавзо кириб келди. Мавсумнинг ҳароратли нафаси сезила бошлади.

Банк муассасасидан шоша-пиша чиққан пайтим шундоққина қаршимда фермер Сўпиеv пайдо бўлди.

– Ассалому алайкў-ўм, – қироат билан салом берди у, – Холёрип ака, сизни излаб журиппан.

– Мени? Нега?

– “Заготзерно”га борсам, сизни банкка кетган дейишди, шуйтиб, ортингиздан келавердим.

– Изқуварликка ўтмадингизми ишқилиб? Тинчлики? Нима гап?

Сўпиеv қандайдир қувончдан, мамнуниятдан ял-ял яйраб турарди.

– Бизнинг мошинга ўтилинг, – қўлтиғимдан олди у, – далага борамиз.

– Нега? – сўрадим тобора таажжубланиб, – ҳоким иккингиз яна хайфсан бермоқчимисизлар?

Сўпиеv хаҳолаб кулди.

– Борганда кўрасиз. Ҳоким ҳам, прокурор ҳам ўша ерда.

Юрагим така-пука бўлди.

“Тағин бир балоси чиққан, шекилли”, – ўйладим бўшашиб.

Ўша хайфсан можаросидан сўнг, бир куни Қаюм ака гулдурос солиб идорага келди.

“Шаҳриёрбой ука, анави қарорга мен айбдор эмасман. Ҳокимнинг ўзидан чиққан пикр, – деди ҳовлиқиб, – келинг, бу йил уларни бир боплайлик.”

“Қандай қилиб боплайсиз?” – дедим энсам қотиб.

“Менга бу гал энг зўр уруғлик дондан беринг, ўлимичи бўп ишлайн, мўл ҳосил олайн, ана сўнг, ҳокимнинг олдидан керилиб ўтамиз.”

Сўниевнинг содда, беозор режасидан кулгим қистади.

“Бўпти, – дедим гўёки қувониб, – келинг, би-ир боплайлик.”

Мана, ўша суҳбатдан бери ҳам хийла вақт ўтибди. Шу пайтгача Қаюм акани кўрмабман ҳам. Даласидан хабарлашишга ҳам вақт топилмади.

– Сиздан минг-минг миннатдорман, – деб алқарди у машинасида фермер хўжалиги томон елиб борарканмиз, – гапимни ерга ташламай, ургунинг асл ўғил боласидан берибсиз. Фаллам белга уриб кетди. Ҳосил мўл-кўл. Ҳали қайтиб йиғиштириб оламан деб бошим қотиб турибди.

– Ўзингиз катта дехқонсиз, Қаюм ака, ҳали бундан ҳам кўп ҳосил оласиз, – деб қўйдим мен.

Ҳа, чиндан ҳам туман раҳбарияти шу ерда экан. Улар нариги далани кўздан кечириб эндиғина “Сўни ота” фермер хўжалиги худудига ўтишганга ўхшайди.

Машина “катта”ларнинг ёнгинасида тўхтади. Кабинадан тушиб улар билан кўришдик.

– Ака, қаранг! – деб шивирлади Қаюм ака биқинимга туртиб.

Қарадим. Сап-сариқ, бепоён буғдойзор бамисли денгиздай мавжланиб турибди. Бўлиқ, қуюқ бошоқлар олтиндай товланади.

– Холёриф! – дабдурустдан ҳамлага ўтди ҳоким, – одамга ўхшаб ишласангиз бўларкан-ку?! Хайфсан берсак, қонунни пеш қиласиз, жанжал кўтарасиз, прокурорнинг олдига югарасиз.

Прокурор ҳам ғолибона бош иргаб масхараомуз тиржайиб қўйди.

– Бу киши яхши, ҳосилдор уруғни зимдан кимошибди баҳосида сотади, – деб очиқ туҳмат, ҳақоратга ўтди у, – унча-мунчага бермайди, шундан семириб юрибди. Биз ҳали бу масаланинг тагига етамиз. Тарбия бериб қўямиз.

Сўпиеv ҳовлиққанича гапга аралашди.

– Йў-ў-ў... Холёрип уруғлик сотмайди, масалан, менга ҳамишаги келишув бўйича берди.

– Сиз този итдай акилламанг, – ҳоким жаҳл билан фермернинг гапини бўлди, – ўзингиз билмаган нарсага бурун тиқманг, бу сизга ҳам отасининг нархида пулларди, биз аралашдик, биз. Ўша қарор Холёрипнинг салпал дамини кесди. Шунинг учун яхши уруғликка сиздан пора ололмаган.

Мен гўё уларнинг гап-сўзларини эшитмагандай ҳосилдор далага тикилиб турардим.

– Шаҳриёр, ўзингиз бир нима десангиз-чи, – ҳайқирди Сўпиеv.

– Мен нима ҳам айтишим мумкин, – дедим бир ҳокимга, бир прокурорга юzlаниб, – Қаюм акага қачон сара уруғлик берган эканман деб бош қотириб турибман ҳозир.

– Бу нима деганингиз? – таҳдид билан чимирилди ҳоким.

– Мен ишга келгандан бери ҳеч кимга алоҳида сара уруғлик берган эмасман. Чунки унақа уруғликнинг ҳали ўзи йўқ. Худо хоҳласа, келгуси йилдан бўлади. Ҳозизир шунинг ҳаракатида юрибмиз.

– Менга берганингиз-чи? – бўшашган кўйи юзимга анграйиб қолди Қаюм Сўпиеv.

– Сизга ҳам одатдаги, ҳар йили экиладиган уруғликдан берганмиз. Фақатгина сизни кўпроқ рағбатлантиридик, ўзингиз ҳам қаттиқ киришдингиз. Биз-

нинг маслаҳатларга амал қилиб, агротехник ишловни кучайтирдингиз. Шунинг учун ҳам бу йил ҳосилингиз зўр бўлди, ака. Менга эмас, сизга тасанно! Жуда қаттиқ меҳнат қилдингиз.

Ҳануз афт-ангоримга анграйганича қараб турган Қаюм ака туйкус қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди. Ҳоким ва прокурор ўзаро кўз уришириб ижирғанган қўйи нари кетишиди.

Қаюм ака дала четига ўтириб олиб, ҳануз завқшавқ оғушида куларди.

Бўлиқ бошоқли буғдойзор ҳам худди унга жўр бўлгандек енгил эпкинда у ён-бу ён солланиб турарди.

### Ўн бешинчи саҳифа

Жана корхонамизга келди. Уни атай бугунга таклиф этган эдим. Чунки роппа-роса бир йил аввал худди шу санада Жанна билан дам олиш хонасида учрашган эдик. Аёл ниятимни пайқади.

“Анави хужра бўшми, ишқилиб?” -деди ҳазиллашиб. Кулишдик.

У ғоят гўзал эди. Қўнғиртус толим-толим соchlари елкасида эркаланиб, тўзғиб ётарди. Оппоқ юzlарида ойдин хаёллар кезинади. Кўзлари бамисли гавҳардай порлайди. Корхонамиз саратоннинг айни авжида баҳорий нафосатга тароватга тўлиб кетди.

Мен режам бўйича муовиним Сувоновни атай хонамга чақиртирдим.

У Жанани кўрди-ю, бўсағада бир зум тошдай қотиб қолди.

– Киринг, тортинманг, Жамшидбек, – дедим ўтиришга жой кўрсатиб.

Муовиним стулга беҳол, караҳт бир аҳволда чўқди.

– Бу синглилизни танийсизми? – Жанага ишора қилдим мен, – мавсум айни қизғин пайти ҳорманглашали корхонамизга келиб туради.

Сувонов ортиқча тихирлик қилиш бефойдалигини сезді, шекилли:

- Ҳа, танийман, учрашғанмиз аввал, – деб қўйди зўрға.
- Бизга хизматлар йўқми? – айёrona табассум билан унга юзланди мәҳмон, – жуда зерикиб кетдик.

Сувонов хижолатомуз илжайиб қўйди. Гоҳ сочини, гоҳ юзларини бетоқат силади. Шу пайт хонага бош ҳисобчи Равшан Панжиев кириб келди-ю, Жамшид оғир, нокулай аҳволдан бироз кутилди.

- Мумкинми, чақиртирибсиз, – деди Равшан бўсағада оёқ илиб.

– Панжиев, келинг, маслаҳатли иш бор, – дедим .

Бош ҳисобчи стуллардан бирига ўтиаркан, Жана билан бош иргаб саломлашган бўлди. Мен уларни бир-бираiga таништирдим. Равшан аёлдан нигоҳларини узолмай қолди. Гоҳ деразага, гоҳ хона бурчагидаги телевизорга қараган бўлиб тез-тез Жанага кўз ташлаб оларди.

– Хуллас, гап бундай, – дедим ўтирганлар эътиборини ўзимга қаратиб, – маърифий-маданий ишларга ҳам озгина эътибор берайлик. Тўғри, маънавият хонаси ташкил этганмиз. Лекин унда нима бор? Беш-олти китоб, яна аллақанча газета-журнал. Менимча, бу хонани янада бойитсак, маъкул бўларди. Масалан, тасвирий санъат асарлари билан. Бу масалада бизга, мана, – мен мәҳмонимизга ишора қилдим, – Жана хоним ёрдам беради. Биз маблағ ажратамиз. Хўш, бу фикрга қандай қарайсизлар?

– Қўллаб-куватлаймиз, – деди Равшан Панжиев қизғин бош иргаб, – маънавий озуқа доимо керак, маънавий озуқа учун маблағни аямаймиз.

Билиб турибман, қитмир бола, атай менга, ўша кунги гапимга тегизиб гапирди. Шу шогирдим ҳам ўткирсўз. Бир иборасини минг маънода тушуниш мумкин. Ҳисоб-китоб ишларининг пухталигини қўриб яйрайман. Суҳбатлашиб ҳеч тўймайман, омон бўлгур, ҳамиша кўнглимдан чиқади.

– Маъқул, маъқул, – деб муовиним ҳам гапимни тасдиқлаган бўлди.

Зарур топшириқлар олгач, иккиси ҳам хонани тарк этди.

– Ваъдангиз эсингиздадир? – дедим Жанага юзланиб.

– Қанақа ваъда? – кўзларини нозли пирпиратди соҳибжамол аёл.

– Ие, суратимни чизмоқчи эдингиз-ку?!

– Ҳа-я, эсим курсин.

Жана шундай дея мени, хонани бир қур кўздан кечирган бўлди.

– Йўқ, – вазмин бош чайқади у, – хонангиз тўғри келмайди. Умуман, бу ерда амалдор сифат ўтиришиниз ёқмаяпти.

– Юринг, унда ҳовлига чиқамиз.

– Яхши.

Идорадан чиқдик. Жана сурат учун маъқул манзара излашга киришди. Тарозихона, очиқ хирмон ёни, лаборатория айвони, хуллас, ҳеч бири унга ёқмади.

– Очигини айтсан, бу корхонага ярашмай турибсиз, – деди Жана чимрилиб.

Ҳовлида яна анча пайт ивиридиқ. Жана гоҳ дарахтга, гоҳ темирйўл шохобчасига термулиб узоқ хаёл суреб қолар, менимча, неларнидир чамалар эди.

– Бир гап айтсан, хафа бўлмайсизми? – деди у бир пайт.

– Бемалол гапираверинг.

– Мен сизнинг образингизни бу ерда ҳеч тасаввур қилолмаяпман. Сиз... қандайдир бу ерга бегонасиз.

Мен девордаги ёзувга ишора қилдим.

Жана кулиб юборди.

Ўшанда ҳам уни зимдан нафрат билан қузатиб турганман. Билмадим, Шаҳриёр Эшбекович Жанадан қандай фазилат топа олди экан. Ўшанда, адашмасам, у Холёровнинг суратини чизмади-ю, лекин кейинчалик катта бир картина совға қилганидан хабарим бор. Мана шу сизсиз, деган эмиш бошлиғимизга. Шаҳриёр Эшбекович нинг ўзи ярим қун овора бўлиб ихлосу эҳтиром билан уни хонасига осган эди. Қочинглар, ўзим эплайман деб бизнинг ёрдамишимизни рад этди. Ҳойнаҳој, Жананинг тортиғига, ҳатто, қўл теккисишишимизни ҳам истамади.

Қарадим: тоғдай-тоғдай долғали тўлқинлар оша, шамолу бўронларга қарама-қарши бир елкан сузуб келяпти, бор-йўғи шу. Лекин Шаҳриёр aka уни соатлаб томоша қилиб ўтиради. Ҳартугул, ўзи ҳаяжонланиб ёзгандай, ҳар бир чизигидан, ҳар бир рангидан маъно-мазмун изласа керак.

Мавсум тугаб, корхона бироз санжоб тортган кунларнинг бирида, бошлиғимиз ўша картинага термилиб ўтирган пайт у кишининг ҳузурига Жамшид Сувонов хомуш бир қиёфада кириб борди. Мен сергак тортдим. Гоҳ очиқ эшик томон мўралаб қўяман, гоҳ бирор қофозни олиш, имзо чектириш баҳонасида ичкарига кираман.

Сувонов ишдан бўшашга ариза ёзиди! Вилоят марказидаги қандайдир сүфурта ташкилотига ўтмоқчи эмиш. Роса қувониб кетдим. Нега бу қарорга келган экан деган савол хаёлимда айланиб қолди. Ҳойнаҳој, унда виждан уйғонган. Ахир, ота-бола Холёров билан қанча курашиди? Қанчадан-қанча фитна-фасод, иғво-туҳмат қўзғашди. Ҳатто, туман раҳбарлари билан ҳам тил биректириб ҳаракат қилишди. Аммо ҳеч бир натижага эриша олмадилар. Фақат мағлубият, шармандачилик топишади. Айниқса, Жана билан боғлиқ машмашалар Жамшидга қаттиқ таъсир қилган қўринади. Бошлиқнинг, Жананинг очиқ-ойдин шаъмаси унинг номусини қўзғаган, нуҳоят, бу корхонадан кетишга қарор қилган.

Шаҳриёр Эшбекович узатган қоғозга анча пайт тикилиб қолди. Ҳойнаҳой, ишдан бўшаши ҳақидаги ариза бўлса керак.

- Сизни бирор ҳайдаятими? Ишлайверинг-да, - деди.

- Бошиға ерда ҳам баҳтиҳини синаб қўрай-чи, - деди Жамшид Сувонов араз боладай тумшайиб, - ёнингизда юришга ҳам юз қолмади.

- Бўпти, аризангиз уч-тўрт кун менда туради, сиз яна бир карра яхшилаб ўйлаб қўринг.

Муовин бош ирғаб қўйди.

- Агар мумкин бўлса, охирги бир илтимосим бор эди.

Жамшид эшикни ёпиб олди. Гап-сўзлар эшитилмай қолди. Алам бўлдим. Ўн дақиқалардан сўнг Сувонов миннатдорчилик билдира-билдира шиллиқкуртдай сирғалиб хонадан чиқиб кетди. Мен ҳеч нарсани кўрмагандай, ҳеч нарса эшиитмагандай ўзимни уюм-уюм, тахлам-тахлам қоғозлар панасига урдим. Аммо ичимда чўғдай милтиллаб бир қасос олови аста-секин аллангаланиб келарди.

Жамшид мени ёқтиргмагани каби мен ҳам ундан нафратланар эдим. Такаббур, олифта одам. Ишлиходимларга мени “Холёровнинг лайчаси” деб атар экан. “Даф бўл, бу ерлардан, қузғун” деб қўйдим ичимда унинг ортидан қараб қоларканман.

Орадан кўп ўтмай, Холёров хонасидан чиқди.

“Фозил оға, мен Тошкентга кетяпман, уч кунга рухсат берсангиз”, - деди одатдаги ҳазил-хузул билан.

“Бемалол ака, фақат уч кундан кечикманг-а”, - деб қўйдим мен ҳам.

“Корхонага ҳар доимгидай кўз-қулоқ бўп туринг. Уч кеча шу ерда тунаб қолсангиз ҳам бўлаверади. Мукофоти бор”.

“Ишончингизнинг ўзи катта мукофот, ака”.

Шаҳриёр Эшбекович чиндан ҳам пойтахтга кетди. Мен бошлиқ хонасидаги юмшоқ диванда уч кун тунаш баҳтига муяссар бўлдим. Ярим кечагача у ердаги телевидионинг турлилари турди.

визорга термуламан. Сон-саноқсиз каналларга уланган бу ойнаи жаҳон. Мазза.

Бошлиқ кетганинг эртаси куни кечки пайт зарурат юзасидан ҳовлига чиқдим. Ҳамма ёқ зим-зиё. Қоревулга “қалайсан” деб қўйиш учун унинг ҳужрасига мўрадим. Негадир у қўринмади. Чақирмоқчи бўлдим. Лекин шу пайт дарвоза томондан ғўнғир-ғўнғир товушлар эшитилди. Тошдай қотдим.

“Тонгга яқин..соат тўртларда опчиқамиз...” – деди кимдир.

“Тушундим. Ҳакимнинг “Зил”ими? Бўпти, шу ердаман, ака!”

Мен дарҳол ўзимни идора ичкарисига урдим. Юрагим қинидан чиққудек тетарди.

“Ўғрилик! Демак, юқ машинасида нимадир опкетишмоқчи! Қоровул билан келишилди!” – шу ўйлар хаёлимда чақмоқдай чақнарди.

Хонамга кирдим. Соатга қарадим. Соат миллари жуфтлашганча 10 рақами устида титраб-қақшаб турарди. Ўғриликка қарши қандай чора қўриш ҳақида ўйлардим. Ногоҳ ёдимга Одилжон тушди. У гоҳ келиб, гоҳ қўнғироқ қилиб ахён-ахён тинчимни бузади. Ҳар хил маълумотлар сўрайди, табиийки, жўяли бир гап айтолмайман. Ёмон, жуда ёмон ишлайпсиз, дўстим, дейди. Яхши эмас, деб алланималарга шаъма қиласди. Одилжонни ҳар кўрганда, ёки ҳар овозини эшигандага бесаранжом бўлиб қоламан. Кўнглим хира тортади. Ҳатто ҳар хил восвос тушлар кўриб чиқаман. Мана, ўша маҳсус ходимни ҳам хурсанд қилиши пайти етганга ўхшайди.

Чамаси бир-соатлардан сўнг омборхона томонда шарпалар ғира-шира кўзга ташлана бошлади. “Зил” автоуловининг гувиллаган овози қулогимга чалинди. Мен ҳовлиқchanча телефон аппаратига ташландим. Маҳсус ходим берган рақамлар бўйича қўнғироқ қилдим. Гўшакни Одилжоннинг ўзи кўтарди. Мен ўзимни таништириб,

шу кеч түн ярмидан оққанды корхона дарвозасидан маҳ-  
сулот ноқонуний чиқиб кетаётгани ҳақида хабар бердим.

“Бу – бошқа гап, дўстим”, деб қўйди маҳсус ходим со-  
вуқён бир тарзда.

Чиндан ҳам ўша түн дон юкланған “Зил” автоулови  
дарвозадан чиқиб кетди. Қоровул атрофга аланг-жас-  
ланг қараб қўйди. Худди киноларда кўрганим каби қора  
ниқоб кийган бир гуруҳ корхона ичига бостириб кири-  
шини кутдим. Аммо ўйлаганим бўлмади. Ҳеч бир қарши-  
ликсиз “Зил”нинг гувиллаган-увиллаган овози тобора  
узоқлашиб борарди. Маҳсус ходим ҳам бирор чора кўрма-  
ди, шекилли деб ўйладим. Ҳафсалам пир бўлди. Бошлиқ  
хонасидаги диванга беҳол чўзилдим. Кўзим илинган экан.  
Бир пайт қандайдир товушлардан чўчиб уйғондим. Fa-  
ла-ғовур дарвоза томондан келарди. Ўша ёққа югурдим.  
Адашмаган эканман. У ерда туман ҳокимига, туман  
прокурорига тегишли иккита автоулов қантарилиб  
турар, ёнида тўрт-беш киши ғира-шира тонг ёруғлиги-  
да кўзга ташланарди. Улар орасида туман ҳокимини ва  
ӯша маҳсус ходимни танидим. Раҳбарлар олдида ғилай  
қоровул шамдай қотган эди.

- Ҳали ҳеч ким келмади, – деди у эгилиб-букилиб.
- Анави ким? – сўради менга кўзи тушган ҳоким.

Менинг идорада эканимни билмаган қоровул бироз  
каловланиб қолди.

- Бошлиқ ёрдамчисиман, – дедим салом бергач.

Ҳоким ўшқирди.

- Ҳолёров қаерда?

- Тошкентга кетган, йиғилишга.

- Тошкентга? – деди у алланечук ҳафсаласи пир бўлиб.

Ёнидаги туман прокурорига ажабланган тарзда  
юзланди, у ҳам қандайдир бўшашиб елка қисди.

Шу пайт аллақайдандир Шариф Сувонович ҳовлиқ-  
қанича етиб келди.

- Ҳоким бува, чақирибибсиз, – деди ҳансираб.

– Шариф ака, сиз билмасдан гапирмас экансиз, – деди туман раҳбари у билан кўришиб, – “Заготзерно”миз чиндан ҳам ўғрилар уяси бўп кетибди. Бу ердан ноқонуний олиб чиқилган бир машин арпа ушланди. Сиз ҳам гувоҳ бўлинг, деб чақирдик.

Собиқ бошлиқ мамнун илжайди.

– Ана, кўрдингизми? Мен неча марта зорилладим, яхшилаб текшириш керак дедим. Холёров доим сувдан куруқ чиқиб юрибди. Келган комиссиянинг оғзини мойлаб жўнатади. Сизлар қаттиқ назорат қилмаяпизлар.

– Энди қочиб қутулолмайди, – гапга аралашди туман прокурори, – ашёвий далиллар бор. Изма-из кузатиб борилди, арпа Холёровга ҳамтовоқлардан бирининг уйига туширилди. Ҳозир ўша ҳовли ходимлар назоратида.

– Ўша ерга борамиз. Қани, кетдик, – дея туман раҳбари машинаси томон юрди.

– Жуда яхши, – ҳокимга эргашди Шариф Сувонович ҳам, – бир кўриб қўяйлик.

Мен бир чеккада гап-сўзларга қулоқ солиб турардим.

– Эй сен, – прокурор менга юзланди, – нега анқайиб турибсан? Машинага чиқ, кўрганларингни бошлиғингга етказасан.

Бажонудил прокурор машинасига ўтирудим.

Еркўрғон аста-секин уйғониб келарди. У ер-бу ерда яккам-дуккам йўловчилар кўзга ташланади. Ҳовлилардан молларнинг маъраши, итларнинг акиллаши қулоққа чалинади.

Машиналар катта дукон ёнидаги кўчага бурилиб, бирин-кетин тўхтади. Чиндан ҳам қўш табақаси ланг очиқ ҳавли олдида ўша “Зил” юқ машинаси турар, атрофифда икки-уч милиция ходими айланиб юрарди.

– Мана шу ҳовли муттаҳам ўғрилардан бирига тегишли, – деди туман ҳокими.

Машинадан тушган Шариф Сувонович бир пайт худди бирор туртиб юборгандай кўксини чангллаган кўйи машина эшигига суюниб қолди.

– Шариф ака, сизга нима бўлди? – қўрқиб кетган ҳоким унинг қўлидан ушлади, – мазангиз қочдими?

Туман прокурори ҳам хавотир билан ёрдамга шошилди.

– Тинчликми? Нима гап?

– Бу.. бу.. – Шариф Сувонович ланг очик ўша дарвоза томон аранг ишора қилди, – бу ўғлимнинг уйи...

Туман раҳбари беихтиёр қичқириб юборди.

– Нима? Ўғлингизнинг ҳовлисими бу? “Заготзерно” бошлиғи муовини бўлиб ишлайдиган болангизни айтсанлизми?

Шариф Сувонович зўрға бош иргади.

Раҳбарлар бир-бирига маънодор қўз ташлади.

Бу воқеа ўша куниёқ бутун Еркўрғонга шов-шув бўлиб кетди. Тошкентдан қайтган Шахриёр Эшбекович нохуш воқеаларни эшишиб қаттиқ куйинди.

“Об-бо-о, сўнгги илтимосим деб мендан арпа сўраганди, рози бўлгандим, – деди бошлиғимиз астойдил ачиниб,-чёрт, шуни ҳам эплаб опчиқиб кетолмабди”.

Мен ҳангу манг қотдим. Лекин сир бой бермадим. Ичимда қандайдир қасос лаззати кезиниб юради: “Баттар бўлсин! Қани энди биламиз ким лайча-ю, ким қузғун”.

“Фозил, сенга бир ўғит, – деди бошлиғимиз ўйчан бир тарзда, – доим эсингда бўлсин, олдинга бирор илтимос юзасиданми, ёки қарз сўрабми, келган инсонни жеркиб қайтарма, ноумид қилма, қўлингдан келса ёрдам бергин, чунки у сенга келгунча қанчалар истиҳола билан келади. Мен шунинг учун ҳам Жамшиднинг сўровини ерда қолдирмаган эдим. Афсус, воқеа бошқача тус олибди”.

Мен бош иргаб қўйдим. Аммо ич-ичимда қандайдир қувонч шарпалари кезиб юради.

Шахриёр Эшбекович устидан жиноят иши очилган муовинининг айбини енгиллатиш учун корхона томонидан қандайдир хужжатлар тайёрлади, югуриб-елди. Шу қуиб-пишишлар ёрдам бердими ё бошқа аралашувлар таъсир қилдими, хуллас, Жамшид Сувонов муқаррар

қамоқ жазосидан қутулиб қолди. Катта миқдорда жарима тұлади. Эгаллаб турған мансабидан четлаштирилгән бўлди. Мен ўшанды Шахриёр Эшбековичнинг мардлигидан, инсонпарварлигидан яна бир карра ҳайратланганман. У киши доимо бошидан мағзава тўккан, фитна-фасод, иғво-бўхтон қўзғаган душманига ҳам зарур пайти ёрдам қўлини чўзди.

Ўша тонг кўксини чанглаб қолган Шариф Сувонович касалхонага ётқизилди. Мен негадир уни бошқа кўрмасам керак деб ўйлагандим. Адашибман. Орадан бир неча ой ўтиб у қандайдир қоғозлар тахламини қўлтиқлаган кўйи идорада пайдо бўлди.

“Хой, мухбир қаерда, мухбир?” деб сўради сирли пичирлаб.

Собиқ раҳбар яна бир фитна-иғво бошлиётганини сезиб жаҳлим чиқди. “Билмадим, – дедим қўрс оҳана, – мухбир боқиб юрганим йўқ”.

Шариф Сувонович ҳансираган кўйи корхона бўйлаб кетди.

Ҳа, ўша қуни эрталаб чиндан ҳам. Республиканикинг энг нуфузли газеталарининг биридан мухбир келган эди. Уни туман ҳокими ўринбосари Солиев, туман прокуратораси терговчиси Бўриев эргаштириб юришарди.

Бу иккиси ҳамроҳлик қилиб юрганини қўриб, бослиғимиз таърифи билан айтганда, “Учлар иттифоқи” янги бир ҳужумни бошлаган қўринарди.

Шахриёр Эшбекович уларни нохуш кутиб олди.

Сийраксоҳ, қиррабурун, қотмадан келган мухбир ўзини ўта жиiddий ва сипо туттар экан.

– Бир шикоят атрофида текширув ўтказиш им керак, – деди мухбир қисқа танишув, қисқа салом-алиқдан сўнг ихчамгина папкасидан бир даста қоғоз чиқариб, – марҳамат, ариза билан танишиб чиқинг.

– Ёддан биламан, танишишга ҳожатмайтим, – деди Холёров гүёки ўз ёзув-чиズувларида давом этиб.

Бошлиқнинг совуққон муносабатидан ранжиди, шекилли, мухбир овозини бир парда қўттарди:

– У ҳолда шу ариза бўйича бизга ҳужжатларни тақдим этинг.

– Менда ҳеч қандай ҳужжат-пужжат йўқ. Ана, – Холёров ёнидаги ҳокимлик ва прокуратура вакилларига ишора қилди, – масъул ходимлар, зарур қоғозларни ўшалардан олаверинг. Ўзлари бошладими, охиригача ўзлари давом эттирсинг.

Мухбирнинг ҳамияти қўзғалди.

– Ака, менга нега бунақа муомала қиляпсиз? Арпангизни хом ўрдимми?

– Мен журналист деганда мард, ҳалол, холис одамларни тушунаман. Аллакимларнинг қўлида тўппонча бўлиб юрадиган қандайдир найрангбозларни эмас.

– Ким тўппонча? Ким найрангбоз? Са-ал эҳтиёт бўлиб гапиринг, ака.

– Сиз тўппончасиз! – Шаҳриёр Эшбекович жаҳл билан мухбирга қўлинни бигиз қилди. – Манави ҳамроҳларингиз қўлидаги тўппончасиз. Улар сизни сотиб олган, ёллаган, шунинг учун ҳам бемалол эргашиб юрибди. Хўш, гапларим ёлғонми?

Мухбир бир зум ўйланиб қолди.

– Рост, сизлар нега мен билан юрибсизлар ўзи? – деди масъул ходимларга юзланиб, – илтимос, сизлар ўзидораларингизга қайтинг, бу ёғини ўзим эплайман.

Солиев ва Бўриев ўзаро маъноли қўзуришитирди. Сўнг Холёровга алланеларни тайинлаб ташқарига чиқиб кетишиди.

Мен ичкарига чой, қанд-қурс киритдим.

– Менинг шаънимга ноҳақ гаплар айтдингиз, – деб ўпка-гина қилди пойтахтлик меҳмон, – нима гап ўзи, ўрталарингизда бирор келишмовчилик борми?

Шаҳриёр Эшбекович стол устидаги қоғозларга хомуш қараб ўтиради.

– Ука, мени ҳимоя қил, менинг тарафимни ол, демайман сизга. Фақатгина холис, мард журналист сифатида ҳаммасини ўз кўзингиз билан кўринг, баҳоланг. Ўйлайманки, ўшанда ҳақиқат аён бўлади.

– Маъқул, мен ҳам холислик тарафдориман.

Холёровнинг ишорасига кўра эшикни ётиб қўйдим.

Ичкарида сұхбат анча пайт давом этди. Шу орада бошлиқ талабига биноан Панжиеевни чақириб бердим. Сўнг улар ҳужжатлар ҳамиша ҳозир нозир турадиган ўша хонага ўтиб яна ўттиз-қирқ дақиқа қоғозлар билан шуғулланишди.

Шахриёр Эшбекович ва бош ҳисобчимиз пойтактлиқ мухбирни корхона ҳовлисига эргаштириб чиққанда қуёш тик келиб қолган эди. Кун аёвсиз қиздирарди. Журналист корхона фаолияти билан ҳам танишиди.

Кейин улар бошлиқ машинасига ўтириб жўнаб кетишиди. Менимча, Холёров мухбирга яқинда ташкил этилган корхона ёрдамчи хўжалигини кўрсатишни режалаштирган эди. Ҳудди шу пайт Шариф Сувонович келиб қолди. Мендан тайинли гап ололмагач, корхона ҳовлисида ивирсив, ишчи-ходимлардан мухбирни сўраб-суриштируди. Афтидан, улардан ҳам қониқарли жавоб ололмади. Ўша кезлар жамоа ҳам оқ-қорани ажратиб, ҳақиқатни анча-мунча англаб етган, собиқ бошлиқдан ҳафсаласи пир бўлган эди. Ишчи-ходимлар Шариф Сувоновичдан атай қочиб юришарди. Чунки Шахриёр Эшбековичнинг корхонага, жамоага қанчалар жонқуяр, ғамхўр раҳбар эканлигини билишди. Айниқса, ёрдамчи хўжалик ташкил этилиши ишчи-ходимларни роса қувонтируди.

“Бундан буён уч-тўрт кило емни яшириб, корхонадан қандай олиб чиқиб кетсан экан, деб ўйламайдиган бўлдиларинг, – дея Холёров ҳазиллашди мажлисларнинг бирода, – топган-тутганларингни ёрдамчи хўжаликдаги молларга едираверинглар. Ҳаммаси сизларники. Боқиб сотсак, даромадларингизга даромад қўшилади, сўйсак,

хонадонингизга гўшт-ёғ боради. Чорвачилик нозик соҳа, отам менга доим уқтиради, чорва молларининг сут маҳсулотларини егин, гўштини егин, терисини, суягини, ҳатто, туёғини сотиб егин, лекин уларнинг ем-емишини сотиб емагин. Ўйлайманки, биз ҳам шу ўгитга амал қилсак, ҳеч қачон кам бўлмаймиз".

Чиндан ёрдамчи хўжалик жамоамиз турмушига барака опкелди. Баъзи бир қўли калта ишчи-ходимларнинг тўю томошаси мана шу қўшимча даромад ҳисобидан бўлди.

Бир куни идорага туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Малоҳат Кенжсаева келди. Шаҳриёр Эшбекович уни илик қарши олди.

– Мени бир-икки излаб борган экансиз, – деди Малоҳат опа қуюқ салом-аликдан сўнг, – сизни яна овора қилмай деб ўзим келавердим.

– Ҳуш келибсиз баъзи бир маслаҳатли ишлар бор эди. Шунга сизни излагандим.

– Бажонудил, – деди Кенжсаева бироз сергак тортиб.

Шаҳриёр Эшбекович андак мулоҳаза қилиб тургач, гап бошлади:

– Бизнинг корхона сал-пал оёқча туриб олди. Анчадан бери савоб умидида мўлжаллаб юрган режсаларимиз бор. Масалан, тумандаги кам таъминланган, муҳтож оиласаларга ёрдам қўлини чўзсан, дейлик, уларнинг никоҳ тўйларини, суннат маросимларини ўтказишга ҳисса қўшсан.

– Ие, бормисиз, Шаҳриёржон?! – туман ҳокими ўринбосарининг қўзлари қувончдан порлади. – Туманимиздаги ҳамма бадавлат ташкилотларга, тадбиркорларга ўрнак кўрсатган бўлардингиз. Бизни беҳад хурсанд қилдингиз.

– Сиз ўшандай оиласалардан беш-олтитасини рўйхат қилиб берсангиз. Бундай тадбирлар анъанамизга айланса, ҳар йили, худди шу пайт, кеч кузда ўтказиб турсак.

Ўша куни Малоҳат Кенжсаева идорамиздан ял-ял яшнаб чиқди.

Кўп ўтмай режа амалга ошди. Еркўргон дон тайёрлов корхонаси тумандаги тўрт оиласига никоҳ тўйи маросимларини ўтказишида ҳомийлик ёрдамини кўрсатди. Кўмак олган оиласидар орасида корхона ишчиси, бир пайтлар Холёров янги раҳбар сифатида илк ийғилишини ўтказаётган маҳал мажлисга кечикиб келган, ҳаммани тўйига таклиф этган ака Даминов ҳам бор эди. У иккинчи ўғлини уйлантираётган экан.

“Ака, яна ўғиллардан борми?” – деб сўради ўшанда Шаҳриёр Эшбекович.

Ишчи мамнун бош чайқади.

“Йўқ, хўжайин. Худога шукур, иккинчисини ҳам уйлантирдим. Болалардан қутулдим”.

“Ака, осонгина майдонни ташлаб кетманг, – деб ҳазиллашибди Холёров, – яна гайрат қилинг, янгам яна ўғиллар туғсин”.

“Йўқ, хўжайин, иложи йўқ, Янгангиз энди қариб қолди”.

“У ҳолда ўзингизни уйлантирамиз! Маблағ биздан”.

Даврада ийғилганлар гурр қулиб юборишди.

### Ўн олтинчи саҳифа

Ана сурпризу, мана сурприз! Ана кир ювар машинаю, мана дилбузор!

Нихоят, кўпдан кутилган газета қўлимга етиб келди-ю, машҳур фильмдаги машҳур иборалар шу тарзда хаёлимдан ўтди. Бир ойча аввал корхонамизга ташриф буюрган журналист мард, холис, ўз иши устаси экан! Барака топсин, барчасини бори-борича ёзибди! Камтарона меҳнатимизни сал-пал ошириб кўрсатибди. Бугун эрталабдан вазирликдаги дўстлар, вилоят бошқармаси бошлиғи қўнғироқ қилди. Корхонамиз ҳақидаги кенг, батафсил мақола билан табриклишди. Холёров, яшанг, сизни катта умидлар билан ўша қолоқ корхонага юборгандик, ишончимизни оқлаяпсиз, бўшашманг, худди

шу авжни йўқотманг, деди вилоят ҳокимлигидаги ўша Нурали Ширинович. Бошим осмонга етди.

Бир пайт яна телефон жиринглади. Нозимхон Жалилов экан.

– Қойилман, – деди у қуюқ-суюқ ҳол-аҳвол сўрашув, қизигин қутловлардан сўнг, – биздан ўзиб кетдингиз. Қўлим узун деб мақтаниб юраман-у, лекин ҳалигача бирор бир тузукроқ журналистнинг этагидан тутолганим йўқ.

Чаман дон тайёрлов идораси бошлиғининг овозидан бироз таажжуб, бироз алам иси анқиб турарди.

– Хафа бўлманг, вақт-соати етиб, албатта, меҳнатга яраша иззат кўрасиз, – дедим ҳамкасбнинг кўнглини кўтариш илинжида.

Аммо Нозимхон яна ўша оҳангда давом этди.

– Холёров, қанақа эпладингиз-а? Бизга ҳам ўргатинг. Ҳаражатига тайёрмиз.

Мен индамай гўшакни жойига кўйиб кўйдим. Ахир ҳар хил ғаламисона саволларга жавоб беришга вақтим йўқ. Ахир туман раҳбариятини ҳам бу янгиликдан тезроқ ҳабардор қилишга улгуришим керак. Ҳойнаҳой, улар ҳам бу мақолани зор-интизор кутиб юришгандир. Ахир не бир умидларда мухбир ёллашган. Мени матбуот орқали шарманда қилиб, сўнг ғижим қоғоздай бир чеккага улоқтиришни мўлжаллашган. Аммо Аллоҳ чевар! Унинг хоҳиши, унинг ҳифзу ҳимояси олдида аламзада амалдорларнинг чираниши нимага ҳам арзир эди?! Аллоҳим амр этди, ўzlари отган тош ўз бошларига тегди. Бугун ўzlари ковлаган чоҳга ўzlари тушганидан улар ҳабардормикан? Кўлларига газета етиб бордимикан?

Мен уч кун аввал туман почта бўлими бошлиғига илтимос билан кирган эдим. Фалон газетанинг фалон сонидан биз учун ўн дона олиб кўйинг, ўн карра устама тўлов асосида сотиб оламан, деган эдим. Барака топгур, унутмабди. Бугун тонг сахарда бориб газеталарни олиб

қайтдим. Баъзи бир идораларга уларни ўзим тарқатиб чиқиши режалаштирганман.

Ёрдамчини чақирдим. Фозил чаққонгина кириб келди.

– Буни туман ҳокимияти қабулхонасига етказгин, – дедим икки дона газета узатиб. – Имкон қадар ҳокимнинг ўзига ё унинг ёрдамчисига бергин, тушундингми?

– Ҳа, -деди Фозил ташқарига тисарилар экан.

Биламан, туман ҳокими ва прокурори матбуот машинаси ғилдираклари остида мени яксон қилиб ташлашга буткул ишонишган эди. Мухбир корхона ҳаёти билан танишиб қайтгач, эртаси куни ҳоким кўнфироқ қилиб қолди. Холёров, агар матбуотда туманимиз шаънини булғайдиган бирор сатр мақола чиқса ҳам сизни аяб ўтирмайман деди. Йўқ, корхонадан кетишга шай бўлиб туришим ҳақида огоҳлантириди.

Ўша журналист жуда жиддий, асаблари метин, ўта камгап экан. Ранг-рўйидан на ҳаяжони, на ёқтиргмагани сезилади: ҳамиша бир хил. Биз билан хайрлашиб кетгач, туман раҳбарияти билан яна учрашдими, йўқми, хабарим йўқ. Панжиев уни марказгача кузатиб қўйди.

Мана, ўшандан бери ҳам бир ойча вақт ўтди. На журналистдан, на унинг битигидан хабар бўлди. Фақатгина шу ҳафта бошида журналист Панжиевга қўнфироқ қилиб, газетанинг фалон сонини кўринглар дебди.

Бу хабарни етказган бош ҳисобчимнинг юз-кўзида хавотир сезилиб турарди.

– Бошқа ҳеч нарса айтмадими? – деб сўрадим.

Панжиев бош чайқади.

– Ўзимча мақола мазмуни ҳақида ўсмоқчилаб сўрагандим, кўрганда биласизлар деб алоқани узиб қўйди. Менимча, кайфияти йўқ, авзойи бузуқ.

– Бўлти, кутамиз, – дедим мен ҳам нохуш хаёлларга берилиб.

Мана, кўрдик! Ҳалол йигит экан ўша журналист! Юзимизни ёруғ қилди.

Ногоҳ стол устидаги телефон жиринглаб қолди. Назаримда, гүшак нозли, сирли түлғониб қўйгандек туюлди. Ҳойнаҳой, бу Жана деб ўйладим. Гүшакни қулоққа тутарканман, адашмаганимни англадим.

– Газетани ўқидим, – деди нариги тарафдан билур жарангидек тиниқ овоз одатдаги салом-алиқдан сўнг. – Матбуот юлдузига айланиб кетибсиз!

– Тўлин ой ёнида бир юлдуз бўлиши керак-да, – дедим Жананинг ҳар бир сўзидан роҳатланар эканман.

Кулишдик.

## 12

*Ҳа, ўша куни Шахриёр Эшбекович берган газеталарни қўлтиқлаб туман ҳокимиятига кириб борганимда, адаш масам, соат ўн бирлар эди. Эшик ёнида ўтирадиган милиционер мени таниб бош ирғаб саломлашган бўлди. Қай бир хонадан ўзаро баҳслашаётган ходимларнинг овози қулоққа чалинади, қай бир хонадан тамаки ҳиди анқийди.*

*Чаққонгина иккинчи қаватга кўтарилдим. Оҳиста қабулхона эшигини очдим. Одатда хушёр қўриқчидай югуриб чиқадиган ҳоким ёрдамчиси кўринмади. Туман раҳбари ўтирадиган хона эшиги қия очиқ экан. Секин мўраладим. Ҳоким туман прокурори билан юзма-юз ўтиради.*

– Жуда ишончли мухбир деган эдингиз-ку? – ҳокимнинг асабий овози баралла эшишилди. – Ҳаммасини расво қилди-ку?

Прокурор айбдорона пўнғиллади:

– Биттаси ишонтирганди, чёрт... адашибман.

“Ҳа, раҳбарлар мақоладан хабардор!” – шу фикр хаёлимдан лип этиб ўтди. Кўлимдаги газетани киргизиб берар-бермаслигимни билмай қолдим.

– Битта “Заготзерно” бошлиғига кучимиз етмади-ей, – деб ёзғирди яна ҳоким, – қанақа раҳбарлармиз ўзи? Бутун қонун-қоида қўлингизда бўла туриб сиз ҳам бирор нима қилолмадингиз.

— Очиғи, қойил қолдим Холёровга. Ҳужжат-қоғозла-  
ри доимо пухта. Құлға тушириб бұлмаяпты. Шикоят-  
ларда ҳам бирор конкрет айб күрсатылмайды. Қуруққа  
үзимизни ҳам, Холёровни ҳам овора қилдик. Яна пайт  
пойлашдан бошқа иложимиз йўқ.

Хоким захарханда құлди.

— Қанақа пайт? Менимча, энг сүнгги патронни ҳам  
отиб бўлдик.

Мен қайтиб кетиш учун секин тисарилдим. Щу пайт  
хўл қўлини дастрўмолига арта-арта ёрдамчи кириб келди.

— Ие, бу ерда нима қилиб турибсан?

Қўлимдаги газеталарга ишора қилдим.

— Сизларга опкелгандим. Ҳўжайин бериб юборди.

Бу нашр ёрдамчига таниш шекилли:

— Ҳоким шу газетанг билан уриб каллангни ма-  
жақламасдан йўқол, — деб ўшқирди.

— Тўғри, каллани мажақлайдиган газетага ўхшайди, — дедим қабулхонадан чиқиб кета туриб, — эҳтиёт  
бўлиш керак.

Йўл-йўлакай дўконга кирдим. Сўнг бир синфдошни  
учратиб анча пайт лақиллашиб турдик.

Корхонага кириб борганимда вақт тушликка яқинла-  
шиб қолган эди. Бошлиққа ахборот беришга шошилдим.

Шаҳриёр Эшбекович эшик очилганини пайқамади.  
У аллақандай жўшқин, тантанавор мусиқани тингла-  
ганича девордаги ўша суратга, пўртманалар, қутурган  
тўлқинлар оша мардона сузид келаётган елканга хаёл-  
чан тикилган кўйи ўтиради.

Мен яна оҳиста эшикни ёпиб қўйдим.

## УЧИНЧИ ҚИСМ



## Ўн еттинчи саҳифа

Уч йилдан бери бирор сатр ёзмабман. Гоҳ ташвишлардан бўшамай қолдим, гоҳ ҳафсала бўлмади, хуллас, шўрлик сирдош дафтари мурасим уч йил стол тортмасида сарғайиб ётди. Аслида шу вақт мобайнида қайд этиб кўйишга арзигулик воқеалар кўп бўлди. Масалан, туман ҳокими ҳам, прокурори ҳам ўзгарди. Янги келган раҳбарлар билан анча-мунча тил топишиб олдик. Айниқса, янги туман прокурори Умрзоқов менда илиқ таассурот қолдирди. Билимдон, кўнгли очиқ, ҳалол йигит экан. Тадбиркорларга хайриҳоҳлиги шундоққина сезилиб туради.

Шариф Сувонович оғир хасталикка чалиниб қолди. Анча пайт тўшакка михланиб ётиб, охири, шу йил бошида ҳаётдан кўз юмди. Умрининг охирги кунларида у киши билан ярашдик. Юқорига бир шикоят хати ёзган эканлар. Мен меҳнат фахрийсиман, бир умр Ерқўрғон дон тайёрлов идорасида ишлаб нафақага чиқдим, айни пайтда, касалман, собиқ ишхонам ҳол-аҳволимдан хабарлашмай қўйди деган мазмунида битилган ариза айланиб-айланиб, ниҳоят, менинг кўлимга этиб келди. Ўша кезлар вилоят марказида, қандайдир суғурта компаниясида ишлаётган Жамшид Сувоновга кўнфироқ қилиб идорага бир келиб-кетишини сўрадим. Собиқ муовиним тушлик пайти ҳозири нозир бўлди. Бизни отанг билан яраштир дедим. Жамшидинг бирдан

чөхраси ёриши. Мард одамсиз-да, хўжайин, деди қувониб. Тузуккина бозор-ўчар қилдим. Пул-мул олдим. Бордик. Қари, касалманд одам нима ҳам дейиши мумкин? Алқади, кўз-ёш тўкди, ҳаққимизга дуолар қилди.

“Шахриёрбой, мени кечир, ўғлим, – деди Шариф Сувонович гап орасида, – сенга ҳам кўп озор етказдим. Одам узоқ йиллар бир жойда ишлаганидан кейин, ўша идора худди тан маҳрамига ўхшаб қоларкан. Бошқалардан қизғонасан, рашк қиласан. Осонликча бериб кўйинг келмайди. Бор-йўқ сабаб шу. Шу сабабга кўра устингдан ёздим, сендан идорани тортиб олишга ҳаракат қилдим. Аслида ич-ичимда сенинг ҳалол, мард, катта мутахассис эканлигингни биламан. Иш тутуминг, қатъиятинг зўр. Худо омадингни берсин!”

Базўр гапираётган қариянинг содда, самимий иқоридан таъсирландим. Муносиб недир дейишга уриндим.

“Мени ҳам кечиринг, сизни кўп хафа қилдим”, – деб қўйдим.

Орадан уч-тўрт ой ўтиб Шариф Сувонович ҳаётдан кўз юмди.

Маъракаларини муносиб ўтказишга ҳаракат қилдик. Яратганинг ўзи раҳматига олган бўлсин!

Бизнинг оҳу зоримизга, кўз ёшу қувончларимизга заррача эътибор бермай ҳаёт шиддат билан ўз йўлида давом этмоқда. У ўзининг қайсарлиги, шафқатсизлиги билан яшашга, курашишга, яратиш-яшнатишга чорламоқда! Менимча, ақли теран, қалби уйғоқ ҳар бир инсон бу чорловга муносиб жавоб бериши керак! Акс ҳолда, ер юзида одам сонини кўпайтириб, фақат еб-и-чишга ружу кўйишингдан ҳеч бир маъно қолмайди.

Мен шошила бошладим. Ичимдаги Шахриёр катта кўламли лойиҳаларни амалга ошириш пайти етганини бетиним уқтиради. Мен биринчи галда замонавий тегирмон қуришни режалаштириб юрардим. Чунки хом

ашё тайёр, ишчи кучи етарли! Тайин гапки, тегирмон, энг аввало, корхонамизнинг маблағига маблағ қўша-ди, иқтисодини ўстиради, шу баробарида, ишчи-хиз-матчилар ун ва ун маҳсулотлари билан таъминланади, даромадига даромад қўшилади, турмуш фаровонлиги ошади, янада яхшироқ меҳнат қилишга иштиёқманд-лик кучаяди. Қолаверса, ишни шу тарзда ташкил этиш, тадбиркорликни, омилкорликни кенг йўлга қўйиш долзарб вазифа-ку! Ахир Президентимиз, хукуматимиз талаби, хоҳиши ҳам шу!

Мана, айни шу кунларда жамият бир силкиниб, ланж, мудроқ ҳолатдан чиққандай туюлди. Ҳамма соҳа-лар қатори, қишлоқ ҳўжалик соҳасига ҳам янгича рух, тоза нафас кириб келгандай бўлди. Бунинг барча-бар-часи Республикашим ҳукумати тепасига янги Бош вазир келганидан бошланди, деб бемалол айтишимиз мумкин. Янги Бош вазиримиз ўз фаолиятининг илк дамлариданоқ салоҳиятли, қатъиятли раҳбар, улкан шахс сифатида яққол қўзга ташланди.

Ажойиб кунларнинг бирида Ерқўргонга Ўзбеки-стон Қаҳрамони, Ўзбекистон Халқ шоири Абдулла Ори-пов ташриф буюрди. Туманда катта адабиёт, шеърият байрами бошланиб кетди. Шукуҳли учрашувларнинг бирида маҳмадона бир талаба шоиримиздан янги Бош вазир ҳақида сўраб қолди.

“Пойтахтдан Ерқўргонга қараб йўлга чиқсан, ал-батта, ёнма-ён жойлашган икки вилоят худудидан ўтаман, – деб гап бошлади Абдулла aka ўзининг ҳар бир сўзини ихлос билан тинглаётган даврага юзланиб, – лекин бирдан ўтиб кетмайман. Ён-атрофни хузурла-ниб томоша қиласман, мулоҳазаларга бериламан. Чун-ки назаримда, мен оёқ илган масканлар тараққиётда, ободончиликда бошқа вилоятлардан ўзиб кетгандай туюлади. Бирор вилоятнинг гуллаб-яшнаши, энг ав-вало, ўша жойнинг биринчи раҳбарига боғлиқ деган

фикр күнглимдан ўтади. Яқында Республика Бош вазири этиб тайинланган Шахс хаёлімни ўғирлаган ана шу икки вилоятни, галма-гал, бириңисини беш йил, иккінчисини икки йил бошқарған. Бошқариш жараёнида юртбошимизнинг, халқнинг эътиборини қозонган. Шунинг учун ҳам Президентимиз бу инсонни юксак лавозимга лойиқ кўрди. У кишининг улкан раҳбарлик қобилиятига, зукколигига, билим тажрибасига ишонди. Мана, еркўргонликлар от деган жониворни яхши билади, яхши кўради. Кураш, кўпкари мусобақалари барчангизнинг жону дилингиз. Энди айтинг-чи, узоқ вақт парвариш қилинган, боқилган, соғлом, учқур тулпор ўз-ўзича бирор нимага ярайдими? Йўқ, албатта. Бедовни бакувват, эпчил, иқтидорли чавандоз бошқарсагина у майдондан улоқни оп чиқади, кўзланган маррани забт этади. Мен Бош вазиримизни ўша чавандозга ўхшатаман. Депсиниб, бир ерда чарх уриб турган тулпор тизгини жасур, моҳир чавандоз қўлига ўтди. У киши Президентимизнинг, халқимизнинг ишончини оқлашига ишонаман”.

Зал гулдурос қарсаклардан, олқишлиардан ларзага келди. Бошқаларни билмадим, лекин мен улуғ шоирнинг нозик, сермаъно ишорасини илғагандай бўлдим. Чиндан ҳам бугун жамият, давлат депсиниб, бир ерда чарх уриб қолган қайсар тулпорни эслатарди. Унинг куч-кувватини, имкониятларини тўғри йўналтириб, олға бошлай оладиган метин иродали, теран ақл, жўшқин қалб соҳиби керак эди. Республикамизнинг янги Бош вазири худди шундай хислатларга эга Шахс эканлиги яққол кўриниб турарди.

Мана, Бош вазиримизнинг қадами биз учун ҳам куттулғ келди. Илк катта режани амалга оширишга киришдик. Панжиев билан обдон ўйлаб, ҳисоб-китоб қилиб кўрсак, корхона чўнтагида бироз маблағ бор экан. Аммо бу жуда кам. Шундай бўлса-да, вазирликка хат

билин мурожаат қилдик. Режамиз ҳақида сўз юритдик. Вазир ўринbosари, бир пайтлар Шайхали дон комбинатида элеватор цехи бошлиғи бўлиб ишлаган кезларим мен бошқараётган бўлимнинг тозалигини, саранжомлигини кўриб ҳайратланган инсон – Суръат Жабборович Тошкентга чорлаб қолди. Панжиев билан бордик.

– Ўзбошимчалик! Қип-қизил авантюра! – кескин қўл силтади вазир ўринbosари режамиз ҳақида батафсил эшитгач, – чўнтакларида шамол ўйнайди-ю, тағин тегирмон қуармишлар. Қўйларинг бундай майнавозчиликни, тинчгина дон қабул қилиб, яхши сақлаб, эга-эгасига тарқатиб юраверларинг.

Мен осонликча таслим бўлишни истамадим.

– Суръат Жабборович, режамизга яраша маблағ топаман. Ҳозирча, ўзимизда маълум бир миқдори бор. Банқдан кредит оламиз, яна қарз берувчилар ҳам топилади.

– Қанча пулга қурмоқчи бўляпсила ўзи?

Чамамни айтдим.

Вазир ўринbosари истеҳзо билан кулди.

– Пуч хаёл бу, Холёров.

– Менга шунча маблағ етарли, қураман, – дедим қайсарлигим тутиб.

Суръат ака норизо чимрилди. Ўйчан бир тарзда қоғозларимизни яна бир кўздан кечирган бўлди. Кимларгадир қўнғироқ қилиб, айрим масалалар юзасидан сўраб-сuriштириди.

– Бўпти, – деди ниҳоят у киши, – маблағ топилса, аста-секин бошлайверларинг. Аммо лекин айтиб қўяй, Шахриёр, қурилишни ўлда-жўлда ташлаб қўйиб, ҳар хил баҳоналар қўрсатишларингга йўл қўймайман. Сиёсатни кўриб турибсила, Бош вазир ҳозир бизнинг соҳани ҳам қаттиқ назоратга олган, у кишининг майнавозчиликларга тоқати йўқ. Аяб ўтирамайди.

Мен Еркүрғонга қайтган заҳотим Фозилни чақирдим. Тумандаги йирик, бадавлат фермерлар номига хат тайёрлашни тайинлаб:

– Маълум муддатга улардан қарз сўраймиз – дедим. Фозил менга ялт этиб қаради.

– Бир пайтлар бадавлат фермерлар бошини силай бошлаганингизда ҳайрон қолгандим. Қойилман, узоқни кўзлаган экансиз.

Жуда фаросатли бола-да, Фозилимиз. Сезгир, зийрак.

– Сен аралашма, – деб уни жеркиган бўлдим эътирофи хуш ёқса-да, – айтганимни бажар. Вақт зиқ.

Ишлар сал-пал юришиб кетгандай бўлди. Хурсандман. Фермерлар илтимосини ерда қолдирмай баҳоли кудрат ёрдам беришга розичилик билдиришибди. Мен улардан униши мумкин бўлган маблағни чамалаб кўрдим. Яхши, лекин бу тегирмон қурилиши учун ҳали кам. Ҳечқурса, банқдан яна шунча кредит олишимиз зарур. Аммо бу борада уринишларимиз ҳеч бир самара бермади. Сабаби оддий: банк масъуллари қўлимиизга қарайпти. Олинадиган кредитнинг ўн фоизи микдорида уларга “шапка” узатишимиз керак эмиш. Мен ҳар бир тийинни этагимга ўн қават туғиб юрган бир пайтимда уларнинг бу шартига асло кўна олмайман. Мен ҳаммасини қонуний, ўз хуқуқим доирасида ҳал этишим зарур. Аммо...

Мана, бугун ҳам уринишларим зое кетди. Бошим бамисли тош деворга урилиб қайтди. Қонун, ҳақ-хуқуқ ҳақидаги гаплар масъул идораларда истеҳзоли кулгуларга сабаб бўларди, холос.

Хонамда оғир хаёллар оғушида ўтирибман. Таъбим тирриқ. Бир пайт эшик қия очилди.

– Сизга меҳмон келди, – деди Фозил мўралаб.

Истар-истамас бош иргадим.

– Кираверсин, ғиртbekорчиман.

Хонага Шарпа кириб келди. Одатдагидек, сочлар силлиқ таралган, афт-башара арчилган тухумдай,

кулранг костюм-шым хўб ярашган, юз-кўзда айёrona бир табассум.

– Ў-ў, безовта қилмадикми? – деди Шарпа қўлларимни маҳкам қисиб сўрашаркан.

Меҳмонимнинг бутун вужудидан куч, виқор ёғилиб турарди. Очиги, бироз шошилиб қолдим.

– Бемалол, сиз учун эшигимиз ҳамиша очик, – деб юбордим беихтиёр. Аслида, шунчаки, совуққон, лоқайд муносабат қўрсатмоқчи эдим.

Шарпа стулга bemалол ястаниб олди. Девордаги пўртанаалар оша мағрур сузиб бораётган елкан суратига бир зум тикилиб қолди.

– Зўр расм! Сермаъно! Одамга руҳ беради, – деб кўйди.

Меҳмонимнинг картиналар мазмунини тушунишдан ажабландим.

– Танишлар совға қилган, – дедим Шарпани т мoshадан чалғитиш учун. Негадир меҳмонимдан суратни қизғонаётган эдим.

– Хўш, қандай янгиликлар бор? Ка-атта ишлар бошлиш арафасида экансиз? – деди у бироз об-ҳаво, нарх-наво ҳақидаги гаплардан сўнг, – биз доим кеч эшитамиз.

Ҳасратга тўлиб турган эканманми ё Шарпада одамини бўшаштирадиган қандайдир хислат борми, ишқишиб, отасига арз қилаётган калтакланган боладай бор дардимни тўкиб солдим.

– Газетаю телевидениеда ҳар куни бонг уради, тадбиркорликка, тараққиётга кенг йўл деб, банклар қўллаб-кувватлашга шайлиги ҳақида оғиз кўпиртириб мақтанишади, лекин амалда бошқача, банкирларнинг кўнглини топмаса, эшигидан ҳам киритмайди, – дедим узундан узоқ шикоятлар сўнгиди.

Меҳмон оху фигонимни сабр-тоқат билан, гоҳ қошларини таажжубли учирив, гоҳ нописанд илжайиб эшилди.

– Шаҳриёржон, – деди мен томоғи қуруқшаб қолган нотиқдай пиёладаги совуқ чойдан хўплаётган пайтим, – иқтидорли, фаросатли, тадбиркор одамсиз. Бундай муаммоларни бизга ўхшаган акаларга топширинг-да, сиз янгидан-янги режалар, лойиҳалар устида бош қотираверинг. Ахир ҳамкорлармиз-ку ё адашдими? Хуллас, эртага соат ўнда бухгалтерингизни марказий банк ёнида кутаман. Бу масалани ҳал деб ҳисоблайверинг. Хўш, яна қандай хизматлар бор бизга?

– Ҳозирча шу, – деб қўйдим.

Қизиқ, муаммо битди. Лекин на қувонаримни, на хафа бўлишимни билмайман. Қаршимдаги одам қанчалар кучоқ очса ҳам, негадир бир ёқларга қочиб кетгим келарди. Нега? Нима ёмонлик қилди у? Доимо дўстлик, ҳамдардлик, ҳамкорлик намойиш этса?! Ахир, ҳамиша тисарилиб, бекиниб юролмайман-ку. Шарпа дасти дароз, сўзи ўткир, тили узун одам. Истаган пайт мени топиши, хоҳласа, дўстона гаплашиши, хоҳласа, ерпарчин қилиб ташлаши мумкин. Демак, Шарпадан яшириниб, ўзимни фаришта санаб қочиб юришимдан ҳеч бир маъно йўқ. Аксинча, бундай қудратли одамлардан фойдаланиб қолган ҳам маъқул.

– Яна хизматлар бўлса, тортинманг, – деди Шарпа қўзимга тик, алланечук совуқ тикилиб.

– Йў-ў, – дедим негадир безовталаниб.

– У ҳолда менда хизмат бор.

Кўз олдим бир қорангилашиб кетди.

– Бемалол, – деб қўйдим.

– Тиллаев Жуманни танийсиз-а?

– Ҳа, комбинатда неча йил ёнма-ён ишлаганмиз. Украиналарга бирга бориб келганмиз.

– Шу йигит ҳақида фикрингиз қандай?

– Яхши, мулоим, ўз ишини билиб бажаришга ҳаракат қиласади.

– Жуман менга қариндош. Шу йигитни ёнингизга олсангиз-чи, иш ўргансин, дейман. Билими, укуви ту-

зук, лекин ўзини доим чеккага тортиб юради. Гүё бир умр комбинатда ҳисобчи бўлиб юришни ният қилгандай. Мен унинг ҳам худди сиздай товонидан ўт чақнаб туришини истайман. Худди сиздай тадбиркор, мустақил фикрлай оладиган шахс бўлишини хоҳлайман.

– Бир ўйлаб кўриш керак экан, – дедим бўшашиб.

– Қолаверса, – деб гапида давом этди Шарпа гўё менинг луқмамни эшиитмагандай,- ёнингизда албатта, ишончли, суюнса бўладиган дўстлар, кадрлар бўлиши керак.

– Маъқул, учрашиб кўрайлик, балки ўзида бирор режа бордир.

– Унинг орзуси ҳам, режаси ҳам сизнинг ёнингизда бўлиш, – деди Шарпа ҳеч бир эътиrozга, иккиланишга ўрин қолдирмай.

### Ўн саккизинчи саҳифа

Оғир юк машиналари шовқин-сурони, тош-шағал, темир-терсакларнинг шақир-шукури, жаранг-журунги, ишчи-хизматчиларнинг гоҳ қувноқ, гоҳ ғазабнок қий-чуви менга бамисли буюк бастакорнинг бетакрор симфониясидай хуш эшитилар, қурилиш майдонида кўтарилаётган чанг-тўзон худди қимматбаҳо упа-эликдай кўринар эди.

Уч ойдан бери шундай қайфиятдаман. Уч ойдан бери димоғим чоғ, вақтим хуш. Тегирмон қад ростлаган сайин бўйим ҳам осмон қадар юксалиб бораётгандай гўё.

Ўша суҳбатдан сўнг Шарпа чиндан ҳам муаммони тезгина ҳал қилди. Мўлжалдаги маблағни олдик. Замонавий тегирмон қурилишини бошлаб юбордик.

Бир пайтлар, Ерқўргон дон тайёрлов идорасида эндиғина иш бошлаган кезларим бу ердаги ишчи-хизматчилардан қаттиқ хафа бўлгандим. Уларни нодон, ваҳший сифатида кўрган эдим. Нафратим беҳад кучли

эди. Бугун ўша кечинмаларимга тавба қилиб турибман. Уларни алқашга, мақташга сўз топа олмайман. Қандай меҳнаткаш, содда, заҳматкаш жамоа! Тегирмон куриш бизнинг вазифамиз эмас, деб бир чеккада томошабин бўлиб туришгани йўқ. Анчагина чиқим талаб баъзи бир ишларни ҳам ўзлари ҳашар усулида битказиб ташлашди. Илоё, барака топишсин! Ана, деразадан кўриб турибман: лаборатория ходимлари бугун эрталабдан қўлга белкурак, чўкич, кетмон олди. Оғир юк машиналари касридан ўйилиб-ўпирилиб қолган йўлакни созлашга киришиб кетишиди.

Тиллаев, ўша куни Шарпа тавсия қилган йигит, менинг янги муовиним уларга бош-қош. Кўз тегмасин, шу ўринбосардан ёлчиганга ўхшайман. Келганидан бери тиним билгани йўқ. Эртаю кеч корхонада десак ҳам хато бўлмайди. Тегирмон қурилишидаги ҳар бир хатти-ҳаракатни зийрак кузатиб турибди. Зарур жихоз, ашёларни дарҳол топиб келади. Барака топгур, оғиримни енгил қилди. Комбинатда ишлаб юрган кезларим, очиғи, унча эътибор қилмаган эканман. Билими, тажрибаси, тиришқоқлиги бор ходим кўринади. Қай куни сарғишдан келган, соchlари тиканак, юзи ялпоқ, кўзлари қисиқ бир йигитни олдимга бошлаб кирди. Шамсиев Маҳмуд, деб таништириди, соҳани яхши билади, агрономлик штатига ишга олсак, деди ийманиб. Тиллаевга меҳрим товланиб турганидан, тегирмон қурилишининг авжидан қувонганимдан ортиқча ланжлик қилиб ўтиրмадим. Шамсиев Маҳмудни бирдан ишга қабул қилдим. Ана, у ҳам ишлаётган ишчилар орасида куймаланиб юрибди.

Ишқилиб, ҳаммалари барака топишсин! Арғамчига қил қувват деганлари шу-да. Бирдамликка не етсин.

Худди шундай ўйлар оғушида сархуш ўтирган пайтим бўсағада Фозил кўринди.

– Мумкинми, қўл кўядиган қофозлар бор эди.

– Киравер, бу ёққа кел, – деб уни ҳам дераза ёнига имладим,- қара, тегирмон қураётган усталарни-ку, тушунса бўлади. Улар тезроқ ишни якунлаб, тезроқ пулни чўнтақка уриш пайида, лекин, қара ўзимизнинг ишчи-ходимлар ҳам қанчалар астайдил тер тўқаяпти. Худди ўзлари учун иморат солаётгандай, қара, қандай аҳил, меҳнаткаш жамоамиз бор.

Фозил кулди.

– Очиғини айтсам, уришмайсизми?

– Айт-чи аввал.

– Беш-олти йил илгари уруғлик донни вагондан тушириш учун сизга шарт қўйган қавмни эслайсизми? Ҳар хил фитналарга учеб сизга тош отишга шай турган тўда ёдингиздами?

– Ҳа, ўша кунларни унугиб бўларканми?

– Сиз мақтаб-алқаб турган одамларнинг кўпчилиги ўша қавмда эди. Тўғри, ҳозир ўзгарган, жуда-жуда ўзгарган. Лекин уларни сиз ўзгартирдингиз, тарбиялдингиз, шакллантирдингиз, Шаҳриёр ака. Фамхўрлик, олижаноблик, эътибор кўрсатиб, жамоанинг онгига, кўнглига таъсир ўтказдингиз. Жамоа бугун сизнинг атрофингизда жипслашди. Сиз истасангиз, керак бўлса, тоғни ҳам кўпориб ташлайди.

– Ярамас, ёмон хушомадгўйга айланиб боряпсан-да, – дедим Фозилга хўмрайиб.

– Бўлиши мумкин, – деди у ҳам бўш келмай, – мен ҳам сизнинг тарбиянгизни олганман.

– Йўқол, чёрт! – дедим ўзимни аранг кулгидан тийиб. – Сени жазолайман. Ҳамма қатори бир оклад мукофот пули оласан.

– Жазоингиз бош устига!

Фозил кўл қўйилган қофозларни олиб чиқиб кетди.

Мен ҳаётдан, ўз-ўзимдан, жамоадан, барча-барчадан мамнун эдим.



### Үн түккизинчи сағиға

Бир пайтлар нуфузли жамоаларда түп суріб шоншұхрат қозонған, мураббий сифатида ҳам анча-мунча ютуқларга эришган Арсен Идрисов мана шу одам деса

биров ишонмайди: ўсиқ сарғиши соchlари тўзгин, кўкиш кўзлари сўниқ, ичкиликбозлиқ нуқси урган юzlари сўлғин, эгнидаги жинси камзули анчайин униқдан. У келишилган вақтдан роппа-роса бир соат ўтгач, ниҳоят, кириб келди.

– Извиняюсь, что опоздал, – деди юзимга саволчан тикилиб, – чё ты хочешь, Шахрияр?

Машхур собиқ футболчининг оғиздан сал-пал май иси анқиб турарди. Бу менга ёқмади. Гапни нимадан бошлишни билмай унга бир зум тикилиб қолдим.

Ўтган ҳафта мени вилоят ҳокими чақиртирган эди. Дарҳол етиб бордим.

“Шахриёр, ишларингни кузатиб боряпман, – деди Муҳриддин Зокирович қисқа салом-алиқдан сўнг, – қаттиқ меҳнат қиляпсан, корхонанинг қаддини тикладинг, раҳмат. Лекин бугун қаддини тиклаш керак бўлган бошқа соҳалар ҳам бор. Улар учун ҳам қайғуришимиз шарт. Масалан, маънавият, спорт, соғлом турмуш тарзи. Агар бу масалалар четда қолса, миллиард-миллиард пул топганимиздан нима наф?”

“Муҳриддин Зокирович, балки биз бепарволик қилгандирмиз, лекни ўша соҳалар сизнинг ҳамиша эътиборингизда-ку”.

Мен бекорга бундай демадим. Чунки вилоятда кейинги йилларда маънавият, спорт соҳаларида жидди ислоҳотларга қўл урилган эди. Жумладан, шахсан Муҳриддин Зокировичнинг амалий ёрдами, ғамхўрлиги туфайли вилоятда футбол кескин ривожланди. Бир неча клублар ташкил этилди. Вилоятнинг уч футбол жамоаси мамлакат Олий лигасида тўп сурар, халқаро мусобақаларда қатнашар, совринли ўринларни эгаллаб келар эди. Бунга бошқа вилоятлар аҳолиси ҳавас билан қарашига, ўзаро суҳбатларда роса мақтاشганига қўп бор гувоҳ бўлганмиз.

“Битта менинг ҳаракатларим етарли эмас, – деди Мухриддин Зокирович эътирофимга эътибор бермай, – ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқаришимиз керак. Масалан, Ерқўрғон энг йирик, энг нуфузли туманларимиздан бири. Лекни нега унинг ўз футбол жамоаси йўқ? Нега бу масалага бепарво юрибсизлар?”

Бутун вужудимда ҳаяжон, қувонч, изтироб қоришиб кетди. Ахир вилоят ҳокими неча -неча йиллик орзу-армонимни тилга олган эди-да!

“Кечирилмас гуноҳ бўйнимизда”, – дедим ерга қараб.

“Шу гуноҳни ювиб ташлаш вақти етди. Шаҳриёр, футболга меҳрингни, ихлосингни яхши биламан. Ўзинг бош-қош бўлиб футбол жамоаси тузгин. Кўлингдан келишига ишонаман. Муаммолар учраса, ўзимга айтавер, бажону дил ёрдам бераман”.

Ўша қуни вилоят ҳокими қабулидан қачон, қандай чиққанимни билмайман. Ушалаётган орзулар қанотида бамисли парвоз қилиб юрардим. Стадион тўла муҳлисларнинг серзавқ қийқириклари гўё қулоқларим остида жаранглаб турарди.

Марказдан қайтгач, кичкина машварат ўтказдим. Одатдагидек, Панжиев, Тиллаев ва бошқа масъул ходимларимиз ҳозиру нозир бўлди. Мен вилоят ҳокими топширифини айтдим. Ҳамма қувончдан қарсак чалиб юборди. Айниқса, Шамсиевнинг қисиқ кўзлари завқ-шавқдан чирокдай порлаб кетди. Билдимки, бу агроном йигитнинг футболга қизиқиши жуда баланд. Ҳатто, бу соҳанинг барча икир-чикирларидан хабардорга ўхшайди.

“Хуллас, кучли бир жамоа йиғишимиз керак, – дедим сўзим давомида, – Маҳмуд, бу масалада асосан сизга таянаман. Ёрдамингизни аямайсиз деган умиддаман”.

Шамсиевнинг семиз, сарғиз юзи кулгидан хамирдай ёйилиб кетди.

“Албатта, хўжайин. Ўзим ҳам коллежда ўқиб юрган пайтларим яхши шуғулланганман”.

Ходимларим тегишли топшириқларни олгач, тарқалишдик.

Кучли бир мураббий топиш ўзимнинг зиммамда эди. Мен қўпдан бери Арсен Идрисовни қўз остимга бостириб юрардим. Бир маҳаллар моҳир футболчи бўлган, лекин ноҳақликларга чидай олмай ўзини четга тортган бу спортчи кейинчалик ичкиликка анча берилиб қолган эди. Мен нафақат футболни ривожлантиришни, балки Арсенга ўхшаш ўз мувозанатини йўқотган салоҳиятли спортчиларни ҳам ҳаётга, яшашга, курашга қайтаришни истардим. Шунинг учун ҳам Идрисовни излашга тушдим. Албатта, уни излаб топиш қийинчилик туғдирмади. Арсен одатдагидек бозор биқинидаги исқири, арzon емакхонада бир тўп бекорчилар, безорилар қуршовида қўйма пиво ҳўплаб ўтирган экан.

“Шахрияр! Мой замечательный друг! Давно мы не встретились!”

Арсен менга кўзи тушиши билан шундай дея пешваз юрди. Билдимки, кайфи тароқ, ҳозир гаплашиш бефойда. Қисқача салом-аликдан сўнг, уни эртага фалон пайтда идорада кутишимни айтдим. Сен учун зўр таклиф бор, дея қизиқтирган бўлдим.

“Бўйти, бораман,” – деб ғудранди у.

Мен Арсеннинг келишига ишонмагандим. Аммо кечикиб бўлса-да, ваъдасини бажарди. Демак, ҳали буткул одамгарчиликдан чиқмаган, яна тўғри йўлга киришга иродга олади.

– Еркўрғон футбол жамоасини тузамиз. Сен бош мураббий бўласан, – дедим вилоят ҳокими билан учрашувимни айтиб бергач.

Арсен истеҳзоли илжайди

– Худди эртаклар оламида яшаётганга ўхшайсан-а!  
Сал-пал өрга тушгин, атрофга боқ!

- Нега? Жамоа туза олишимизга ишонмайсанми?

- Балки...мумкиндири...лекин уни катта саҳнага олиб чиқишишнинг мутлоқ иложи йўқ.

- Арсен, сен зўр футболчисан, зўр тренерсан. Бошқа муаммоларни мен ҳал қиласман. Қўлни қўлга берсак, насиб бўлса, дунё футболига ҳам чиқамиз.

Идрисов яна кинояли кулди.

- Шахрияр, вилоят футбол федорацияси бошлиғи ким эканлигини биласанми? Вилоят прокурори.

- Хўш, бунинг нима аҳамият бор?

- Нима аҳамияти бор?! Эй, улар тўп ўрнига сени тепишади. Жамоа тузганингга минг пушаймон қилдиришади.

Арсен қаҳ-қаҳ отиб кулди.

### Йигирманчи саҳифа

У ёғидан ўтиб қарайман, бу ёғидан ўтиб қарайман. Бутун борлиғимни ҳаяжон, қувонч қамраб олган. Наҳотки, буни биз қурдик?! Кўкка бўй чўзиб, савлат тўкиб керилганича туришини қаранг! Мана бу тегирмонни, мана бу жиҳозларни кўринг. Дунёning қай бир мамлакатида ясалган. Пишиқ-пухта, мураккаб усқуналар.

Ха, кўпдан орзу қилиб юрилган замонавий тегирмон тап-тайёр! Қора меҳнатни, манглай терини, ақл-фаросатни аямадик. Фақатгина пулни, маблағни тежашга ҳаракат қилдик. Зарур ашёларнинг энг сифатлисини, шу баробарида энг арzonини излаб республика бўйлаб изғидик. Хориж бозорларини яхши биладиган бизнесмен биродарлар билан учрашдик, гаплашдик, маслаҳатлашдик.

Бир гал Тиллаев иккимиз нозик бир қоплама топиб келиш учун Тошкентга бордик.

“Ўв, чўнтақка эҳтиёт бўлинг, Тиллаев, бу ер сизга Украина эмас”, - деб қўяман ўша Одесса сафарини эслатиб.

“Ўшанда сизга роса қойил қолганман, мураккаб бир масалани ҳал қилгансиз”, - дейди Жуман ҳам олис хотираларга берилиб.

Афсуски, излаган матоҳимизни пойтахтдаги энг иирик темир-терсак бозоридан тополмадик. Қадрдон бизнесмен биродаримиз Чилонзор томонда жойлашган бир фирманинг манзилини ҳам берган эди. Ўша ёққа бориш учун бўшашибгина бозордан чиқдик.

Катта-кенг кўчада машиналар дарё мисоли оқиб ётиби. Чинқирган, гувуллаган, увллаган товушлардан қулоқлар батанг. Курум, дуд исидан бошлар айланади. Йўл бўйида киракашлар ғужғон ўйнайди.

“Кўйлик... Кўйлик...”

“Чорсуга бир одам...”

“Метро... метро...”

Шу сингари қичқириқлар, даъватлар бир зум ҳам тинмайди.

Биз улов ёллаш учун ўшалар томон юрдик. Бир пайт “Юнусобод... Юнусобод” деб чорлаётган товуш қулоғимга жуда таниш туюлди. Ялт этиб қарадим. Адашмаган эканман. Шундоққина биқинимда машина калигини бармоғида ўйнатган кўйи Эминов турарди!

Ўша Республика прокуратурасининг масъул ходими, таҳдидли-тазиикли терговчи, Э-Э-Э, Эркин Эсонович Эминов! Эгнида анчагина оҳори кетиб қолган чарм камзул, жинси шим, соchlари сийраклашиб, бамисли қировга беланиби. Аммо нигоҳлари тийрак, қадди қомати тик, кўллари бакувват.

Мен уни кўрмасликка олишга уриндим. Тағин киракашлик қилиб юрганидан уялмасин дедим. Аммо у мени аллақачон таниб улгурган экан!

- Шахриёр Эшбекович! - деди елкамдан тутиб. - Ўзингизми?

Мен ҳам беихтиёр илжайдим.

- Э-Э-Э! - дедим астойдил кучоқ очиб.

– Ҳа, мен ўша “Э-Э-Э!” – эски танишим белларимдан маҳкам кучди, – учрашганимизни қаранг-а!

– Очиғи, мен сизни танимабман. Ўзгариб кетибсиз.

– Ҳа, ўзгарганман, буткул ўзгарганман. Сиз эса, – Эминов афт-ангоримни, уст-бошимни яна бир карпа кўздан кечирган бўлди, – ҳамиша навқирон, ҳамиша оптимист! Ҳали ҳам ўша “Заготзерно”ми?

– Ҳа.

– Ие, бу ёғи қизиқ бўлди-ю, ҳалигача қамалиб кетмадингизми?

– Нафасни иссиқроқ қилинг-э, – дедим астойдил ранжиб.

– Демак, тузукроқ ишламабсиз, – деди Эминов ранжишимга асло парво қилмай, – Бизда қобилиятли, салоҳиятли одамни тез тинчтишидаи.

– Сал ошириб юбордингиз, унчалик эмас.

Энг қизифи, Эркин Эҳсонович ҳамроҳимни ҳам таниди.

– Адашмасам, сиз анови комбинатда ишлардингиз-а, Жуманбек, – деди узун-қисқа саломлашувдан сўнг, – дафтар-пафтар кўтариб юрадингиз.

– Ҳозир биргамиз, Тиллаев менинг муовиним, – деб қўйдим мен.

Тушлик вақти ҳам қистаб келган эди. Эски таниш билан сұхбатни чеккароқ бир ошхонада давом эттиридик. Мен Эминовдан хизмати, турмуши юзасидан бирор нима сўрашга ботинолмай турадим. Хайрият, ўзи гап очди.

– Мен прокуратурадан кетдим, – деди Эминов бир бўлак кабобни оғзига соларкан, – Бизга тўғри келмай қолди.

– Қандай? Нега?

– Шундай. Менинг тутумларимга тўғри келмай қолди. Назаримда, ҳуқуқ-тартибот органларимиз заифларни баттар эзиб, зўравонларни ҳимоя қиласидиган

ташкилотга айланиб кетди. Менга киракашлик маъқул кўринди.

– Бекор хизматдан кетибсиз, – дедим астойдил ачи-ниб, – шу кеча кундуз жуда кераксиз. Мана, янги Бош вазирнинг иш фаолиятини кузатиб турган бўлсангиз керак. Ҳамма соҳани жонлантиришга қатъий киришди.

Эминов ўйчан чуқур тин олди.

– Тўғри, Бош вазирга тасанно. Ҳаракатлари бирдан сезилди. Лекин ислоҳотларни охиригача муваффақиятли олиб боришига кўзим етмайди.

– Нега?

– Нега бўларди. Ахир тепада дода борлар. У кишининг ҳам ниятлари, орзулари режалари зўр. Лекин бир гуруҳ лўттибоз, найрангбоз, қароқчилар куршовида қолиб кетди. Билиб-билмай уларнинг сўзларига ишониб қоляпти. Хуллас, ҳокимият асосан Эминов елкаси-ни бир силаб қўйди, – погонлилар қўлига ўтиб кетди. Булар Бош вазирга жон-жаҳдлари билан қаршилик қи-лишлари аниқ.

– Билмадим, лекин мен Бош вазиримизнинг шижко-атига кўпроқ ишонаман.

– Фақат ишониб қолманг, ўз соҳангизда ишни дўн-дириб камарбаста бўлинг, – деди Эминов жиддий бир қиёфада.

Биз илиқ хайрлашдик. “Э-Э-Э”ни Еркўрғонга таклиф этдим.

– Албатта, албатта бораман. У ёқقا ҳам клиент чиқиб қолар, – деди у хушхандон кулиб.

Эминов хаёлимдан кетмай қолди. Ўйлаганим сайин унга ҳурматим тобора ошиб борарди.

Мана, кеча замонавий тегирмонимизнинг очи-лиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда вазир ўринбоса-ри Суръат Жабборовичнинг шахсан ўзи иштирок этди. Вилоят ҳокими муовини, вилоятдаги бошқармамиз бо-шлифи ва, албатта, Шарпа шу ерда ҳозири нозир бўлиш-

ди. Мен негадир Эркин Эминов ҳақида ўйлардим. У ҳам тадбиримизда қатнашишини, менинг "тузук ишлаётганим"ни кўришини истардим.

— Хурматли дўстлар, — деди Суръат Жабборович очилиш маросимини очиб берар экан, — бепоён юртимизнинг чекка бир туманида катта ишлаб чиқариш қувватига эга тегирмоннинг барпо этилиши ғоят қувончли воқеа. Очиги, биз "Заготзерно" деган ташкилотни хўжаликлардан дон қабул қилиб оладиган, уни сақлайдиган, керакли жойларга тарқатадиган бир идора сифатида қарашга одатланиб қолганмиз. Аслида уларнинг зиммасидаги асосий вазифа ҳам шу. Шугина вазифани қўнгилдагидек уддалаб юришса ҳам биз бу ташкилотдан розимиз. Қарангки, бу ерда ҳам ишлаб чиқаришни, тадбиркорликни йўлга қўйиш мумкин экан. Қарангки, асосий вазифани қойилмақом бажариб қўйиб, корхонанинг молиявий қувватини, жамоанинг даромадини, фаровонлигини янада ошириш учун имкониятлар излаб топса бўлар экан. Бу ўз-ўзидан юзага чиқмайди, албатта. Бунинг учун, аввало, корхонанинг эртасини ўйлайдиган, жамоанинг ғамини чекадиган, бошқача таърифлаганда, элим деб, юртим деб ёниб яшайдиган жонкуяр, қатъиятли раҳбар керак. Мен Шахриёр Холёровни шундай раҳбар сифатида кашф этдим. У мана шу тегирмонни куриш учун қанчалар югуриб-елганидан хабардорман. Шахриёр Эшбекович бизлар айрим мулоҳазаларга бориб кўрсатган қаршиликлардан ҳам чўчимади. Ўз кучи, ўз фикрига таяниб, олға юрди. Мана, Холёровнинг, у кишига камарбаста жамоанинг қатъий ҳаракатлари, интилишлари самарасини бугун кўриб турибмиз. Мен фурсатдан фойдаланиб, Еркўргон туман раҳбариятини, Еркўргон дон тайёрлов идораси жамоасини, умуман, тадбиримизда йигилган барча дўстларни янги, мўъжаз корхона билан чин қўнгилдан табриклайман. Лекин аминманки,

Шахриёр Холёров ва унинг сафдошлари бу биланги-на чекланиб қолмайди. Уларнинг режа ва лойиҳалари ҳали кўп. Ўша эзгу ишларни амалга оширишларига ҳам тилакдошман.

Вазир ўринbosарининг жўшқин, самимий сўзла-рини тантана қатнашчилари қизғин қарсаклар би-лан олқишлиашди. Айниқса, Шарпа! Одатдаги жиддият ва сипогарчиликдан асар ҳам йўқ! Худди ўз шаънига мақтов эшитгандай, лаб-лунжи табассумдан ёилиб беармон чапак чаларди. Ора-чора ёнидагиларга мам-нун бир қиёфада гап ташлаб қўяди. Унинг хатти-ҳара-катлари менга жуда ғалати туюларди.

Тантанали тадбир якунлангандан сўнг Суръат Жа-бборович мен билан етаклашиб, яна тегирмон биноси ичига кирди. Худди бирор нарсасини йўқотиб қўйган одамдай ҳали бўёқ ҳидлари анқиб турган дастгоҳларни яна кўздан кечира бошлади.

– Ростдан ҳам сиз буни ўша айтган маблағингизга курдингизми?

– Ҳа, нўлу нўл ўшанча пул сарфладик.

Вазир ўринbosари ўйчан бир қиёфада алланеларни чамалаб:

– Мен сал-пал тушунмай турибман, – деди, – яна икки туманда худди шундай тегирмон қурилганидан хабарим бор. Лекин уларга сизницидан икки ҳисса кўп маблағ сарфланган.

– Ҳа, энди-и... пуллари кўп бўлса, аямай сарфлаш-ган-да, бизнинг қўлимиз юпқа, ҳар бир тийинни тे-жашга уриндик. Харажатталаб кўп ишларни ҳашар усу-лида бажардик.

Сураът Жабборович назаримда гапларимни эшит-мади. У киши ҳануз ўйланиб, алланеларни хаёлан хом-чўт қилиб турарди.

– Йў-ў... бу ерда бир гап бор... Найранг қилганга ўх-шаяпти улар. Шарманда бўлиб қолишмаса эди ҳали.

– Суръат Жабборович, узр, – дедим у кишини нохуш хаёллардан чалғитиш учун, – чиқайлик, бошқалар кутиб қолишиди.

Мұхтарам мәхмонимиз қурилмани яна бир бор күзден кечириб бош ирғади.

– Қойилман сизга, ҳақиқий тадбиркор экансиз.

– Ортиқча мақтаманг-э, Суръат ака, камбағалчасига амал-тақал қилиб қўйдик-да.

– Йў-ў, сиз камбағал эмассиз, сиз кўзи тўқ, кўнгли тўқ раҳбарсиз. Худо хоҳласа, ҳали узоққа борасиз.

– Раҳмат, Суръат Жабборович, раҳмат, – дедим эътирофдан яйраб, – ишончни оқлашга ҳаракат қиласман.

## 13

*Корхонанинг барча ютуқлари бир томон, Еркўрғон футбол жамоаси тузилгани бир томон бўлди. Ҳамма мухлислар, ишқибозлар қатори мен ҳам эшаги эгиз туққан камбағалдай ҳаяжонланиб юрадим.*

Ҳа, корхонанинг шунча ташвиши, муаммолари бўлишига қарамай Шаҳриёр Эшбекович бу масалага ҳам алоҳида эътибор, алоҳида ихлос билан қаради. Юугурди-елди, ниҳоят, футбол жамоасини шакллантирди. Аввалига иккиланиб, саросималаниб юрган Арсен Идрисов ҳам мураббийлик фаолиятига ташналиқ билан киришиди. Ичкиликбоз, бекорчи нусхадан бир юмалаб тала-бчан, салоҳиятли устозга айланди.

*“Арсенни ботқоқдан тортиб чиқарганимиз биринчи катта ютуғимиз бўлди,”*-дерди Шаҳриёр Эшбекович қувониб.

“Учу нўл!” – деб қўяман мен.

Шундай фараҳли, дилкаш қунларнинг бирида Арзиев пайдо бўлди! Ҳа, бу собиқ бошлиққа гумашталик қилиб, ҳар хил ғаламисликларга аралашиб, охири, корхонадан қувилган ўша омбор мудири. Анча-мунча озид-тўзиб, хипчалашиб қолибди.

– Шаҳирёр акани кўрмоқчи эдим, – деди у ботинмай-гина.

Мен жавоб беришга улгурмадим. Шу пайт ичкари хонадан бошлиқнинг ўзи чиқиб қолди.

– Ия, Кулмат?! Хуш кўрдик, – дея собиқ ходим билан қизғин кўришди.

Бир пайт Арзиев моҳир сухондонларга хос тарзда, ҳар бир сўзни дона-дона талафуз қилиб:

– Сизга бутун оиласиз номидан миннатдорчилик билдиргали келдим, – деди.

Холёров кулиб юборди.

– Тўғрисини айтинг, бу гапни қаердан ўқиб ёдлаб олдингиз?

– Керак бўлди, ўрганиб олдим-да, – деди собиқ ходим баттар каловланиб.

– Хўш, нима учун миннатдорлик билдирасиз?

– Ўғлимни футбол жамоасига олибсиз, кеча мукофот ҳам берибсиз.

– Азимбой қобилятли ўйинчи, келажаги порлок,

– Менинг болам бўлгани учун олмайсизми деб қўрқандик.

– Айнан сизнинг ўғлингиз бўлгани учун ҳам жамоага қўшидик. Отаси кўрмаган рўшноликни, зора, боласи кўрса, дедик.

Арзиев мамнун илжайди.

### Йигирма биринчи саҳифа

Улуғ шоиримиз таърифлагандай, депсинганича туриб қолган тулпор тизгини моҳир, чапдаст чавандоз қўлига ўтгани чин экан. Масалан, ғаллачилик борасида ҳам жиддий ўзгаришлар сезила бошлади. Худди бошқа соҳаларда кузатилгани каби бу масалада ҳам Бош вазир муаммоларни таҳдилий-танқидий кўриб чиқиб амалий чора-тадбирларни олға сурди. Очиги, ғалла мустақиллигига эришиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар суст-



лашиб кетган, бу борада раҳбарият асосан буйруқбозликка, қофозбозликка суюниб қолган эди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг галдаги Қарори бамисли ёз осмонидаги момақалдириқдай бўлди. Қишлоқ хўжалигига, жумладан, ғаллачилик соҳасига инқилобий бир рух олиб келди.

Қарорда ахволи ночор дон тайёрлов идоралари мавқеи баланд, имкониятлари кенг дон тайёрлов идоралариға филиал тарзда күшиб юборилиши күзда тутилган эди. Шунингдек, хұжаликларга сифатлы уруғлик етказиб бериш ва унинг бекаму құст униб чиқишини, замонавий агротехника асосида парваришлишни назорат қилиш ҳам дон тайёрлов ташкилотлари зымасига юклатилған эди.

Қарор матнидаги худди шу сатрларни үқир эканман, юрагим гурс-гурс уриб, аъзойи баданим ёқимли жимирлаб кетди. Чунки бир ойча аввал катта йиғинлар-нинг бирида айнан шундай таклифни ўртага ташлаган әдим. Фикрим вилоят ҳокимиға ҳам ёқиб түшди.

“Холёровнинг айтганлари тұғри, бу тизимни жо-рий қиласыз”, – деди Мухриддин Зокирович таклифимни құллаб-қувватлаб.

Очиғи, менинг хаёлимда юрган, мана, ҳукumat Қарорида ҳам құрсатилған чора-тадбир биз учун ортиқча ташвиш, ортиқча чиқим әди. Лекин ғаллачиликни ри-вожлантириш, мұл-құл ҳосил олиш учун мұхим амалий иш қилиш, ҳукumat бошлаган ислоҳотларга камарбаста бўлиш кўнгилга ғурур, ифтихор бағишлийди.

Газета варактаб шундай ўйлар куршовида ўтирганимда телефон жириングлаб қолди.

– Алё, эшитаман, – дедим гүшакни қулоғимга тутиб.

Нуралы Ширинович экан.

– Холёров, нақ авлиё экансиз-а, – деди масъул ходим тұлқинланиб, – Вазирлар Маҳкамасининг қарори-ни ўқидингизми?

– Ҳа, ўқиб мулоҳаза қилиб ўтирибман.

– Қойил, бунда ҳам сиз айтган фикрлар илгари сурилибди.

– Раҳбар одам уч-тұрт қадам олдинда кўра билиши керак-да, – дедим чин-ҳазил аралаш мақтаниб.

– Гапларингиз тұғри, лекин хурсанд бўлишингизга са-ал эртами дейман-да.

Бирдан сергак тортдим.

– Тинчликми? Нима гап?

– Кўриқдаги “Заготзерно” сизга филиал бўлади. Ҳоким айтди, уволям, савобиям сизнинг бўйнингизда.

Бир зум караҳт туриб қолдим. Нурали Ширинович тилга олган ташкилотни беш кўлимдай биламан. Энг чекка тумандаги энг чекка, хароб, вайронা маскан. Сўнгги беш йил ичида бу дон тайёрлов идорасига раҳбарлик қилган икки киши қамалиб кетди. Ўғрилик, найрангбозлик авжига чиққан ташкилот.

– Эй, Холёров, – гўшакдан зардали овоз келди, – ухлаб қолдингизми ё хабарни эшишиб хушдан айрилдингизми? Нега жимсиз?

– Эшиятман, ака.

– Эртага соат ўнда вилоят ҳокимлигига етиб кeling. Икковимиз Кўриқقا борамиз. Филиални қабул қилиб олинг.

– Хўп.

Мен бўшашибгина гўшакни жойига қўйдим.

### Йигирма иккинчи саҳифа

Ҳар учрашганимизда гоҳ тасвирий санъат, гоҳ кино асарлар ҳақида мароқли ҳикоя қилавериб Жана эс-хушимдан айиради. Ҳар бир сўзини, ҳар бир иборасини чўлда қолган саргаштадай чанқоқлик билан тинглайман, тахайюл дунёсига ғарқ бўламан. Бир гал Жана бадий адабиёт борасида гап бошлади. Не бир шоибу адабларнинг асарларини моҳир мунаққид мисол тахлил қилиб берди. Кетар чоғим семиз бир китобни қўлтиғимга қистирди.

“Альбер Камю, – деди сирли бир оҳангда, – буюк ёзувчи, улкан файласуф. Унинг мана шу эсселар тўпламини ўқиб чиқинг, келгуси сафар гапириб берасиз”.

Ишхонага келгач, ўша китобни ихлос билан варақлашга тушдим. Ундан хушбўй нарсаларнинг, тўғри-

роғи, Жананинг ҳиди келарди. Аммо ичидаги битиклар жуда зерикарли экан. Фақатгина “Сизиф ҳақида афсона” деган эссе таъбимга ўтирди. Асарда Сизиф исмли донишмандни юонон худолари жазолайди. Яъни, у ҳар куни тоғ тепасига харсангтош юмалатиб чиқади. Чўққига етган жойда тош пастига юмалаб кетаверади. Сизиф уни ҳар куни, ҳар соат қайта ва қайта тоғ чўққисига юмалатиб чиқишига маҳкум.

Мен Кўриқ дон тайёрлов идорасини қабул қилиб олган куним негадир ўша афсона ёдимга тушди.

“Вой-бу-у-уй, – деб ўйладим вайрона, хароба филиалимни кўздан кечира туриб, – ҳаммасини яна қайтадан бошлар эканман-а”.

Чиндан ҳам шундай бўлди. Кўриқ дон тайёрлов идорасининг чор атрофини яхлит бетон қотирмалар билан баланд, мустаҳкам қилиб ўраб чиқдик. Ўн икки минг тонна ғалла жо бўладиган улкан айвон қурдик. Чунки шу пайтгача бу “Заготзерно”га келган доннинг асосий қисмини очиқ майдонда, устини брезент мато билан амал-тақал қоплаб сақлашар экан. На қуларингни, на йигларингни биласан. Тагидан қор-ёмғир суви сизиб кириб ҳосилнинг анча қисмини чиритиб юбориши яққол кўриниб турибди. Қандай виждан билан бундай лоқайдликка, хўжасизликка йўл қўйишган, ҳайронман. Бу ердаги жамоа таъриф-тавсифимни обдон эшишишган, шекилли, мени илиқ қарши олди. Лекин ислоҳотларимга хайриҳоҳ бўлди, қўллаб-куватлади, деб айта олмайман. Мажлис-машваратларда давлатнинг қишлоқ ҳўжалиги борасида олиб бораётган сиёсатидан сўз очсам, ғалла мустаҳкамлигига эришиш йўлида ҳукуматимиз бошлаган улкан ишларга кўмакчи бўлиш зарурлигини таъкидласам, гёё бу гапларнинг уларга асло алоқаси йўқдай караҳт тинглашади. Корхона атрофини баланд, мустаҳкам девор билан ўраш, ғалла қуруқ, сифатли сақланадиган айвон қуриш масалалари

ҳам бу ердаги жамоага ёқмагандай туюлди. Ҳойнахой, очиқ майдонда хирмон чириб ётиши, ундан истаганча қопга солиб, пастқам, илма-тешик девордан оп-осон олиб ўтиб ташмачилик қилиши уларга айни муддао эди. Айниңса, мавсум пайти антиқа-антиқа воқеалар гувоҳи бўлдим. Одатда, бундай кезлар “Заготзерно” дарвозаси олдида ғалла юкланган машиналар, тиркамали тракторлар тизилиб кетади. Бу ерда эса... дон келтирган уловлардан кўра пул кўтарган ялтирибуш, қоп-қора фермерлар турна қатор туришарди. Тўғри, давлатга ғалла топшириш режасини ақча эвазига бажарувчиларни илк бор кўриб туришим эмас. Аслида бунинг ажабланадиган жойи ҳам йўқ. Лекин айни пайдада худди ноёб бир буюм сотиб олиш илинжида дўкон ёнида сафланган эҳтиёжмнадлардек фермерларнинг сурбетларча очиқ-ошкора, истаклари амалга ошишига қатъий ишонч билан туриши мени ҳангуманг қилиб қўйган эди. Демак, Кўриқ туман “Заготзерно”сида бу ҳол одатдаги анъанага айланган. Бундай қинғирлик ийллар мобайнида давом этиб келган.

Мен пул кўтарган фермерларнинг баъзиларини яхши гапириб, айримларини дўқ-пўписа билан қайтариб юбордим.

“Менга фарқи йўқ, қаердан бўлса ҳам ғалла топиб келинглар”, дедим. Улар ишониб-ишонмай эшигимдан куруқ қайтишди.

Орадан икки кун ўтиб корхона ҳовлисида туман ҳокими ва туман прокурори пайдо бўлди.

– Сиз нималар қиляпсиз ўзи? – деди прокурор кўришар-кўришмас, – оёғимиздан чалмоқчимисиз? Нега фермерларни хафа қилиб қайтаряпсиз? Келишиб ишлаш керак.

– Мен ноқонуний қинғир келишувга йўл қўёлмайман. Аввалги раҳбарлар каби панжара ортига тушиш ниятим йўқ.

Прокурор баттар тутоқди.

– Агар истасам, сизни любой йўл билан қамоқقا тиқаман. Кўп катта кетманг. Бизга режа керак, та-мом-вассалом.

Туман ҳокими юз-кўзидан зиёли, сермулоҳаза одам экани сезилиб турарди. У жанжални бир оз кузатиб тургач, мунозараага аралашди.

– Қий-чувнинг ҳожати йўқ. Илтимос, ўзларингни босиб олинглар. Шахриёр Эшбекович, – деди у менга жонсарак юзланиб, – биз ҳар йили режани шу тартибда амал-тақал бажариб келамиз. Бошқа илож тополмаяп-миз. Сиз талабларингиз билан бизни оғир аҳволга со-либ қўйяпсиз. Охири шарманда бўламиз.

– Шодмон ака, бундай йўллар билан шармандалик-дан қутулиб бўлмайди. Ишни тўғри ташкил этиш ке-рак. Кечада Баш вазирнинг селекторда айтган гаплари-ни эшиздингиз-ку. Биздан конкрет ғалла талаб қили-няпти, режа эмас, кўзбўямачилик эмас.

– Бизга сафсата сотманг, – деди прокурор жаҳл билан бурилиб кетаркан, – ҳали сиз билан алоҳида гапла-шаман.

– Бемалол, қонун олдида барча баробар, – деб қўй-дим мен.

Ҳоким муросасозлик билан қўл силтади.

– Қўйинг, Шокировнинг гапларига эътибор бер-манг. У ҳам куюнганидан гапиради-да. Ҳали чиқишиб кетасиз, ишонаман.

– Куюнгани кўриниб турибди, – дедим киноя билан.

Шодмон Расулов мулойим бир оҳангда мавзуга қай-тди.

– Хўш, Шахриёржон, бизга қандай маслаҳат бера-сиз, қандай ёрдам кўрсатасиз? Нима қилсак, аҳвол ўн-гланади?

Мен папкамдан бир варақ битикни олиб узатдим.

– Мана, ўқиб кўринг.

– Нима экан бу? – сўради ҳоким қизиқсиниб.

Мен ҳар икки туман фермерлари учун идорамизнинг расмий хатини тайёрлаган эдим. Хатда бугунги кунда далаларда етиштирилаётган ғалланинг сифатсиз эканлиги, уни фақатгина бешинчи синфга мансуб дон тариқасида қабул қилиш мумкинлиги баён этилган эди. Бундай нохуш вазиятдан чиқишининг бирдан-бир йўли уруғ қадашдан тортиб, экинни парваришлаш жараёнигача энг замонавий технологияларни қўллаш зарур эканлиги кўрсатилган эди.

– Хатдан мақсадимиз, – деб тушунтирдим Шодмон Расуловга, – фермерлар билан ҳамкорлик қилиш, уларнинг ишига кўмаклашиш. Бош вазиримиз ҳам худди шу талабни олдимизга кўйяпти, ўзингиз ҳам хабардорсиз. Масалан, очиғини тан олиш керак, бугун мутахассислар ҳам, дехқонлар ҳам хасва қўнғизига қарши қандай курашиш кераклигини билишмайди. Зарур кимёвий дори, ўғитларни сотиб юборишни маъқул кўришади, холос.

Шодмон ака ҳар бир сўзимни эътибор билан эшитди. У киши биз кўниkkeккан одатдаги димоғдор, зўравон, гапёқмас ҳокимларга ўхшамас экан! Ҳойнаҳой, ғаллачиликни ривожлантириш учун астойдил жон куйдираётган кўринади.

– Демак, фермерларимиз “Заготзерно” билан шартнома тузади, – деди Қўриқ тумани раҳбари мулоҳазаларга берилган кўйи, – сизлар сифатли уруғлик билан таъминлайсизлар, агротехник парваришлаш масалалирида амалий ёрдам кўрсатасизлар, тўғри тушундимми?

– Ҳа, бошқа мутасадди раҳбарлар қатори биз ҳам назоратга оламиз.

Шодмон Расулов мамнун хитоб қилди.

– Жуда яхши! Хатларни, шартномаларни беришсин. Ўзим бу масала билан шахсан шуғулланаман.

Шодмон ака билан қўл сиқишиб хайрлашдик.

Ҳа, ўша күнлари Шаҳриёр Эшбековичнинг оёғи олти, қўли етти бўлиб кетди. Еркўргондан Кўриққа, Кўриқдан дала-даштга, дала-даштдан марказга, мажлис-машваратларга чопади. Еркўргон футбол жамоаси ташвишлари билан шуғулланади. Ҳаммасига улгуради. Ҳамма ишни уддалайди. Лекин ташвиш-муаммолардан ноглиганини ҳеч эшиштадим. Ўзи айтгандаи, ҳузур қилиб ишларди. Шу боисданми, доимо тетик-бардам, доимо хуш кайфиятда кўрадим. Майли, ёрдам қўлини чўзишмасин, лекин халақит ҳам беришмасин, шу менга кифоя, қолганини ўзим дўндираман, деб қўярди баъзан ҳазил-чин аралаш.

Шаҳриёр Эшбековичнинг иззат-обрўйи, мавқеи кундан-кунга ошиб борарди. Пойтахтданми, вилоят марказиданми, нуфузли меҳмонлар, текширув-танишув гуруҳлари келса, туман раҳбарияти уларни тўпна-тўғри “Заготзерно” мизга бошлаб келарди. Чунки Еркўргон дон тайёрлов идораси ҳуқуматнинг барча қўрсатма-топшириқларини, талаб-истакларини бажариб келаётган, босқичма-босқич ривож топаётган, ишлаб чиқариш йўлга қўйилган, қўшимча иш ўринлари ташкил этилган, жамоа фаровонлигини муттасил таъминлаб бораётган, қўли юпқа, тирикчилиги танг аҳолига хайру эҳсон қўрсатаётган, бир сўз билан таърифлаганди, қўз-қўз қилса, мақтанса арзийдиган корхона ҳисобланарди.

“Холёров, мажлисни ўзингиз ўтказиб туринг”, – дерди туман ҳокими, гоҳо зарур иши чиқиб қолган пайтлари, гоҳо шунчаки эриниб турган чоғлари ўз муовинларидан, ёрдамчиларидан кўра унга кўпроқ ишониб. Чунки Шаҳриёр Эшбекович ҳамма соҳани ҳам яхши билар, ютуқлар ёки камчиликлар юзасидан бемалол сўз юритар, фикр берар, энг муҳими, мураккаб муммо-масалаларга ҳам

қандайдир амалий ечим топа олар эди. Шунинг учун ҳам уни аввал күрмаган-бильмаганлар ҳоким шу одам бўлса керак, деган хаёлга боришарди.

Бир куни туман раҳбарияти аҳоли ўртасида ун ва ун маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни ўрганиш учун бозор рассталарини, дўконларни айланиб, тадбиркорлар билан суҳбатлашиб чиқишини лозим топди. Шаҳриёр Эшбекович ҳам шу соҳа вакили сифатида таклиф этилди. Бошлиқ мени ҳам эргаштириб олди, зарур гап-сўзларни дафтарга илдириб қўясан деди.

Туман дехқон бозори одатдагидек гавжум. Бозор мутасаддилари, дўкондорлар раҳбарият атрофида гирдикапалак. Бир пайт семиз, хумкалла бир тадбиркор Шаҳриёр Эшбековичга чиппа ёпишиди.

– Ҳоким бува, хуш келибсиз, ўтган жума йиғинда зўр гапларни айтдингиз, айнан бизнинг дардларимизни тилга олдингиз, раҳмат сизга, – деди ҳаяжон-ҳадик ичидага эмраниб, гаплари чалкашиб.

Холёров сал олдда бораётган раҳбарлар томон кўз қири билан имо қилди.

– Адашдингиз, ҳоким, ана, ўртадаги киши.

– Кредитга са-ал ёрдам бериб юборсангиз, – деб ховлиққанича гапида давом этди тадбиркор, у Холёровнинг ишорасини тушунмади ё ишонмади, – иккинчи дўконим чала, кўпдан бери битиролмай юрибман.

– Ҳоким мен эмас, ана, у киши, – деди Шаҳриёр ака овозини андак баландлатиб.

Шу пайт туман раҳбари ортига ўгирилди. Ҳойнаҳоӣ, у ҳамма гап-сўзни эшишиб келарди.

– Нима гап, Холёров? – деб сўради.

– Иккимизни адаштириб турибди, – деди бошлиғимиз бир оз ўнгайсизланиб, - ҳоким мен эмас, десам ҳам ишонмаяпти.

Туман раҳбари бир ўша тадбиркорга, бир Холёровга кўз югуртди.

— Очиғи, кейинги пайтлар ўзим ҳам ҳоким аслида ким эканлигини билолмай турибман. Аҳоли мендан кўра сизни яхшироқ танишади.

Бу эътирофда, бу кулгуда андаккина ҳазил, андаккина чин ва... агар адашмасам, бир чимдимгина ҳасад бор эди. Ана шу бир чимдимгина ғайирлик кўпинча устун келар, туман ҳокими бирор имкон, бирор баҳона топиб Шаҳриёр Эшбековични тишлаб олишга, обрўсини туширишга ҳаракат қиласар эди.

Пахта йиғим-терим мавсуми тугаган кунларнинг бирида катта бир мажлис бўлди. Биз ҳам қатнашдик. Пойтахтилик бир амалдор, вилоят ҳокимининг ўринbosari яна икки-уч меҳмонлар ҳам келишган экан. Туман ҳокими пахта йиғим-терими пайтидаги ютуқлар ва камчиликлар ҳақида гапира туриб тўсатдан Еркўрғон дон тайёрлов идорасини танқид қила кетди.

-Ҳеч тушуна олмайман, – деди Шаҳриёр Эшбековични ўрнидан турғазиб, – сизнинг ойингиз борми, кунингиз борми, ҳашарга чорласак, тескари қарайсиз, раҳбариятни назар-писанд қилмайсиз, пахта сиёсатининг худди сизга алоқаси йўқдай бепарволик кўрсатасиз...

Мен эшитганларимдан ҳанг манг эдим. Ҷунки ҳокимимиз айни пайтда асл ҳақиқатни билмасдан ё ўзини билмасликка олиб гапиради.

Ахир эсмида-ку, йиғим-терим бошланган кезлар бошлиқ мени чақирди.

“Фозил, бир бригада тузамиз, ўзинг бош-қош бўласан, “Заготзерно” номидан Сўниевнинг даласида пахта терасизлар”, – деди.

Кўнглимга ғулғула тушди. Бригадада қандай одамлар бўлади? Дангаса, қайсар ишчилар тўпланса, уларга гапим ўтармикан? Ҳаммаси учун ўзим пахта териб қолсам-а?!

Шундай серташвиш хаёллар билан бошлиқнинг машинасида “Сўни ота” фермер хўжалиги даласига етиб

борганимизни билмай қолдим. Аммо пайкал бошида қийчув билан теримга ҳозирланаётган бир түп хотин-қизларни қўриб тажжубга тушдим.

“Мана сенинг бригаданг, – деди Шахриёр ака теримчиларга ишора қилиб, – янгангни, қизимни таниб турибсан. Колганлари ҳам менинг қариндошларим. Сен уларнинг озиқ-овқатига, меҳнат шароитига қарайсан. Терган пахталарини хирмонга олиб чиқасан. Улар оғир юқ қўтмармасин. Тушундинг-а?”

“Тушундим”.

Шу пайт Қаюм фермер қайлардандир ҳаллослаган кўйи етиб келди.

“Ака, мана, сиз билан аввал келишганимиздек, ҳашарчиларни опкелдим. Улар “Заготзерно” номидан пахта теришади, – деди бошлиғимиз Сўниев билан қўришиб, ҳол-аҳвол сўрашиб бўлгач, – эти, суяги бизники, пахтаси сизники”.

“Шахриёржон, мен сизни ҳазиллашгансиз, деб ўйландим, – деди Қаюм ака одатдагидек ҳовлиқкан, энтиқкан кўйи, – бола-чақани бекор овора қилибсиз-да! Ана, ишчиларингиз камми? Жўнатинг, бир гурухини. Сиздан нима кетди”

Холёров кескин бош чайқади.

“Ака, шу кечакундуз бирорта ходимимни жойидан қимирлатишга ҳаққум йўқ. Сизларга пахта қанча зарил бўлса, бизга ғалла уруғлиги шунчалар муҳим. Бизда уруғ саралайдиган, дорилайдиган айни пайт. Мен ишчиларимни ҳашарга жўнатсам, бу вазифани ким бажаради? Ҳозир улар чалғимаслиги керак, фақат уруғлик ҳақида ўйлаши керак”

“Шундай-ку-я,- деди Қаюм ака теримчиларга бир кўз ташлаб олиб, – бола-чақани қийнаб қўйяпсиз-да”.

“Э-э-э, қийналишмайди. Элга келган тўй. Озроқ ғийбат қилишар, камроқ сериал қўришар. Бошқа ўқотадиган нарсалари йўқ. Сиз фақат шарт-шароитини тўғрилаб беринг, тамом”.

Шаҳриёр Эшбекович зарур гапларни тайинлагач, кетди.

“Бунақа ўз вазифасига талабчан масъул раҳбарни яна қаерда кўргансан, – деди Қаюм фермер бошлиғимиз ортидан қараб қоларкан, – ишни ўйлаган, ишчисини аяган, корхона манфаати учун ҳатто бола-чақа, қариндош-урұғын ҳам далага опчиқкан. Эҳ... анови ҳар куни телевизорда күрсатиб, газетларда ёзадиган, элим, юртим дейдиган асл одам мана шу”.

Мен қизғин бош ирғаб, унинг сўзларини тасдиқладим.

Мана, ҳокимнинг ноҳақ айловига гувоҳ бўларканман, хаёлимдан ўша воқеалар ўтди. Наҳотки, туман ҳокими бизнинг ҳашарга чиққанимиздан бехабар бўлса?!

– Инсоф билан айтинг-чи, – деда ҳануз Холёровни қийин-қистовга оларди ҳоким, – шу мавсум “Заготзерно” қанча пахта терди, қаердан терди?

Шу пайт Қаюм фермер гулдурос солиб ўрнидан турди.

– Узр, ҳоким бува, узр, гапингизни бўлдим. “Заготзерно” менинг даламда пахта терди. Барака топгурулар, бошқа ҳашарчиларга иш қолдирмади.

– Сен овозингни ўчир! – туман раҳбари Сўниевга қараб ўшқирди, – сендан ҳеч ким сўраётгани йўқ. Қисиб ўтириш!

– Хўп, хўжайин, хўп, – деб ғудранди Қаюм ака.

Туман ҳокими бир зум саросимада қолди. Панжала-ри билан соchlарини тароқлаб, енг-ёқаларини тўғрила-ган бўлди. Сўнг:

– Хўп, яҳши пахта терибсиз, – деди анчагина шаштидан тушиб, – нега мен билмайман, нега сводкаларга ки-ритилмаган? Ахир бир килони ўн кило қилиб кўрсатади-ганлар қанча? Ўласизми, бирор ерга ёздириб қўйсангиз.

Шаҳриёр Эшбекович ён-атрофга вазмин, хотиржам кўз ташлаб деди:

– Биз ҳашарга чиққанмиз. Ҳашар ҳам савобталаб иш. Савобталаб ишни кўз-кўз қилиш, уни қоғоз-қаламга олиб

*мақтаниш бизга түғри келмайды. Билса, балиқ билмаса, Холик, дегандай...*

*Залнинг у ер-бу ерида қарсак овозлари эшистилди.*

*- Ўтиринг, сизга қачон гап топиб бериб бўлган ўзи, - деб қўйди ҳокум кейинги масалага ўтаркан.*

*Бошқаларни билмадиму, ўша куни шундай бошлиғимиз борлигидан яна бир карра ғуурланиб қўйдим.*

### Йигирма учинчи саҳифа

Йўқ, ёзмайман, кўз тегади. Йўқ, ёзаман. Жуда-жуда мақтангим келяпти. Қолаверса, буни ҳозирча ўзимдан бошқа ҳеч ким ўқимайди-ку. Хуллас, ҳаётдан, ишимдан, ўзимдан мамнунман. Ерқўргон футбол жамоаси ёрқин ғалабалари билан мухлисларни, мутахассисларни лол қолдириб турибди. Олий лигага чиқиш учун аттиги уч-тўрт қадам қолди, холос. Арсен барака топсин! Кўча-кўйдан йиғилган қора-қура болалардан шундай жамоа тузди-я?! Курмағурнинг салоҳияти ўн чандон ошиб кетди-ёв, назаримда?! Хурсандман. Бу ёғи омборларимиз, хирмонларимиз ғаллага тўла. Шу орада омухта ем ишлаб чиқарадиган мўъжазгина цех ҳам қуриб олдик. Ишчи ходимлар ҳам хурсанд ёрдамчи хўжалигимизда моллар туёқ сони кундан-кунга кўпаймоқда. Албатта, ҳамма-ҳаммаси энг аввало, жамоанинг фаровон турмуши учун! Тегирмон ҳам кечаю кундуз ишлаб турибди. Харажатларни қоплаб, фойдага кирди. Уни асосан, Панжиеvга ишониб топширганман. Кўнгли тоза, қўли тоза йигит. Ишлаб чиқариш жараёнини, киrim-чиқим масалаларини тўла назоратда ушлаб турибди. Ўринбосарим Тиллаевга ҳам ҳозирча “беш” баҳо! Назаримда корхона манфаати учун кечаю кундуз елиб-югуриб юргандай.

- Устоз, - деб қолди у йил бошда кичкина машварат ўтказаётган пайтимиз, - иш кўлами ошайпти, ғалла қабул қилиш ҳам кўпайяпти. Энди кенгайиш ҳақида ҳам ўйлашимиз керак.

Рост, бу ҳам жиддий муаммо. Яқында ўн минг тонна дон сиғадиган яна бир муҳташам омбор қурдик. Лекин бу масалада ҳали эҳтиёж катта. Бу ёқда тегирмон, бу ёқда омухта ем цехи. Хуллас, Ерқўрғон дон тайёрлов идораси ҳудуди кундан-кунга торайиб боряпти. Чиндан ҳам кенгайиш борасида бош қотириш зарур.

– Сизда бирор таклиф борми? – деб сўрадим қизиқсиниб.

– Ҳа, Гулободда эски совхоз гаражи ташландиқ, қаровсиз ҳолатда ётибди. Шуни ғалла пункти сифатида кўшиб олиш керак. Ҳар томонлама қулай, бизбоп жой.

Тиллаевнинг қоқ манглайидан ўпиб олгим келиб кетди. Ахир кўнглимдаги гапни айтди.

– Маъқул, жонли таклиф, – дедим тўлқинланиб, – раҳбарият билан гаплашиб кўраман.


Йўқ, туман ҳокими ҳам ортиқча хирадлик қилиб ўтирамади. Ниятимни батафсил эшитгач, алланеларни дир хаёлан мулоҳаза қила-қила деди:

– Розиман. Лекин бу кетишда эрта-индин ҳокимлик биноси бекорчи ётганга ўхшайди, шуни “Заготзерно”га кўшиб оламан, деб келмасангиз бўлди.

Ҳа, бу ҳазил эди. Кулишдик. Яйраб кетдим. Туман раҳбари ҳазил-чин аралаш бизнинг жон куйдириб ишлатганимизни эътироф этаётган эди. Хайриҳоҳлик сезиларди. Энг муҳими шу!

Нари-бериси икки ой ичидаги Гулободдаги ўша ташландиқ гараж бизнинг ҳисобга ўтди: “Гулобод ғалла қабул қилиш пункти”. Ҳозир у ерда қурилиш-тавъмирлаш ишлари кетяпти. Ҳаммасига Тиллаевнинг ўзи бош-қош.

Лекин бир ҳолдан ҳайронман. Жуман қандайдир бошқача: ҳудди оғир бир юкни елкасига олгандай, бир оз букчайиб, бир оз ҳорғин кайфиятда юради. Мен билан сўзлашганда ҳамиша ерга қарайди. Гапирганда ерга қараган одамдан кўрқ, дегич эди раҳматли отам. Ўша



кезлар бу ҳикмат мағзини чақмаганман. Кейинчалик суҳбат пайти кўзини у ён-бу ён олиб қочган, қароғини ерга қадаган нусхаларнинг ичидаги кири бўлишини бир-икки пайқаганман. Наҳотки, ўринбосарим Тиллаев

ҳам шундай тоифага кирса?! Йўқ, бўлиши мумкин эмас, ҳархолда, комбинатда ишлаб юрган чоғларимиз ундаи ғаразли хатти-ҳаракатларни сезмаганман. Ҳозир ҳам бип-бинойи. Корхона учун жон қуидиради, жамоа билан аҳил. Иккимиз ўртамиздаги муносабат ҳам мақтагулик. Жуман мени ҳатто “Устоз” деб атайди. Очиги, бу менга унчалик ёқмайди. Ахир, ёшимизда унчалик фарқ йўқ, Тиллаев мендан атиги уч ёш кичик, холос. Қолаверса, устоз сифатида бирор нимани қойиллатиб ўргатган жойим йўқ. Лекин иззат-хурматимни жойига қўяди. Мана, ҳозир ҳам мени излаб ортимдан Қўриқقا келибди. Зарил иши бор экан, пойтахтга бориб-келиш учун уч кунга рухсат сўради.

– Тиллаев, шугина учун ортимдан овора бўп юриш шартми? Телефонда айтиб қўйсангиз ҳам бўларди-ку?!

– дедим ҳам ажабланиб, ҳам энсам қотиб.

Ўринbosарим синиқ илжайди.

– Устоз, ўзингиздан юзма-юз сўрамасам, нокулай.

– Нега мени ҳадеб “Устоз, устоз” дейверасиз? Менга ёқмаяпти.

Тиллаев жавоб бермади, ўша-ўша хокисор, илжай-ган кўйи хонамдан чиқиб кетди.

Шу пайт қўл телефоним жиринглаб қолди. Ия, айтиганча, бу оламшумул янгилик ҳақида ҳеч нима демабман-ку! Мобил алоқа воситалари бизга ҳам етиб келди. Замона зайнини қаранг! Куни кеча бировнинг хона-донида телефон аппаратини кўрсак ҳайратланиб қолардик. Ўша одамни дунёдаги энг баҳтиёр, энг омадли инсонлар тоифасидан санаардик. Бугун эса ҳар бир жоннинг қўлига қайроқ тошдеккина матоҳ битган. Истаган жойингдан истаган одаминг билан гаплашавер. Албатта, аввал бошида бу ғаройиботга қўниколмай анчагина қийналдик. Гоҳ рақамлар теришда адашамиз, гоҳ жиринглаган пайт зарур тутгамча ўрнига бошқасини босиб юборамиз, баъзан кимгадир кўнгил ёзиб обдон

гаплашиб бўлгач, бундай қарасанг, аллақачон алоқа узилган, телефон ўчган, ўз-ўзинг билан сўзлашган бўлиб чиқасан. Лекин бундай камчиликларни аста-секин бартараф этдик. Сўнгги пайтлар қўл телефони ёнимизда бўлмаса, худди қавурғамизнинг бир парчаси тушиб қолгандек гангийдиган одат чиқардик.

Мана, у яна тўсатдан жиринглаб қолди.

– Алё, эшитаман, – дедим қулоғимга тутиб.

Қўриқ тумани ҳокими экан.

– Шаҳриёр Эшбекович, қаердасиз? – деб сўради у қуюқ салом-алиқдан сўнг.

– Шу, сизнинг ҳудудингиздаман. “Заготзерно”да ўтирибман.

– Э-э-э, шундай ажойиб кунда ҳам одам хонада ўтирадими? Хумчага келсангиз-чи, оз-моз ҳангомалашамиз.

– Ҳўп, мана, чиқяпман.

Чиндан ҳам апрелнинг ажойиб кунларидан бири эди. Даشت бўйлаб шўх, эркин шабада ўйноқлаб юрар, барра ўт-ўланлар исини димоқларга келтириб урар эди. Кунботар томонда бўғоз булутлар судракланиб юрибди. Ҳойнаҳой, кечга бориб, ёмғир ёғади. Бу ҳам ғаллакор, чорвадор учун айни муддао.

Хумчага етиб келдим. Шодмон Расулович зовур лабидаги тупроқ-тепалик устида худди қўй-қўзи боқаётган боладай ястаниб ўтирган экан.

– Э-э, Холёров, бу ёқقا келинг! – деб имлади у машинадан тушган пайтим.

Туман ҳокими қувончдан, завқ-шавқдан ял-ял яшнаб ўтиради.

– Шаҳриёр, мана буни кўринг! – дея хитоб қилди у гоҳ ўнга, гоҳ чапга қулоч ёйиб, - ҳар куни келиб томоша қиласман!

Мен туман раҳбари ишора қилган томон қарадим. Чиндан ҳам кўзни қувонтирадиган манзара. Узоқ-у-

зоқларга ястаниб кетган ям-яшил майсазор шабадада денгиздай мавжланиб турарди.

– Зўр-ку! – дедим мен ҳам завқ-шавқقا тўлиб.

– Бошқа далаларимизда ҳам худди шундай, майса бир текис гуркираб ўсган. Худо хоҳласа, бу мавсум ўтган йилдагидан ҳам қўпроқ ғалла оламиз, – деди ҳоким болаларча қувониб.

– Албатта, айтганингиз келсин!

– Очиғини тан оламан, бунинг ҳаммаси сизнинг ташаббусингиз, сизнинг жонкуярлигинги туфайли! Икки йилдан бери сизлар билан ҳамкорлик қилиб кам бўлмадик.

– Шодмон Расулович, туман раҳбари ўзингиз. Тала-бчан, хайриҳоҳ иш юритишингиз натижаси бу!

Шу тарзда бир-биримизни анча пайт мақтаб турдик. Кейин бу йил мавсумни қандай ташкил этиш юза-сидан фикрлашдик.

– Холёров, Еркўрғонда тегирмон қурдингиз, омухта ем тайёрлайдиган цех очдингиз, – деди Шодмон Расулович қайтар чоғимиз. – Энди бизнинг Кўриқقا ҳам эътибор қаратинг. Бизда ҳам ишлаб чиқаришни риво-жлантиришга имкониятлар бор.

– Албатта, ҳали режаларимиз кўп. Кўриқ учун ҳам лойиҳалар тайёрлаб қўйибмиз. Ҳозир фақат озгина куч, маблағ йиғишимиз керак. Икки-уч йил ичида киришамиз.

– Айтганингиз келсин!

Шодмон Расулович билан хушхандон хайрлашдик.

### Йиғирма тўртинчи саҳифа

Эндиғина вилоят марказидаги энг йирик стадионга отланиб турганимда эшиқдан эшилган қўйи Нозимхон кириб келди.

– Салом берди-ик,-деди у одатдаги кибрли товушда,  
– меҳмон оласизми?

Истар-истамас пешвоз юрдим.

– Келинг, хуш кўрдик.

– Қаёққадир отланиб турибсизми дейман?- сўради Жалилов стулларнинг бирига ўтиаркан.

– Ҳа, марказда бугун бизнинг “Еркўрғон” ўйнайди. Ҳал қилувчи ўйинлардан бири.

Нозимхон ғижинган қўйи қўл силтади.

– Э-э, шу футбол деган нарсага ҳеч тоқатим йўқ. Шошилаётган бўлсангиз, сизни ушлаб турмайман, ҳалиги масалада тезгина гаплашиб олиб кетаман.

– Кейин гаплашсак, у ёқда вилоят ҳокими кутиб турибди, бугунги ўйинни ўз кўзлари билан кўрмоқчи. Сал аввал телефон қилиб айтган эди.

– Унда мен ҳам футболга тушаман, – деди Жалилов иргиб ўрнидан туаркан,-каттанинг ёнидан жой кўрсатасиз.

– Хўп, – дедим Нозимхоннинг айёrona ҳатти-ҳарачатидан кулгим қистаб.

– “Еркўрғон”ингизнинг аҳволи қандай ўзи? Эплаяптими?-сўради Жалилов машина ўринидигига жойлашар экан, – икки йилча аввал бир келгандикда кўча-кўйдан болаларни йиғиб юргандингиз, ўшалар ўйнаяптими командангизда?

– Ҳа, асосан коллежлардан, бозорлардан тўпланган ёш-яланглар. Арсен деган мураббийимиз ҳаммасини моҳир футболчига айлантириди. Жамоамиз кетма-кет ғалабаларга эришиб биринчи лигада дадил одимляяпти. Мухриддин Зокировичнинг ўзи бизга мухлис.

– Унда ошифингиз олчи, – деб ҳиринглаб қўйди Нозимхон,- Олий лигага чиқиб оласиз.

Машина катта йўл бўйлаб марказ томон елиб борарди. Қўл соатимга кўз ташлаб қўйдим. Вақт бор, улгурамиз. Бутун вужудимни ҳаяжонми, хавотирми тобора қамрай бошлади.

– Ўтган сафар Шамсиев билан гаплашиб кетган экансиз, таклифингиз бизга маъқул, – дедим ҳам ўзимни футбол ҳақидаги ўйлардан чалғитиш учун, ҳам Ноҳизмхоннинг масаласини тезроқ “бир ёқли” қилиш ниятида, – бизга ростдан ҳам битта тепловоз керак.

Жалилов мамнун бош ирғади.

– Ўша гап, сизларга ёрдам бераман, керакли одамлар билан келишиб сизларга битта тепловоз олиб бераман.

– Қинғирлиги йўқми, ишқилиб?

– Холёров, бу ёғи билан ишингиз бўлмасин. Корхоннагизга ҳужжатлари топ-тоза тепловоз кириб келса, бўлдими? Бошқа томонини менга қўйиб беринг, ўзим жавоб бераман.

Биз марказга, кўзланган манзилга етиб борганимизда улкан проҗектор ёғдусидан чарагон стадион улкан денгиздай гувуллаб турарди. Мухлисларнинг ҳайқирифи, қийқирифи бот-бот кўк сари ўрларди.

Ногоҳ кўл телефоним жиринглаб қолди.

– Алё..

– Бу мен..Арсенман...срочно бир кўришайлик.

– Хўп.

Идрисовнинг овозида хавотир, ташвиш якқол сеилиб турарди. Жалиловни стадион ичига киргизиб юбордим-да, жамоа йигилган томон югурдим.

– Всё, тупик, – деди мени жонсарак кутиб олган мураббий, – прокурордан қўрсатма келди, камида 0:2га ютқазиб беришимиз керак экан.

Ичимдан қиринди ўтса-да, сир бой бермадим.

– Кўрқма, бугун Мухриддин Зокировичнинг ўзи шу ерда! Ҳар доимгидай ўйнайверинглар! Рақибни аяманглар!

Айтганларим мураббийни бироз юпатди, шекилли, кўзларида ғира-шира учқунлар йилтиллади.

Мен стадионга, маҳсус ўриндиқлар томон чиқиб бордим. Вилоят ҳокими ва вилоят прокурори ёнма-ён

туришарди. Жалилов ҳам аллақачон уларни топиб олибди! Мұхриддин Зокирович томон икки букилган күйи нелар ҳақида дір түлиб-тошиб гапиради.

Үйин бошланды. Ҳайқириқтар, олқышлар бутун шаҳар бүйлаб таралды.

Мен майдонни хавотир билан кузатиб турардым. Ахён-аҳён прокурор томон күз ташлаб құяман. Одатдағидек қовоғидан қор ёғиб үтирибди.

Бизнинг футболчилар аввалгидан ҳам үн чандон күчлироқ үйин күрсата бошлады. Лекин ҳакамларнинг ғирромлиги яққол күзга ташланиб турарди. "Еркүргөн"ликлар дарвозасига ноңақ тарзда уч марта жарима түпи белгиланды. Ҳакамнинг найрангларига бутун стадион қаттық қаршилик күрсатишга уринарди. Исёнкор хуштакбозлик, норизо қийқириқтар ботбот жарангларди:

– Бу судяларни тушинмадим..қаёқдан келган үзи?! Ғирт аҳмоқ болалар экан-ку?! – деб қўярди Мұхриддин Зокирович ҳам асабийлашиб.

Зимдан вилоят прокурори қарайман. Қилт этмайди. Негадир қўллари мушт бўлиб тугилган.

Үйин 1:0 ҳисобида "Еркүргөн"ликлар фойдасига ҳал бўлди! Бутун стадион мухлислар ҳайқириғидан ларзага келди!

– Ишончни оқлаяпсан, бўш келма,-деди вилоят ҳокими қўлимни маҳкам қисиб табриклар экан,-яна бир жамоамиз Олий лигада йўнашига кўзим етиб турибди.

– Раҳмат, – дедим қувончдан энтикиб.

Раҳбарлар кетишиди. Бир пайт Жалилов илжайган кўйи қучоқ очди.

– Табриклайман, дўстим, ғалаба муборак!

– Сал кечикиб табриклаяпсиз-ку, – дедим ажабланиб.

– Боя қарасам, прокурор ўқрайиб турган экан. Унинг олдида табриклашга кўрқдим.

Нозимхоннинг содда иқоридан кулиб юбордим.

## Йигирма бешинчи саҳифа

- Бира тўла вазирликка ҳам бир кириб чиқайин, - дедим атрофни томоша қилаётган Жанага, - дўст-қадр-донлардан ҳол-аҳвол сўраб қўяйин.

У истар-истамас бош ирғаб, розичилик билдирган бўлди.

Ҳа, кечга Ташкентга келган эдик. Пойтахтда ижодий кўргазма қилмоқчиман, шу масалада уюшма раҳбарлари билан гаплашиб келишим керак, деб Жана икки кун аввал қўнғироқ қилиб қолди. Менинг олиб боришимни истади. Рад этишга тузукроқ баҳона тополмадим. Очикроқ тан олсан, ўзим ҳам иш-ташвишлардан безиб, узоқ жойда ҳаво алмаштириб қайтиш илинжида юрган эдим. Охири, йўлга чиқдик. Жананинг ишлари битди, ҳисоб. Келгуси ойнинг сўнгги ҳафтасида кўргазма ташкил этишга рухсат олди. Жананинг қувончидан пойтахт яна бир карра яшиаб кетгандай бўлди.

Мана, бугун бўлажак кўргазмани “юваб”, шаҳар айланиб юрибмиз.

Хиёбон ортидаги машхур бир ошхонага кирдик. Мен аслида камтаргина бошқа жой танламоқчи эдим. Жана инжиқлик билан туриб олди. Шу ернинг овқатлари яхши деди. Ошхона жуда гавжум экан. Бўш жой излаб эшиклари ойнабанд қатор хоналарга бирма-бир кўз ташлай бошладим. Ногоҳ қулоғимга таниш бир овоз, кулгулар эшитилди. Ўша товушлар тараған хонага секин мўраладим. Адашмаган эканман. Ўйлаганимдек, ичкарида, тўкин-сочин дастурхон тўрида Нозимхон Жалилов серишва, сербўёқ аёлнинг елкасидан қучиб алланелар ҳақида мастона гапирав, танноз хоним қиқири-қиқири кулар эди. Улар ёнида тағин икки аёл ва икки эркак қўлларидағи қадаҳларни уриштиришга шайланниб туришарди.

Дарҳол хона ёнидан узоқлашдим.

“Бу ер менга ёқмади, – дедим қатъий оҳангда, – бошқа ёққа борамиз”.

Бу гал Жана хархашасиз эргашди. Афтидан, ичкаридагиларни у ҳам кўрди.

“Топган жойларини-чи,” – деб қўйди лаб чўччайтириб.

Негадир кўнглим хира тортиб қолди. Беихтиёр Нозимхон ҳақида ўйлардим. Ишбилармон, учар йигит. Лекин нафсини жиловлай олмайди. Данғиллама уч-тўрт ҳовли қуриб, қўшша-қўшша машина сотиб олиб ҳамманинг эътиборини ўзига қаратиб юрибди. Устига-устак, майшатга, бузуқчиликка ўч. Бир пайтлар кимдир Нозимхон артистлар тоифасидаги машхур аёлларнинг кўнглини овлашни хуш кўради деганида ишонмаган эдим. Лекин ўша миш-мишлар чинга ўхшайди. Боя ёнида ўтирган танноз менимча телезкранларда бот-бот кўриниб турадиган ашулачилардан эди. Ҳа, Нозимхон жуда ҳаддидан ошаяпти. Охири баҳайр бўлсин-да, ишқилиб.

Анҳор бўйидаги сўлим ва сокин ошхонада овқатланар эканмиз хаёлимдан шундай ўйлар кечарди. Қарангки, Жана ҳам ўша Чаман дон тайёрлов идораси бошлиғи ҳақида ўйлаб ўтирган экан.

“Шунча муаммолар билан кўнглига ўйин-кулги сикқанига ўлайми,” – деб қолди у бир пайт.

“Жалиловни айтаяпсанми? Қанақа муаммоси борунинг?”

“Бир ўғли ичкиликбоз, уч марта хотин қўйиб, уч марта уйланган. Яқинда автоҳалокатга ҳам учради. Ноғирон. Яна бир ўғли нашаванд. Игнага ўтириб қолган. Махсус рўйхатда туради.”

Эшитганларимдан аъзои баданим музлаб кетди. Чаманга тажриба орттириш ниятида борган пайтим жанжал устидан чиқиб қолганим беихтиёр ёдимга тушди. Кўзида филт-филт ёш айланаётган ишчи кўз олдимда лип-лип жонланди.

“Ўша жабридийдалар қарғадимикан ё...” – шу ўй

онг-шууримни тиғлаб ўтди.

Иштаҳам бўғилди. Жана ҳам тезгина қўл артди. Ўрнимиздан туриб шаҳар оралаб кетдик. Тўсатдан йўлимиз бизнинг вазирлик томон тушиб қолди.

– Кўп қолиб кетманг, – деди Жана истагимни изҳор этганимдан сўнг, – тезроқ қайтинг, мен сизни шу фаввора ёнида кутиб ўтираман.

Адашмасам, вазирликка уч ойча аввал муҳим бир мажлис баҳонасида келиб-кетган эдим. Ўшандан бери роса ўзгарибди, бош-оёқ таъмирдан чиқибди. Кириш йўлаги ҳам бошқа тарафдан очилибди. Эшик олдида бир оз довдирадим. Хайрият, бугун таниш қоровул турган экан. Бир пайтлар тужути ичидан даволаниш илинжидан биз томонларга борган кезлари вазирликнинг масъул бир ходими сифатида унга иззат-хурмат кўрсатганмиз. Ўшандан бери қадрдонмиз.

Таниш қоровул менга илжайган кўйи пешвоз чиқди.

– Суръат Жабборовични кўрмоқчи эдим, – дедим қуюқ-суюқ ҳол-аҳвол сўрашгач, – ўзларидамикан?

Таниш қизғин бош ирғади.

– Хўжайнин ўн минутча илгари кириб кетдилар. Адашмасам, тўппа-тўғри Жиззахдан келдилар-ов.

Мен зина бўйлаб юқори қаватга кўтарила бошладим.

Рост, Суръат Жабборович тиниб-тинчимайдиган, жонкуяр раҳбар. Бир қарасанг, Андижонда, бир қарасанг, Хоразмда. Ўтган ҳафта бизнинг вилоятда ҳам йиғилиш ўтказиб қайтди.

Мажлисда аввал Бош вазир кўрсатмалари асосида юклатилган топшириқларнинг ижроси юзасидан савол-жавоблар бўлди. Уч йирик “Заготзерно” бошлиқлари хайфсан олишди. Тағин аллақанчалик дакки эшилди. Мен талтайиб, мағрур ўтирадим. Очиги, ўша кунлари мендан баҳтиёрроқ одам топилмаса керак деб ўйладим. Чунки шу мажлисдан бир ҳафтагача аввал шахсан Бош вазирнинг ўзлари томондан эътироф этилганман.

Ўшанда Республика Вазирлар маҳкамасидаги катта бир йиғинда қатнашган эдик. Бир пайт Бош вазир бизнинг вилоятдан борган вакилларни минбарга чорлаб қолди. Бизга бош-қош вилоят ҳокими ўрибосари у кишига ҳисобот берган бўлди. Афтидан, унинг ҳисоботидан Бош вазир унчалик қониқмади. Тўсаддан мени сўроқقا тутиб қолди. Қилаётган ишларимиз ҳақида сўради. Мен ҳар бир худудга ишхонамдан масъул одам қўйганимни ва уларга фермерлар томонидан шартнома шартларини бажарилишни назорат қилиш, бу борада ёрдам қўрсатиш, яъни сифатли уруғ етказиб бериш, экишни, парваришлишни назорат қилиш, зааркунандаларга қарши курашиб, ўрим-йиғимни ташкил этиш вазифаларини юклаганимни айтдим. Бош вазир хурсанд бўлиб кетди.

“Ана, чинаккамига ишлайдиган одамларингиз бор экан-ку,- деди ҳоким ўринбосарига юзланиб, – ана, ўрнак олса бўладиганлар топилар экан-ку”.

Йиғиндан сўнг Ерқўрғон томон бамисли қонот қоқиб учдим. Кувончимнинг чеки йўқ эди. Суръат Жабборович мажлис ўтказган ўша куни ҳам ҳали-ҳануз ўша кайфиятда ўтирадим.

“Хурматли ғаллакорлар, – деб қолди Суръат Жабборович мажлис давомида, – сизларга бир таклиф бор. Шўртнанда беш-олти йил аввал дон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган йирик бир корхона хусусийлаштирилиб юборилган. Менимча, ҳаммаларингиз уни кўрган ҳам бўлсангиз керак”.

“Ҳа, кўрганмиз. Бизга таниш”, – деган тасдиқлар эшитилди у-бу ердан.

“Ҳа, балли, таниш бўлса, жуда яхши, – деб сўзида давом этди вазир ўринбосари, – ўша корхонани эгаси ишлата олмади. Ҳозир қаровсиз ётиби. Шўртнандаги шу заводни сотиб олиб, давлат корхонасига айлантириб, ишлата оладиган марду майдон борми? Қани, қайси “Заготзерно” ёки қайси комбинат шу ишга журъат эта олади?”

Йиғилишда қатнашаётган раҳбарларнинг ҳаммаси ерга қаради. Зал сув қуигандай жимиб қолди. Сураът Жабборович бир оз таажжубланиб, бир оз қизиқсиниб ўтирганларга бирма-бир кўз ташлай бошлади.

“Назиров, – деди у бир пайтлар мен ҳам ишлаган, республикадаги энг йирик дон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи комбинат директорини ўрнидан турғазиб, – сиз нима дейсиз? Шўртанни филиал қилиб олишга юрак урадими?”

“Сураът Жабборович, илтимос, бизни қийнаманг. Шусиз ҳам шу кеча-кундуз қарзга ботиб ётибмиз. Шўртанни кўшиб олишга сира имконимиз йўқ”.

Негадир Жалилов эгаллаб олади деган ўй хаёлимдан ўтди. Аммо афт-ангoriga майшатбозлик нуқси урган Нозимхон алланечук ҳорғин ва паришон кўринди. Эгнидаги қимматбаҳо лиbosлари ҳам қандайдир шалвираб қолгандай туюлди. Менимча, Жалилов вазир ўринбосарининг айтганларини ҳам деярли эшиитмади. Кўлидаги телефон аппарати экранига термулган кўйи лоқайд ўтиради.

“Алмасов, – вазир ўринбосари яна бир машхур “Заготзерно” раҳбарига мурожаат қилди, – сиз мардик кўрсатарсиз. Ахир имкониятларингиз кенг”.

Бу киши ҳам гоҳ чайналиб, гоҳ ғудраниб қўлидан келмаслигини билдириди. Суръат Жабборович ҳорғин бош чайқаган кўйи ўлланиб қолди.

Мен вазиятни диққат билан кузатиб турадим. Худди даврага чиқишига шайланган полвондай юрагим гурс-гурс уради. Вазир ўринбосари тағин уч-тўрт ҳамкасларимни Шўртандаги корхонани сотиб олишга даъват этиб, аммо қониқарсиз жавоб олгач, чидаб туролмадим.

“Афсус, жуда фойдали, ишончли имкониятни қўлдан чиқаряпсизлар, – дедим ўтирган жойимдан овозимни баралла қўйиб. – Тадбиркор, келажакни кўзлаган раҳбар бу таклифни бажонудил қабул қилиши керак”.

Мажлис аҳли дувва ўгирилиб менга қаради. Кимнингдир юз-кўзида таажжуб, кимнингдир афт-ангорида истеҳзо қалқиб турарди.

“Кўттармалик қилманг, Холёров, – деди Назиров ғижиниб,- нима, бизни жарга итармоқчимисиз?”

Тағин бирор дарғазаб луқма ташлади.

“Гап беш миллиард тўрт юз миллион сўм устида боряпти. Мунча пулни катта холангиздан оласизми?”

“Марҳамат, Шаҳриёрга маъқул бўлса, ана, ўзи олақолсин”, – чинқирди яна аллаким.

“Бемалол, – деб ўрнимдан турдим,- менга таклиф бўлса, қайтмайман”.

Суръат Жабборович ручкаси билан стол тақиллатиб мажлис аҳлини тартибга чақирган бўлди. Лекин мен томонга негадир қайрилиб ҳам қарамади.

“Бўпти, – деди у кетма-кет томоқ қириб, – бу масала ҳозирча очиқ қолади. Мабодо ўйлаб кўриб, Шўртандаги корхонани сотиб олишни истаб қолганлар бўлса, менга мурожаат қиласерсин”.

Ўша кунги йифин хира бир кайфиятда якун топди. Аммо залдан чиққач, ҳамкаслар яна мени ўргага олишди. Кимдир панд-насиҳат берди, кимдир мени мақтанточоқликда, манманлиқда айблади.

“Ана, довруғи достон, раҳбарларнинг эркаси Ноҳимхон aka ҳам жимгина ўтириди, сизга йўл бўлсин,” -дея ҳиринглаб ўтди кимдир.

“Ўзингиз ўйлаб кўринг, Шаҳриёр, – жиддий огоҳлантирган бўлди Назиров, – ўша корхонани сотиб олиш учун бошидан кредит оласиз. Ҳўш, кейин-чи? Кредитни ёпасизми ё ишчиларга ойлик берасизми, ё солиқ тўлайсизми? Ҳеч бирини эплай олмайсиз, ука. Кўзни каттароқ очинг, замон нозик. Тадбиркорлик қиласман деб ўзингизни панжара ортида кўрманг тағин”.

Суръат Жабборовични машинага ўтқазиб қайтган бошқарма бошлиғи ҳам қўлтиғимдан олиб, бир чеккага тортди.

“Бошингизга ғалва орттирамнг. Шунақасига ҳам ишларингиз аъло. Ана, тегирмон қурдирдйнгиз, омухта ем цехингиз ҳам бор. Ҳаммаси тузуккина ишлаб турибди. Раҳбарият сизни тадбиркор, фаол, жонкуяр инсон сифатида билади. Яна сизга нима керак? Шўртандаги корхонанинг турган-битгани ғурбат, муаммо. Сиз ўт билан йўнашманг”.

“Бир оз ҳазиллашдим-э, – дедим тоқатим тоқ бўлиб, – қўясизларми-йўқми, бошқаларни сал-пал қитиқлаб кўрдим, бозорни қизитай дедим”.

Бошқарма бошлиғи тавба-тазарруларимга эътибор бермай яна бир дунё панд-насиҳатлар қилди. Агар жимгина юрсам, яқин орада бирор туманга ҳоким бўлишим ҳақида ишора ҳам қилиб ўтди.

Мана, вазирлик биносининг зинапоясидан бир-бир кўтарилилар эканман, ўша воқеалар лип этиб хаёлимда жонланди.

Котиба эринибгина хабар бергач, ичкари киришимни ҳам кутмай Суръат Жабборовичнинг ўзи оstonада пайдо бўлди.

– Шаҳриёр?!

У саломимга алик ҳам олмай, шундай деди-ю, афт-ангоримга таажжубланиб, серташвиш бир тарзда қараб қолди.

– Ҳа, менман, сизни кўрай, деб бурилгандим.

– Марҳамат, киринг. Об-бо...

Кенг-мўл, шинам кабинетга кирдик. Юзма-юз ўтиридик.

– Ҳангу манг бўлганимни сездингизми?

– Ҳа, bemavrid bezovta қилдимми дейман.

– Йўқ, аксинча, – деб қўл силтади Сураът ака, – эндиғина сизга қўнғироқ қилишга шайланиб турган пайтим котиба хабар бериб қолса бўладими?

– Кўнгил кўнгилга яқин-да.

– Қандай фаришта бошлаб келди сизни?

– У фаввора ёнида қолди. Музқаймоқ ялаб ўтирибди.

Суръят Жаббрович гапимни тушунмайми ё азбаройи бошқа хаёллар билан бандлигиданми, ҳарнечук, юзимга андак паришон тикилиб қолди.

– Хуш келибсиз.

– Раҳмат.

– Мен ҳам ярим соатча илгари Жиззахдан қайтдим. Нохуш иш юзасидан борган эдим.

– Ия, нима гап?

– Ўша шубҳаларим чин чиқди, Шаҳриёр. Эсингиздами, яна икки туманда сизницидай тегирмон қурилди, лекин улар сизницидан икки ҳисса ортиқ маблағ сарфлашган дегандим.

– Ҳа, эсимда.

– Ана ўша икки тегирмондан бирини қурғанлар қамалди. Текширув пайти тегирмон баҳона анчагина пул ўзлаштирилгани аниқланди. Сезгандим-а.

– Оббо, чатоқ бўпти, – дедим афсусланиб.

Котиба чой келтирди. Хонани ўтқир атир ҳиди тутиб кетди.

– Ширинлик-пиринлик ҳам опкелгин, – деб қўйди унга раҳбаримиз.

Котиба таманно билан чиқиб кетди.

– Шу нохушликни айтиш учун менга қўнғироқ қилмоқчи эдингизми? – сўрадим чойнакни олдимга тортиб.

– Йўқ, бошқа масала. Сиз ўша кунги мажлисда жиддий гапирдингизми? Шўртандаги корхона юзасидан.

– Билмадим, – деб елка учирдим, – негадир менга қарагингиз ҳам келмади ўшанда.

– Очифи, бу ишни бошқа бирортаси зиммасига олишини хоҳлагандим. Бошқа ҳамкасларингиздан ташаббус, қатъият, интилиш кутгандим. Афсуски, баъзилари тайёрга айёр, қўрқоқ, очқўз нусхалар. Улар ўзгалар манфаати учун қилт этишни хоҳламайди. Ўша мажлисда бунинг яна бир бор исботини кўрдим.

– Ҳа, ким ҳам таваккалга боришни истайди дейсиз. Чўчиб туришибди-да, серхаражат, серташвиш иш.

Суръат Жабборович юзимга саволчан-синовчан тикилди.

— Унда нега сиз чўчимаяпсиз?

— Билмадим, ўзим ҳам ҳайронман, — деб қулдим, — негадир қўрқмаяпман. Хабарингиз бор, хувв, ўша йиғилишда Бош вазир мақтаганди, балки, шундан руҳланиб кетдим.

— Асл сабабини мен биламан, айтайми?

— Ҳа, айтинг.

— Шаҳриёр, сиз уч-тўрт қадамни, тўғрироғи, келажакни аввалдан кўра биладиган раҳбарсиз... адашмасам, Шўртандаги корхонани қандай ишга тушириш, қандай фойдага киритиш масаласида ҳам аниқ ҳисоб-китоблар, режалар хаёлингизда пишиган, шундайми?

— Шундай, — дедим хижолатланиб, — лекин мени ортиқча мақтаб юборяпсиз. Менинча, ҳамма раҳбар ҳам олдинни кўра билиб иш тутади. Ахир, бошқача бўлиши мумкин эмас.

— Вўҳ! — вазир ўринбосари кўрсаткич бармоғини ҳавода силкитди, — худди шу ерда адашдингиз. Сиз ҳаммани ўзимдай деб биласиз. Аслида ундей эмас, аслида аксарият раҳбарлар тумшуғидан нарини кўрмайди. Кўришни ҳам исташмайди. Уларга деса, дунёни сув босмайдими, энг муҳими, амал-мансабидан ажralиб қолишмаса, бас. Бундай тоифаларга ҳалқ манфаати, жамоа манфаати деган гаплар бир тийин. Фақат ўзларини ўйлашади.

— Мен ҳам ўзимни ўйлайман.

— Биламан, ўйлайсиз, бу аниқ, лекин бошқаларни ҳам бир чеккага суриб қўймайсиз. Ўзгалар ҳақида ҳам қайғурасиз.

— Суръат ака-а, — дедим баттар хижолатланиб, — мени жудаям авлиёга чиқариб қўйяпсиз.

Вазир ўринбосари қизғин бош чайқади.

— Йўқ, ортиқча мақташ ниятим йўқ. Бўпти, валий эмассиз. Кўндинм. Хўп, унда айтинг-чи, Шўртанди бер-

сак, сотиб оласизми?

– Ҳа, мен тайёр.

– Нега? Нима учун керак сизга ортиқча ташвиш?

Ерқўрғондаги, Кўриқдаги “Заготзерно”лар бир пайтлар вайрона, ташландик эди. Бир амаллаб уларнинг қаддини тикладингиз. Илғор, нуфузли ташкилотларга айлантиредингиз. Ерқўрғонда ҳатто ишлаб чиқариш йўлга қўйдингиз, жамоа учун ёрдамчи хўжалик, қўшимча даромадлар ташкил этдингиз, тўғрими?

– Тўғри.

– Биламан, хабарим бор, буларнинг ҳеч бири оп-осон юзага чиққан эмас. Собиқ бошлиқ билан уч-тўрт йил олишдингиз, асоссиз шикоятлар ёзиб тинкангизни қуритди. Туман ҳокими, прокурори унга пишанг берди. Ариза ёз, ўзимиз Холёровни йўқ қиласиз, ўрнига ўғлингни ўтказамиз, дейишди. Ҳаммасидан хабарим бор. Шундайми?

– Ҳа, шу...

– Ҳозир елкангизга офтоб теккан кунлар. Адаш масам, даромадингиз ҳам чакки эмас. Энди мазза қили-иб, оёқни узатиб, яйраб юрмайсизми? Нима керак сизга Шўртандаги ўша корхона? У ерда ҳам ҳаммасини нўлдан бошлаш керак. Харажат, ташвиш, муаммо! Хўш, нима керак сизга у?

– Билмадим... кўнглимдагини айтсан, худди мажлисда гапираётганга ўхшаб қоламан. Айтмайин десам, ёлғончига чиқаман.

– Айтаверинг, тортинманг.

– Президентимиз, ҳукуматимиз шу ватанини обод қиласилик, халқ фаровон яшасин, деб куйиб-пишаяпти. Мен ҳам қўлимдан келганича уларни қўллаб-кувватласам, дейман. Ҳамма қорним тўқ, устим бут, чўнтағим тўла, деб ўз майшатини қўзлаб юрса, давлат сиёсатини ким амалга оширади? Масалан, мен камбағал, оддий бир оиласдан чиққанман. Президентнинг раҳбариятнинг эътибори, ишончи туфайли бугун шундай даражага

эришдим. Турмушим фаровон, обрүйим баланд. Демак, иззатга яраша хизмат ҳам қилишим керак. Фақат еб-и-чиб, майшатда юриш негадир менинг ички кечинмаларимга, түйғуларимга түғри келмайди. Бошқалар ҳам мен тотингган дастурхондан баҳраманд бўлсин дейман.

Суръат Жабборович яйраб кулди.

– Ҳақиқий ватанпарварлик, ҳалқпарварлик деганлари шу-да. Намунча қисиниб, уялиб гапирасиз? Овозингизни баралла қўйвермайсизми?

– Билмадим, – дедим елка учирib, – мен ватанпарвар, элпарвар одамлар фақат телекўрсатувларда, газета-журналларда бўлса керак деб ўйлайман. Ўзимни улар сафига қўшолмайман. Ҳозиргина айтганларимни бирон бир парварлик деб ҳисобламайман. Бирор иш қилгудек бўлсан, кимгadir нафим тегса, буни шунчаки бурчим, вазифам деб биламан. Масалан, Шўртантаги ўша корхона ҳаракатга келса, камида уч юз одам иш билан таъминланади, аҳолига арzon ун маҳсулотлари етказиб берилади, ўша худуднинг тараққиётига ҳисса қўшилади, шу. Бир кун келиб ҳалқ мана шу корхонанинг ишга туширилишида Холёров деган одам бош-қош бўлган деб эслаб юрса, бас.

– Вуҳ! – вазир ўринбосари кўрстакич бармоғини яна ҳавога нуқиди, – Вуҳ, ҳақиқий ўғил бола гап бўлди. Ҳуш, демак, қарорингиз қатъий! Шўртандаги ўша чалаўлик комбинатни сотиб олишга тайёрсиз! Шундайми?

– Тайёрман!

– Кейин афсусланиб юрмайсиз-а?

– Ҳаммасини роса ўйлаб кўрганман.

– Раҳмат сизга! Бизни яна бир муаммодан кутқа-ряпсиз.

– Қўлдан келганича хизматдаман.

Суръат Жабборович ўрнидан турди. Столни айланниб келиб елкамдан енгилгина қучди.

– Ҳужжатларни тез кунда оласиз. Ишга киришаверинг. Сизга омад тилайман!

## ТҮРТИНЧИ ҚИСМ



## Йигирма олтинчи саҳифа

Бир ёмоннинг бир яхиси бор деган гап чинга ўхшайди. Ўтган-кетган воқеаларни эсларканман, бунга яна бир карра амин бўлдим. Масалан, ўн йил аввал мени Ерқўргон дон тайёрлов идорасига раҳбар сифатида тайинлашгани ўзимга сира ёқмаган. Ахир, йирик, нуфузли бир комбинат директорининг ўринбосари эдим. Кўзи ўткир, сўзи ўткир раҳбарлардан саналардим. Ночор, қаровсиз ““Заготзерно””га жўнатишгани ҳақоратдек туюлган. Аммо орадан ойлар, йиллар ўтиб бехуда изтироб чекканимни англаб етдим. Бу ерда машиқатларда тобландим, мустақил раҳбар сифатида шаклландим. Худога шукур, аввалгидан ҳам зиёда обрўга, иззат-хурматга эришдим. Халқ тили билан айтганда, қасд қилганлар паст бўлди. Менга қазиган чоҳга ўзлари тушдилар. Рақиблар мени бадном қилиш учун ёллаган аёл ҳамдард, ҳамнафас дўстимга, сирдошимга айланди. Мени санъатнинг, гўзалликнинг сирли, сехрли оламига етаклади, дунёни санъат, ижод кўзи билан кўришга ўргатди. Руҳимга, кўнглимга, хаёлотимга ўзгача бир завқ-шавқ, жўшқинлик, ҳарорат олиб кирди. Демакки, бир ёмонлик ортидан, минг-минг яхшилик келди. Балки, бу ният билан ҳам боғлиқдир. Кўнгил тоза, мақсадлар эзгу бўлса, балки ҳар қандай ноҳушлик ҳам хайрли якун топар?! Бунга ёрқин мисол, мана, кўз олдимда турибди.

Үтган август адокларида туман ҳокими кечки пайт чорлаб қолди. Бордим.

– Сизга алоҳида муҳим топшириқ бор, – деди у со-вуққон қўз ташлаб, – эски ўттиз саккизинчи совхоз идорасини биласиз-а?

– Ҳа, кўзим тушган.

– Яхши. Ана ўшани яхшилаб таъмирлайсиз, пахта йиғим-терими мавсуми яқин, бизга ҳашарчиларни жойлайдиган бинолар керак. Ишни тезлаштиринг.

– Хўп.

Туман раҳбарининг бу қадар иддао, зарда билан топшириқ беришнинг асл сабабини сезиб турибман. Ҳашарчиларга қайғуриб қолган жойи йўқ. У, шунчаки, мени зимдан жазолашни кўзлаган, холос. Чунки шу топшириқдан ўн кунча аввал ўртамиизда сал бошқача гурунг бўлган эди.

“Туман футбол жамоасининг ютуқларидан очиғи мен ҳам хурсандман, – деди ҳоким йиғиндан сўнг мени кабинетига етаклаб, – лекин баъзи бир муаммолар чиқаяпти”.

“Қанақа муаммолар экан?”

“Вилоят футбол федерацияси раиси ким эканлиги-ни биласиз-а?”

“Ҳа, прокурор”.

“Нега у кишининг буйруқларини бажармаяпсиз?”

“Очиғи, мен билан шахсан гаплашгани йўқ. У-бу раҳбарлар орқали топшириқлар бериб турибди”.

“Хўш, нега уларни бажармаяпсизлар?”

“Нега бўларди, – дедим мулоҳимроқ жавоб беришга уриниб, – у киши имконимиздан ташқари талаблар кўйяпти”.

Туман ҳокими худди бехабардай яна сўради.

“Қанақа талаблар?”

“Рақибларга енгилиб беришимизни сўраяпти. Йў-лимизга тўғаноқ бўлаяпти. Негадир бизнинг Олий ли-гага чиқишимизни истамайдиганга ўхшайди”.

“Енгил дегандан кейин енгилиш керак-да, ахир у киши каттакон раҳбар”.

“Енгилиш керак?! Бунинг асло иложи йўқ. Биз бу учун футбол жамоаси тузган эмасмиз”.

Туман ҳокими стол устидаги қоғозларни бемақсад титкилай бошлади. Сезиб турибман, бу одамга ҳам каттакон раҳбарнинг найранглари номаъкул, лекин бизни қўллаб-қуватлашга ҳам журъати йўқ.

“Қайсарлигингизни биламан, – деди у насиҳатомуз оҳангда, – лекин эҳтиёт бўлиш керак, вилоят прокурори билан ўйнашиб бўлмайди, футболни деб бошқа ишларингиз ҳам орқага кетмасин тағин”.

“Бошга тушганни кўз кўрар,” – деб қўйдим хонадан чиқишига ҷоғланиб.

“Шошилманг, – раҳбар енгил имо билан мени тўхтатди, – яна бир гап бор”.

“Бемалол, эшитаман.”

“Тоғам тўй бошлаб қўйди, – деди ҳоким бироз ўнгайсизланиб, – тўёнага бошим қотиб турибди. Холёров, маслаҳатингиз керак”.

“Эл қатори бирор нима қистирапсиз”.

Ҳоким норизо ўқрайиб қўйди.

“Мени шарманда қилмоқчимисиз? Ҳеч қурса, ошнинг гуручини, гўштини кўттармасам бўлмайди”.

“Агар имкон топсангиз, маъқул”.

“Сизда ёрдамчи хўжалик бор-ку. Беҳудага аллакимларга хайру саҳоват кўрсатиб юрасиз. Шундай қийин пайтларни ҳам қўлланг-да”.

“Ёрдамчи хўжаликдаги моллар ҳали ориқ”, – деб атай тайсалладим.

Туман ҳокимининг энсаси қотди.

“Бошни кўп қотирманг. Пайшанбагача бироз ақча топиб келинг. Қарз десангиз, қайтарарман”.

Мен худди кўнган одамдай хонадан чиқдим. Лекин индин ҳам, кейин ҳам у киши тайинлаган пулни

олиб бермадим. Кейин ўйлаб қарасам, нотұғри иш қилибман. Айтганини берсам бўларди. Ўлиб қолар жойда эмасман. Афтидан, ишларим юришгандан юришиб, мавқеим ошгандан ошиб оз-моз кибрга берилганга ўхшайман. Очиги, туман ҳокимини писандимга илмадим. Бу ўта нодонлик, кўтартмалик. Бир чўпни сизга бош қилиб қўйса ҳам, унга бўйсунинг, деган ҳикматли ибора бор. Халқ ўртасида юрган бундай нақлларга эътибор бериш керак, амал қилиш керак. Мен эса очиқ-ойдин одобсизлик кўрсатдим. Бошим осмонга етган тақдирда ҳам раҳбарнинг баъзи бир илтимосларини ерда қолдирмаслик лозим. Афуски, менинг ақлим кириб, худди шундай фикрлай бошлаганимда кеч эди, анчагина кеч эди. Тўғри, ўша сухбатдан сўнг ҳоким билан яна уч-тўрт марта учрашдик. Лекин у киши ўша масалани бошқа кўтартмади ҳам, эслатмади ҳам. Одатдагидай, муомала қилиб юраверди. Аслида шунинг ўзи ҳам менга яхшигина маънавий зарба эди. Кейин эса тўсаддан бу топшириқни берди.

Ўша эски совхоз идорасини биламан. Бир пайтлар икки қаватли, серсавлат, чиройли иморат бўлган. Чор-атрофи кенг, қулай майдон. Кейинчалик қаровсиз, ташландиқ ҳолатга келиб қолган. Уни эпақага келтириш учун хийлагина харажат қилиш керак. Ўйнашмагин арбоб билан, арбоб урап ҳар боб билан деганлари шу-да: биргина топшириқ билан қизғангандан уч-тўрт тангамизни юз ҳисса қилиб сарфлашга мажбурлади-кўйди.

Туман ҳокими вазифа юклаган ўша кеч ўринбосарим Тиллаевни, бош ҳисобчим Панжиевни машваратга чорладим. Таъбим тирриқ эканлигини сезиб улар ҳам саросималаниб қолишибди. Вазиятни тушунтирдим. Тиллаев ҳамишагидек ерга қаради. Панжиев худди ўз чўнтағидан харажат қиласигандек чуқур уф тортди, изтироб билан бош чангллади.

– Хуллас, объект нари-бериси бир ой ичида тайёр бўлиши керак. Шахсан вилоят ҳокимининг ўзи келиб кўрар экан. Панжиев, бу ишнинг увол-савоби сизга юкланади, масъулиятни ҳис этасиз деган умиддаман, – дедим машварат сўнгига.

Тиллаев истар-истамас ғудраниб қўйди.

– Супуриб-сидириб, у ер-бу ерини бўяб, бежаб қўйсак бўлар.

– Калла жойидами, – заҳарханда кулди бош ҳисобчи, – у ерни кўрганмисиз ўзи? Молхона-ку, қайта қурмай таъмирлаш билан кутулсак ҳам катта гап.

Баҳс-мунозара, маслаҳат-машварат яна анча пайт давом этди.

– Хуллас, мен кўрмайин ҳам, куймайин ҳам, – дедим улар билан хайрлашар эканман. – Ўзларинг бир бало қилинглар. Мен Шўртандаги корхона билан шуғулланман.

Ҳа, Тошкентдаги ўша учрашувдан сўнг Шўртандаги дон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган чалажон комбинатни жонкуяр жамоамнинг, дўст-биородарларнинг оҳу зорига қарамай ўзимиизга қўшиб олдик. Яъни, банқдан жуда катта миқдорда кредит ундириб, уни харид қилган, давлат мулкига айлантирган бўлдик. Мана ўшандан бери ҳам салкам икки йил вақт ўтди. Э-ҳе-е, бу орада не бир машаққатлар, сарф-харажатлар эвазига қанчадан-қанча ишларни амалга оширдик! Аввал корхонани тўла таъмирдан чиқардик, тегирмон курилмасининг кам-кўстини бутладик, завод атрофини баланд девор билан қайта ўрадик. Газетачилар тили билан айтганда, бугун у гуркираб фаолият юритаётган йирик корхонага айланди! Салкам уч юз киши иш билан таъминланди. Арzon, сифатли ун, ун маҳсулотлари элу халқ дастурхонига етказиб берилмоқда. Иш жараёнида ғалла сақлаш учун яна бир йирик омборхонага эҳтиёж сезилди. Яқинда ўша омборхонани қуришни

бошлаб юбордик. Ўзим бош-қошман. Шунинг учун ҳам ҳалиги идора таъмирини Панжиевга топширдим.

Мен Шўртанга кетдим. Айни пайтида етиб борибман. Курувчилар омборхона томини ёпиш учун йигирма дона маҳсус металл жиҳоз кераклигини айтишди. Бундай жиҳозлар Тошкентдаги қайсиdir заводда қаттый буюртма асосида тайёрланар эмиш. Гойтахтга кетдим. Роса даҳмаза, инжиқ иш экан. Ўша заводни топиб буюртма қилгунимча бир ҳафта ўтиб кетди. Аввалига ўзимни бепарволикка солган бўлсам-да, Панжиевга юклатилган топшириқдан хавотирлана бошладим. Уддалашдимикан? Катта чиқимга йўл қўйишмадими? Раҳбарият ортиқча гап-сўз қилмадими?

Худди шундай ўйлар билан Еркўрғонга қайтдим. Идорага кирар-кирмасим телефоним жиринглаб қолди. Панжиев экан.

– Эй, нега шу пайтгача бирор марта ҳам қўнғироқ қилмадинг? – дедим ҳол-аҳвол сўрашгач.

– Сизни безовта қилмайин, дедим-да. Кўрмайин ҳам, куймайин ҳам деб кетгандингиз. Охири чидаёлмай бугун телефон қилдим.

Панжиевнинг товушида алланечук кўтаринкилик, хушнудлик сезиларди.

– Хўш, нима гаплар? – деб сўрадим қизиқсиниб.

– Биз томонларга бир келиб кетсангиз.

Бордим. У ерда иш авжиди экан. Икки қаватли эски совхоз идораси биносининг ички қисми таъмирдан чиқибди. Уч-тўрт курувчи томдаги синиқ, эски шиферларни янгисига алмаштириш билан андармон. Яна бир тўп ишчи ҳовли сатҳида цемент қуийб бетон ётқизарди.

Ранг-рўйим ўзгарганини пайқаб менга хушхандон кайфиятда пешвоз чиқсан ўринбосарларим каловланаб қолишли.

– Икковинг ҳам корхона душманисан! – дедим атрофга кўз ташлаб, – намунча ваҳима, Амир Олимхонга са-

рой қуряпсанларми? Маблағни тежаганларинг шуми ҳали?!

Панжиев қўзларини қисиб яна илжайди.

– Ўзингиз ўргатгандай, ҳаммаси яхшиликка бўлсин, деб туринг, хўжайин.

– Кўзни қисганча, бошқа ерингни қисгин, – баттар жаҳлим чиқди менинг,-сенга ишонганинг ўзи аҳмоқ. Қара, эшик-деразаларнинг қимматидан қўйибсанлар. Янги шифер қоқишига бало борми? Шуми тежамкорлик қилгандаринг? Кечаю кундуз югуриб-елиб топган пулимиизни ҳавога совурибсанлар-ку?!

– Сизнинг орзуларингизни амалга оширяпмиз, – дея бош ҳисобчим яна илжайди.

– Қанақа орзу?! Нима деяпсан?!

Панжиев ҳануз хуш, қувоноқ бир кайфиятда қўлтиғимдан олиб шивирлади.

– Икки йилдан бери режалаштириб юрган масала бор эди-ку. Ҳалиги...

Панжиев ташвишлар ичида сал-пал хаёлимдан қўтаришган, ўзим мажлисларда тез-тез тилга олиб турдиган орзуимни эслатди. Бирдан ичу ташим ёришиб кетди!

– Бу фикр қандай каллангга келди? – деб бош ҳисобчимнинг елкасидан кучдим.

Панжиев керилиб қўйди.

– Ҳамма яхши ғоялар фақат менинг калламда, деб ўйлайсиз-да, хўжайин.

Машинадан тушганимдан бери сал нарида қўёндай хуркиб турган Тиллаев ҳам кайфиятим қўтаришганини қўриб илжайганича яқин келди.

– Лекин бу режани туман ҳокимига айтиб бўлмайди.

Панжиев ҳам Жуманнинг фикрини маъқуллади.

– Рост, тўғридан-тўғри вилоят ҳокимига айтиш керак.

Мен индамадим. “Ҳаммаси яхшиликка бўлсин”, дегая илтижо хаёлимда айланиб турарди.

Түсатдан құл телефоним жириңглаб қолди. Туман ҳокими экан.

– Холёров, қаердасиз? – деб сүради.

– Шу атрофдаман.

– Аниқми? Қачон сүрасам, Шүртандың бүлесиз.

Рахбарнинг товуши тұла зарда, алам-изтироб әди. Афтидан, у киши футбол масаласида яна дакки эшитген. Чунки бизнинг “Еркүрғон” галдаги үйинде ҳам неча-нече чопарларнинг зимдан берган буйруқтарини, таҳдид-тазийкларини назарга илмай рақибни буткул тор-мор этди. Ҳойнақой, вилоят футбол федерацияси раиси Алининг аламини Валидан олган, яъни биз қолиб, туман ҳокимига ўшқирған. Қолаверса, ўша кунги түёна масаласидаги илтимос ҳам қаноатлантирилмади. Шу боис ҳам туман ҳокимининг фигони фалакка чиққан.

– Йўқ, ҳозир сизнинг топшириғингиз бўйича юрибман, – дедим раҳбарнинг кўнглини юмшатишга уриниб.

– Анови объект нима бўлди? Тайёрми?

– Бир ҳафталик иш бор ҳали.

– Тезлаштиринг, кейинги шанба вилоят ҳокими келади. Шахсан бориб кўради. Тағин гап-сўз чиқиб юрмасин-а.

– Хўп.

Алоқа узилди.

– Нима гап экан? – сўради Тиллаев қизиқсиниб.

– Вилоят ҳокими келармиш...

– Какраз, – деди Панжиев ҳовлиқиб, – ҳаммаси режа бўйича. Ҳаммаси яхшиликка бўлсин.

Кулишдик. Бу кулгуларимиз бир ҳафтадан сўнг чинакам қаҳқаҳага айланди. Режаларимиз ўзимиз ўйлагандан ҳам чиройли, осон бир тарзда амалга ошди. Ўшанда биз тұла таъмирдан чиққан, бўёқлари офтоб нурида товланаётган, ён-атрофи чиннидек топ-тоза идора ёнида топшириққа кўра құл қовуштириб турар-

дик. Чиндан ҳам чошгоҳга яқин вилоят ҳокими бир түп амалдорлар билан ташриф буюрди. Туманимиз раҳбарлари атрофида гирдикапалак.

– Ана, қылса бўларкан-ку, – деди Мухриддин Зокирович ярақлаб турган эски идорани кўздан кечиравкан, – бу ишга “беш” баҳо! Бу шунчаки ҳашарчилар учун ётоқмас, ҳақиқий санаторий бўпти.

– Дараҳтлар бир оз сийрак экан, – деб пўнғиллаб кўйди ҳамроҳ бўлиб келган амалдорлардан бири.

– Ҳозир кўчат экадиган пайтмас, келгуси йил бу камчиликлар тўғриланади, – дедим энсам қотиб.

Вилоят ҳокими елкамга мамнун кўл кўйди.

– Ҳолёров, катта ишларни амалга оширяпсиз. Ҳаммасидан хабарим бор, яшанг! Айниқса, “Еркўргон” футбол жамоасининг парвозидан хурсандман. Жамоа Олий лигага чиқсан куни сизга алоҳида мукофот бор.

– Раҳмат, эътиборингиздан мамнунмиз.

– Хўш, биздан сизга қандай ёрдам керак? Тортинмай айтаверинг, сизнинг ҳақингиз бор.

– Мумкин бўлса... агар, – дедим тавозе билан.

– Бемалол.

Кўриб турибман, туман ҳокимининг бирдан авзойи ўзгарди. Ҳадик-хавотир аралаш менга кўз ташлади.

– Мухриддин Зокирович, бу эски совхоз идораси. Ташландик ҳолатда эди, – деб гап бошладим, – бир ойча таъмирладик, анчагина харажат қилдик.

– Кўриниб турибди, астойдил қилинган иш бу, – деди вилоят ҳокими.

– Мухриддин Зокирович, ҳамма гап шундаки, ҳашарчилар кетгандан сўнг бу ер яна қаровсиз қолиб, вайронга ҳолатга тушиши аниқ. Шунча меҳнатимиз, маблағимиз ҳавога соврилади.

Вилоят ҳокими бетоқат кўл силтади.

– Хўш, бирор бир таклиф борми?

– Шу жойни бизнинг балансга ўтказиб берсангиз.

– Сизга бу ер нимага керак? – қизиқсинди Мухриддин Зокирович.

– Кўпдан бери корхонамиз ходимлари учун, футбол жамоамиз учун дам оладиган, даволанадиган жой ташкил этишни ният қилиб юргандим.

– Ана! – Мухриддин Зокирович завқ билан елкамдан кучиб қўйди. – Ана, бу ҳақиқий ўғил бола гап! Эй, – у киши жонсарак турган туманимиз раҳбарига юзланди, – Холёровнинг жонкуярлигини кўрдингми, сен бажаришинг керак бўлган ишларга ҳам ўзи бош қотириб юрибди! Ундан озгина ўrnak олсанг, ўласанми?

– Хўп, хўп, – деб қўйди туман раҳбари.

– Эртагаёқ бу эски идорани бутун ер майдони билан Холёровга хатлаб бергин, тушундингми?

– Тушундим.

– Раҳмат, ҳоким бува, – деб қўйдим мен.

Вилоят ҳокими хайрлашиш учун кўл узатди.

– Бирор муаммо бўлса, ўзимга учрашинг. Футболни кучайтиринглар! Маблағни аяманглар.

– Албатта, раҳмат.

Раҳбарият қайтиб кетди.

Биз, Панжиев, Тиллаев ва мен, қаҳ-қаҳ отиб, қийқириб арзимаган ташвиш ортидан келган улкан ютуқни нишонладик.

### Йифирма еттинчи саҳифа

Жананинг устахонасига шитоб билан кириб бордим. У худди азадор аёлдай бир пайтлар ўзи чизган менинг суратимга термулиб ўтиради. Кўнглимга баттар ғулғула оралади. Эрга тегаяптимикан ё бирор оғир қасликка чалиндимикан, деган ўй хаёлимни пармалаб ўтди. Эрталабки шикаста, маҳзун товуши яна бир карра қулоқларим остида тараалгандай бўлди. Одатда, Жана эрталаблар қўнфироқ қилмас эди. Аммо бугун эндиғина корхонага кириб келган пайтим кўл телефоним жи-

ринглаб қолди. Хира ёришиб турган экрандаги ёзувга күз ташладим: Жана. Мен унинг ҳамишаги жарангдор, нозли, сирли овозини эшитиш иштиёқида телефонни кулоғимга тутдим.

– Устахонадаман, вақт топиб бир кириб ўтсангиз.

У ногоҳ шундай деди. На салом, на алик. Шу гапни айтди-ю, яна алоқани узиб қўйди. Товуши тўла ти-троқ. Унинг бу қадар ҳазин ва ҳоргин овозини илгари ҳеч эшифтмаганман. Бутун вужудимга ғашлик, хавотир ёпирилиб кирди. Аслида бугун мажлис мўлжаллаб қўйгандим. Лекин ҳеч нарса кўнгилга сифмади. Панжиев ва Тиллаевни чақириб хоразмликларнинг вагонига ғалла юклаш юзасидан топшириқларни бердим-у, апил-тапил машинамга ўтириб шаҳарга жўнадим.

Ана, Жана! Мени кўриб синиқ ва хафаҳол жилмай-ганича ўрнидан турди.

– Тинчликми? – сўрадим баттар хавотирланиб.

Жана индамай қархисидаги стулга ишора қилди. Ўтирдим.

– Кеча тун бўйи зиёфатда эдим.

– Қанақа зиёфат? Ҳойнаҳой, амалдорларники бўлса керак?

– Ҳа. Курсиси баланд одамлар чақиришди.

Рашк олови юзу кўзимга сачраб кетди.

– Ахир бундай жойларга бормасликка келишган эдик-ку, – деб ғудрандим аранг.

Жана ўнг қошини учирив, андак чимрилган кўйи кўз ташлаб қўйди. Бу нигоҳ маъноси менга жуда таниш. Тушундим: тергашга ҳаққим йўқ. Ахир, ҳеч ким эмасман-ку унга! Шунчаки, санъат, рангтасвир ихлосмандиман, холос.

– Улар икки киши эди, – деб қўйди Жана.

– Кимлар эканлигини билсак бўладими? – дедим ҳануз рашқдан тўлғониб.

Жана изтиробларимга парво ҳам қилмади.

– Ҳозир билиб оласиз. Иккови ҳам ғирт маст эди.  
Улар сиз ҳақингизда гаплашишди.

– Мен ҳақимда?

– Ҳа. Мен гап-сўзларини телефонга ёзиб олдим. Биламан, бу яхши ишмас, бирорларнинг сұхбатини ўғираш, лекин... чидаёлмадим. Гап сиз ҳақингизда бўлганлиги учун чидаёлмадим. Узр.

– Эшитсанк бўладими?

Жана стол устида ётган телефонининг тугмачаларини босди. Бутун вужудим қулоққа айланди.

Телефон аввал пишиллади, сўнг коса-товоқ, қошиқ-санчқиларнинг шақир-шуқур товуши эшитилди. Қаердадир жўшқин мусиқа чалинарди.

“Ресторан”, лип этиб хаёлимдан ўтди менинг.

“Ерқўргон бўйича режаларингиз нима бўлди?” – телефондан бўғиқ, кибрли бир сас эшитилди.

Кимдир чойми, сувми хўплай туриб жавоб берди.

“Ҳаммаси ўйлаганимиздек. Ўша “Заготзерно”га Холёровни кўйиб тўғри қилган эканмиз. Ҳамма ёқни гуллатди. Ишлаб чиқариш ташкил қилди. Хуллас, ҳаммаси кўнгилдагидай. Ерқўргон “Заготзерно”си ўн бир йил ичида бақувват, нуфузли корхонага айланди. Ҳаммаси назоратда”.

“Ўтган ҳафта Шўртанга боргандим. У ерда бизга қадрдон эшон бува бор. Ўша таклиф этганди. Қайтарда Шўртан мелкомбинатга ҳам мўралаб ўтдим. Гуруллаб ишлаб ётибди. Тоғдай-тоғдай ғалла хирмонлари узокдан ҳам кўринади”.

“Хабарингиз бор, ўша корхонани юритишга ҳеч ким ботина олмаганди. Холёров эплади. Кузатиб турибмиз”.

“Ортиқ кузатиб, лаллайиб ўтириб бўлмайди. Газини босиш керак”.

“Нега? Яна бир оз кутсакми, дегандим”.

“Йўқ, қандай нодон одамсиз ўзи? Холёров дам сайин, кун сайин кучайиб боряпти. Нуфузи, мавқеи соат

сайин ошяпти. Яна икки-уч йилдан сўнг уни ишдан бўшатиш нари турсин, яқинига ҳам боролмай қоласиз. У ҳам нонни қулоғига еб юргани йўқ. Сиёsatни тўғри тушунади, қонун-қоидаларни аъло даражада билади, айникса, ҳисоб-китоб ишларига пухта”.

“Биламан”.

“Билсангиз, анқайиб ўтирманг, газини босинг”.

“Яхши, киришамиз”.

“Анови футбол командаси ҳам жонимга тегди. Шуларни деб пойтахтдаги акахонлар олдида уч-тўрт марта юзим шувит бўлди”.

“Нега?”

“Нега бўларди....уларга ғалаба сув-ҳаводай зарур бўлиб турган пайти “Ерқўрғон” панд берди. Катта ҳисобда ҳаммасидан устун келди”.

“Э-э...футбол учун куйинманг, бу бир азарт ўйин.... қолаверса “Ерқўрғон” ўзимизники, ғалаба қиласверсин-да.”

“Футболга ҳам, ғалабасига ҳам тупирдим...лекни акахонлар олдида шарманда бўлдим. Қандайдир дончи хоҳишимга қарши борса-я...бунга ортиқ чидай олмайман.”

“Куйинманг, яқинда ҳаммаси учун жавоб беради”.

“Холёровнинг ўрнига муносиб номзодингиз борми ўзи?”

“Ҳа. Жиян ўша ерда ўринбосар. Анча бўлди, жойлаб қўйибман. Холёровнинг ҳар бир қадамини назоратда ушлаб турибман”.

“Кейин эплаб кета оладими ўзи?”

“Эплайди. Эпламаса, ёрдам берамиз”.

“Ишни тезлаштиринг. Худо кўрсатмасин. Холёров бу кетишида Президентнинг ё Бош вазирнинг эътиборига тушиб қолиши мумкин. Унда қўлимиздан ҳеч нима келмай қолади”.

“Ха, түғри айтасиз, айниңса, Бош вазирнинг соя-сига ўтиб кетса, иш чатоқ. Бош вазир Холёровдай тад-биркор, ишбилармон одамларни жуда яхши кўрар экан. Бирдан ҳимоясига олиб қолиши мумкин”.

“Давай, қўп лаллаймай Холёровни четлаштиринг. Зарур пайти биз ёрдамда, ҳаммаси келишганимиздай бўлади”.

“Айтганингиз келсин”.

“Қани, олинг, режамизнинг силлиққина амалга ошиши учун ичамиз”.

“Хўп, олдик”.

Бир-бирига урилган қадаҳлар жаранглади. Телефон жимиб қолди.

Жана асабий тарзда уни олиб сал наридаги юмшоқ курси устига ташлади.

– Узр, сизга шуни етказиб қўйсам дегандим. Уларни танидингизми?

– Ҳа, бири вилоят прокурори, иккинчиси Шарпа.

Жана ҳасрат, ҳамдардлик тўла кўзларини менга қадади.

– Югурдингиз, елдингиз, катта ишлар қилдингиз, энди ҳаммасини ўроқда йўқ, машоқда йўқ зўравонлар эгаллайдими?

– Қўявер, ҳаммаси Ҳудо хоҳлагандай бўлади, – дедим гўёки бепарво қўл силтаб, кўз қисиб.

– Ҳудо хоҳлагандай... – Жана ўйчан, маъюс жилмайди, – нима қилсан, юрт учун, халқ учун қиласман деб мақтангандингиз-ку бир пайтлар.

– Мақтанганим йўқ, ростдан ҳам шундай.

– Орқангиздан мана бундай режалар тузиб юришганидан бехабармисиз?

– Мен қайдан билибман. Лекин Шарпа маврид-бемаврид корхонага келиб туради. Очифи, ёқтирумайман. Нимадир мени ундан итариб туради. Ёйилиб, очилиб гаплаша олмайман.

– Фаришталар! Фаришталар сизни ўшандан тўсиб туради. Бу одамдан узокроқ юр деб огоҳлантиради.

– Балки... лекин Шарпага қойилман. Тузган режасидан хурсандман.

– Қойилсиз?! Хурсандсиз?!

– Ҳа, биринчидан, ўн йил аввал Шарпа бундан кейин тадбиркорлик, ишбилармонлик замони бўлишини англаб етган. Очифи, унча-мунча раҳбарларимиз ҳам бу ҳақиқатни ҳали тўла тушунив етишгани йўқ. У ҳаммасини олдиндан кўра билган. Еркўрғон “Заготзерно”си агар зўр одамнинг қўлига ўтса, гуркираб ривожланишини сезган, чамалаган, кўз тиккан, режасини тўқис амалга оширадиган кадр излаган. Қувонганимнинг сабаби шуки, у мени танлади. Менинг қобилиятимни, билимимни юқори баҳолабди. Режасини менинг қўлим билангина амалга оширишига ишонган. Мени қ.сак баҳолагани учун Шарпадан миннатдорман. Раҳмат.

– Тўғри, миннатдор бўлиб юраверинг, – заҳарханда кулди Жана, – яқинда Шарпа сизни мукофотлайди, кераксиз буюмдай ташқарига улоқтиради.

Мен қўзларимни юмиб пичирладим.

– Ҳаммаси яхшиликка бўлсин, яхшиликка бўлсин. Ҳар ёмонлик ўзи билан бирга бир яхшиликни ҳам опкелади.

– Вуй, бу одамнинг бепарволигини, – деди Жана чинакамига ҳайратланиб, – қўрқмайсизми, ўн йиллик меҳнатингиз мевасини бошқалар тортиб олишидан қўрқмайсизми?

– Йўқ, асло! Ўша гапим гап: нимаики қилган бўлсан, юртим, халқим учун қилдим. Тўғри, ўзимни ҳам унутиб қўймадим.

– Юртимга, халқимга деганларингизга бошқа зўравонлар эга чиқаяпти-ку?

– Шарпа “Заготзерно”ни эгаллагани билан гўрига орқалаб кетмайди-ку! Оғиз-бурун бўп ейиши мумкин,

ўғирлаши мумкин, охири бир кун бўкиб ўлади-ку! Мулк барибир халқ мулки сифатида қолаверади.

– Сиз... сиз, – Жана қўлларимни меҳр билан силади,  
– мен ўйлагандан ҳам мард, донишманд одам экансиз.

– Бу гапингиздан кейин мен ҳам шунга ишониб қолдим.

– Хафа эмасмисиз?

– Йўқ...

### Йигирма саккизинчи саҳифа

Яшириб нима қилдим: юрагимга ғулғула оралади. Ўша куни Жананинг ёнида ўзимни мардона, бепарво тутган бўлсам-да, аслида қандайдир хавотир, ваҳима исканжасига тушдим. Шарпа ва унинг ҳамтовоқлари томонидан бўладиган ҳужумга ўзимни тайёрлай бошладим. Аввалига Панжиевни чақирдим. Корхонанинг барча ҳисоб-китоб, кирим-чиқим ҳужжатларини яна бир карра кўздан кечириб қўйишни тайниладим. Равшан ҳамишагидай фаросатли, зийрак йигит. Ортиқча саволлар бериб, эзмаланиб ўтирмади. Ранг-рўйимга бир қараашдаёқ, ҳойнаҳой, қандайдир нохушлик кутилаётганини пайқади.

– Тиллаевга айтар сўзингиз йўқми ё чақириб юборайми? – деди у чиқиб кетар пайти.

Беихтиёр чўчиб тушдим.

– Йўқ, – дедим қўл силтаб, – унга ҳеч нима дема.

Шу воқеалардан бир ойча ўтгач, илк ҳужум зарбасига учрадим. Ўшанда Кўриқ “Заготзерно”сида эдим. Ўн минг тонналик сифимга эга йирик омбор қуриш ташвишида куймаланиб юргандим. Ногоҳ қўл телефоним жиринглаб қолди. Нортожи Ҳамроев экан. Бу ўша, бир пайтлар Ерқўргонда ишчи ходимлар ичиди юриб, мен ҳақимда маълумотлар йиғиб, охири ўзимга иқрорини айтиб кетган йигит. Ўшанда эзгу тилакларимиз ижобат

бўлиб, кейинчалик у вилоят департаментига қандайдир бўлим бошлиғи лавозимига кўтарилиб кетган эди. Ахён-аҳён учрашиб, ҳангомалашиб турардик. Телефоним экранида унинг исмини ўқиб, худди ненидир сезгандай юрагим “шувв” этди. Адашмаган эканман.

– Ака, бизнинг идорага бир келиб кетинг, – деди у ноҳуш бир товушда.

Бордим. Ҳамроев аввалгида ҳам баттар семириб кетган, ҳансираған кўйи зўрға нафас оларди.

– Шамсиев Маҳмуд ким? – сўради у сирли шивирлаб.

– Бизда ишлайди, агрономимиз, – деб жавоб бердим.

– Сизнинг устингиздан ариза ёзибди.

– Ариза? Бўлиши мумкин эмас.

– Мумкин, – Ҳамроев бир даста қоғозга ишора қилди, – жуда жиддий айбловлар қўйган.

– Масалан, билсак бўладими?

– Масалан, тепловоз сотиб олган экансиз.

– Ия, ўзим учун сотиб олибманми? Корхона учун олганмиз. Ахир вагонларни елкамиз билан сурмаймиз-ку, бу техника “Заготзерно” учун сув-ҳаводай зарур. Эҳтиёж бор экан, самолёт ҳам сотиб оламиз. Шунинг нимаси жиноят?

– Қизишманг, асабийлашманг. Гап тепловознинг ўзида эмас, уни ким орқали, қандай сотиб олингани ҳақида кетяпти. Бу техникани харид қилшингизга ким аралашганини ўзингиз яхши биласиз.

– Ҳа, Чаман “Заготзерно”си бошлиғи Нозимхон Жалилов ёрдам берганди.

– Нозимхон Жалилов уч кун аввал ҳибсга олинди.

– Йўғ-е?! – эшитганимга ишонқирамадим, – наҳотки?

– Ҳа, рост. У кишининг масаласи оғир. Энг ёмони, – Ҳамроев сирли бир тарзда кўзларини пирпиратди, – энг чатоги, сизнинг тепловозингиз ҳам Жалиловнинг жиноий ишларига тиркалиши мумкин.

– Нега? Ахир ҳамма ҳужжатлар топ-тоза-ку.

– Билмадим...аммо Шамшиевнинг аризаси мазмуни са-ал бошқачароқ.

– Эшак семирса, эгасини тепади деганлари шу-да, – дедим алам-изтиробда ўртаниб, – кўчада қолиб кетган экан, ишга олдим, бошини силадим, мана оқибати.

Нортожи жингил соchlарини қўли билан тароклаған кўйи оҳу зоримни қандайdir бепарво тингларди.

– Сизга ақлли бир гап айтами? – деди у совуқон бир тарзда, – энди ортиқча муҳокамадан наф йўқ. Ғишт қолипдан кўчди.

– Нима қил дейсиз?

– Агроном билан гаплашинг, кўнглини топинг, хуллас, аризасини қайтариб олсин, тамом-вассалом.

– Негадир шу ифлосга ялингим йўқ.

– Ўзингиз биласиз, – елка учирди масъул ходим, – мен сизни вазиятдан хабардор қилдим, фикримни айтдим. Аслида ўзингиз яхши тушунасиз, бунга ҳаққим йўқ, ака-укачилик ҳурмати, сизга идора сирини очдим.

Ҳамроевнинг ҳузуридан қачон, қай тарзда чиқдим, билмайман. Дилем хуфтон, асабларим таранг эди. Маҳмуднинг нега бундай аҳмоқона йўл тутганига ҳеч ақлим етмасди.

Қандай айб ўтди мендан? Бирор гап-сўз билан кўнглини оғритдимми? Ахир маоши яхши, тағин ҳар байрамда тузуккина мукофот пули ёздираман, ёрдамчи хўжаликдан ҳам улуш олиб туради. Хўш, унга яна нима керак? Ё бирор мажбурладими? Кимдир фитнага тордими? Ёки Маҳмуд ҳам Шарпага тегишли одамми?

Худди шундай уч-қуйруқсиз сўзлардан бошим ғовлаб кетди. Истасам-истамасам, Нортожининг маслаҳатига юришга мажбур эдим. Маҳмуд билан гаплашиб олишим керак. Аммо ичимдаги ғурурим, нафратим бунга монелик қиласарди. Аммо минг бир ўйдан сўнг Маҳмудга қўнғироқ қилдим. Далада юрган экан. Дарҳол идорага келишини тайинладим.

Қизиқ, Маҳмуднинг бу қадар сурбет, жоҳил эканлигини авваллари ҳеч пайқамаган эканман. У хотиржам, лоқайд бир қиёфада хонамга кириб келди.

– Ака, байрам кайфиятидасиз-ку, – дея кесатганича тиржайди.

– Ҳа, сизнинг департаментта ёзган ишқий мактубингиздан бошим осмонга етди.

Маҳмуд яна баттар тиржайди.

– Ҷақирганингизда бирга-бирга нишонлардик.

– Сизнинг улушингиз турибди, – дедим сейфга ишора қилиб, – лекин аввал қадаҳ сўзи айтасиз.

– Қанақа қадаҳ сўзи?

– Нега ариза ёзганингизни. Нега душманлик қилаётганингизни.

– Мен сизга душман эмасман.

– Нега унда устимдан ёздингиз?

– Ёзгим келди, ёздим-да. Жанг майдонида ўзимни бир синааб кўрмоқчи бўлдим.

– Сиз ҳали жанг майдонига кирдингизми? Мен билан олишмоқчимисиз? Менга кучингиз етадими?

– Етади, – деб стулга ястанди Маҳмуд, – етганда қандоқ. Мен ёлғиз эмасман, ортимда тоғлар турибди.

Юрагим “шувв” этди. Бу аниқ Шарпанинг одами деган ўй хаёлимда чақмоқдай чақиб ўтди.

“Демак, келишув ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас, – ўйладим ташвишланиб, – барибир ҳеч нарсага кўнмайди, ялиниш ҳам, дўқ-пўписа ҳам бефойда. Орқа тоғларининг кўрсатмасисиз бир қадам ҳам босмайди”.

Маҳмуд ер остидан мени зимдан кузатиб турарди. Илоннинг ёғини ялаган туллак экан. Ичимни ит тирнаётганини билиб ўтирибди.

– Ака, куйинманг, ҳаммаси яхши бўлади, – деди у бир пайт худди насиҳатгўй отадай, – ўзим ёрдам бераман.

– Ие, қилғиликни қилиб, яна қандай ёрдам берасиз?

– Ака, бу дунёда ҳал бўлмайдиган муаммо, келишиб бўлмайдиган одам йўқ.

– Нима демоқчисиз? Муддаога ўтинг.

Маҳмуд яна зимдан мени кузатди. Афтидан қай даражада безовта эканлигимни билмоқчи бўлди.

“Вуй, туллак! – хаёлимдан ўтди менинг, – вазиятдан фойдаланиб би-ир қитиқлаб кўрмоқчи шекилли. Билса ҳазил, билмаса чин, дегандай”.

– Ўйлайманки, мени ўғри тушундингиз, – деди агроном тиржайиб.

– Тушундим. Гапиринг, қандай шартларингиз бор?

– Менга эллик тонна арпа берасиз, гулдир-гуп. Аризани қайтиб оламан. Оlam гулистон!

– Оlam гўристон, – дедим энсам қотиб, – сал-пал нафсингизни тийсангиз бўларди, ука. Эллик тонна арпа сизга ўйинми? Бир оз инсоф қилинг.

– Иш шунга арзиди, хўжайин, – деб ўрнидан илкис турди Маҳмуд, – мен сиз билан савдолашиб ўтирумайман. Яхшилаб ўйлаб кўринг, уч кун муҳлат.

У ғолибона бир тарзда хонадан чиқиб кетди.

Мен худди музлагандай қотиб қолдим. Устимдан эллик эмас, эллик минг тонна арпа босиб тушгандай эди.

## 15

*Саҳифадан бош қўтардим. Кўз олдим чаплашиб кетди. Негадир нафасим бўғилаётгандай туюлди. Шундагина ҳаяжонланаётганимни пайқадим. Елим идишдан сув қўйиб ичдим. Аммо ҳаяжоним босилмади. Ташқарига чиқдим. Борлиқ қоронғиликка қоришиб ётарди, кўк тўла юлдузлар алланечук хиёнаткорона милтирайди.*

Ҳа, ўша қунлар Шаҳриёр Эшбековичнинг серташвиш, серхаёл бўлиб қолганини мен ҳам сезгандим. Панжиевга зарур топшириқлар берган ўша кеч бошлиқ мени ҳам чақирди.

– Сенинг ҳам калланг бутга ўхшайди, масалан, Тиллаев ҳақида қандай фикрдасан? – деб сўради бир оз умумий мавзуларда гаплашиб тургач.

– Жуман ака, масалан, менга ёқади, – деб тўғрисини айтиб қўя қолдим, – бойвачча кўрингган билан камтар, камсуқум одам.

Холёров ўйчан қиёфада қоғозга алланеларни чизиб, ўчириб ўтирарди.

– Бўпти, боравер, – деди у шу тарзда икки-уч дақиқа ўтиргач.

Каллам бутлиги чин шекилли, бошлиқ аслида нима истаётганини, нима демоқчи бўлганини фаҳмладим. Тиллаевнинг хатти-ҳаракатини бир оз қузатиб юрсанг, деб тайинлашни хоҳлаганди у. Аммо Шаҳриёр Эшбековичнинг табиати зимдан қузатиш, чақмачақарлик каби машғулотларни сира ёқтирмайди. Шунинг учун очилиб-ёйилиб бирор нима дея олмади. Лекин мен каллам бутлигини исботлаш учун ҳам ишга киришдим. Тиллаевни зимдан қузатаман. Лекин ҳеч бир шубҳали хатти-ҳаракат сезмадим. Ҳатто, бир гал Жуман ака вилоят марказига қандайдир мажлисга кетган пайти у ўтирадиган хонага кирдим. Сариштали, шинам хона. Стол тортмаларини титкилаб кўрдим. Шубҳа уйғотувчи ҳеч нарса йўқ. Шунда стол устидаги кўп варақли дафтар эътиборимни тортди. Билдимки, Тиллаев ҳам бошлиқ каби кундалик тутган экан. Кўрган-кечирганлари, ўй-хаёллари, ҳаётга, одамларга муносабат ҳақида мулоҳазаларини ёзиб борар экан. Бир оз ўқидим. Шаҳриёр Эшбекович билан илк танишуви, бирга ишлашган дамлари, у киши ҳақидаги фикрлар битилган саҳифалар ҳам бор экан. Тиллаевнинг битикларидан бироз баҳраманд бўлгач, хонадан чиқиб кетдим. Аслида шундай ҳаёли, беозор одамнинг ортидан айғоқчилик қилаётганим ўзимга ҳам тобора ёқмай борарди. Лекни бошлиқ бехуда ташвишланиб қолмаган, деган бир ўй мени ишни

давом этказишга ундарди. Шаҳриёр Эшбекович ҳузуридан чиққан ўша қундан сўнг, орадан бир ойча вақт ўтиб, ниҳоят, аччиқ бир ҳақиқатнинг тагига етдим.

Кечки пайт эди. Эндингина уйга отланиб турган чоғим “Заготзерно” дарвозасидан Тиллаев қандайдир ҳовлиқан, асабий тарзда кириб келди.

– Маҳмудни кўрмадиларингми? – деб сўради қоровулдан.

Қоровул тегирмон томон ишора қилди.

– Боягина ўша ёқقا кириб кетганига қўзим тушди.

Тиллаев шошқин, илдам қадамлар билан тегирмон томон жўнади. Мен ҳам киши билмас ортидан боравердим. Шу пайт Маҳмуд андак чайқалган кўйи тегирмондан чиқиб келди. Афтидан, ширакайфга ўхшайди.

– Эй ифлос, нима б.. еб юрибсан?! – деди Жўман ака унинг ёқасидан тутиб. Сўнг бир чеккага итариб юборди.

Маҳмуд деворга аранг суюниб қолди. Тиллаев унинг билагига чанг солиб тегирмон ортига судради.

– Бу ёқقا юр, гап бор.

Маҳмуд қаршилик қилмади. Боладай ғингшиб унга эргашди. Бу мен учун айни муддао эди. Улар панага ўтишгач, бурчакда пойлаб турдим.

– Нега департаментга шикоят ёздинг? – сўради Тиллаев Маҳмудни деворга қисиб.

– Ёздим-да. Холёровни озроқ чиқимдор қилмоқчиман, – деб пўнгиллади Маҳмуд.

– Нега биз билан маслаҳатлашмадинг? Нега ўзингча иш тутдинг? Тоғам ҳали терингга сомон тиқади.

– Қачонгача бирорларнинг измida юраман? Мустақил бўлмоқчиман.

– Мустақил? Сен-а? – заҳарханда кулди Жўман ака, – бундай хомхаёл қачон каллангга келди? Сени шу пайтгача суюб-судраб юрган ким? Кўчада қолган дайди им эдинг. Сени бу ерга ким опкелди ўзи? Унутдингми?

– Биламан, ҳамма хизматларингизни қайтараман ҳали.

– Гүр ҳам қилмайсан. Ҳуллас, эртагаёқ бориб аризанги қайтариб ол. Тоғам режадан ташқари иш қилманглар деган.

– Сал кейинроқ қайтиб оламан, – түнғиллади Маҳмуд.

– Нега кейинроқ?

– Холёров билан келишдик.

– Келишдик? Нимани?

– Шартимни айтдим. Эллик тонна арпа сўрадим.

– Ух, ифлос. Нафсингга ўт тушсин! Шунга Холёров қўндими?

– Кўнади. Иложи йўқ. Келар шанба жавобини айтади.

Шу пайт вагонлар тарафдан гира-шира қоронғуликада кимнингдир шарпаси кўринди. Мен шоша-пиша бурчакдан узоқлашдим. Омборхона томон ҳудди ойпарастлардек довдираб, гангиг жўнадим. Ўй-хаёлларим ағдар-тўнтар бўлиб кетган эди.

“Ҳа, агроном шантажга ўтибди-да?! Холёров шундан безовта юрган экан-да??!”

Айни пайтда қўрган-билгандаримни бошлиққа етказишнинг ҳеч бир аҳамияти йўқ эканлигини англаб турардим. Лекин бу талончилик олдини олиш керак!

Мен яна хонамга қайтиб кирдим. Вазиятни хаёлан қайта-қайта таҳлилдан ўтказдим. Ниҳоят, сўнгги қарорга келдим. Эшик томон бир қараб қўйиб, маҳсус хизмат ходимига қўнғироқ қилдим. Одилжон ҳозир аввалги оддий ходим эмас, қандайдир бўлимга бошлиқ. Икковимиз анча синашта бўлиб қолганмиз. Аҳён-аҳён учрашиб, чой ичиб, суҳбатлашиб турамиз.

– Алё, эшиштаман, – деди таниш овоз.

– Учрашайлик, зарур гап бор.

## Йигирма тўққизинчи саҳифа

Йўқ! Бундай бўлиши мумкин эмас! Мен жаллод эмасман! Мен туфайли кимdir жабр кўришини асло истамайман! Нега бундай йўл тутдинг, Маҳмуд? Нега ўзингга ҳам, менга ҳам имкон қолдирмадинг? Нега мени сўнгги чорани кўришга мажбур қилдинг? Хабардорлар асл ҳақиқатни билади, билмаганлар қандай хаёлга боришади?! Мени тубан, қўрқоқ раҳбар сифатида маломат қилишмайдими? Не кунларга қолдирдинг мени, Маҳмуд?

Неча-неча кундан бери шундай ўтли, тиғли хаёллар исканжасидаман. Ичимдаги Шаҳриёрнинг шафқатсиз хитобларига, беаёв саволларига муносиб жавоб бера олмайман. Ҳатто, тунлари уйқуларим қочиб кетади. Ухласам-да, алоқ-чалоқ тушлар кўраман. Тушларимда ҳам худди шу хитоблар, худди шу сўроқлар, Маҳмуднинг аламли ўкириги, илтижо ва надоматга тўла нигоҳлари таъқиб этиб юради.

Ўша оқшом арзгўй агрономим билан гаплашгач, анча пайт безовта юрдим. Маҳмуднинг шартларига кўнишни ҳам, кўнмасликни ҳам билмасдим. Рози бўлай десам, аллақандай олчоқ фирибгарга бўйсунишга ғурурим, шаъним йўл бермайди, қолаверса, ҳеч кимдан муттатаҳамлик жойим йўқ, ҳисоб-китоб хужжатлари ҳам кўнгилдагидек, тафтиш-текширувлардан чўчимайман. Сурбет шикоятчининг шартларини рад этай десам, кўнглимга яна шубҳа оралайди. Чунки Еркўрғон дон тайёрлов идораси илгариги харобгина, кичкинагина ташклот эмас, у заҳматларимиз, меҳнатларимиз эвазига бугун катта корхонага айланди. Ун, ун маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи тегирмонимиз, омухта ем тайёрловчи цехимиз, йирик ёрдамчи хўжалигимиз, Гулободда каттагина дон қабул қилар масканимиз бор. Қўриқ “Заготзерно”си, Шўртандаги йирик элеватор ҳам биз-

га қарашли. Хуллас, ҳудудимиз катта, иш фаолиятимиз серқиrrа, кенг қўламли. Текширув-тафтиш гурухлари қасдлашса, барибир, қаердандир, қандайдир камчилик топади. Ахир, иш-ҳаракат бор жойда хатолар ҳам учраши табиий-ку?! Оқибатда, текширувчилар пашшадан фил ясашади. Арзимас камчиликни ҳам бемисл жиноят сифатида кўрсатишади. Энг ёмони, текшир-текшир, сўроқ-терговлар иш жараёнига, жамоа руҳиятига салбий таъсир кўрсатади.

Масаланинг бу жиҳатларини ўйласам, Махмуднинг шартига кўниш маъқулдай туюлади. Йўқ, сотқин агрономимнинг тиржайган, сап-сарриқ башараси кўз ўнгимда жонланар экан, барибир ғурурим, шаъним ғолиб келди. Фирибгарлик талабларига рози бўлмасликка қатъий қарор қилдим.

“Эртага яна ўшшайиб ёнимга киради, муносиб жавобини олади,” деб ўйладим ичим алланечуқ ёришиб.

Шундай мамнун хаёл билан ўтирган пайтим хонам эшиги оҳиста чертилди, сўнг қия очилди.

– Мумкинми?

Ичкарига кириб келган оққува, бўйчан йигитни кўриб баданларим жимиirlаб кетди. Бемаҳалда нима қилиб юрибди экан, деган ўй хаёлимдан лип этиб ўтди. Уни танийман, хавфсизлик хизматидан. Илгари бизнинг худудда “куратор” эди. Олдимга бир-икки кириб гаплашган.

– Жуда серташвиш кўринасиз, тинчликми? – сўради у қисқа салом-алиқдан сўнг.

– Бир оз чарчадим-ов, ланжман, – деб қўйдим.

Ходим куюқ қошлари остидан синчков тикилди.

– Менимча, кимдир сизни атай безовта қилаётганга ўхшайди.

– Йў-ў, – гўё бепарво қўл силтадим, – ўзим, шунчаки.

– Яширишга ҳожат йўқ, ака. Ҳаммасидан хабардормиз. Айни пайтда ўзингиздан эшитиш учун келдим.

– Нимани сүраяпсиз? Тушунмадим, – дедим ўзимча сир бой бермай.

– Нимани бўларди... сизни шантаж қиляпти-ку. Эллик тонна арпа сўраяпти-ку.

Ҳангу манг қотиб қолдим. Кўл-оёқларимга титроқ кирди. Наҳотки, барчасидан хабардор булар?!

– Э-э, уми, – дедим тилим зўрға айланиб, – ҳазиллашган экан. Ҳаммаси жойида.

Ходим қаддини, бошини илкис қўтариб стул суюнчиғига ястанди.

– Шаҳриёр Эшбекович, сиз юрт учун, эл учун хизмат қилаётган жонкуяр, тадбиркор одамсиз. Сизни ҳимоя қилиш – бурчимиз. Кўрқманг, ростини айтаверинг.

– Ҳожати йўқ.

– Ниманинг ҳожати бор ё йўқлигини биз ҳал қиласиз. Эртага шу хонада у билан аниқ гаплашиб олинг, тушундингизми?

– Тушундим, лекин мен учун кимдир жабр чекишини истамайман.

– Аяксизми ўша муттаҳамни?! – унинг юз-кўзиға, овозига қандайдир таҳдид, тазийқ қалқиб чиқди, – агар фирибгарга раҳмингиз келиб, бирор кўнгилчанликка йўл қўйсангиз, ўзингиз жабр чекишингизни биласизми?

Мен индамай бош ирғадим.

– Унинг ўрнига ўзингиз маҳкамага тортиласиз, – деди ходим чиқиб кетишга шайланар экан, – мен, масалан, шундай бўлишини истамайман.

Мен олов ичиди қолдим! Тўрт тарафимдан аланга ўраб келарди. Қай томон юзланмай, ичу ташим куярди. Нима қилмоқ керак? Қандай йўл тутай? Қизик, хизмат ходимлари қандай хабар топди экан? Ё анави гўрсўхтанинг ўзи дуч келган жойда лақиллаб юрганмикан? Ё ичимиизда гап етказувчи борми? Ундей десам, ўша воқеани ўзимдан бошқа ҳали ҳеч ким билмайди-ку?! Йўқ,

нима бўлган тақдирда ҳам Маҳмудни зарбага қўймаслигим керак. Сурбетлиги, очкўзлиги учун жувонмарг бўлиб кетмасин! Ахир кейинчалик хатоларини англаб етар. У қамалиб кетса, бола-чақаси не аҳволга тушади?! Йўқ, бир амаллаб Маҳмудни қутқариш керак.

Аммо ҳаммаси чаппа айланиб кетди.

Келишилгандай, шанба куни кечки пайт Маҳмуд қандайдир қўпол ҳаракатлар билан хонамга кириб келди.

– Салом берди-ик, хўжайин, – деди у стулларни нари-бери суреб ўтираркан, – омонгинамисиз?

Агрономим ширакайф эди. Кўзларида алланечук ғолибона учқун йилтиллаб турарди. У менга сурбетларча тиржайиб савол назари билан қаради. Мен қўлимни елкамга бир юргизиб, сўнг қулоғимни ушлаб қўйдим, лабимга бармоқ босдим. Яъни, погонлилар эшитишяпти, дедим. Зимдан уни ҳалиги масала юзасидан гапирмасликка унладим. Аммо Маҳмуд ишораларимни нотўғри тушунди.

– Э-э хўжайи-ин, – деди шанғиллаб, – орқамдан ҳеч кимни эргаштириб келганим йўқ. Кўрқманг.

Энди эҳтиёткорлик бефойда эканлигини чуқур ҳис этиб:

– Шартинг шартми? – деб қўйдим.

– Ҳа-а, ўша гап, эллик тонна арпа сиздан, аризани қайтиб олиш биздан, гулдир-гуп.

– Маҳмуд, “Заготзерно”ишини ўзинг яхши тушунасан. Сенга ҳозир эллик тонна арпа бериб юборсам, ўрнини қандай тўлдираман? Айни пайтда унча арпа ҳам йўқ.

Аризабоз агроном пихиллаб кулди.

– Шаҳриёр ака, ёш болага ўхшаб гапирасиз-а, менга албатта арпа беришингиз шартмас, бозор нархида ҳисоблаб пулинини узатсангиз ҳам бўлаверади.

– Бозор нархида пули қанча бўларкан?

– Аллақачон ҳисоблаб қўйибман. Ўн икки миллион сўм ёки беш минг кўк.

– Тушундим, лекин ҳаммасини бирдан беролмайман.

– Йўқ! – Маҳмуд кафтини стол устига қарсиллатиб урди. – Ҳаммаси бирдан! Эртага шу пайт тайёр бўлсин! Савдолашиб ўтиришга вақтим йўқ.

У иргиб ўрнидан турди.

– Сал ўзингни бос, – деб қолдим ортидан, – келишидик, эртага шу пайт киравер.

Аризабоз агроном эшик олдида яна тиржайди.

– Хўп, ваъда бераман, шартлар бажарилгач, ўзимни босиб, одоблигина болага айланаман.

Афсуски, у ваъдасини бажара олмади. Худди шу тиржайиши унинг сўнгги\_табассуми, сўнгги қулгуси бўлиб қолди. Эртаси куни пешиндан сўнг маҳсус ходим уч нафар ҳамкасбини эргаштириб келди. Менинг рўпарамдаги хонага жойлашишди.

– Мана, шуни берасиз, – деди маҳсус ходим бир тахлам АҚШ долларини узатиб, – имкон қадар санаб олсин.

Танг, нохуш вазият бўлишига қарамай, маҳсус ходимнинг қўрсатмасидан қулгим қистади.

– Санаб эмас, ялаб олади.

Ҳа, афсус, минг-минг афсус, худди шундай бўлди. Кечки пайт ола-тасир хонамга кириб келган Маҳмуд мен узатган пулни очкўзларча қўлига олди.

– Топиб олсанг ҳам санал ол, деган машойихлар, – дея одатдагидек тиржайганича ақчани қайта-қайта санаб киссасига тиқди.

Худди шу пайт хонага маҳсус ходимлар бостириб киришди. Уларни қўрган заҳотиёқ Маҳмуд кўзи чақчай-иб, оғзи карракдек очилиб, бир зум қотиб қолди.

– А-а-а!

Кичқириб юборди у ногоҳ.

Махсус ходимлардан бири арзгүй агрономнинг оғизига кафтини қўйиб, бошини стол устига босди. Иккинчи ходим дарҳол қўлларини орқага қайриб кишанурди.

- А-а-а!

Маҳмуд махсус ходимлар етов-силтовида эшик томон юраркан, яна шу тарзда қичқирди. Мен томон қадалган кўзларida алам-илтижо, надомат қотиб қолган эди.

Мана, ўша изтиробли нигоҳлар мени неча-нечачунлардан бери таъқиб қилиб юрибди. Ҳа, шу орада сўроқ-суриштирув, тергов, юзлаштириш деган ўта ноҳуш, ўта иснод ишлар ҳам бўлиб ўтди. Дарду дунёим зимиё бўлди. Ҳассос шоир Усмон Азим қаламига мансуб сатрларни такрорлайман: “Чидагин, болам-а, чидагин!”

Ниҳоят, кеча суд жараёни ҳам бўлиб ўтди. Маҳмуд саккиз йил озодликдан маҳрум этилди. Мен эса ҳаловатдан, қувончдан маҳрум бўлдим. Ичимга чироқ ёқса ёришмайди. Бир пайтлар Жана телефоним хотираасига ёзиб берган “Чўли Ироқ”ни қайта-қайта тинглаб, бош чанглаб хонамда ўтирибман.

Эшик секин чертилди. Сўнг қия очилди.

- Мумкинми?

- Кираверинг.

Тиллаев ҳорғин ва эзгин бир кайфиятда кириб келди.

- Узр, кўп вақтингизни олмайман, – деди у қўлидаги бир дона варақни столим устига қўйиб.

- Нима бу?

- Ариза. Ишдан бўшамоқчиман.

Мен варақдаги битикка кўз ташлаган бўлдим. Ҳаммасини сезиб, билиб юрибман. Арзгүй агроном қўлга олингандан бери Тиллаев ҳам безовта. Маҳмуд ҳамтovoқ эканлигимизни, тоғага хизмат қилишимизни сотган, деган хаёlda у! Холёров ҳаммасидан хабардор, ле-

кин сир бой бермай юрибди деб ўйлайди. Кечаю кундуз ичини ит тирнайди.

Йўқ, менимча, Маҳмуд ҳеч кимни сотмади. “Ҳаммасини ўзим қилдим. Шерикларим ҳам, раҳнамоларим ҳам йўқ”, деб туриб олди. Тағин ҳам билмадим, балки терговчилар унинг баъзи бир кўрсатмаларини вақтинча сир тутишгандир.

– Ўйлаб қўрайлик-чи, – деб ўринбосаримнинг аризасини бир чеккага ташлаб қўйдим.

– Сиз истасангиз ҳам барибир бу ерда қололмайман, – деди Тиллаев бир нуқтага тикилиб, – бўлиб ўтган воқеалардан кейин жамоа ичидаги юролмайман.

Мен индамадим. Биламан, ҳар бир сукутим унинг кулоқлари тубида замбаракдек гумбурляяпти, бутун вужудини парча-парча қиляпти.

– Бир пайтлар нега устоз дейсан деб сўрагандингиз. Мен жавоб бермагандим. Рости, сизни ўзимга устоз деб биламан. Сиздай мустақил, эркин, ўз сўзи бор одам бўлмоқчи эдим.

Мен яна индамадим. Бир қофозга ҳар хил шакл чизиб, ўчириб ўтиравердим.

– Лекин бирорларнинг етовидан чиқиб кетолмадим. Бир умр кимларгадир қарам бўлиб ўтдим. Мен ишда, юриш-туришда сизга зимдан тақлид қилганман. Ҳатто кундалик тутганингизни кўриб, мен ҳам ўзимча хотира дафтар тутганман. У-бу кўрган-кечирганларимни, мулоҳазаларимни илдириб қўяман. Сиз ҳақингизда ёзган жойларим ҳам бор экан.

Бир сўз демадим. Тиллаев қизғиш жилд папкасидан икки жуфт майдага ёзувга тўла варақни столим устига кўйди.

– Узр, дафтаримдан юлиб олишга мажбур бўлдим. Сизга эсадалик учун бермоқчи эдим.

Индамадим. Варақдаги ёзувларга бир кўз ташлаб, ўз кундалигим орасига солиб қўйдим.

– Илтимос, бирор нима денг, – Тиллаев юзимга илтижоли термилди, – ё бўлмаса, қулоқ чаккамга тарсаки тортинг.

– Жуманжон, чўнтақка эҳтиёт бўлиш керак, чўнтақка, – дедим унга ўзининг машхур иборасини эслатиб.

Тиллаев кулди.

– Зўр сафар бўлганди-да, ўшанда, ҳеч ёдимдан чиқмайди.

– Менинг ҳам. Лекин сиз ўзингизни бекорга маломат қиляпсиз. Сиз мустақил, эркин одамсиз.

– Наҳотки? – ажабланди Тиллаев.

– Ҳа, чунки сизда виждан бор. Вижданли одам доимо мустақил, доимо ҳур бўлади. Қолганлари қўлнинг киридай гап.

### Ўттизинчи саҳифа

Сўнгги кунларда негадир Эминовни тез-тез эслайдиган бўлиб қолдим. Ия, сиз ҳали қамалмадингизми, деган эди у ҳазил-чин аралаш. Унинг сўзлари кўнглигимга қаттиқ ботган эди. Лекин ўшанда Эминов хафгарчилигимга ортиқча аҳамият бермади. Наҳотки айтганлари чин бўлса?! Наҳотки мени ҳам шундай интиҳо кутиб турган бўлса?!

Шўртандаги корхонада эдим. Элеватордан чиққан ун маҳсулотлари сифатини назоратдан ўtkазиб турадим. Телефоним жиринглади. Панжиев экан.

– Ака, вилоят департаментидан текширув гуруҳи босди, – деди у серташвиш, – Омборларни, цехларни пломбалаб ташлади. Тезроқ келинг, илтимос.

“Ана, бошланди”, – хаёлимдан шу ўй лип этиб ўтди. Ногоҳ кўз олдимда Шарпанинг рангпар юзи, шишадек совуқ ва ялтироқ нигоҳлари жонланди. Ўтган ҳафта вилоят ҳокимлиги биноси биқинида, катта бир мажлисдан қайтаётган пайтим туйқус тўқнаш келган эдик.

“Ёмон, жудда ёмо-он, – деди Шарпа илондай вишиллаб, – сени дўст деб юргандим, душманнинг йўлини тутдинг. Менга тегишли одамларни қаматдинг, ишдан ҳайдадинг”.

“Икковига ҳам алоқам йўқ. Бири ўзини ўзи қаматди, иккинчиси ўзи ариза ёзиб бўшаб кетди”, – дедим мен ҳам куруққина қилиб.

У ғазабдан бурун катакларини шишириб, қалин лабларини қимтиб юзимга бир зум ўқрайганча қараб турди.

“Ёмон, жуда ёмон, – деди қўрсаткич бармоғини ҳавода ўйнатиб, – ҳаммасига жавоб берасан ҳали”.

У илкис юриб ҳокимликка кириб кетди.

Панжиевнинг қўнғироғидан кейин, мана, шошилинч Ерқўргонга қайтдим. Ҳачин экан. Бир гуруҳ ғўддайган, сўррайган кимсалар корхона ҳовлисида изғиб юрар эди.

Сочлари сийрак, чорпахил, қўйкўз киши гуруҳ раҳбари экан. Фаолиятларига оид бир даста хужжатларни олдимга ташлади.

– Тўлиқ проверкадан ўтасиз, – деди хумрайган кўйи, – омбордаги ғаллани ҳовлига чиқариб тўкиб, қайта ўлчаймиз.

Беихтиёр ирғиб ўрнимдан туриб кетдим.

– Бунинг умуман иложи йўқ. Омборларда ўн минг тоннадан зиёд дон бор! Уни ҳовлига олиб чиқиб тўкиш учун камида беш юзта “Зил” керак! Бунча юк машиналарни ёллаб ишлатиш учун катта маблағ керак.

– Жуда яхши, – деди гуруҳ раҳбари пинагини ҳам бузмай,- машиналар ташкил қилинг, текширув ишларига шароит яратиб беринг. Харажат-маражатингиз бизни қизиқтирмайди.

Аъзойи баданим музлаб кетди.

## Үттиз бириңчи сағиға

Ойнинг ўн беши қоронғы бўлса, ўн беши ёруғ, деган нақл бор. Наҳотки менинг ёруғ кунларим тугаб, зулматда қолган бўлсам?! Ишонган ходимларим панд беришиди. Не бир заҳматлар, уйқусиз тунлар эвазига тикланган, юксалган, куч-кувватга эришган корхонамни бошқалар эгаллаш пайида! Бошимдан тафтиш-текширув балолари аримай қолди. Аммо булар ҳали ҳолва экан.

Машхур эртакдаги ёвуз дев билан олишув чоғи аъзойи бадани яраланган, ҳолдан тойган паҳлавон сирли булоқ бошига бориб, унинг зилол сувидан ичиб, чўмилиб, охир-оқибат жароҳатлардан фориғ бўлиб, бел-билиги яна куч-кувватга тўлиб тағин жанг майдонига қайтгани каби мен ҳам ноҳақлик, жабр-зулмдан озорланган, ҳасратга, аламга тўлиб тошган кезларим, одатда, Жананинг ҳузурига ошиқардим. Тўғрироғи, у ҳам худди аҳволимни билгандай шундай пайт қўнғироқ қилиб ёнига чорлаб қоларди. Жананинг сиру синоатга, гўзаллик ва нафосатга лиммо-лим гўшасида ҳузур-ҳаловат топиб, яна ишончу умидларга тўлиб-тошиб, ҳаёт қўзимга чароғон кўриниб қайтардим.

Бу гал ҳам шундай бўлди. Тафтиш-текширув авж нуқтасига етган пайти Жана қўнғироқ қилиб гўшасига чорлади. Дарёга интилган балиқ каби ўша ёққа жўнадим.

У устахонасида экан. Мени кўриб кўкиш-мовий кўзлари бир зум қувончга, ҳайратга тўлди.

– Бу сизми? – деди у шодон қулиб, – қаранг-а, эндинга яна қўнғироқ қиласман деб тургандим.

– Сабабини билсак бўладими? – сўрадим аёлнинг кулгусидан ғуссаларим тутдай тўкила бошларкан.

– Суюнчи олмоқчи эдим.

– Суюнчи?!

– Ҳа, – Жана уялганнамо нозик қўлларини юзига парда қилди, – мен эрга тегяпман, Тошкентга кўчиб кетяпман.

Кулоқларим шанғиллаб кетди. Бехос дуч келган курсига ўзимни таппа ташладим.

Жананинг ҳовлиқиб-ҳаяжонланиб сўзлашларидан хира-шира англадимки, пойтахтда ташкил этган кўргазмаси пайти бой-бадавлат бир фан доктори билан танишиб қолибди. Ўзаро сухбатлар, учрашувлар, қўнғироқлашувлар, оҳир-оқибат, севги-муҳаббатга, ахду-паймонга айланган эмиш.

– Никоҳдан ўтдик. Кейинги ҳафта у келиб мени бутунлай Тошкентга олиб кетади. Санъат коллежида иш ҳам тайин бўлди, – деб шошқин-тошқин ҳикоясини якунлади Жана.

– Табриклаймиз, – деб қўйдим аранг.

– Ўзингиз қалай? Ишлар нечук? – сўради Жана яллял яшнаб.

Мен бўлиб ўтган ва ҳануз давом этаётган, ҳаётими ни остин-устун қилиб юбораётган воқеалар ҳақида гапириб аёлнинг кайфиятини бузгим келмади. Тўғрироғи, менда гапиришга на ҳол, на куч, на хоҳиш бор эди. Дарёни излаб сароб устидан чиқиб қолган ҳорғин, ташна, ғамгин йўловчи сингари эдим.

Мен илкис ўрнимдан турдим.

– Қаёқقا? – ҳангуд манг сўради Жана.

Мен унга сўзсиз тикилдим. Қаёқقا бўларди, саробдан узоқлашмоқчиман, бош олиб кетмоқчиман, сахро кумларига сингиб йўқолмоқчиман.

– Нега индамайсиз?

– Ҳа, зарил ишлар бор.

– Сиз йўқотган ўйинчоғини излаб юрган болага ўхшайсиз.

– Қанийди сен айтгандай бола бўлсам... Бор-йўғини қиморга бой берган мусо фирмани деб қўрқаман.

## Ўттиз иккинчи саҳифа

Тафтиш-текширув икки ойдан кўп вақт давом этди. Гуруҳ ходимлари аламзада, дарғазаб. Бирор бир пи-чиққа илашгулик камчилик топилмади. Бундай бўлиши асло кутилмаган шекилли, гоҳ бир-бирига ҳайрон тикилади, гоҳ ўзларининг хулоса ҳужжатларини қайта-қайта кўздан ўтказишади.

Мен караҳт эдим. На қувонаман, на қайғураман. Кўнглим алланечук бўм-бўш. Эгаси кўчиб кетган уйдай ҳувиллайди. Хонам тўрида осиғлиқ, бир пайтлар Жана совға қилган картинага маъюс тикиламан. Қутурган тўлқинлар аро чайқала-чайқала сузид бораётган кема. У манзилга эсон-омон етармикан, ё ваҳший тўлқинлар ютиб юборармикан?

Очиғи, ҳамма кўргуликларим бир тараф бўлди, Жананинг пойтахтга кўчиб кетиши бир тараф бўлди. Гўё унга қўшилиб орзу-умидларим, ишончим, завқшавқим ҳам мени тарк этгандай туюлди. Бу не, севгими?! Наҳотки, билиб-билмай уни севиб қолган бўлсам?! Ахир ўртамиизда дўстона муносабатдан бошқа ҳеч нарса юз бермаган-ку?! Шунчаки, унинг ранг-тасвири, санъат, адабиёт ҳақидаги мароқли ҳикояларидан завқланардим, гўзаллигидан, самимиятидан лаззатланардим, ўзимга қоронғу дунёлар тилсимини англаб, ҳузурланардим. Бор-йўғи шу! Лекин негадир Жанани жуда-жуда соғиниб кетяпман. Ташна сувга, оч таомга, ҳоргин уйқуга интиқ бўлгандай, мен ҳам уни беҳад қўмсаяпман. Нега?! Чор-атрофимни ўраган, ўзларининг очкўзлик, ифвогарлик, сотқинлик сингари иллатларини майин табассумлар, хуш муомалалар, соҳта хайриҳоҳликлар ортига яширган, ўзларини жамиятнинг аслзодалари, пешволари чоғлайдиган одамлар орасида Жана бамисли фаришта эди. У худди ботқоқ ичида ўсган нафис ва гўзал, хуш ифорли нилуфар эди!

Разолатдан, ёвузликдан, ёлғон-алдовлардан зада бўлиб, нафасим бўғилиб турган айни пайтда, ҳойнаҳой, яна уни соғинардим, яна уни қўмсардим. Афсуски, Жана ҳам мени тарк этди.

Ногоҳ эшик ортида ҳовлиққан шошилган тапир-турпур қадам товушлари эшитилиб, уч-куйруқсиз, алғов-далғов хаёлларим бўлинди.

– Ассалому алайкўум! – жўшқин бир тарзда салом берган кўйи хонамга Панжиев кирди, – хўжайн, табриклайман. Тафтишчилар пусибгина қайтиб кетар бўлишди. Бирор жиддий айб топиша олмади.

Бош ҳисобчининг боладай қувонишидан энсам қотди.

– Ҳали севинишга эрта. Улар яна қайтади.

– Нега?!

– Нега бўларди... ахир вилоят прокурорининг қарорига кўра келишган эди. Қарорда корхонамиз номига қатор айблов ва қонун бузилишлар кўйилган. Лекин улар исботланмади. Исботланмагандан кейин тухмат учун прокуратуранинг ўзи жавоб беришга тўғри келади. Қонун шундай. Лекин вилоят прокурори шунчаки жавоб бериб қоладиган анойилардан эмас. Яна қайта текширув ўтказади. Хуллас, айблар бўйнимизга кўйилгунча яна ва яна келишаверади.

– Йўғ-э?! Шундайми? – Панжиев ишонқирамай менга қаради.

– Ҳа, шундай.

– Ҳаммаси яна қайта бошланадими? Ахир шу текширув пайти ҳам қанча маблағимиз беҳуда ҳавога соврилди. Машина ёллаймиз дедик, вакилларга шароит яратиб берамиз дедик... Ундан ташқари цехлар иши ҳам издан чиқди. Кўп вақт йўқотдик. Наҳотки, шунинг ҳаммаси яна такрорланса?!

– Ҳа, такрорланади. Уларни сенинг талафотинг, корхона иши тўхтаб қолгани заррача қизиқтирмайди.

Тұғрироғи, атай шундай қилишади. Чунки сени тавбан-гга таянтириш керак, тамом-вассалом.

Адашмаган эканман. Чиндан ҳам орадан тағин бирор ой үтар-үтмас вилоят прокурори Еркүрғондаги, Құриқдаги, Шұртандаги барча-барча корхона, омборларни алоқида әътибор билан текшириш учун янги гурух юборди. Яна бизга тегишли эшик-тешиклар мұхрланди. Ҳужжатлар, кирим-чиқимлар, одди-сотди битимлари яна үртага олинди. Корхонага яна қайта таҳдид-тазийк, ваҳима-хавотир кириб келди.

Менинг ҳам сабр косам түлди. Вилоят ҳокими қабулига кирдим. Вилоят прокуратураси, текширувчилар устидан дод дедим.

“Тисс-сс! – вилоят ҳокими күзларини ола-кула қилиб, дүрдоқ лабига бармоқ босди, – ҳозирча мени тинч күйгин, үзимнинг бошимда қора булутлар...”

Ҳа, чиндан ҳам ўша кунлари вилоят ҳокими устидан ҳам иш құзғатылғани ҳақида гап-сүз чиқиб қолган зди. Құча ибораси билан айтганда, манзилдан адашибман.

Вилоят ҳокимлигидан қиличим синиб, қалқоним тешилиб қайтдим. Корхона дарвозасидан киришга, ўз хонамга бош суқишиға безиллаб қолғанман. Ҳамма бўлимларда, ҳамма омборхоналарда текширувчилар изғиб юрибди.

Ётиб қолгунча отиб қол қабилида иш күриб Тошкент томон равона бўлдим. Тўппа-тўғри Суръат Жабборович қабулига кириб бордим. Воқеалардан у киши ҳам хабардор экан. Ҳасратим тугар-тугамас:

– Хўш, мендан нима истайсиз? – деди тажанг бир тарзда, – Холёров салоҳиятли кадр, икки хароб “Заготзерно”ни йўқдан бор қилди, ривожлантириди, ишлаб чиқаришни йўлга қўйди, тадбиркор раҳбар, унга тегманглар, корхонасини текширманглар, дейинми? А, шундай деб Бош прокурорга чиқайми?

Мен индамай ерга қарадим. Биламан, Суръат Жабборович айни пайтда менга эмас, ҳар бир соҳага чанг солиб, ҳар бир фаолиятга сунъий тўсиқ қўяётган назорат органларига жаҳл қиляпти. Алининг аламини Валидан оляпти.

– Ҳозир ҳамма идора, ташкилотларда шу аҳвол, – деди вазир ўринбосари чуқур тин олиб, – айниқса, бизникига ўхшаш соҳалар кучли назорат, текширув остида. Органдан жабр чеккан битта сиз эмас. Неча-неча ҳалол, билимдон, ишбилармон кадрларнинг бошида таёқ синди. Мен ҳозир сизни ҳимоя қилиб кимгадир нимадир десам, оловга ёғ сепгандай гап, баттар кутубриб ташланишади.

– Мен энди нима қиласай? – сўрадим тарвузим қўлтиғимдан тушиб.

– Сабр қиласиз, тамом-вассалом. Айтганча, Нозимхон Жалилов билан қанчалик яқин эдингиз?

– Бор-йўғи иш юзасидан баъзан ҳамкорлик қилиб турардик. Тепловоз олиш масаласига ҳам шу киши аралашган эди.

– Ишқилиб, охири бахайр бўлсин. Аммо лекин Жалилов аниқ қамалади. Бизга хабарлар келиб турибди. Тепловоз масаласини сизга боғлаб қўймаса деб кўрқаман.

– Суръат Жабборович, бу масалада ҳам, бошқаси юзасидан ҳам хужжатларимиз пухта.

– У ҳолда нега текширувлардан мунча чўчияпсиз?

– Булар шунчаки текширишаётгани йўқ, қасд қилишяпти.

– Биринчисидан эсон-омон чиқдингиз-ку.

– Суръат Жабборович, – дедим изтиробдан ўртаниб, – миллион-миллион зарар кўрдим. Машина ёллаб ўн минг тоннадан зиёд ғаллани ташқарига олиб чиқишга мажбурлашди. Тафтишчиларни икки ой боқдим. Устига-устак, тегирмонлар тўхтаб қолди. Ҳатто ёрдамчи

хўжаликдаги моллар учун омухта ем олиб чиқишимизга ҳам рухсат беришмади. Мана, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай вилоят прокурори буйруғига кўра, яна ўша сценарий такрорланяпти. Бу ҳолда корхона бутқул вайрон бўлади-ку?! Соғ-омон чиқдинг, дейсиз-а!

– Сабр қилинг, сабр, бош омон бўлса, мол-мулк топилади.

Хуллас, шундай панд-насиҳат, ўгитлар тинглаб вазирликни тарқ этдим. Ўша куни пешиндан сўнг Еркўрғонга етиб келганимда Панжиев қаршимга отилиб чиқди.

– Бир оз муаммо пайдо бўлди, – деди у ранг-кути ўчиб.

– Тинчликми? – сўрадим юрагим увишиб.

Шу пайт тафтиш гуруҳи раҳбари чекиш учун ташқари чиқиб қолди.

– Холёров, – деди у менга кўзи тушиб, – кўринмай қолдингиз? Кечадан бери излаймиз.

– Вазирликка бориб келишга тўғри келди, узр, – дедим у билан кўришиб ҳол-аҳвол сўрашгач.

– Ака, қанча ерга асфальт ётқизгансиз?

– Асфальт? – ажабланиб сўрадим.

Панжиев тезгина изоҳ берган бўлди. Корхона ҳисобидан йўлларга тўқилган тош-шагал, ётқизилган асфальтларни ҳам текширишайтган экан, хужжатларда кўрсатилгани ўлчовларга тўғри келмаётганмиш.

– Салкам тўрт юз тонна асфальт етмаяпти, – деб пўнғиллади тафтиш раҳбари.

Эшитганларимдан бир кулгим қистади, бир қувондим. Демак, корхона ичидан камчилик топа олишмай ташки масалаларга ўтишган.

– Текширув холосаларини кўрсам бўладими? – сўрадим тафтиш раҳбари изидан идорага киарканман.

– Бемалол, ака.

Амалдор истар-истамас узатган қоғозларни синчиклаб қарадим. Қойил, қадамма-қадам, қаричма-қарич ўлчashiби.

– Хўш, энди ишондингизми? – тафтиш раҳбари менга ғолибона кўз ташлади.

– Сизлар фақат шу атрофга тўшалган асфальтни текширибсизлар. Бизнинг Гулободда ҳам дон қабул қилиш пунктимиз бор, Қўриқ туманида филиалимиз бор. Ўша ҳудудларимиз йўлларига ҳам асфальт тўшаганмиз. Ахир, техникалар кириб-чиқиши учун шарт-шароит қилишимиз керак-ку.

Идорада ўтирган гуруҳ аъзолари ўзаро кўз уриштириб олишди.

– Шунақами? – деди тафтиш раҳбари ишонқирамай.

– Шунақа, – дедим қоғозларни стол устига қўйиб, – мана, бош ҳисобчимиз бошлаб боради. У ерларни ҳам ўлчаб кўринглар.

Мен мағрур қадамлар билан идорадан чиқиб кетдим.

### Ўттиз учинчи саҳифа

Орадан яна бир ҳафта ўтди. Шу орада Нозимхон Жалиловга суд ҳукми ўқилганлиги ҳақидаги хабар етиб келди. Ишбилармон, чапдаст, бироқ ўз нафсини жиловлай олмаган ҳамкасбимиз умрининг маълум бир қисмини панжара ортида ўтказадиган бўлибди. Шу хабарни эшитганим пайтим негадир хаёлимда неча йиллар аввал Чаманда кўрганим, кўзида ғилт-ғилт ёш айланётган ишчи жонланди. Юрак-бағрим зирқираб кетди.

Мен иш столимга тирсак тираб, бош чангллаб ўтирибман. Кутимаганда хонамга Арсен кириб келди. Фирт маст. У олдимга бир тўп калитларни отиб юборди.

– Извиняюсь, – деб аранг ғудранди у, – ортиқ “Еркўрғон”га тренерлик қила олмайман. Ҳали ҳаётдан умидимни узганим йўқ, эшитяпсизми, ҳали яашни хоҳлайман. Хайр.

Идрисов ғудранган кўйи гандираклаганича хонадан чиқиб кетди. Беихтиёр ортидан дарвозагача эргашиб

бордим. Уни қайтара олмаслигимни сезиб турардим. Дилем вайрон бўлди. Арсен кўздан пана бўлгунича изидан қараб қолдим. Худди шуни кутиб тургандай ногоҳ корхона дарвозасида Нортожи Ҳамроев пайдо бўлди.

– О-о-о, Шахриёр акам! – деди у тантанавор кучоқ очиб келаркан, – Давримизнинг зукко, тадбиркор қахрамонгия алангалик саломлар!

Мен негадир қувониб кетдим. Ҳойнаҳой, департамент масъул ходимининг туйқус пайдо бўлиши, устига-устак, хушхандон қучоқ очиши кўнглимда умид уйғотди.

– Кабинетга кирмаймиз, – деб шивирлади у ҳолаҳвол сўрашиб бўлганимиздан сўнг, – баҳаво, тинч жойга чиқайлик.

Тушундим. Тушлик пайти ҳам яқинлашиб қолган эди. Туман чеккароғидаги сўлим, шинам ошхонага бордик. Таниш хизматчи аёл дастурхон устини ноз-нельматларга тўлдириб ташлади.

– Шахриёр ака, жуда қайсар, мағрур одамсиз-да, – деди Ҳамроев кўкатлардан тановул қиларкан, – бирорга бош эггингиз келмайди. Атом музёрап кемасига ўхшайсиз.

– Ие, гапингиз қизиқ бўлди-ю. Мен мустақил бир Республиkaning озод, хур фуқаросиман. Бирордан қарздорлик, муттаҳамлик жойим йўқ. Нега кимгадир бош эгишим керак?

– Ака, вилоят прокурори билан ярашинг, – деди масъул ходим иштаҳа билан шўрва ҳуплаб.

Мен елка учирдим.

– Прокурор билан уришган, жанжаллашган жойим йўқ. У одам билан тузукроқ ўтириб, гаплашган ҳам эмасман. Нега? Қанақа ярашаман?

Ҳамма гап шунда-да. Тузукроқ ўтириб гаплашинг, кўнглини топинг. Сиздан бошқа ҳамма ғаллачиilar атрофида парвона. Сиз ҳурлайиб юрганингиздан кейин, албатта у кишининг дили оғрийди-да. Алақандай

футбол мусобақалари деб ҳам неча марта илтимосларини назар-писанд қылмадингиз, дүстлари олдида юзини ерга қаратдингиз. Раз шундай экан... жаҳл устида буйруқлар беради, қарорлар чиқаради.

– Хүш, нима қил дейсиз?

– Келишинг-да, ака.

Иштаҳасиз бир тарзда овқатлана бошладим.

– Ташрифингизга қараганда, сизда бирор таклиф борга ўхшайди, – дедим Нортожига синовчан күз ташлаб.

У илжайди.

– Қойилман, ака, жуда фаросатли одамсиз-да. Мен бир элчидай гап. Элчига ўлим йўқ.

– Қани, элчидан бамаъни бир фикр эшитайлик-чи.

– Ака, – Нортожи чор-атрофга сирли бир аланглаб олди, – юз минг кўк, тамом-вассалом! Ҳаммаси жойлашади. Ҳеч нима кўрмагандай, гуркираб ишни давом эттирасиз.

Аъзойи баданимни совуқ тер босди.

– Ўшанча пулим бўлса, аллақандай корхоналарда чанг ютиб юрармидим. Бирор чет мамлакатда майшат қилиб юрардим-да, баъзиларга ўхшаб.

Ҳамроев ҳамма кўзўр кўлида эканига ишонган қартабоздай пинак ҳам бузмади.

– Хабарим бор, биринчи ревизиядан яхши ўтдингиз. Иккинчисидан ҳам қутуладиганга ўхшайсиз. Бу прокурор энди тинчиб қолади, дегани эмас-ку. Боя айтганимдай, у киши жуда дарғазаб. У кишига беҳурматлик кўрсатдингиз.

– Билмадим, борим шу, – дедим кўпдан бери кўлимда чайқалиб турган чойдан хўплаб.

Ҳамроев худди авраётган илондай ўша оҳанг, ўша маромда давом этди.

– Корхонангиз тоза ишлаётган бўлиши мумкин, хужжатларда ҳам камчилик йўқдир. Лекин... ўзингизда айб топилади-ку. Ахир, беайб фақат парвардигор.

– Менда?! – илкис хүшёр тортдим. – Менда қандай айб бўлиши мумкин?

Масъул ходим олдидаги сочиқقا лабларни арта-арта сирли, маккорона илжайди.

– Балки машинангизда қурол-аслача бордир, балки гиёҳ сотарсиз, айтиб бўладими?

Ҳамроев нималарга шама қилаётганини англағанимданми ё бошқа сабабданми кўз олдим қоронғилашиб кетди.

– Нортожи, ўйлаб гапирияпсизми? – дедим санчқи бандини маҳкам сиқимлаб.

Масъул ходимнинг кўзлари ола-кула бўлиб кетди.

– Ака, ўзингизни босинг, aka. Мен ахир шунчаки элчиман.

– Хўш, ҳозиргина айтганларингиз ҳам менда топилмаса-чи?

– Унда ҳаммаси аъло! – шарақлаб кулди Ҳамроев, сўнг бир оздан кейин минғирлаб қўйди, – унда ҳамма айб машинада бўлиши мумкин.

– Бу нима деганингиз?

– Айтиб бўладими? Техника техника-да, гоҳ тормоз панд беради, гоҳ рул бўйсунмай қолади.

Иштаҳам ғиппа бўғилди.

“Бекорга лақилламаяпти бу!” – шу ўй хаёлимга тиғдай санчилди. Қасдлашгандан кейин ҳеч қандай ифлослиқдан қайтишмайди. Туҳмат, қотиллик писта чаққандай гап уларга...

Зимдан кузатиб турган шекилли, Ҳамроев ранг-рўйимдаги ҳадик, саросимани дарров илғади.

– Келишиб, биродарлашиб ишлаган маъқул, – деди у насиҳатгўй имомдай эшилиб, – бу ўтар дунёда нимани ҳам талашамиз. Мен айтган пул – қўлнинг кири. Омон бўлсангиз, кўкнинг ўзидан миллион-милион топасиз.

– Менинг қўлларим топ-тоза. Сиз айтган ўша кир йўқ. Бўлган тақдирда ҳам ўшаларга раво кўрмасдим.

– Демак, келишмоқчи әмассиз, шундайми? – Ҳамроев худди мих қоққандай таъкидлаб сүради. Авзойи бузилди.

– Йўқ, келишмайман ҳам, ортиқ бу корхонада ишламайман ҳам.

– Ишламайсиз?! – мастьул ходимнинг ҳозиргина ҳўмрайган башарасига яна беихтиёр илиқлик югурди, – раҳбарликни топширмоқчимисиз?

– Ҳа.

– Қарорингиз қатъийми? Ўғил бола гапми?

– Эркакнинг гапи! Шахриёр Холёровнинг гапи!

Қанчалик яширишга уринмасин, Нортожининг кувониб кетгани яққол сезилиб турарди.

– Бир ҳисобга тўғри қиласиз, ака, – деб минғирлаб қўйди у, – барибир, бу қайсарлик, бу мағрурлик билан узоқ ишлаб қололмайсиз. Қарорингизни қўллаб-куватлайман.

– Қўллаб-куватламанг. Элчи бўлсангиз, ўшаларга етказинг, энди мени тинч қўйишсин.

– Ҳўп.

Ўрнимиздан турдик.

Ҳамроевни кузатиб қўйган бўлдим.

Ҳолим забун, юрагим парча-парча, хаёлларим алғов-далғов эди. Корхона дарвозасидан кирап-кирмасим, Панжиев қаршимга отилиб чиқди.

– Ака, асфальт бўйича масала ҳал! Ўлчанмаган жойларни ўлчашди, ҳаммаси тўппа-тўғри келди! Бечораларнинг сўнгги умиди пучга чиқди. Ревизия ҳам охирлаб қолди.

– Менга деса, корхонага ўт қўйиб юборишсин! Энди менга буларнинг заррача қизиги йўқ, – дедим туртиниб-суриниб хонам томон юрарканман.

Панжиев ажабланган, хавотирланган қўйи ортимдан эргашди.

– Ака, мазангиз йўқми, ака? Уйингизга олиб бориб қўйами?

Мен Равшаннинг меҳрибонларча узатган қўлини силтаб ташладим. Негадир хўрлигим тошарди. Ахир ишонган, суюнган ходимларим панд беришди, Жана кетиб қолди, прокурор қасд қиличини қайраб турибди. На суюнчигим, на ҳимоячим бор! Раҳбарларга фақат ишим, юксак натижаларим керак. Ўзимни қашқирлар ғажиб кетса ҳам, заррача ачинишмайди.

Беихтиёр кафтларимни юзимга босдим.

### Ўттиз тўртинчи саҳифа

Уч кун ўзимча кўрпа-тўшак қилиб ётдим. Кечмиш воқеалар бир-бир хаёлимдан ўтди. Ҳар бир ҳолат, ҳар бир детални ўзимча таҳлил қилиб кўрдим. Англадимики, ишдан бутқул совибман, тўғрироғи, совутишди. Корхона билан хайрлашишга тўғри келади. Ҳалиги ма-съул ходимнинг айтгани чин: барибир бу ерда узоқ раҳбар бўлиб қололмайман. Афтидан, адашиб келиб қолганман. Ҳойнаҳой, бу ерларга чиндан ҳам бегонаман. Обрўйим борида этагимни йиғиширганим маъқул. Устига устак, анави элчига сўз ҳам бериб юбордим.

Тўртинчи куни корхонага келдим. Ўзимча зимдан хайрлашиб, омборларга, лабораторияга, тегирмонга кириб чиқдим. Ишчиларим билан сухбатлашдим, ҳазил-хузул қилдим. Корхона ҳовлисида тентиб юрдим. Ҳовли бўйлаб айланарканман, ногоҳ эски девор, ўша ёзув олдидан чиқиб қолдим: “Бегоналар юрмас бу ерда”.

Ҳарбий хизматда юрган пайтларимиз биз аскарларни Украина ning ғарбий шаҳарчаларидан бирига маърифий-маданий саёҳатга олиб боришгани ёдимга тушди. Ўшанда очиқ музейга, тўғрироғи, вайронга қалъасимон бино ичига кирдик. Деворда “Ўламиз, лекин таслим бўлмаймиз!” деган қингир-қийшиқ битик бор экан. Бу қон билан ёзиган деб тушунтирди экскурсовод

аёл. Унинг тиник, жарангдор сўзларидан яна англадикки, Иккинчи Жаҳон уруши йиллари Германия қўшини Шўролар Иттифоқига бостириб кирган илк пайт бир гуруҳ аскар шу бинони душманга топширмай кучлар тенг бўлмаган бир ҳолатда қирқ кечако қирқ кундуз жанг қилишган экан. Нихоят, ҳеч имкон қолмагач, жароҳатларидан сизиб турган қонлари билан деворга ўша сўзларни ёзиб сўнгги ўқларини ўз юракларига йўллашган экан. Бу бино ўша жанг пайтидаги ҳолатида сақланиб қолган. Ана, деворларда сачраган қон излари ҳали-ҳануз турибди, деган эди экспкурсовод аёл.

Ҳа, қадрдон корхонам деворидаги битик ҳам худди ўша тарихий бинодаги ёзувларни эслатиб юберарди.

Мен унга узоқ тикилиб қолдим. Мана, тарихий битик тайёр, фақатгина битта мушкул вазифа қолди. У ҳам бўлса, сўнгги ўқни мўлжалга отиш.

Мен корхона дарвозасидан чиқиб кетдим.

### Ўттиз бешинчи саҳифа

Рестораннинг хилват ҳужрасига бошлаб кирдим. Шарпа бир оз саросималанди. Айниқса, ўртада аввалдан тузаб қўйилган, нозу неъматларга тўла дастурхонни кўриб, баттар ажабланди.

– Эҳ-ҳе-е, намунча оворагарчилик, – деб минғирлади.

Мен эрталаб Шарпага қўнғироқ қилган эдим. Кечки пайт фалон ерда учрашайлик, уч-тўрт оғиз гурунг бор, деган эдим. Акахон рози бўлдилар. Лекин ўзига жуда таниш ресторанга бошлаб қолганимдан бир оз сергакланди.

– Мабодо туғилган кунингиз эмасми? – деди у дастурхон ёнига ўтирас экан.

– Йўқ, ўлган куним, – дея хандон отиб кулган бўлдим.

Аммо у кулмади. Ҳўмрайган бир қиёфада:

– Бундай ҳазил қилманг, Шахриёр, – деб қўйди.

- Узр, ҳай, сиз билан бир ўтиргим келди-да. Бундай ҳужрада ҳадеб казо-казолар билан ўтираверасизми, бизга ўхшаганларга ҳам ҳамтовоқ, ҳамшиша бўлинг-да,- дедим. Унинг қачон, қаерда, кимлар даврасида ўтиришидан хабардор эканлигимга зимдан шама қилдим.

У ишорамни тушунмадими ё ўзини гўлликка солдими:

- Тўғри, зўр дам оладиган жой бу, - деб пўнғиллаб қўйди.

- Қани, дастурхонга марҳамат.

Акахоним финжондаги шаробатдан назокат билан ҳўплади.

- Барибир бу зиёфат сабабини айтмадингиз-а? - деди у дастурхонни яна бир карра кўздан кечириб.

- Сабаби оддий, - дедим салатларга интилиб, - ишдан кетяпман. Еркўрғон дон тайёрлов корхонаси раҳбарлигини топшириш ниятидаман.

Шарпа бу сафар финжонни бўшатиб бир чеккага қўйди.

- Шунақами?! Хўп, тушундим, лекин бунга менинг, манави дастурхоннинг нима алоқаси бор?

- Ие, ака, ахир ўзингиз раҳнамолик қилган эдингиз. Шу лавозимни эгаллашимга ҳисса қўшган эдингиз. Вақт-бевақт хабарлашиб турадингиз.

- Э-э, қўйсангиз-чи, -деб гўёки бепарво қўл силтади Шарпа, аслида икроримдан, эътирофимдан яйраб кетгани анчагина сезилиб туарди, - бир-икки ҳормангашган жойим бўлса бордир.

- Жиянингиз ўринbosарликдан бўшаб кетгани учун, хувв, ҳокимлик биноси ёнида мени дуоибад қилган эдингиз. Шунинг касридан вазифани топширишга тўғри келяпти.

- Э-э, қўйинг ўша бузоқмижоз жиянни! Минг суюган билан ўзининг суяги бўлмаса қийин экан.

– Нега? Жуда яхши мутахассис эди. Ўрнимга ўшани мүлжаллаб юргандим,— дедим Шарпани зимдан кузатиб.

Кутганимдай бўлди. Акахон қўзлаган режалари чиппакка чиққанини яна бир карра эслаб ғазабдан қизарип-бўзарди.

– Э-э, кўп гапириб юбордик, қўйинг-э, – деди шиша-га ишора қилиб.

– Ака, мана, ўн тўрт йил аввал хароба, вайронা бўлиб ётган “Заготзерно”ни гуркираган, ривожланган ҳолда сизга топширмоқчиман. Хоҳланг, ўзингиз бош бўлинг, хоҳланг, бирор кадр топиб қўйинг. Ахир кадрларни танлашда бекиёссиз-ку.

– Йў-ў-ў, Шахриёр, – у санчқи тутган қўлиб билан юзини яширган бўлди, – бу ишлар бизга тўғри келмайди. Раз ишлашни хоҳламас экансиз, ўрнингизга кадрни ҳам ўзингиз топасиз.

Сезиб турибман: шу пайтгача жиянига ишонган Шарпанинг айни пайтда ўрнимга ўтқизадиган одами йўқ. Туллак, ўзингиз кадр топасиз, деб беҳуда айтмаяпти. Бир ўқ билан икки нишонни мүлжаллади. Биринчидан, менга гўёки дўстона тарзда ўрнимга раҳбар танлаш имтиёзини бермоқчи, иккинчидан, вақтдан ютмоқчи. Фурсат етиб ўзи муносиб одам топгач, мен тавсия этган кадрни четга суришга кўзи етади. Қолаверса, айни пайтда корхонани бошқариб кета оладиган кадрни фақат мен топишим мумкин. Начора, айёрликка қарши айёрлик: мен ҳам вақтдан ютишни хоҳлайман. Ҳозирча ўзим истаган одам раҳбарлик қилиб турсин-чи, қолганини вақт кўрсатади.

– Мен тавсия этишим мумкин-у, лекин сизга, бошқа хўжайинларга маъқул келадими, йўқми, – дедим чойдан хўплаб.

У қизиқувчан кўз ташлади.

– Хўп, айтинг-чи.

– Мен Панжиев Равшани тавсия этган бўлардим.

– Анови бош ҳисобчингизми?

– Ҳа, қолаверса, Равшан Жуман билан ҳам сирдош дўст эди, – дея Шарпани қизиқтириш учун кўшиб қўйдим. – балки, кейинроқ жиянингизни олиб келар.

Шарпа чироқ нурлари жилваланиб турган қадаҳга анча пайт хаёлчан термилиб турди-да:

– Қани, шуни олайлик-чи, бир гап бўлар, – деди.

Мен Шарпага бошқа имкон қодирмаслик учун яна пишанг бердим.

– Биласиз, Еркўргон “Заготзерно”си, ҳувв, аввалги заиф, ерпарчин ташкилот эмас. Йирик, нуфузли корхонага айланди. Кўриқдаги “Заготзерно” ҳам филиал сифатида Еркўргонга бўйсунади. Жойларда йирик дон қабул қилиш пунктларимиз бор. Шўртандаги элеватор ҳам Еркўргоннинг тасарруфида. Ҳуллас, бундай улкан ҳудудни бошқариш учун ташкилотда кўп йиллардан бери ишлаган, уни ичдан яхши биладиган, тушунадиган, билимдон, ҳалол, мард кадр керак. Панжиевнинг иқтидорига қобилиятига кўзим етгани учун уни тавсия қилияпман. Яна ўзларингиз биласизлар. Очиги, менга заррача қизиғи йўқ. Ишдан ҳам, корхонадан ҳам кўнглим совиди.

– Яхши, – деди Шарпа бир бўлак яхна гўштни иштача билан чайнар экан, – Панжиевни қўллаб-қувватлаймиз, лекин сизни ҳам қўйиб юбормаймиз.

– Нега? Қанақасига?

– Вилоят ҳокимлигига бўлим бошлиғи лавозимини эгаллайсиз.

– Нурали Шириновичнинг курсисиними?

– Ҳа, бу одам анча қариб қолди. Қарашлари эскича.

– Эътибор учун раҳмат, – дедим акахонимнинг асл муддаосини англааб.

Таклифини рад этганимданми ё асл мақсадини се-зиз қолганимданми, Шарпанинг жаҳли чиқди.

- Күп таранг қилманг, сизга муносиб лавозим бу.
- Раҳмат, мен бу соҳадан буткул кетмоқчиман.
- Режаларингизни билсак бўладими?
- Моддий бойликлар яратиш йўлида қўлдан келганича хизмат қилдик, - дедим олма бўлагини оғзимга солиб. – Энди маънавий бойликларга ҳисса қўшиш йўлида уриниб кўрмоқчиман.

У афт-ангоримга қизиқиши ва таажжуб билан тикилди.

- Китоб ёзмоқчимисиз?
- Балки китоб ёзарман, балки кинофильмлар устидаги ишларман.
- Ўзингиз биласиз, - деди Шарпа тунд бир қиёфада,
- бир марта таклиф қиласман, кейин пушаймон чекиб юрманг.

Мен аввал бошида Шарпа билан учрашувни режалаштирганимда вилоятда куч-кудрати, таъсири чексиз акахоним билан жанжаллашишни, керак бўлса, муштлашишни кўнглимга туккан эдим. Қизик, негадир алам-изтиробларим қайларгадир йитиб кетди. Алланечук хотиржам тортиб қолдим. Ҳатто кўнглимнинг қай бир бурчида қувонч учқунлари милтиллаб турарди. Ҳойнаҳой, бунинг боиси Шарпага Равшан Панжиевнинг номзодини маъқуллатганим эди. Ахир ўн тўрт йил давомида не бир заҳматлар, не бир машаққатлар эвазига барпо этилган корхона ишончли шогирд, оқил ва тадбиркор иним кўлига ўтади! Бу мен учун улкан ғалаба! Шарпа ва унинг ҳамтовоқлари шохида юрса, мен баргида ҳаракат қилдим.

## 16

*Сўнгги саҳифани ҳам ўқиб тугатдим. Деразадан кўз ташладим. Гира-шира тонг оқариб келарди. Муздек эпкин пардаларни тортқилаб ўйнайди. Кўнглимга алланечук маъюслик оралади. Мени яна хаёл олиб қочди.*

Албатта, хабарим бор, воқеалар шу билан поёнига етгани йўқ.

Ўшанда корхонада катта мажслис бўлди. Вилоят ҳокимлигидан, туман ҳокимлигидан масъул ходимлар келишиди. Идорамизнинг йиғинлар зали иштирокчиларга тўлиб-тошди. Мажслисда ташкилий масала ҳам кўрилиши, Еркўргон дон тайёрлов корхонасига ўн тўрт йил раҳбарлик қилган Шахриёр Эшбекович Холёров ўз ариза-сига кўра эгаллаб турган лавозимидан озод этилиши энг сўнгги дақиқалардагина корхона жамоасига маълум бўлди.

Йиғилишини кузатув кенгashi раиси олиб борди. Масъул ходимлар бирин-кетин минбарга қўтарилиб, аввал ғаллачилик соҳасидаги ютуқлар, бу борадаги давлат сиёсати, олдда турган вазифалар ҳақида гапиришиди. Сўнгра Шахриёр Холёров фаолиятига тўхталиб у киши шаънига мақтovлар, илиқ сўзлар айтшиди.

Бошқача таърифлагандага, мажслиснинг ташкилий масала кўриладиган қисмига Холёровнинг этини ўлдириб боришиди. Еркўргончасига айтганда, тўйболани чуброндан аввал алдаб-сулдаб тўшакка ётқизишиди.

Кўзда тутилган режаларга асосан, бошқа вазифага ўтказилаётганлиги сабабли Шахриёр Эшбекович Холёров Еркўргон дон тайёрлов идораси бошлиги лавозимидан озод этилганлигини таъкидлади. Холёров ўрнига ушбу корхонада узоқ йиллар бош ҳисобчи сифатида фаолият юритган Равшан Эргашевич Панжиев номзодини таклиф этди. Таклиф гўёки овозга қўйиш орқали тасдиқланди.

Мажслис сўнгига Шахриёр Эшбековичга зар чопон кийгизилди, галма-гал у кишининг қўлини қисиб хайрлашган бўлишиди.

– Мен нима ҳам дейишим мумкин, – дея гап бошлади таклифларга кўра сўнгги сўз учун минбарга чиқкан Холёров. – Мени қўкларга қўтариб мақтаганларингиздан

аввал қувондим, сұңг ҳайрон қолдим. Шунчалар яхши, шунчалар оқыл бүлсам, нега мени ишдан бўшатишяпти, деган ўй хаёлимдан ўтди.

*Зал гурр кулиб юборди.*

– Албатта, бу ҳазил, – деб сўзида давом этди Холёров қулгулар, ғала-ғовурлар босилгач, – ҳаммасини түғри тушунаман. Раҳбариятнинг қарорини мамнуният билан қабул қиласман. Юқоридаги шаънимга айтилган олқишилларга, илиқ мақтovларга чиппа-чин ишонган ҳолда таъкидламоқчиманки, демак, бу корхонада беҳуда юрмабман. Шу эл учун, шу юрт учун қўлдан келганича хизмат қилибман. Шунинг ўзи ҳам катта гап. Эътиборларингиз учун раҳмат.

Залда яна хушхандон қулгулар, гулдурос қарсаклар жарапнглади. Йиғиндан сўнг ҳөвлига чиққан аҳли мажлис кичик бир оломон бўлиб турган корхона ишли-ходимларига йўлиқди. Уларнинг ранг-рўйларидан, гап-сўзларидан норизолик, ноҳушлик аломатлари сезиларди.

– Мажлис қарорига қўшилмаймиз!

– Бизнинг Холёровга тегманглар!

Ишчиларнинг шу тарздаги хитоблари тобора авж оларди. Қаердандир етиб келган фермер Супиев раҳбарлар олдига отилиб чиқди.

– Холёров ўз аризасига қўра бўшатилган бўлса, бизнинг шикоят-аризамизга қўра уни яна жойига тиклайсизлар, тамом-вассалом! – деди у қўлларини пахса қилиб.

Вилоят ҳокими ўринбосари туман ҳокимига ноҳуш кўз ташлади.

– Бу нима гап?!

Туман ҳокими сал нарида турган милиция мундиридаги зобитга ишёра қиласди.

– Нега қақайиб турибсиз?

Вазиятнинг кескин тус олаётганини сезган Шаҳриёр Эшбекович олдинга чиқди.

— Илтимос, сизлар безовта бўлмангизлар. Ўзим ҳамасини тинчитаман.

Раҳбарлар дарвоза томон юришиди. Холёров ўз ишчи-ходимлари қуршовида қолди.

— Шаҳриёр ака, нега ишдан кетдингиз?

— Биз билан бирга бўлинг!

— Керак бўлса, Президентга арз қиласиз!

Шу тарздаги ғала-ғовурни Холёров бир амаллаб тинчитди.

— Аввало, мени қўллаб-қувватлаганларингиз учун раҳмат, дўстларим! — деди у тўлқинланиб. — Айни пайтда мени яна бир марта қўллаб-қувватлашингларни истайман.

— Айтинг, тайёрмиз! — деди кимдир баралла.

— Панжиеев атрофига бирлашинглар! Корхона учун, мамлакат манфаати учун ишланглар. Ана, ўшандада мен бир оз сайд қилиб, яна қайтиб келаман!

Оломон гурр қулиб юборди.

## 17

Мана, орадан ҳаш-паш дегунча олти ой ўтди. Шаҳриёр Эшбекович Холёровнинг йўқлигига қўникишимиз қийин бўлди. Тўғри, Равшан Панжиеев ҳар жиҳатдан Шаҳриёр ака сингари иш юритади, биз у киши қиёфасида собиқ раҳбаримизни кўргандай бўламиз. Балки бунинг ҳам ўзига яраша ҳикмати бордир.

Шаҳриёр ака қундалиги ҳануз менда. Ўзи сўраган пайт қайтараман. Аммо ҳозирча у киши корхонамизга келмади. Биламан, ишлари кўп. Пойтахтда қандайдир маданий муассаса очган деб эшишдим. Ўша ташвишларда юрган бўлса керак.

Куни кеча оламшумул воқеа юз берди. Вилоят халқ депутатлари сессияси бўлиб ўтди. Унда мамлакат Президенти шахсан қатнашиб вилоят прокурорини кескин

тапқыд қилди, әгаллаб турған вазифасидан озод этди. Үнинг устидан жиноят иши очилди. Сал кейинроқ, зұра-  
вон прокурорнинг гумашталари сифатида Шарпа ва  
яна бир қанча шахслар ҳам ҳибсга олинди. Бу воқеалар-  
дан негадир қувониб кетдим. Қандайдир қасос лаззати-  
ни ҳис этдим. Ҳойнахой, бу воқеалардан Шаҳриёр Холё-  
ров ҳам хабар топған бўлса керак! Қизиқ, у киши қандай  
муносабат билдирган бўлса?!

Мен чидаёлмадим. Шаҳриёр аканинг ёзув дафта-  
рини яна қўлга олдим. Сўнг қизил сиёҳ билан бир саҳифа-  
ни тўлдириб, қинғир-қийшиқ эмас, равон, чироили ҳусни-  
хатда ёзиб қўйдим:

*“Бегоналар юрмас бу ерда!”*



## ИШ ОДАМИНИНГ ИЧКИ ОЛАМИ

Бир вақтлар “ишлиб чиқариш адабиёти” деган сиёсий-эстетик мартабаси баланд атама бўларди. Бу турга мансуб битикларда меҳнат қаҳрамонларининг меҳнат жараёнлари, ишилб чиқаришни юксалтириш йўлидаги курашлари акс этарди. Уларда кўпинча қаҳрамонларнинг руҳий дунёси, ички кечинмалари тасвири ўрнига меҳнат ютуқлари, юқори кўрсаткичларга эришиш йўлини ифодалаш устуворлик қиласарди. Одамнинг ўзи, унинг кўнгил ҳолатидан кўра меҳнати муҳим бўлган шароитда, табиийки, бундай битикларнинг бозори чаққон эди. Бу хил асарларнинг қаҳрамонлари яшаш учун ишлашмас, балки ишлаш учун яшарди гўё. Улар ишдан, меҳнат ютуларини кўпайтиришдан бошқа нарсани ўйламасдилар.

Ўзгарган миллий тафаккур меҳнат ва меҳнатчига муносабат борасида ҳам жиддий эврилишларни юзага келтирди. Эндиликда одамнинг ўзи, унинг ўй-хаёллари, орзу-умидлари бош қадрият санала бошлади. Бугуннинг кишиси ўзига, биринчи навбатда, одам, ундан кейингина ишловчи деб қарайдиган бўлди. Бундай тарзи тафаккур бадиий адабиётда ҳам акс этиши керак эди. Таниқли ёзувчи Луқмон Бўрихоннинг “Бегоналар юрмас бу ерда” деб номланган романи иш одамига янгича муносабат ўз бадиий ифодасини топганлиги билан эътиборни тортади.

Асарнинг бош қаҳрамони Шахриёр Холёров – меҳнаткаш одам. Лекин у меҳнат килишни мақсад эмас, балки одамлик ва одамийликни намоён қилиш воситаси, деб билади. Аслида-ку берилган буйруқ ёки топшириқни айтилганидай бажариш ҳам меҳнаткашлик. Шахриёр бундай

бўлишни истамайди, бундай бўлолмайди. У фикр кишиси сифатида меҳнат шунчаки кун кўриш йўли эмас, балки одамни улуғлаш, унинг имкониятларини юзага чиқариш воситаси бўлишини истайди. Шунинг учун ҳам юборилган жойда эмас, балки кўнгли тилаган жойда юраги буюрганидай фаолият кўрсатишга уринади.

Тўлигича иш одамининг ўй-хаёллари, қувончу изтироблари тасвирига бағишлиланган асарнинг *“Шом шафаги осмон этагига қондек сачраб кетган талош пайтида у кетди. Машинасининг йигидан қизарган кўздек чироқлари кўринмай қолгунча изидан қараб қолдим”* тарзида лирик йўсинда бошланишидаёқ роман муаллифининг асар концепциясини ўзгача белгилагани сезилгандай бўлади. Шахриёр романда ўйлаб ишлайдиган, ишлаб яшайдиган фикр кишиси сифатида тасвиrlenган. У иш жараёнининг ўзини самарали ташкил этиш билан кифояланмайди, балки меҳнатнинг улкан натижаси бўлишини, бу натижа ишлаганларга тўқислик келтиришини истайди ва бунинг йўлинни топишга интилади.

Романда бош қаҳрамон Шахриёрнинг ҳамиша эзгуликка интилиши тасвиrlenади. Айни вақтда, бугуннинг одами сифатида у эзгулик қилибгина қолмай, уни асраш, ҳимоя қилиш керағлигини ҳам билади. Кўпинча бадиий асарларнинг эзгу ишлар қилгувчи қаҳрамонлари унинг ҳимоясини ўйламасдилар. Гўё яхшилик қилишнинг ўзи кифоя ва эзгулик ўз-ўзини сақлай биладигандек. Бунда илоҳий қадарга ишонч ҳам бор эди, албатта. Тинимсиз ўзгариб турадиган бугунги шиддаткор замоннинг одамлари қилган эзгуликларининг мева бериши, адресатларга етиб боришини ҳам ўйлаши керак бўлмоқдаки, Луқмон Бўрихон янги романида айни шунга интиладиган шахс тимсолини яратди.

Шахриёр Холёров одамларнинг, жумладан ўзининг ҳам, қачондир эмас, айнан бугун инсонга муносиб ҳаёт кечиришини истайди. Бу истакка қарши турган кимсаларни қандай куч қай йўсин ҳаракатлантираётганини билади ва ҳамиша ўзининг ҳимоя кўрғонини ҳам тиклаб қўяди. Негаки, айнан эзгулик кўп даражадаги ҳимояга муҳтоҷ

эканини яхши билади. Шу боис уни на текширувчилар, на юқоридаги амалдорлар, ва на қора күчлар йўлидан қайтара оладилар.

Одамга хос туйғуларни фоят чукур билишини олдинги асарларида ҳам кўрсатган адаб Холёровнинг ҳаётга, ишга муносабатини романтик бўёқлар воситасида кўрсатмайди. У фақат кўзда тутилган ишни ташкил қилиш билан қаноатланмай, тадбиркорликни йўлга кўйиш, корхонанинг турли тармоқларини ривожлантириш ташвишида югуриб-елар экан, бошқалар билан бирга ўзини ҳам унумайди ва буни яширмайди. Худди шу ҳолат қаҳрамоннинг чиндан ҳам ҳалол ва мард одам эканини кўрсатади.

Луқмон Бўрихон элсуяр, юртсевар тадбиркор замондош образини яратар экан, аввало, унинг ҳам оддий одам эканини, барчага хос тушунчалар, туйғулар қувончу изтироблар унга ҳам бегона эмаслигини ишонарли кўрсатади. Ҳатто, қаҳрамоннинг ҳамишалик ҳаётий шиори ҳам баландпарвоз эмас, балки жуда рўзгорий-маиший: дастурхондаги емакка қўл узатищдан олдин сен ҳам унга нимадир кўйгин. У ҳамманинг тўкин яшшини истайди, бироқ текин яшамоқчи бўлғанларга қарши курашишдан қайтмайди.

“Бегоналар юрмас бу ерда” романида эгаманликнинг илк оғир ва мураккаб давридаги ҳаёт акс этади. Жамият ҳаётида адолат қарор топмаган шароит таъмагир амалдорлар, зўравон хукуқ-тартибот ходимлари, ҳеч қандай маънавий-ахлоқий тақиқларни тан олмайдиган юлғичлар қавми кўпайишига сабаб бўлди. Уларнинг ҳалқقا, жумладан, тадбиркорларга ҳам жабр-зулм ўтказмаслиги мумкин эмасди. Бу ҳақда бугун юксак минбарлардан туриб айтилаётган танқидий фикрларга барчамиз гувоҳмиз. Аччиқ ҳақиқат, оғрикли бўлса-да, очиқ тилга олинаётгани ўша иллатларнинг бартараф этилишига умид пайдо қиласди. Луқмон Бўрихоннинг янги романида ўша машаққатли давр манзаралари чизилади.

Ерқўрғон дон тайёрлов идорасига раҳбар қилиб тайинланган Шахриёр Холёров корхонада ишлаб чиқаришни йўлга кўйиш, тадбиркорликни ташкил этиш учун зарур ислоҳотлар ўтказишига уринади. Аммо унинг холис ва да-

дил хатти-ҳаракатлари маълум қора кучларнинг кескин қаршилигига дуч келади. Улар турли важ-корсонлар билан Холёровнинг режаларини йўққа чиқаришмоқчи бўлишади. Зеро, бундай кучларга юрт ободлиги, ватан равнақи эмас, жиғилдон тўқлиги муҳим. Шахриёр қаршисидаги тўсиқларни енгигб ўтишга уринади. Ишчанлик, ҳалоллик, етук салоҳият ўз меваларини беради. Холёров одалар кўнглига йўл топишни истайди ва бунинг уддасидан чиққани учун ҳам ютуқларга эришади. Лекин у ўз замонининг одами сифатида одамлар кўнглига йўл топишда фақат чақириғу тарғибот йўлидан эмас, балки амалиётчи-прагматикларга хос усуллардан ҳам бўйин товламайди. Ёзувчи одам руҳиятини теран билгани учун ҳам қаҳрамон атрофидаги одамлар билан муносабатларни кескин драматик коллизиялар фонида тасвирлайди. Асардаги ҳар бир тимсол - ўзига хос бетакрор шахс.

Луқмон Бўрихоннинг “Бегоналар юрмас бу ерда” романни ҳам бошқа асарлари каби шавқ билан ўқиласди. Асар сюжети қизиқарли ва таъсирчан, курилиш архитектоникиси пухта бўлгани учун ўқувчини беихтиёр ўз ортидан эргаштиради. Бу – ёзувчининг иқтидори, маҳорати натижаси, албатта. Сўнгра у асар қаҳрамони ва унинг атрофидаги одамларни жонли кишилар сифатида аниқ кўз олдига келтира олган. Шунинг учун ҳам романдаги барча персонажлар ўз қиёфаси, ўз сўзлаш йўсуни, ўзига хос тутумга эга қилиб тасвирланган. Ҳатто, бир умр ўзига хос қиёфаси йўқлигидан азоб чекиб, ёзғириб юрадиган Жуман ҳам битикда бетакрор шахс сифатида акс эттирилган.

Тилдаги, ифодадаги равонлик, жозиба, тиниқлик ўқирманни ўзига ром этади. Луқмон Бўрихон – адабий даврларда руҳият рассоми сифатида тилга олинадиган ижодкор. Ёзувчидаги худди шу хислат мазкур романда ҳам якқол кўзга ташланади. Масълан, туман прокурори ҳузуридан тушкун, эзгин кайфиятда чиқсан Шахриёрнинг руҳий ҳолати қўйидагича тасвирланади: “Мен қачон, қай тарзда прокуратурадан чиқиб кетганимни эслай олмайман. Қарасам, машинада ўтирибман. Қарасам, катта йўл бўйлаб елиб боряпман. Беихтиёр

*радио мурватларини бурадим. Менга халоскор мусиқа керак! Менга юпатувчи, таскин берувчи сеҳрли садолар, оромижон оҳанглар керак! Бироқ, минг ағсуски, радио бироз хириллаб тургач, аллақандай сурбет нотиқ мамлакатда амалга оширилаётган қонун устуворлиги ҳақида тўлиб-тошиб гапира бошлади. Дарҳол радио унини ўчирдим. Машина шитоб елиб бораради. Йўл ёқаларидаги дараҳт шохлари ўнгу сўлимда худди кескир қиличдек силкинади. Қаршимдаги қўёш нурлари кўзимга найзадек санчилади. Мен бамисли кўру кардай борарадим”.*

Бу тасвиirlарда тимсолнинг руҳият дунёси, остин-устун бўлган туйғулар олами яққол акс этади.

Романдан бунга ўхшаш таъсирли тасвиirlарни кўплаб келтириш мумкин. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш ўринлики, асаддаги Шахриёр ва Жана муносабатлари тасвири ҳам ўзига хос чиққан. Муаллиф ортиқча тафсилотларсиз, нозик имо-ишоралар билан икки қалб ўртанишларини, бир-бирига талпинишларини, қувончу изтиробларини чиройли ифодалай олган. Муаллиф бу ҳолат тасвирида ҳам юрилган йўлдан бормайди. Бир-бирига қанчалик муносиб бўлмасин, бу икки қалбнинг қўшилиши мумкин эмаслиги ориқча оху воҳларсиз ўта ишонарли кўрсатиб берилади. Асарнинг бу ўринлари ўз-ўзидан эркак ва аёл муносабатлари борасида кўпчиликда шаклланган олдинги тасаввурларга таҳrir киритиш лозим, деган фикрни пайдо қиласди.

Романдаги Шарпа образини ўзбек адабиётидаги янгилик дейиш мумкин. Кимлиги, нималиги кўпчиликка очиқ маълум бўлмагани ҳолда одамларнинг ҳаётига таъсир кўрсата оладиган, уни ўзи истаган йўлга сола биладиган одам тимсоли романчилигимизда илк бора ишланди. Адолатга эмас, кучга таяниладиган шароитда бундай кимслар пайдо бўлиши аён. Аммо ундейларнинг эсда қоладиган адабий сиймоси энди яратилди.

Шунингдек, романдаги Фозил, Нозимхон Жалилов, Жана, Жуман Тиллаев каби образлар ҳам тиниқлиги, характерли жиҳатлари билан ўкувчи ёдида қолади.

Албатта, катта ижодий юмушда маълум камчиликлар бўлиши табиий ҳол. Жумладан, ушбу романда ҳам айрим кусурлар, маромига етмаган ўринлар учрайди. Асар реал одамлар ҳаётида юз берган реал воқеаларга асослангани сабаб бўлса керак, асарда ёзувчи бадиий фантазияси одатдагидай эркин парвоз қилмаётгандай туюлади. Шунингдек, адебнинг шу каби йирик насрый асарлар яратишда ўта муҳим саналган бадиий тўқимадан унчалик эркин фойдалана олмагани ҳам сезилиб туради. Айрим ўринларда публицистик оҳанг, кўпсўзлилик кўзга ташланадики, бу ҳол битик бадиий нафосатига бир қадар зарар етказади. Аммо юқорида тилга олинган етишмовчиликларга қарамай, Луқмон Бўрихоннинг “Бегоналар юрмас бу ерда” романни сўнгги йиллардаги замона қаҳрамони акс этган яхши асарлар сирасига киради деб бемалол айтиш мумкин. Асар ўкувчига шунчаки бадиий завқ бериб қолмасдан, уни мушоҳадага чорлайди. Ҳаёт, тириклик, жамият ва ўзи ҳақида жиддий фикр юритиб, тегишли хулосалар чиқаришга ундейди. Асарнинг таъсир кучи, тарбиявий кудрати айни шунда кўринади. Кўркам сўз мухлисларини бугунги иш одамининг ҳаёти, ҳис-туйғулари, ички олами ҳаққоний акс этган жозибали ва қизиқарли роман билан кутлайман.

**Қозоқбой Йўлдош,  
адабиётшунос**

*Адабий-бадиий нашр*

**Луқмон БҮРИХОН**

**БЕГОНАЛАР  
ЮРМАС БУ ЕРДА**

*Роман*

*Расмларни Аслиддин Калонов чизган.*

*Мұхаррир Дилрабо Минғбоева  
Бадиий мұхаррир Ақбарали Мамасолиеев  
Мусаҳых Қурдона Омонаев  
Саҳифаловчи Нодир Сувонов*

**«MASHHUR-PRESS NASHRIYOTI»**

Нашриёт лицензияси: № AI 282. 11.01.2016

100129, Тошкент, Марказ-15, 1/90-үй.  
e-mail: mashkhur-press@mail.ru

Босишига 2018 йил 6 июнда рухсат этилди.  
Бичими 84x108  $\frac{1}{32}$ . Офсет босма. «Cambria» гарнитураси.  
Шартли босма табоги 17,64. Нашриёт босма табоги 18,48.  
Адади 2000 нусха. Буюртма рақами

**«PRINT LINE GROUP» ХК босмахонасида чоп этилди.**

Адиб ға  
жасият

Р о м а н

БЕГОНАЛАР  
юрмас бу ерда



«MASHHUR PRESS»

ISBN 978-9943-5568-8-1



9 789943 556881